

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЗИЁДУЛЛА МУҚИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА  
ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**

**ТОШКЕНТ  
“АДОЛАТ”  
2003**

**Муқимов Зиёдулла.**

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик.- Т.: “Адолат”, 2003. - 280 бет.

Сарлавҳада Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети

**ББК 66.0 (5У) я 73+**  
**67.3 (5У) я 73**

*Олий ўқув юртлари аро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш Раёсати қарорига мувофиқ ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.*

Мазкур дарслик қадимги даврлардан энг янги тарих давригача Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишга бағишланиб, унда ўқув курсининг дастурига мувофиқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ўзига хос хусусиятлари, қадимги даврдаги ҳуқуқ, ҳуқуқнинг юридик ва ўрганиш манбалари, уларнинг асосий белгилари, Мовароуннаҳр фикҳ (ҳуқуқ) мактаби, унинг йирик вакиллари мерос қолдирган асосий асарларнинг ҳуқуқий мазмуни очиб берилган. Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган давлатларнинг ташкил топиши, ижтимоий-сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқи, классик тарихчилар асарларига суянган ҳолда тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ёритилган.

Ушбу дарслик олий юридик ўқув юртлари талабалари, бакалавр ва магистрантлари, аспирантлар ва илмий тадқиқотчилар, шунингдек, давлат ва ҳуқуқ тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор **Ғафур Абдумажидов** умумий таҳрири остида.

*Тақризчилар:* Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор **Ҳ.Б.Бобоев**, юридик фанлари доктори, профессор **Л.М.Охунжонов**.

М 1202000000 - 005 – 2003  
(04) 2003

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2003

## СЎЗ БОШИ

“Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”<sup>1</sup>. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги асосига қўйилган бу ғоялар унинг ташкил топиши жараёнидаёқ Республика Президентини томонидан ишлаб чиқилган эди. Ана шу буюк давлат, албатта, ўзининг қадимий анъаналари, бой маданий ва маънавий мероси ҳамда чуқур тарихий асосларига эга. Зеро, Ўзбекистон инсониятнинг энг қадимги маданият марказларидан биригина бўлиб қолмай, унинг сиёсий-ҳуқуқий институтлари бешикларидан бири ҳамдир. Бу ерда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш қонуниятлари ва тарихи, Миср, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон, Хитой каби қадимий давлатларники билан бир қаторда туради.

Ўтмишда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида улкан давлатлар, уларнинг давлат-ҳуқуқий институтлари, ҳуқуқ тизимлари мавжуд бўлган. Ватанимиз тарихи давлат ва ҳуқуқнинг барча шакллариغا оид кўпгина ибратли мисолларни қайд этиб, бу ерда ривожланган ҳуқуқий тизим мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам уни ўрганиш умумжаҳон давлат ва ҳуқуқ тарихи фанига муҳим ҳисса бўлиб кўшилади. Узоқ ўтмиш ва бой тарихга эга давлатимиз сиёсий мустақиллиги мустақкам қарор топган экан, энди босиб ўтилган йўл ва унинг барча йўналишлари, тараққиёт босқичларини юзага чиқариш мақсадида тарихимизнинг турли соҳаларини атрофлича ҳақиқий таҳлил қилиб, қайта ўрганиб чиқишимиз лозим. Бунинг учун эса манбалар етарли. Мустақиллик йилларида давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганиш борасида талай ишлар қилинди. Тарих ва маданиятимизга оид кўплаб бирламчи манбалар нашр этилди. Айниқса, Темурийлар даври, XIX аср охири ва XX аср бошлари тарихи янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилиб, тарихий воқеа ва ҳодисаларга янгича баҳо берилди.

Энди эса тарихчиларимиз, жумладан, ҳуқуқшунос тарихчилар олдида турган вазифа – тарихий таҳлилни бошқа даврлар бўйича ҳам илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга ошириш<sup>2</sup>, республикамиз Президентининг олимларимиз олдига қўйган “Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди?”, “Қан-

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафжура. 1-том. Т. “Ўзбекистон”, 1996, 44-бет.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998, 527-бет.

дай тарихий босқичларни босиб ўтди?” деган саволларга<sup>1</sup> илмий асосланган жавоб беришдан иборатдир. Албатта, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш бўйича аввал ҳам маълум ишлар амалга оширилган. Аммо республика мустақилликка эришгач, бунга ҳақиқий шароит вужудга келди. “Чунки шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлангирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди”<sup>2</sup>. Ҳозирда ижтимоий фанларда ҳукм суриб келган метод – ўрганилаётган воқеа-ҳодисага фақат бир томонлама – партиявий, синфий ёндашиш ёки барча ҳодисалар, ижтимоий жараёнларни бир қолип – ижтимоий-иқтисодий формациялар доирасида тушунтириб бериш йўсини ҳам емирилди. Тарихий қадриятларимизни биринчи манбаларга суянган ҳолда кенг, атрофлича таҳлил қилиш, уларга ҳурмат руҳида қарашга имкон яратилди. Шу билан бирга, тан олишимиз керакки, айниқса, ҳуқуқшунос, тарихчи олимларимиз ҳали бу борада талабалар ва илмий жамоатчилик олдида катта қарздордирлар. Чунки, шу кунгача ҳуқуқшунос талабалар учун Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихининг энг қадимги даврдан ХХІ асргача бўлган ривожланиш йўли ва ўзгариш босқичларини кўрсатиб берувчи мукамал илмий тадқиқот ҳам, ўқув курси бўйича дарслик ҳам яратилмаган. Айниқса, қадимги даврдан ХІХ асрнинг охирилари гача бўлган даврни турли тиллардаги асл манбалар асосида тадқиқ этишга таянган ишлар етарли даражада эмас. Ушбу дарслик республикамиз олий ўқув юртларида узоқ йиллар мобайнида давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назарияси фанларидан талабаларга дарс бериш натижасида ўқув курсидаги камчиликларни англаб, уни тўлдиришга интилиш эҳтиёжи туфайли яратилди. Дарсликда бой, маданий-сиёсий меросга эга бўлган мамлакатимиз тарихининг фақат бир қисми – давлат ва ҳуқуқ тарихи масалаларини мазкур фаннинг ўқув дастурига мувофиқ ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Дарсликда Республикамиздаги кўзга кўринган тарихчи, шарқшунос ва ҳуқуқшунос олимларининг асосан, ўзбек ва рус, қисман, ўзга тилларда чоп этилган асарларидан ва бошқа турли манбалардан фойдаланилди. Муаллиф ушбу дарслик билан танишиб чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган олимларга самимий миннатдорчилигини изҳор этади.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-том. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 138-бет.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Ўша асар, 133-бет.

## “ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ” ҲУҚУҚИЙ ФАН СИФАТИДА

**Фаннинг предмети ва методи.** Жамиятдан ташқари давлат ва ҳуқуқ бўлмаганидек, давлат ва ҳуқуқнинг ундан алоҳида ажралган ҳолдаги тарихи ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки давлат жамиятнинг ўз маҳсули, ўзи кашф этган сиёсий ташкилоти бўлса, ҳуқуқ унга хизмат этувчи мезонлар, қоидалар тўпламларидан иборат. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳуқуқ тарихини жамиятнинг умумий тарихига боғлиқ бўлган, уни аниқлаштириб, тўлдириб боровчи бир қисми деб қараш мумкин. Жамият тарихи партиялар ва гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш майдони бўлиб келди. Жамият вужудидаги зиддиятлар, айниқса, ҳуқуқ мезонлари (нормалар)да ўзининг яққол ифодасини топади. Чунки ғалаба қилган, уюшган куч ўз эркига, хоҳиш-иродасига қонун мақомини бериб, уни маълум бир шаклдаги ҳуқуқий ҳужжатга сингдиради ва барча томонидан бажарилишини талаб этади. Демак, ҳуқуқ мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришлар моҳиятини тушунишга катта ёрдам берадиган муҳим тарихий манба ҳамдир.

Ушбу фан босиб ўтилган йўлни ҳар тарафлама ўрганадиган умумий тарих фанидан шу билан фарқланадики, у энг аввало, фақат давлат ва ҳуқуққа оид масалаларни, яъни жамият ижтимоий сиёсий тузуми ва ҳуқуқининг асосий белгиларини ўрганади. Иккаласининг ҳам тараққий қилиши, биринчи навбатда, умумфуқаро тарихини ўрганишда ҳукм сурган удумларга, илмий тадқиқотлар сифати, кўламига боғлиқ. Шу билан бирга, ҳуқуқ тарихчиси бўлган олимлар томонидан олиб борилаётган илмий ишлар билан ҳам чамбарчасдир. Бу илмий ишлар, аввало, асосланган, чуқур таҳлил ва хулосаларга таянган бўлиши керак. Тарихий тадқиқотларда ҳаққонийлик зарурлиги ҳақида Ўзбек тарихчиси Баёний шундай ёзган эди: “Тарих китоби ёзишнинг бир шарти бор, ёзувчи тарафдорлик этмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса,

унинг сўзлари ҳеч бир олимга маъқул бўлмади”<sup>1</sup>. Яъни, тарихчи тарихий воқеаларни, маълумотларни шарҳлашда бирор географик муҳит ёки халқ манфаатларига тортмасдан, ҳолис мавқеда турмоғи лозим.

Агар илмий тадқиқотларда давлат бошлиғи – монарх ким ва қайси халққа мансуб бўлганлигидан, қачон яшаганлигидан қатъи назар, унинг даврида амал қилган, у томондан ишлаб чиқилиб, кучга киритилган қонунлар, кодекслар ёки қоидалар асослича шундай олиниб, ҳуқуқ ёдгорлиги сифатида ўрганилса, тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлардаги ҳолислик методи таъминланган бўлади.

“Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” фани ҳамда ўқув курсининг предмети ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарихий шароитда давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланишини, ушбу жараёнларнинг умумтарихий қонуниятларини хронологик кетма-кетликда, шунингдек, муайян жамиятнинг ривожланишида муҳим босқич ҳисобланган тарихий давр доирасида ҳаракат қилувчи қонуниятларни очиб бериш асосида давлат ва ҳуқуқни ўрганишдан иборат.

Тарихий-ҳуқуқий фанлардан бўлган Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи айни бир пайтда тарих фанига ҳамда давлат ва ҳуқуқ фанига алоқадордир. Аммо, энг аввало, махсус юридик фан эканлиги унинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юридик фанларнинг асосий тизимига кирган ва олий юридик таълимнинг муҳим қисмини ташкил этган ҳолда, жамиятнинг тўла тарихини ўрганадиган умумий тарихдан фарқли равишда, давлат ва юридик муассасалар ривожланишидаги тарихий жараёнларни ўрганишдан иборат ўз предметига эга. Шу боисдан давлат ва ҳуқуқнинг ривожланишидаги тарихий қонуниятларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мазкур фан ўз предмети ни ўрганишга қуйидагича ёндашади: а) давлат ва ҳуқуқ ташкил топишининг шарт-шароитлари, ўзига хос томонлари; б) муайян давлатнинг ижтимоий сиёсий тузуми; в) давлатнинг ҳуқуқий институтлари; г) ҳуқуқ манбалари; д) ҳуқуқнинг асосий белгилари.

---

<sup>1</sup> Баёний. Хоразмшоҳлар шажараси. Т. “Камалак”, 1991, 586-бет.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, у маданият, адабиёт, ижтимоий-этнографик жараёнлар тарихини ўрганмайди. Унинг асосий вазифаси жамият сиёсий тизимидаги бош институт бўлган давлат ва ҳуқуқни тарихий тараққиётда ўрганишдир.

**Бошқа фанлар билан боғлиқлиги.** “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”, энг аввало, бошқа давлат ва ҳуқуқ тарихи фанлари билан, хусусан, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фанлари билан чамбарчас боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ тарихи махсус фан сифатида барча тармоқ фанлари билан ўзаро алоқадор ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқнинг умумий тарихи ҳуқуқ тармоқларининг тарихи билан белгиланади ва ўз предметини ўрганишда улар эришган ютуқларга суянган, улардан фойдаланган ҳолда ривожланиб боради. Шунингдек, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ҳамда ўқув курси билан ҳам боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихий жараёнларни тасодифлардан ҳоли равишда акс эттирса, айни шу соҳалар тарихида уларни тарихий-ҳуқуқий метод асосида тараққиётда, хронологик кетма-кетликда ўрганиш ўз аксини топади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси умумҳуқуқий тушунчалар, категориялар ҳақида ўз тизимини ишлаб чиқадики, уларнинг барчаси давлат ва ҳуқуқ тарихида ҳам қўлланилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси билан тарих фанларининг алоқаси шу даражада мустақамдирки, ҳатто уларнинг предметини ҳам ажратиш қийин. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз объектлари бўлган давлат ва ҳуқуқ тайёрлаб, қайта ишлаб берадиган назарий хулосалар асосида юқори даражада умумлашган таҳлилни тақдим этади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи эса, алоҳида олинган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси алоҳида олинган мамлакатлар тажрибасини ўрганмайди, бу борада давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича ўтказилган тадқиқотлардан фойдаланади. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз предметини ўрганишда хронологияга амал қилмайди. Давлат ва ҳуқуқ тарихи эса статик қонуниятлар, давлат ва ҳуқуққа оид умумий тушунчалар, ҳуқуқ нормаларининг

хусусиятлари, категориялар, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий муносабатларни ўрганмайди.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи бошқа фанлар, жумладан, Ўзбекистон тарихи, археология, дипломатия, ҳужжатшунослик, манбашунослик, матншунослик, тилшунослик каби фанлар билан ҳам боғлиқ. Айниқса, мамлакатимиз ҳудудида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши, қадимги давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқига оид белгиларни фақат Ўзбекистон тарихи фанининг эришган ютуқлари асосидагина ўрганишимиз мумкин. Шу ўринда мазкур ҳуқуқий фан ва ўқув курсининг, энг аввало, Ўзбекистон тарихи фани билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Масалан, агар суғд ҳужжатларини археологлар кашф этмаган, тилшунослар суғд тилидаги ҳужжатларни ўқишни уддаламаган, тарихчилар уни баҳолай олмаган бўлсалар, биз ҳам суғд ҳуқуқини ўрганиш манбаларига эга бўлмас эдик.

**Методологик асослар.** Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилган ўзбек давлатчилиги масалалари, қонунчиликни ҳамда Ватанимиз тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ва кўрсатмалар ушбу фаннинг методологик асослари ҳисобланади. Айниқса, Президентнинг тарихий нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиё Россия томонидан мустамлака қилиб олингунига қадар мавжуд бўлган ҳамма давлатлар сулолавий ёки ҳудудий (Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари) принциплар бўйича ташкил этилар эди<sup>1</sup>, деган фикрлари ушбу давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузумини таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Ўрганиладиган воқеа – ҳодисаларнинг ҳуқуқий моҳиятини очиб берувчи, табиат ва жамият ҳодисаларини илмий билишнинг умумий методи бўлган диалектик метод Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи курсининг умумметодологик асосидир. Шунингдек, мавзуга ҳар тарафлама ва тизимли ёндашиш, қиёсий таққослаш, тизимли таҳлил, тил-мантиқ жиҳатдан ўрганиш каби хусусий-илмий методлар мавжуд. Бундан

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997, 101-бет.

ташқари, предметни ўрганишда етакчи ўрин тутувчи тарихий-ҳуқуқий метод барча тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар асосида ётади.

Тарихий метод тадқиқ этилаётган воқеанинг яшаш тарзини ўрганиш усулларини, ички ривожланишнинг бориши тўғрисидаги қонуниятлар ифодаси бўлган, хронологик узвийликда бир-бирини алмаштираётган фактлар генезисини, ҳодисалар тарихини қайта тиклаш йўли билан ўрганиш усулларини ўзида ифода этади<sup>1</sup>. Унга яқин келадиган методлардан ҳисобланган мантиқий метод эса, моҳият этибори билан тарихий шакллар, ҳалақит берувчи тасодифлардан ҳоли бўлган ўша тарихий методнинг ўзгинасидир. Уларнинг фарқловчи белгиси шундан иборатки, **биринчиси** – тадқиқот натижаларини муайян-конкрет тарихий шаклда баён қилса, **иккинчиси** – уларни мавҳум – абстракт назарий шаклда ифодалаб беради.

Ҳар қандай тарих каби ҳуқуқ тарихида ҳам хусусийлик мавжуд, унинг ўзига хос белгиси ҳам шунда. Бу шуни англатадики, ҳуқуқ тарихи вақт ва макон доирасида конкрет ҳолларга хусусий воқеаларни татбиқ этади ҳамда уни муайян ҳолатларда тушунтиришга ҳаракат қилади. Бунда турли методлардан, энг аввало, социологик усул – методдан фойдаланилади. Тарихдан фарқли ўлароқ, социология умумлаштирувчи фан сифатида ҳаракат қилиб, бир турдаги воқеаларни ўрганиш асосида алоҳида олинган воқеаларни тушунтириб бериш мумкин бўлган умумсоциологик қонуниятларни келтириб чиқаришга йўлланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқ тарихининг биринчи навбатдаги вазифаси ҳуқуқни ўрганишнинг барча методларидан фойдаланган ҳолда, алоҳида олинган юридик фактларни, ҳуқуқда бўлган ўзгаришларни тушунтириш, шунингдек, бу фактларнинг ўзаро тарихий алоқадорлигини, воқеа ривожланишининг сабабий боғланишини очиб бериш бўлса, унинг бошқа вазифаси – ўтмиш ҳуқуқини статик тарзда тадқиқ этишдир.

Ўзаро алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча миллий ҳуқуқий тизимларни, шунингдек, ҳуқуқнинг

---

<sup>1</sup> В. М. Серых. Метод правовой науки. Основные элементы, структура. М., Госюриздат, 1980, 174-бет.

умумий тарихини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки у бундай ўзаро алоқаларнинг ҳамда бир ҳуқуқий тизимнинг иккинчисига таъсирини ўрганади. Шу билан ўзаро мустаҳкам алоқадор бўлган бир-бирига таъсир ва акс таъсир этувчи алоҳида олинган миллий ҳуқуқий тизимларни тушунтириб беришга ёрдамлашади.

Тарихий-ҳуқуқий метод мажмуий – комплекс метод бўлиб, унинг унсурлари ўз предметини, яъни ўтмиш ҳуқуқини тадқиқ этиш туфайлигина бирлаштиради. Тўлалигича олганда, барча ҳуқуқий методлар реал ва идеал усуллар йиғиндисидан ташкил топади. Гарчи ўз моҳиятига кўра, бу методлар ўтмишдаги ҳуқуқий тизимларни ўрганишда қўлланилса-да, ўзгармаслигича қолади, чунки ўтмишдаги ва ҳозирги ҳуқуқий тизимлар ўртасида туб фарқ йўқ. Ҳатто тарихий-ҳуқуқий метод ҳуқуқдаги ўзгаришлар тадқиқ этилаётган вақтда ҳам қандайдир янги предметга дуч келмайди. Чунки, тарихий нуқтаи назардан қараганда, бизнинг давримиздаги позитив ҳуқуқнинг мазмунини тушунтириш янги ҳуқуқий тизимлар яратиш натижасида вужудга келган ўзгаришларни тушунтиришдан иборат.

Бунда ягона ўзига хос хусусият шундаки, тарихий-ҳуқуқий методни қўллаётган тадқиқотчи зарур далилларни йиғиш вақтида қийинчиликларга дуч келади. Агар у узоқ ўтмишга оид ҳуқуқий тизимларни тадқиқ қилаётган бўлса, мушкулотлар янада ортади. Чунки далиллар тобора йўқола бораётганлиги боис уларни билиб олиш ҳам қийинлашади. Чунки ҳуқуқ тарихчиси ҳисобланган тадқиқотчи фактларни тадқиқ этишда ҳозирги замон ҳуқуқини ўрганаётган кишига нисбатан кам маълумотларга эга бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Шунинг учун ўтмиш фактларини тадқиқ этиш ва текшириш учун аввалгилардан тубдан фарқ қилувчи махсус усуллар қўлланилиши талаб этилади. Аммо бу ёрдамчи тарихий методлар махсус ҳуқуқий усуллар ҳисобланмайди. Чунки у ўз асосига кўра, барча тарихий далилларга хос бўлади.

---

<sup>1</sup> О. Луквич. Методология права. Пер. с сербского В. Кулистинова М., “Прогресс”, 1981, 198 – 199-бетлар.

**Даврларга бўлиниши.** Мазкур фаннинг даврларга бўлиниши хусусида ягона фикр йўқ. 1969 йилда ёзилган бирдан-бир дарслик китоби ўша даврларда қарор топган жамият тарихига формациявий ёндашиш асосига қурилган бўлиб, қулдорлик, феодал давлати ва ҳуқуқи тарихи, XVI-XIX асрларда ўзбек хонликларининг ҳамда чоризмнинг мустамлақаси бўлган Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тузуми каби тўрт бобдан иборат эди. Маълумки, жамият ва давлат тараққиётига формациявий ёндашиш ўзини оқламади. Давлат ва ҳуқуқ тарихининг жамият ҳамда давлатчилик тарихи билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқиб, мазкур курс бўйича дарсликни Яҳё Фуломов номидаги “Ўзбек халқ давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинарида ишлаб чиқилган ўзбек халқ давлатчилиги тарихи концепциясида кўрсатилган тарихий даврларга мос ҳолда тузишни мақсадга мувофиқ деб топдик<sup>1</sup>. Шунга асосланган ҳолда, ушбу дарслик қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Ўзбекистонда Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши (мил.авв. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми).

2. Илк давлат уюшмалари ва ҳуқуқи (мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярми).

3. Қадимги даврда давлат ва ҳуқуқ (мил.авв. IV аср охири – милодий IV аср).

4. Илк ўрта аср давлати ва ҳуқуқи (V-VIII аср ўрталари гача).

5. Ривожланган ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи (IX-XIII асрлар).

6. Амир Темур ва Темурийлар давлати ва ҳуқуқи (XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошлари).

7. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида давлат ва ҳуқуқ.

8. XIX асрнинг иккинчи ярмида давлат ва ҳуқуқ.

Мазкур фан махсус тарихий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлганлиги учун давлат ва ҳуқуққа оид барча маълумотлар курснинг дастури доирасида хронологик узвийликда,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. 1999, 15-16-бетлар.

муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга боғлиқ ҳолда баён этилади.

Ушбу курс таркибига кирадиган боблар, мавзулар ва бандлар умумтарихий қоидаларга риоя қилинган ҳолда, узвий кетма-кетликда жойлаштирилди.

**Давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг аҳамияти.** Тарих фани инсоният тараққиёти жараёнида орттирилган тажрибаларнинг мужассам ифодаси, уларни ўзида сақловчи хазинаси бўлганидек, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳам ўз соҳасидаги кўп асрлик тажрибаларни ардоқлаб асрагувчидир. Зотан, тарих фанига кўпинча инсониятнинг хотираси, жаҳон ижтимоий тажрибасининг улкан лабораторияси сифатида ҳам қаралади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи англаб олиниши лозим бўлган қадрият ва маълумот берувчи восита эканлиги туфайли инсоннинг тарихий онгини шакллантиришда муҳим восита – қурол вазифасини бажаради. Энг аввало, шуни айтиш лозимки, бўлғуси мутахассис-юрист давлат ва ҳуқуқ, ҳуқуқий институт ҳамда атамаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақидаги умумий билим ва маданиятни айнан шу фандан олади. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихига оид давлат ҳуқуқий институтлари, атамалар, тушунчалар билан танишиб, уни жаҳондаги бошқа мамлакатларникига қиёс этади ҳамда ўзини махсус билимларни ўзлаштиришга тайёрлайди. Айниқса, 2700 йиллик давлатчилигимиз тарихи ва тажрибаси, унинг ўзига хос томонлари билан танишди. Демак, соддароқ қилиб айтганда, ушбу ўқув курси талабанинг умумюрidik тайёргарлигини юксалтириб, ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланишига ёрдам беради. Жаҳон юридик таълими тизимида баъзи юридик ўқув курсларини ўқитиш яқинда йўлга қўйилган бўлса, давлат ва ҳуқуқ тарихини ўқитиш икки юз йилдан ортиқ тажрибага эга. Ушбу фанни ўқитиш катта тарбиявий билим берилиши, тарихнинг англаниши ва методологик аҳамияти билан қадрлидир. Талаба уни ўқиш орқали ҳуқуқни – жамиятнинг умумий шароитлари билан мустаҳкам алоқада бўлган давлатнинг ривожланиш хусусиятларини ҳис этиб, уларга тирик организм сифатида қарайдиган бўлади.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Республикамизда давлат ва ҳуқуқ тарихини илмий жиҳатдан ўрганишда ҳамда давлат ва ҳуқуқ тарихи ўқув курсини яратишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Х.С.Сулаймонова (1913-1965), Академиянинг мухбир аъзоси О.Э.Эшон (1916-1992), Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Х.С.Саматова (1917-1993) ва академик Ш.З.Ўразаевларнинг ҳиссалари жудда каттадир. Шунинг учун ҳам уларни ҳақли равишда Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ тарихи фани ҳамда ўқув курсининг асосчилари деб аташ лозим. Муҳтарам олимларимиз иштироки ва раҳбарлиги остида бу борада катта илмий тадқиқотлар олиб борилди, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилиниб, қатор мақолалар, монографиялар чоп этилди. Ўзбекистонда Чор Россиясининг жазо сиёсати, мусулмон ҳуқуқида жиноят ва жазо, суд тузилиши масалаларининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ёритиб берилиши ўзбек юридик фанининг ташкилотчиларидан бўлган Х.С.Сулаймонованинг хизматидир<sup>1</sup>. Олимнинг ҳаётий далилларга бой, биринчи манбаларга таяниб ёзилган асарларида кўпгина ҳуқуқий манбалар илк бор муомалага киритилган. Туркистонда ер ҳуқуқий муносабатлари, ер ҳуқуқи, унинг ўзига хос томонлари, ер эгаллиги шакллари каби масалаларнинг илмий ифодаси бу соҳадаги таниқли олим профессор И.Ж.Жалиловнинг қаламига мансуб бўлиб, унинг ишлари ҳам илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди<sup>2</sup>. М.Восиқованинг ишларида собиқ шўролар даврида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик фаолиятига доир кўпгина манбалар таҳлил этилиб, хронологик узвийликда ёритилган, шунинг учун ҳам ўз даврида ҳуқуқ тарихини ўрганишда қўлланма аҳамиятига эга илмий иш бўлиб хизмат қилди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Х. С. Сулаймонова. Собрание сочинений. В-3- х т. (Под общ.ред. проф. М.Х.Хакимова) Т., Фан, 1967, 1971.

<sup>2</sup> И. Ж. Жалилов. Основные черты земельного права дореволюционного Туркестана, Т., "Фан", 1960.

<sup>3</sup> М. С. Васикова. Законодательная деятельность Узбекской ССР. Т., "Узбекистан", 1973

О. Эшонов, Х. Саматова, Ш. Ўразаевлар томонидан рус тилида ёзилган “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” асари мана чорак асрдирки, библиографик камёблигига қарамай, курснинг янги тарих давригача бўлган воқеаларни ўрганишда талабалар учун дарслик сифатида қўлланиб келинмоқда<sup>1</sup>.

Мазкур иш шўролар даврида ёзилган бўлса-да, унда, асосан, ҳозирги Ўзбекистон доирасида ташкил топиб, фаолият кўрсатган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузumi, уларнинг ҳуқуқи, хусусан, мусулмон ҳуқуқи масалаларига ҳам эътибор берилган. Унинг Темур тузуклари, мусулмон ҳуқуқининг белгилари, Туркистон ўлкасининг бошқарилиши ҳақидаги қисмлари ҳали ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг асосчиларидан бири профессор О.Э.Эшонунинг деярли барча илмий ишлари шу фан муаммоларига бағишланган. Олимнинг Бухоро хонлиги, унинг ижтимоий-сиёсий ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, бошқарув аппарати, ҳуқуқининг белгилари каби масалаларга бағишланган қатор ишлари чоп этилган. Айниқса, унинг “Бухоро Халқ Совет Республикаси”<sup>2</sup> деб аталган тадқиқоти бу ҳақда тўлароқ маълумот беради.

Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий тузumi Х.Саматованинг ишларида ўз ифодасини топди. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий, давлат тузumi ва ҳуқуқ манбалари биринчи манбалар асосида ёритиб берилган<sup>3</sup>. Бу ишлар илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ва қайта-қайта нашр этилди, монография ҳамда дарсликларга киритилди.

Ўзбекистон доирасида суд тузилиши ҳамда процессуал ҳуқуқ масалаларини ўрганишга профессор Ф.С.Бакиров

---

<sup>1</sup> История государства и права Узбекистана. Учеб. для студ. юрид. учебных заведений. Часть 1, (Под ред. А.А.Агзамходжаева) Т., “Ўқитувчи”, 1969.

<sup>2</sup> А. И. Ишанов. Бухарская Народная Советская Республика. Т., “Фан”, 1969.

<sup>3</sup> Х. С. Саматова. Основные черты общественно-государственного строя Хивинского ханства. Т., 1958.

маълум даражада ўз ҳиссасини қўшди. У чоризм Туркистонидagi суд тузилиши, қози ва бийлар суди, бу судларда иш кўриш, далиллар каби масалаларни архив материаллари асосида ўрганиб, юрист олимлар орасида биринчи бўлиб рисола ёзиб, чоп эттирди<sup>1</sup>.

Республикамиз олимларининг илмий ишлари натижаланиб, 1958-65 йилларда Х.С.Сулаймонова ва О.Э.Эшоннов таҳрири остида тўрт китобдан иборат йирик илмий ишлар эълон қилинди. Дастлабки китобининг биринчи бўлими биз қизиқаётган муаммо, яъни энг янги тарих давригача Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихига бағишланиб, унда Х.С.Сулаймонова, О.Э.Эшоннов, Ш.З.Ўразаев, Х.С.Саматова, Ф.С.Бакиров, Ф.Х.Сайфуллаев, Т.А.Аюбов, Х.А.Ёкубовларнинг ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий тузуми, чоризм Туркистонидa суд, фуқаролик суд юритиш ҳуқуқи, фуқаролик ва оила-никоҳ ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи масалаларига бағишланган илмий мақолалари нашр этилди<sup>2</sup>. Иккинчи бўлими Туркистонда 1917 йил октябрь давлат тўнтариши ҳамда совет ҳуқуқининг яратилиши масалаларига, қолган уч китоби эса энг янги тарих, собиқ шўро давридаги Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихига бағишланган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон ҳуқуқи тарихининг турли давларида ҳуқуқ тармоқларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ундаги ўзгаришлар ҳамда назарий масалаларни ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар яратилди. Буларга: А.А.Аъзамхўжаев, Ғ.А.Аҳмедов, Т.А.Аюбов, Ҳ.Б.Бобоев, Т.А.Жалилов, А.Жўзжоний, Л.М.Охунжонов, М.М.Файзиев, У.Т.Тожиқонов, О.Ҳ.Расулов, Ф.Х.Сайфуллаев, Ж.Т.Тошқулов, И.Б.Зокиров, М.Х.Ҳақимов, У.Чориёров ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Бу илмий асарларда ҳуқуқ тарихининг турли муаммолари ва унга оид назарий-амалий хулосалар ишлаб чиқилдики, улар республикамиз олий юридик ўқув юртлиридаги давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича нашр

---

<sup>1</sup> Ф.С.Бакиров. Чор Туркистонидa суд, шариат ва одат. Т., "Фан", 1967.

<sup>2</sup> Материалы к истории государства и права Узбекистана. Сб. науч. труд. (Отв.ред. Х.С.Сулаймонова, А.И.Ишанов). Т., "Фан", 1958.

этилган монографиялар ҳамда дарсликларга киритилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Республикамининг мустақилликка эришуви ҳамда шу тўғрисида ўтмиш меросимизга илмий жамоатчилик эътиборининг янада кучайиши давлат ва ҳуқуқ тарихи муаммоларини ўрганишда янги бир давр бошланганлигидан дарак берди. Профессор А.Х.Саидовнинг бу борадаги ишлари диққатга сазовордир. Олимнинг “Мусулмон ҳуқуқининг асослари”, “Бурҳониддин Марғиноний – буюк фикршунос” каби илмий ишларида ҳамда У.Т.Тожиқонов билан бирга яратган икки жилдлик “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” дарслигида Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихининг илмий-назарий муаммолари кўтарилиб, ҳал этилган. Шунингдек, профессор Ж.У.Тошқулов билан ҳамкорликда яратилган ишлари дастлабки ўқув қўлланмалардан бири сифатида фойдаланишдадир<sup>1</sup>.

Ҳозирда Самарқанд Давлат университети юридик факультети олимлари томонидан ҳам баъзи илмий тадқиқотлар якунланиб, монография ва рисолалар чоп этилди<sup>2</sup>. Шунини таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг ўн йиллик даври мобайнида ҳимоя қилинган диссертациялар ва нашр этилган ишлар асосан, шариат ҳуқуқининг баъзи масалаларига бағишланган. Ўзбекистонда яшаб ижод этган фикршуносларнинг асарлари, фатволар тўпламлари, Ўзбекистон ҳуқуқини ўрганиш манбалари, давлатшунослик ва давлат ҳуқуқий институтлари тарихи (масалан, отабеклик, иноқлик), қадимги давлатлар, уларнинг ташкил топиши, ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий одатлар, ҳунармандларнинг рисолалари (асл манбалар асосида), Бироқ Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими давридаги қарамлик ҳуқуқини ўрганишга ҳозиргача кам эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, бу борадаги бирин-

---

<sup>1</sup> А. Саидов. Основы мусульманского права. Курс лекций. Т., Акад. МВД. Респ. Ўзб., 1995, 112 стр, Бурҳониддин Марғиноний-буюк фикршунос (шариат ва ўзбек миллий маънавий-ҳуқуқий мероси, тарихий лавҳалар). Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1997; Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1,2 жилдлар. Т., “Адолат”, 2001.

<sup>2</sup> З. Ю. Муқимов. Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихий манбалари. С., “Зарафшон”, Мовароуннаҳр фикр мактаби. С., 1997; Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи (монография). С., 1998.

чи манбаларни таржима этиб, тадқиқ қилиш ва нашр этиш давр талабидир.

Юқорида санаб ўтилган адабиётлар, Қуръони карим ва ҳадислар тўпламлари, классик тарихчиларнинг асарлари, Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг йирик олимлари – фақиҳларнинг асарлари, тузган қўлланмалари, ҳуқуқий ёдгорликлар, эълон қилинган суд-нотариал, вақф, савдо, ер ва бошқа масалаларга оид юридик ҳужжатлар, давлат бошлиқларининг ёрлиқлари, “Темур тузуклари” каби давлат-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар ушбу дарсликнинг илмий асоси, ҳақиқий манбалари бўлди.

Мазкур ишни ёзишда, энг аввало, истиқлол шарофати билан ўзбек тилида нашр этилган биринчи манбалардан фойдаланилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда тарих фанини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшган олимларнинг асарлари, жумладан, А.А.Асқаров, Б.А.Аҳмедов, Н.Я.Бичурин, С.П.Толстов, О.И.Смирнова, Ф.Ф.Мўминова, И.М.Мўминов, Я.Ф.Фуломов, М.О.Охунова, Ҳ.З.Зиёев, Р.Н.Набиев, М.Й.Йўлдошев ва бошқаларнинг тадқиқотларисиз ҳам ушбу ишни бажара олмаган бўлур эдик.

Дарсликни яратишда, айниқса, ҳукуматимизнинг тарих фанини ривожлантириш борасидаги қарорлари ҳамда мустақиллик йилларида пайдо бўлган ўнлаб янги асарлар, жумладан, Азамат Зиё,<sup>1</sup> Абдуқаҳҳор Иброҳимов<sup>2</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари, кўп жилдли “Ўзбекистоннинг янги тарихи”<sup>3</sup> каби китоблардан, шунингдек, бизгача турли тилларда етиб келган, анчагина қисми тадқиқотчилар, республикамиз олимлари томонидан ўзбек ёки рус тилига таржима қилинган юридик ҳужжатлар, айниқса, вақфномалар, суд-нотариал ҳужжатлари, васиқалар, давлат бошлиқларининг фармонлари ҳамда тархон ёрлиқларидан фойдаланилди.

---

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) Т., “Шарқ”, 2000.

<sup>2</sup> Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким ўзбеклар. (Миллий давлатчилигимиз ҳақида мулоҳазалар). Т., “Шарқ”, 1999.

<sup>3</sup> Мустақил Ўзбекистон тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамалакчилиги даврида, Т., “Шарқ” 2000; Учинчи китоб Т., “Шарқ”, 2000.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТЧИЛИККА  
ЎТИЛИШИ*Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари ва  
иккинчи ярми*

Жанубий Сибирдан Ҳиротгача, Шарқий Хитойдан Ёйиқ (Волга) дарёси бўйларигача бўлган жуда катта ерлар ва тоғ ҳамда воҳаларни ўз ичига олган Марказий Осиё, жумладан, унинг таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистон тарихий вилоятлари инсоният маданияти, унинг сиёсий-ҳуқуқий институтларининг ҳам бешиқларидан биридир. Бу ер, бир томондан, ғарб давлатлари, иккинчи томондан, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишда боғловчи бўлган сифатида хизмат қилиб келган. Шунинг учун ҳам бу ерда яшаган халқларнинг Олд Осиё билан этнографияк-дунё алоқалари чуқур бўлиб, Ҳинд-Европа давридан ҳам олдинга бориб тақалади. Бу даврда яшаган қабилаларни ҳисобга олмасдан Олд Осиёдаги яфетейлар қабиласи ва улар томонидан тузилган давлатларнинг келиб чиқиши масаласини ҳал этиш мумкин эмас (С.П.Толстов). Аммо бу воқеаларни аниқ тушунтириб берувчи тарихий манбалар бизгача жуда кам етиб келган.

Аждодларимиз бундан ярим миллион йиллар муқаддам икки азим дарё – Укуз (Амударё) ва Инжу Укуз (Сирдарё) оралиғида ҳамда унинг теварак-атрофида яшаганлар.

Милоддан илгариги IV мингинчи йилларда яшаган қабила ва уруғларнинг номлари бизгача етиб келмаган. Баъзи бир фикрларга кўра, ўша даврларда бу ҳудудларда массагетлар, аланлар ва саклардан яшашган. Милоддан аввалги III-II мингинчи йиллар – неолит даврида ибтидоий жамоа тузуми мавжуд бўлиб, она уруғи (матриархат) кучли бўлган. Икки мингинчи йилларга келиб жездан ясалган қуроллар билан овчилик ва деҳқончилик қилиш кенг ривожланган. Ўша даврда яшаган энг қадимги аж-

долларимизнинг турмуш тарзига келсак, водийларда асосан, ўтроқ ҳаёт кечирилган бўлса, даштликларда кўчманчилик, ярим кўчманчилик ҳукмрон эди. Аҳоли ўтроқлигининг асоси деҳқончилик бўлиб, Амударёнинг қуйи оқими, хусусан, Хоразмда бундан IV минг йиллар аввал суғорма деҳқончилик урф бўла борган. Таниқли олимимиз археолог Я.Фуломов бундан III минг йиллар илгари аجدодларимиз Чирчиқ дарёсини тўғон билан тўсиб ва кетмон билан ариқ қазиб, Тошкент воҳасига сув олиб келиш орқали уни обод қилганлигини исботлаб берган. Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида аجدодларимиз терини қайта ишлашни ўрганганлар. Шу вақтларда ўлкада Хоразм, Бақтрия, Ария (Ариана), Парфия, Гиркания, Маргиёна каби тарихий-географик вилоятлар мавжуд бўлган. Милоддан аввалги VIII-VII асрларда шаҳар маданияти тараққий топиб, Самарқанд шу даврлардаёқ шаҳар қиёфасига эга бўлган. Хива, Бухоро, Термиз, Ҳазорасп, Шаҳрисабз (Кеш), Қува каби шаҳарларга ҳам асос солинган.

Қадимги Хитой сулолалари тарихи, йилномалари – Бейшу, Сейшу ва Таншуларни тадқиқ қилиб, уни рус тилига таржима қилган хитойшунос олим Н.Я.Бичурин (1777-1853) энг қадимги туркий халқларнинг авлодлари милоддан аввалги XXV асрларда “Ханхидан Қошғаргача, ундан бутун Туркистоннинг осмонўпар тоғлари орасидаги воҳалари, Помир тоғларининг ғарбий текисликлари, Аму ва Сирдарё ҳавзалари, Орол ва Каспий денгизининг бўйлари, Урал ва Олтой тоғларининг ёнбағирларигача”<sup>1</sup> бўлган ерларда яшаганликларини исботлаб берган.

Ҳозирги ўзбекларнинг энг қадимги авлодлари бўлган туркий қабилалар узоқ ўтмишдаги массагетлар, саклар, аугасийлар, апасиақларнинг авлодларидир. Массагетлар ҳомийси қуёш худоси ҳисобланган. Туркий халқларнинг ҳам асосий дини табиатга, қуёшга сифинишдан иборат

---

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х частях. Ч.1. М.-Л., 1950, 50-бет.

эди. “Улар эрталаб қароргоҳдан чиққанларида кўтарилиб келаётган қуёшга таъзим қилганлар”<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Хоразмда кўп йиллар мобайнида археологик тадқиқотлар олиб борган профессор С.П.Толстовнинг кўрсатишича, “улар ҳам барча қадимги туркий халқлар каби ўз йўлбошчиларини ябғу (кейинчалик подшолар унвонига айланган) деб атаганлар. Хитойча талаффузда қадимги даврларда яп-хэу, кейинчалик хи-хэу, ҳинд ёзувлари ва кушан тангаларида явуга шаклида қўлланилганлиги тўғрисида кўпгина маълумотлар учрайди. Жумладан, Помпей Трог: “Скиф (сақ)лар Парфия ва Бақтрия давлатига асос солганлар”, – деб ёзади. Қадимий қабилалар ҳисобланган скифлар бу жиҳатдан мисрликлар билан беллашади” (Филлипин тарихи)<sup>2</sup>. Милоддан аввалги IV-III мингинчи йилларда қадимги Месопотамияда ўзларининг қудратли давлатларини қурган шумер (сумер)лар тили ҳатто ҳозирги туркий тилга жуда ўхшашлигидан келиб чиқсак, олимнинг фикри тўғридек кўринади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди мураккаб этнографик жараёнларни бошидан кечирган жуда кўп халқлар учун макон бўлган ва инсониятнинг энг қадимги ўтроқ деҳқончилик ҳамда кўчманчи чорвачилик маданиятига асосланган ўчоқларидан биридир. Бу ерда туркий халқларнинг авлод-аждодлари билан бирга жуда қадим замонлардан, милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг ўрталаридан Шарқий Эрон тиллари гуруҳига кирувчи лаҳжаларда сўзлашувчи ҳинд-европа қабилалари ҳам бирга янаб келишган.

Жаҳоннинг қадимий маданиятли халқларидан ҳинд-европа оиласига мансуб бўлган ҳинд-эроний халқларнинг ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий тузуми, турмуш тарзи, Марказий Осиёга кўчиб жойлашувларини ёритиб берадиган манбалар бизгача кам етиб келган, лекин бу ҳақда зардўштиларнинг муқаддас китоби “Авесто”да қисман маълумот келтирилади.

---

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Ўша асар. 1-қисм, 376-бет.

<sup>2</sup> Древние авторы о Средней Азии (VI в. До н.э.- III в. н. э.). Хрестоматия. Под редакцией Л.В.Бажева. Т., Госполитиздат. 1940, 25-бет.

Қадимги даврларда эронийлар ва ҳинд-эронийлар ёки ҳинд-орийлар бир халқни ташкил қилиб, кейинчалик улар тили ва дини фарқланадиган икки халққа: ҳинд-орийлар ва эронийларга бўлиниб кетган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, улар Жанубий Рус даштлари ва Волганинг шарқий томонларида, Жанубий Сибирда яшаб (Арқайм ёдгорлиги), асосан, чорвачилик билан шуғулланганлар. Уларнинг жамияти ярим кўчманчи чорвадорлар, қоҳинлар, чўпонлар, жангчилар ва овчилардан иборат бўлган. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг сўнгги (кечки) қисми бўлган Видеват (Вендидат)нинг “демон” (девлар)га қарши қонунлар қисмида эронийларнинг мифологик ватани Арийанам Ваэджо (Зариане-Вэедью) деб аталганлиги, унга 17 мамлакат кириши кўрсатилган. Инглиз олимаси М.Бойснинг таъкидлашича, ҳинд-эрон халқларида милоддан аввалги IV-III мингинчи йилларда диний удумлар мустақкам ўрин олган бўлиб, бизнинг кунгача етиб келган ва Ҳиндистондаги брахманлар ҳамда Эрондаги зардуштийлар ҳаётида ўз аксини топган.

Ўзларини “ориён” деб атовчи ҳинд-эроний қабилалар милоддан аввалги II мингинчи йилликда, бронза даврида, яъни жанговор аравалар давридаёқ Марказий Осиё орқали жанубга кўча бошлаганлар (бу биринчи миграция бўлиши мумкин). Улар, археологларнинг илмий тадқиқотларига қараганда, ўзлари кўчиб жойлашаётган жойлардаги ривожланган маданиятни емириб ташлаганлар. Ҳинд цивилизациясидан деярли минг йилларча кейин кетма-кет кўчиш тўлқинлари билан шимоли-ғарбдан кириб келганлар. Ҳинд дарёси воҳасида ана шу маданиятдан гувоҳлик берувчи милоддан аввалги III минг йиллик ўрталари ва II минг йиллик бошларига оид “Мохенджедаро аҳолиси” ҳисобланган дравидларни Ҳиндистоннинг туб аҳолиси деб аташимиз мумкин.

Шимоли-ғарбдан кириб келган орийларнинг Ҳинд дарёси воҳасида маҳаллий аҳоли – дравидлар билан қоришиб кетиши натижасида ҳинд халқи ва ҳинд маданияти ташкил топган. Уларнинг номларини қабул қилиб олган “орийлар” шундан кейин ўзларини “ҳинд-орийлар” деб атай бошлаганлар.

Эронийлар эса жануби-ғарбга бурилиб, ҳозирги Эроннинг тоғолди ҳудудларига кўчиб (иккинчи миграция) жойлашганлар, улар, М.Бойс таъкидлаганидек, “Авесто” халқини ташкил қилиб, асосан, Эрон ва Марказий Осиёда қўним топганлар. Бу вақтда Ғарбий Эронни милоддан аввалги XX асрда босиб ола бошлаган ғутий қабилалари, шунингдек, шумерлар, аккадлар, бобилликлар жойларини милоддан аввалги XIII асрларгача босиб олган касист қабилалари ҳукмрон эди.

Шарқий Европа, Ўрта ва Марказий Осиёда қолганлари эса мидияликлар, форслар каби эроний халқларни ташкил қилган. Улар кўпроқ ҳозирги Эроннинг Парсуа вилоятида жойлашган.

Эроний қабилаларнинг Марказий Осиёнинг жануби ва Эрон тоғолди ҳудудларига ёйилиши, чўл шароитида ривожланган иқтисодий ишлаб чиқариш – деҳқончиликка ўтиш тахминан милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Ана шу даврларда милоддан аввалги 1500-1200 йилларда зардўштийлик динининг асосчиси бўлган Зардўшт – Заратуштра яшаган. II мингинчи йилликнинг ўрталарида ҳинд-эроний қабилалар орасида юз берган иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар, кўчиб жойлашишлар, уларнинг биринчи подшоси Йима бўлганлиги бу халқларнинг муқаддас китоби “Авесто”да ўз ифодасини топган.

Деярли уч минг йиллик тарихга эга бўлган, икки миллион шеърӣ мисрадан иборат “Авесто”да худолар ва маъбудлар ҳақидаги афсона ва ривоятларни, диний гимн ва ақидаларни ўз ичига олган Зардўштийлик диний қарашлари билан ҳуқуқӣ онг ва қарашлар чамбарчас боғлиқдир. Зеро, иккаласининг ҳам манбаи бир, яъни “Авесто”дир. Бу диннинг гоёси шундан иборатки, табиат ва жамиятда икки асосий куч – яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш боради. Яхшилик худоси Ахурамазда осмонда, ёмонлик худоси Ахриман ерда, одамлар орасида яшайди. Ер ҳамма вақт ана шу кучлар ўртасидаги кураш майдони бўлиб келган. Мазкур китоб милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, ҳуқуқӣ муносабатлар ҳақида биринчи манба сифатида қимматли маълумотларни беради. Уларга қараган-

да, уруғ жамоаси – айрим оилаларнинг бирлашмаси (нимана), уруғ бошлиғи (пати)дан иборат бўлган, уруғ бирлашмалари эса қабила (занту)ни ташкил қилган. Вилоятлар – дахью, бир неча вилоят уюшмаси – дахьюсасти, бошлиғи – данху пати деб юритилиб, қабилалар иттифоқи бошида шоҳ (кави) турган. “Авесто”да тасвирланган жамият уч асосий (тоифага) кастага: қоҳинлар, аскарлар, деҳқонларга бўлинган<sup>1</sup>. Қуллар ҳам мавжуд бўлиб, улар вира, вайса, париятлар номи билан юритилган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларида ҳозирги Ўзбекистон халқлари асосан, суғориб деҳқончилик қилинадиган воҳаларда, бақтрияликлар ҳозирги жанубий Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистоннинг шимолида, суғдиёналиклар Ўзбекистон ва Тожикистоннинг марказий вилоятларида, хоразмийлар эса Хоразм вилоятида яшаганлар. Парфиялик ва марғиёналиклар эса Жанубий Туркменистон ва Шимолий Эрон доирасида истиқомат қилганлар. Улар атрофидаги дашт, чўл-саҳроларда, тоғолди ҳудудларида сак ва массагет қабилалари яшаган. Бу даврда амалда бўлган доимий диний эътиқодга келсак, аҳоли орасида зардуштийлик, ободончилик ва фаровонлик худоси Анахита, куёш ва ёруғлик худоси Митра, бахт, толе ва давлат худоси Ҳумо қабиларга сизиниш мавжуд эди. Уларда давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлишини баҳссиз тасдиқлайдиган маълумотлар жуда кам. Шу нарса шубҳасизки, табиий-географик шароитига кўра, бу жойлар инсоният бешикларидан бўлган, шунинг учун ҳам бу ерда вужудга келган инсонлар жамияти ва маданияти, ижтимоий-сиёсий тарихи Қадимги Миср, Бобил, Хитой ва Ҳиндистонникидан кеч бўлиши мумкин эмас. Ҳозирги Ўзбекистон доираси эса, шу даврлардан Турон деб атала бошлаган. М.Бойснинг кўрсатишича, турклар, туронликлар, асосан, кўчманчилардан иборат бўлган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> С. П. Толстов. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.-Л., “Наука”, 1948, 97-бет.

<sup>2</sup> М. Бойс. Зароастрийцы. Верования и обычаи. 2-е издание. Пер. с англ. И. М. Стеблин-Каменского М. “Наука”, 1988, 172-бет.

## ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ. ИЛК ДАВЛАТ УЮШМАЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ

### *Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярми*

Марказий Осиё ҳақидаги бизнинг билимларимиз инсоният тараққиётининг қадимий ўчоқларидан ҳисобланган Месопотамия, Хиндистон ва Эрон билан яқинлашганда ойдинроқ тус олади. Оссурия давлати ўзининг энг қудратга тўлган даврларида – милоддан аввалги VIII-VII асрларда Шарқнинг узоқ бурчақларигача ўз мулкларини кенгайтирган. Марказий Осиёнинг гарбий қисмлари ҳам унинг таркибига кирган. Миср фиръавнлари ва Оссурия подшолари саройида Бадахшондан чиқадиган лаъл (ляпис лазурит) мавжудлиги Оссурия ва Миср каби қадимий маданият марказлари билан Марказий Осиё яқин алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Милоддан аввалги VII-V асрларда Марказий Осиёни Мидия давлати, кейинчалик Эрон Аҳамонийлар давлати босиб олади. Шундан кейин Марказий Осиё ҳақидаги маълумотлар улардан юнонларга ўтади (Геродот, Ктезий, Страбон асарлари). Бу даврларда Марказий Осиё турли қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, кенг ҳудудларни эгаллаган ва қабилла бошлиқлари томонидан бошқарилган. Инсонлар асосан, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Деҳқончилик билан машғул асосий аҳоли Хоразмда – Амударёнинг қуйи оқимида, Бақтрия ва Суғдиёнада жойлашган. Ижтимоий ҳаётнинг асосий шакли қишлоқ жамоаси ҳисобланган. Суғориш иншоотларини қуриш билан боғлиқ деҳқончиликнинг ривожланиши билан бирга уруғ зодагонлари – аристократияси шаклланган.

Милодий I минг йиллик ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё ҳудуди ўша даврнинг кучли давлатларидан бири сифатида Мидия ҳукмронлигига қарши курашларда вужудга келган ва Кир II томонидан асос солинган Эрон Аҳамонийлари империяси босқинига учради. Беҳистун қоясидаги ёзувларда улар Бобил ва мисрликлар билан

бирга Парфия, Хоразм, Бактрия ва Суғдиёнани босиб олганлиги ҳақидаги маълумот тошга ўйиб битилган. Аммо Марказий Осиё халқлари, айниқса, эрксевар сак ва массагетлар уларга қарши кураш олиб бориб, Кир II қўшинларини икки марта мағлубиятга учратадилар ва унинг ўзини жангда ўлдирадилар. Милоддан аввалги 522 йилда унинг ўрнига ўтирган Доро I га қарши сак қабилаларининг қўзғолони бўлиб, уни бостиришга бир неча йил кетади. Эронликлар бу ерларни ўз ноибликларига айлантирадилар<sup>1</sup>. Ноиблар ўзларига бўйсунган вилоятларда умумий бошқарувни қўлларига олган бўлсалар-да, алоҳида қабила ва жамоаларнинг ички ишларига аралашмаганлар. Маҳаллий йўлбошчилар ҳам ўз мавқеларини сақлаб қолиб, форс подшоси фойдасига солиқ тўплаганлар. Форслар ҳукмронлигининг охириги юз йиллигида уларга қарши қўзғолон вужудга келади. Айниқса, Александр Македонскийнинг Марказий Осиёга босқини арафасида уларнинг ҳокимияти жуда заифлашиб қолади.

Аҳамонийлар империяси маъмурий жиҳатдан 20 сатраплика – сатрапияга бўлиниб, шундан Марказий Осиё тўрт сатраплик (ҳарбий ва солиқ тўлаш юзасидан)ни ташкил қилади. Сатрапликлар, сатрап (форсча хшатрапа) томонидан бошқарилиб, у кўпинча, шоҳ оиласи аъзоларидан тайинланган. Унинг ваколатига сатраплик (вилоят)ни маъмурий жиҳатдан бошқариш, лозим ҳолларда аскар тўплаш, солиқларни ундириш, фуқаровий ва ҳарбий маъмуриятга раҳбарлик қилиш каби масалалар кирган. Булардан ташқари, сатраплар мис ва кумуш тангалар зарб қилиш ваколатига ҳам эга бўлганлар.

Эронийларнинг икки юз йилга яқин ҳукмронлиги (550-330 йиллар) Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий тузумига катта таъсир кўрсатди. Бу эса, кейинчалик, Марказий Осиёнинг қадимги тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган европалик олимларнинг ҳар бир тарихий далилни эронийлар билан боғлаб шарҳлашларига олиб келди.

Милоддан аввалги 329-327 йилларда юнон подшоси Александр ҳар сафар унинг зулмини ағдариб ташлаётган

---

<sup>1</sup> Древние авторы о Средней Азии. 4-бет.



Сугдиёнани уч марта қайта босиб олишга мажбур бўлади. Юнонлар босқини ва давлатига, Александрнинг юришларига оид маълумотларда Марказий Осиё алоҳида ўрин тутди. Арриан, Квинт, Курций асарларида, Плутархнинг “Таржимаи ҳол”, шунингдек, Диадор, Страбон асарларида шу даврга оид маълумотлар айрим парчалар тарзида учрайди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги VII асрларда ташкил топган илк давлат бирлашмалари қадимги Хоразм ва Бақтрия давлатларидир.

## 1. Қадимги Хоразм давлати

Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон ал-Берунийнинг бизгача баъзи парчалари етиб келган “Хоразм тарихи” номли асарида қадимги давр воқеалари қисман ёритилган. Алломанинг кўрсатишича, қадимги хоразмийлар ўз йил ҳисобларига эга бўлиб, аҳолининг улар мамлакатига кўчиб жойлашиши даврларидаёқ Хоразмда қабилалар уюшмаси (конфедерацияси) вужудга келган. Жумладан, массагетлар уюшмаси таркибига дербиклар, апасиаклар, аттасийлар, хоразмийлар, аугасийлар (аугаллар) сингари қадимги қабилалар кирган. Зардўштилик динининг удумлари ва унинг муқаддас китоби “Авесто” Хоразмга алоҳида эътибор беради. Унда кўрсатилишича, эронийларнинг афсонавий подшоҳи Йима томонидан бу ерда зардўштиликнинг муқаддас оловларидан бири қоҳинлар тоифасининг ҳомийсига нисбат берилиб, Хурдад олови деб аталган олов ёқилган. Қадимги Хоразм тадқиқотчиларидан ҳисобланган немис олими А.Маркварт, Хоразм тимсолида бошқа тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган фикрни, яъни “Авесто”да кўрсатилган мамлакат Арийанам-Ваэджа<sup>1</sup> зардўштиликнинг олий худоси Аҳурамазда томонидан яратилган шимолий, совуқ мамлакат деб тасвирланган аҳоли яшайдиган биринчи вилоятни кўради. Ривоятларга кўра, Зардўшт шу ерда туғилган.

---

<sup>1</sup> С. П. Толстов бу сўзни “янги арриана” “хурритларнинг янги мамлакати”, “қуёш халқининг ери” тарзида таржима қилади (Қаранг: По следам древнехоразмийской цивилизации. М.-Л, 1948).

Абу Райҳон Беруний ўз асарида зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” хусусидаги маълумотларни, шунингдек, Марказий Осиё халқларининг қадимги қаҳрамонлик дostonларида келтирилган мифологик қаҳрамон Сиёвуш ибн Кайковус Сиёвушийлар сулоласига асос солганлиги ҳақидаги ривоятларни келтиради.

Кейинчалик, деб кўрсатган Беруний, хоразмликлар форсларнинг “шоҳ” унвонини олиб, мамлакатни бошқарган Кайхусрав сулоласидан бўлган ҳар бир подшонинг “ҳукмронлик йиллари” асосида йил ҳисоби юритишни одат қилиб олганлар. Яъни, бутун қадимги Шарқда мавжуд бўлган удумларни подшолар ҳукмронлик қилган йилларга қараб ҳисоблашга ўтилган.

Қадимги Хоразмда суғориш тизимларининг ривожланиши бу ердаги ижтимоий-сиёсий тараққиётда юз берган бурилишларнинг сабабчисидир. Ибтидоий ҳарбий-демократия ўрнига VII-VI асрларда Хоразмда кучли давлат вужудга келади. Аммо бу давлатда ҳали уруғдошлик шакллари ва жамоанинг матриархал удумлари сақланиб қолган эди. Аҳамонийлар давлатидан олдин ҳам Хоразмда унинг гегемонлиги остида Суғдиёна (Зарафшон воҳаси), ҳозирги Жанубий Туркменистон, шимоли-шарқий Эрон, ғарбий Афғонистон) ҳудудларини бирлаштирган қудратли давлат бўлганлиги ҳақидаги фикр биринчи марта А.Маркварт томонидан илгари сурилган. Мазкур фикр, энг аввало, ёзма манбалардан “Авесто” маълумотларида, шунингдек, С.П.Толстов томонидан 1937-1947 йилларда бутун Хоразм воҳасида атрофлича олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тасдиқланади.

Хуллас, милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида, аниқроғи VII асрлардаёқ мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ узил-кесил вужудга келган дейишга ҳақлимиз<sup>1</sup>. Суғориш, деҳқончиликнинг ривожланиши ва йирик иншоотларнинг қурилиши, қабилалар уюшмаларининг ташкил топиши, шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳамда ташқи душманлардан ҳимояланиш эҳтиёжи бунинг асосий сабаблари бўлди. Давлат эса, жамоат ишларини

---

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ” 2000, 27-бет.

уюштирувчи сиёсий ташкилот сифатида шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилар эди.

Профессор С.П. Толстов Хоразм тарихининг Хоразм-шоҳлар – Ануштегинийларгача бўлган даврини қуйидаги тарихий-маданий даврларга бўлган: а) Ахамонийлар даври, эрамизгача VI-IV асрлар – давлатнинг пайдо бўлиши; б) Эллин маданияти, Кангюй – милоддан аввалги IV-I асрлар; в) Кушонлар даври – милоддан аввалги I-III асрлар – антик Хоразмнинг ривожланиши; г) Кушон Африғийлар даври – V-IX асрлар, ўрта аср муносабатларининг туғилиши; д) Африғийлар ва Сомонийлар даври – IX-X асрлар<sup>1</sup>

Қадимги муаллифларнинг кўрсатишича, милоддан аввалги VI асрда Марказий Осиёни мидияликлар босиб олганликлари тарихий далилдир<sup>2</sup>. Аммо Ахамонийлар давлатининг асосчиси Кир, гарчи Мидияни енгган бўлса-да, Марказий Осиёни қайтадан босиб олиши лозим бўлган. Фақат Доро I Гистапс давридагина (521-485 эрамизгача) бу ер узил-кесил форслар монархияси таркибига кирган. Ахамонийлар милоддан аввалги 530 йилда массагетларни бўйсундириш учун юриш қилади. Хоразмни ўз ҳокимиятига қўшиб олиб, ўзининг XVI сатраплигига айлантиради. Унинг таркибига, хусусан, Хоразм, Суғд, Парфия, Арриана кирган. Жуда катта майдонни бирлаштирган Хоразм сатраплиги XII Бақтрия сатраплигига нисбатан кам солиқ тўлаганлигига қараганда, Хоразм форслар подшосининг ҳокимиятини ўз ҳоҳиши билан тан олганлигини ҳам тахмин қилиш мумкин. Хоразм аскарлари милоддан аввалги 480 йилда Эрон шоҳи Ксеркснинг Элладага юришларида қатнашганлар. Бунда улар Артабаз қўмондонлигида парфияликлар билан бир ҳарбий кўшилмада қатнашдилар. Профессор С.П.Толстовнинг кўрсатишича, милоддан аввалги IV асрларда Хоразмнинг Эронга тобелиги ҳақида бирор маълумот йўқ. Македонияликларнинг Эронга юришлари даврида Хоразм мустақил давлат сифа-

---

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования М., Изд-во МГУ 1984., 32-33-бетлар.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. По следам древнехоразмийской цивилизации. М.-Л., 1948, 28-бет.

тида қатнашади ва милоддан аввалги IV асргача, милодий I асрларда Аҳамонийлар ҳукмронлигидан қутулган мустақил давлат сифатида Марказий Осиёда муҳим роль ўйнайди<sup>1</sup>.

Сиёвушийлар сулоласидан бўлган Африғнинг номи худди форслар подшоси Ездиржид (Ездиргид I) сингари ёмон шуҳрат топган. Удумлар Африғга Али-фир (Кат) шаҳрининг ортида, Амударё томонидан, Салавклар эраси бўйича 997 йилда бузилиб кетган ўша ҳайбатли қаср қурилишини унга йўядилар. Африғ томонидан асос солинган Сиёвушийларнинг кичик шохобчаси Хоразмда милодий 995 йилгача ҳукм сурган. Африғ қасри ва афригийлар сулоласининг емирилиши бир вақтда юз беради. Беруний бу сулоладан милодий 305-995 йилгача ўтган 22 подшоҳдан баъзиларининг ҳукм сурган йилларини хронологик тарзда кўрсатган ҳолда келтиради. Шажара Урганчнинг қудратли амири Маъмун ибн Муҳаммад қўлида ҳалок бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад билан якунланади.

## 2. Бақтрия давлати

Бақтрия қадимги Марказий Осиёнинг энг машҳур тарихий-географик (макон) вилоятларидан бўлиб, номининг шаклланиши Бақтр Балхоб дарёсининг номи билан боғлиқ. Унинг географик чегараларини жанубда Ҳиндиқуш (Парнас) тоғлари, шимолда Суғдиёна, ғарбда эса Марғиёна (Мурғоб дарёси воҳаси)гача белгилаш мумкин. Бу тарихий макон ҳам илк давлатчилик ватанларидан бири бўлиб, бу ҳақда дастлабки маълумотлар “Авесто”да учрайди. Ктесийнинг маълумотларида эса оссуриялик подшоҳ Нан Белиднинг милоддан аввалги IX-VIII асрлардаги юришларида жуда кўплаб қўшин иштирок этганлиги ва Бақтрия подшоси Оксиарт қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги тўрисида гапирилади. Аммо Бақтрияда энг қадимги даврларда ҳукм сурган сулолалар тўғрисида маълумотлар йўқ. Лекин шуниси баҳссизки, бу ерда алоҳида вилоят, ички минтақа, ҳатто шаҳар доирасида ҳам (худди Бобилдаги “номлар” сингари) давлатчилик кўринишлари

---

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. 341-бет.

мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Бақтрия Кир замонидаёқ Аҳамонийлар томонидан забт этилиб, уларнинг XII ноиблиги (сатраплиги)га айлантирилган ва йилига бу жойдан 300 талант солиқ ундириб олинган. Истилочиларнинг ҳар хил йўллар билан Бақтрия аҳолисини талаб туриши натижасида аҳамоний Артаксеркс I даврида, милоддан аввалги 462-424 йилларда аҳолининг исёни юз бериб, Бақтрия қисқа муддатга озодликка эришган бўлса-да, қайтадан улар ҳукмронлиги остига тушиб, бу ҳолат Александр Македонский – Искандар босқинига қадар давом этган. Искандар ҳал қилувчи учта жангда Эрон шоҳи Доро III ни тормор келтириб, қудратли Аҳамонийлар давлатининг асосий вилоятларини ўз салтанатига қўшиб олади. Искандарнинг Бақтрия ерига қадам қўйганини эшитган Бақтрия ва Суғдиёнанинг сатрапи Бесс Амударёдан кечиб ўтиб, Суғдиёнага қочади. Юнон аскарлари Бақтрияни ҳам тўла ишғол этиб, унинг ҳокимлигига ўз ноибини тайинлайди. Александр маҳаллий аристократияни қўллаб-қувватлаш, ҳатто улар билан қариндошчилик, мол-мулк, қўллар билан сийлаш сиёсатини олиб боради. Натижада Марказий Осиё юнонларнинг жуда катта салтанати таркибига қўшиб олинади. Фақат Хоразмгина ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Юнон-македонлар босиб олинган ўлкани сатрапликларга бўлиб, бошқара бошлайдилар. Милоддан аввалги 323 йилда, А.Македонский вафотидан кейин унинг саркардалари томонидан ҳокимият учун ўзаро кураш кучайиб, у тузган империя парчаланиб кетади. 312 йилда Искандарнинг истеъдодли саркардаларидан бири Салавкка Бобил берилгач, у тез орада ўз давлатининг чегарасини Сирдарё ва Ҳинд дарёсигача кенгайтиришга муваффақ бўлади. Салавк ва унинг ўғли Антиох I даврида Ўрта Осиё ҳудудида фақат биргина сатраплик мавжуд бўлиб, унинг таркибига Суғдиёна ҳамда Марғиёна билан Бақтрия кирган. Хоразм Салавкийларга тобе эмасди, чунки у сўнгги Аҳамонийлар ва Искандар даврида ҳам мустақил давлатлигича қолган эди. Бақтрия ва Суғдиёнани қўлаб қиритган Салавкнинг ворислари ўзларини подшо (базилевс) деб атай бошлаганлар ва давлатнинг таркибига кирган катта ўлкаларнинг ҳукмдорларини сатрап ёки стратег деб атаганлар. Жумладан, Бақтрия ва Парфия ана

---

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ”, 2000, 34-бет.

шу сатрапликлардан ҳисобланган. Бутун Салавклар давлати 19 та сатраплик ва иккита стратегликка бўлинган. Булар ичида Бақтрия сатраплари Диодот давридан бошлаб подшо Антиох II номидан танга зарб қилиб, ўзларига подшо унвонини олганлар. Аммо Антиох III Бақтрия сатрапларининг ўзларини подшо деб аташларига қарши чиқади. Бунга жавобан Евтидем I ўзини қутқариш учун: “Шарқнинг ёввойилари (варварлар) олдида давлатимизнинг қудратини ошириш учун мен шу унвонни олдим”, деб жавоб берган<sup>1</sup>. Шундан кейин улар ўртасида шартнома тузилиб, подшо унвони Бақтрия ҳукмдорларида сақланиб қолган. Бақтрияда яшовчи юнонлар эса аста-секин Салавкийлардан ажралиб чиқиб, эрамизгача 255-250 йилларда Юнон-Бақтрия подшолигини тузади. Унинг таркибига Суғдиёна ва Бақтрия, Сирдарё билан Ҳинд дарёсининг юқори оқимиларигача бўлган ерлар ва халқлар киради.

Тахминан милоддан аввалги III асрда Бақтрия Салавкийлар салтанати таркибидан ажралиб чиқишга муваффақ бўлади, бу ўзгаришга Бақтрия ноиби, юнонлик Диодот сабабчи эди. Милоддан аввалги II асрнинг 30-йилларида Бақтрия юнонликлар бошқарувидан тамомила қутулиб, шимолдан кириб келган қабилалар – юзчжелар зарбаси остида тоҳарлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, янги сиёсий бирлик – Тоҳаристон барпо бўлади<sup>2</sup>. Бақтрия Тоҳаристоннинг гуллаб-яшнаган вилоятларидан бирига айланади.

### 3. Парфия давлати

Марказий Осиё минтақасининг Атрек ва Гургон дарёларининг юқори ҳавзасида жойлашган ҳозирги Жанубий Туркменистон шимоли-шарқий Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган тарихий-географик ва илк давлатчилик ташкил топган маконлардан бири ҳисобланади. Парфиянинг қадимги давлатига оид маълумотлар Оссурия ва мидияликларнинг Марказий Осиёга қилган босқинлари ҳақидаги маълумотларида учрайди. Милоддан аввалги VIII

---

<sup>1</sup> Э. Беккерман. Государство Селевкидов. М., “Наука” 1985, 16-бет.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ”, 2000. 42-бет.

асрларда оссурияликлар Мидияга қарши қилган юришларида Парфияга ҳам бостириб кирадилар. Мидиялик Киаксар ҳукмронлик қилган милоддан аввалги 625-584 йилларда парфияликлар Мидияга бўйсундирилади. Кўп ўтмай, улар Мидия тобелигидан чиқиб, юнон тарихчиси тили билан айтганда, “ўз юртларини сақларга топширадилар”<sup>1</sup>. Мидия билан сақлар орасида бўлган урушларда Мидия давлати қулаб, Парфия мустақилликка эришади. Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи яримида Ахамонийлар томонидан босиб олиниб, шу салтанатнинг XVI округи (сатраплиги) таркибига киритилади. Милоддан аввалги IV асрнинг 30-йилларида Парфияни юнонлик Александр босиб олади. IV асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб эса, унинг аскарбошилари Салавкийлар тобелиги остига тушиб қолади. Салавкийлар ҳукмронлиги милоддан аввалги III асрнинг ўрталаригача давом этади.

Милоддан аввалги III асрдаёқ Марказий Осиёда кўчманчи қабилалар кушонлар, хуннлар ва парнларнинг қудратли уюшмалари ташкил топади. Ўтроқ воҳада жойлашишлари натижасида улар Парфия давлатининг фаолиятида муҳим роль ўйнай бошлайдилар.

Антиохнинг муваффақиятсиз юришидан кейин, милоддан аввалги III асрнинг ўрталаридан бошлаб Юнон-Бақтрия ва Парфия давлатларининг мустақил яшаши мустақамланади. Парфия Эрон ва Месопотамияни ўзига бўйсундириб, Оссурия-Бобил ва форс маданияти ўчоқларида ҳукмрон мавқени қўлга киритади.

Парфия монархияси магларга имтиёзли, фахрий ўринларни бериб, айниқса, дастлабки даврларда уларни сўзсиз қўллаб-қувватлаганлар. Бу эса парфияликларга катта фойда келтирган, яъни Бақтрия ва Салавкияга қарши курашда улар ўша пайтда ҳақиқий дин ҳисобланган зардуштийликни ўзида элтувчи ҳимоячилардан ғайридинларга қарши курашда фойдаланишлари мумкин бўлган.

Милоддан аввалги 190 йилда Магнезияда римликларнинг Буюк Антиохни тор-мор келтириши, Салавкийлар давлатига ҳалокатли зарба бўлди. Милоддан аввалги III асрнинг 40-йилларида Парфия мустақилликка эришади.

---

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ” 2000, 43-бет.

Ҳокимият Арсак (Аршак) қўлига ўтиб, Аршакийлар сулоласига асос солинади. Шундан кейин Парфия қисқа вақт ичида, милoddан аввалги II асрда Эронни, Месопотамиянинг катта бир қисмини босиб олиб, катта давлатга айланади. Парфия давлатининг пойтахти Нисодан Эроннинг жануби-ғарбий вилоятларига кўчирилади. Ҳозирги Бағдод қаршисида, қадимги Салавкия тўғрисида жойлашган Ктезифон унинг пойтахтига, Марказий Осиёдаги Парфия вилояти эса жуда катта Парфия давлатининг чекка бир вилоятига айланади.

Унинг савдо ва стратегик қисми Ғарбий Эрон, Сурия ва Месопотамия бўлиб қолади.

Парфиянинг ижтимоий-сиёсий тузумига келсак, у қулдорлик давлати бўлиб, унда: 1) зодагонлар – тўла ҳуқуқли озод кишилар, фуқаролар, жангчилар ёки катта фрактарийлар; 2) енгил қуролланган чавандозлар; 3) пелатлар, пиёда жангчилар, аслида озод, лекин шахсий қарам ҳолатига тушиб қолган кишилар; 4) қуллардан иборат табақалар мавжуд эди. Парфия ўзида юнон маданияти ижтимоий-сиёсий тузумини акс эттирган, шунинг учун уни Марказий Осиё-Эллин давлати деб аташ мумкин.

Парфияда олий ҳукмдор албатта аршакийлар хонадонидан бўлиши шарт эди. Шу билан бирга, давлат бошқарувида икки кенгаш: қабила зодагонлари (Рим муаллифлари бунини “сенат” деб аташган) ва қоҳинлар кенгашларининг роли катта эди. Янги ҳукмдор шу икки кенгаш иштирокида сайланган. Албатта, бунда аввалги ҳукмдорнинг ҳам васияти эътиборга олинган. Ушбу икки кенгашнинг давлат ҳаётида мавқеи жуда катта бўлганлиги яна шу билан белгиланганки, улар ҳатто ҳукмдорларни тахтдан тушириш ваколатига ҳам эга эдилар<sup>1</sup>.

Бу кенгашларнинг (“сенат”) аъзолари ҳукмрон сулоланнинг яқин қариндошлари ва зодагонлардан иборат бўлган. Аскарбоши Сурен улардан бири бўлиб, у машҳур Рим сенатори М.Красс қўшинларини енгган эди. Плутархнинг кўрсатишича, Сурен жангга ўз қулларидан иборат 10 минг қўшин билан келган. Унинг авлодлари имтиёзли табақа ҳисобланиб, ҳар сафар Парфиянинг янги

---

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ”, 2000, 46-бет.

подшоларини тахтга ўтқазиб маросимида тож кийдириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шу билан Парфия подшоси зодагонлар қўлидан тож олишлари рамзий бир одатга айланиб қолган. Қудратли маглар уюшмаси (коҳинлар кенгаши) билан зардуштийлик дини бу ерда катта роль ўйнаган. Маглар таъсирчан, мустаҳкам жипслашган, ёпиқ тоифа (каста) бўлиб, унинг бошлиқлари кўпинча ҳинд қабилаларидан ёлланган.

Милодий II асрнинг охири – III аср бошларида Марказий Осиё чуқур сиёсий зилзилалар даврини бошдан кечиради. Парфия давлати милодий III аср бошларида инқирозга юз тутди. Фарбда Троя ҳамда ворислари уни фарот қилдилар. Парфиянинг пойтахти Ктезифон римликлар томонидан босиб олинди. Унинг шарқий вилоятларидаги Гиркания, Ария мустақил бўлиб, Рим билан Парфияга қарши музокаралар олиб боради. Ниҳоят, 226 йилда Ардашер Папек сўнги Парфия подшоси Артабон IV ни афариши билан янги форслар ҳокимияти тикланади. Уларнинг ўрнига қудратли Сосонийлар келиб, Марказий Осиёнинг ичкарасигача ўзларининг сиёсий таъсирини ёядилар.

Марказий Осиёда яшаган халқларда, жумладан, ўзбек халқининг қадимги ажлоларида уруғдошлик тизимининг емирилиши, давлат ва ҳуқуқ ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Шарқда бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам энг қадимги давлатлар бўлган Хоразм, Бақтрия, Парфия давлатлари асосан, Аму, Сирдарё, Зарафшон каби суғорма деҳқончилик ҳавзаларида ташкил топган. Чунки ўтроқ халқнинг асосий иши деҳқончилик бўлиб, бу иншоотлар қуришни, суғоришни ташкил қилишни тақозо этар эди.

Милоддан аввалги бир мингинчи йиллар Марказий Осиё тарихидаги муҳим даврлардан бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, темирдан ясалган меҳнат қуролларининг ёйилиши, суғориш билан боғлиқ деҳқончиликнинг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг юз бериши давлат вужудга келишининг ҳал қилувчи омилига айланади. Шу билан бирга, бу жараённи тезлаштирувчи омиллар ҳам мавжуд. Милоддан аввал-

ги VIII асрда Осурия қўшинларининг Марказий Осиёга бостириб келиши уруғдошлик тузумининг емирилиши ҳамда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишини жадаллаштирган. Яъни, босқинчиларга зарба бериш мақсади маҳсус сиёсий ташкилотга уюшишни тезлаштирувчи омил сифатида хизмат қилган бўлиши мумкин.

Дастлабки вужудга келган давлатларнинг номлари этник мазмунга эга бўлмай, кўпроқ географик ва ҳудудий белгиларга эга эди. Қадимги даврда бу ерда ташкил топган давлатлар ўнлаб халқларнинг аجدодларини ва давлатларини ўз таркибида бирлаштирган ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди дастлаб Турон, Туркистон, араблар даврида Мовароуннаҳр, яъни дарё ортидаги жой, кейинчалик эса яна Туркистон деб атаб келинди. Туркистон шарқий, шимолӣ қисмларга, шунингдек, Афғон Туркистони ва Туркистоннинг ўзига бўлинган.

#### 4. Ҳуқуқнинг асосий белгилари

Қадимги давр Марказий Осиё халқлари ҳуқуқини ўрганишда “Авесто” катта аҳамияга эга. Бундан ташқари, одат ҳуқуқлари, Аҳамонийлар даврида ёзма ҳуқуқий манбалар, А.Македонский ва Юнон-Бақтрия подшолари, Саллавкийлар давлати ва Парфияда эса Юнон-Рим ҳуқуқи ҳам қисман амал қилган бўлиши мумкин. Аҳамонийлар подшоларидан Доронинг Беҳистун қояларидаги ёзувларида, китобаларда босиб олинган ўлкаларда “қонун”лар жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. “Авесто”нинг бир қанча шеърларида кишилар ўртасида талаб қилинадиган хулқ-атвор қоидалари, оила-никоҳ масалалари, жиноят ва жазо, айниқса, процессуал нормалардан ордалия (синаб кўриш, текшириб кўриш) ҳақидаги кўрсатмалар диққатга сазовор. “Авесто”да жазо бериш “диний-этник қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат” маъносида қўлланилиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англатган. Жазо, синаб кўриш диний-этник қоидалар асосида олиб борилган. Зардуштийлик диний ақидаларига кўра, инсонда учта этник ахлоқий унсур мавжуд. Булар: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш. Ҳақиқат (ашем боху) эса энг яхши эзгуликдир./

Қонун яратувчилар ва қожинлар жуда катта аҳамият берган нарса – берилган сўзнинг муқаддаслиги эди. Сўз – “аша” ҳақиқатнинг ҳаётий ифодаси сифатида ҳурматга сазовор. Икки хил мажбурият тан олинади. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш (варуна)<sup>1</sup>, унга кўра, киши бирон ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик мажбуриятини олган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, митра<sup>2</sup> деб аталган, унга кўра, томонлар ўзаро бирон нарса тўғрисида келишган. Иккала ҳолда ҳам қабул қилинган қасамда яширинча куч бўлиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. У одамга ҳамкорлик қилади, ўз сўзида қатъий турган кишини қўллаб-қувватлайди, сўзида турмаган кишини эса жазолайди. Берилган сўз, олинган мажбурият, унинг қатъий туриб бажарилиши Зардуштийлик этикодига кўра, ниҳоятда қадрланган. Диний ақидаларга биноан, табиатнинг алоҳида қонуни мавжуд бўлиб, у ҳамма нарсага тартиб беради, мазкур қонун рти (“Авесто”да “аша”) деб аталиб, инсон хулқ-атворини бошқаради. Демак, “аша” фақат ҳақиқатнигина эмас, кўпроқ ахлоқий мазмунга эга бўлган жуда кенг умумий тушунчани англатади. Ҳақиқат, адолат, содиқлик, жасурлик – инсонга хос сифатлардир. Аша – бу ҳақиқат, тартиб, ҳуқуқийлик ва ҳоказо кўплаб маъноларга эга. Ёлгон гапириш, ҳақиқатни бузиш “аша”га зиддир. У друк (“Авесто”да “друх”) деб аталган. Ахлоқий нисбатлар бўйича кишилар анъян – ҳуқуқий мос ва друкват – унга қаршиларга бўлинган<sup>3</sup>

Қасам ичиб, аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақлигини исботлаш учун ордалия ўтказиб синалган. Унинг жуда кўп турлари мавжуд эди. Улар: ўт билан синаш (“Шоҳнома”даги Судоба иғвосидан ўт билан тозаланиши ҳақидаги ҳикоя), кўкрагига қизиган темирни кўйиш кабилар. Агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда, сув билан, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синалиб, айбдор ёки гумон қилинувчининг ўзи

---

<sup>1</sup> Варуна – ҳинд-эрон сўзи “вер” – боғламоқ сўзининг ўзагидан.

<sup>2</sup> Ҳинд-ориён сўзи “мей” – “алмашиш” мазмунида.

<sup>3</sup> Мэри Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи, 2-е изд. М., “Наука” 1988, 16-бет.

ҳақлигини исботлашига имкон берилган. М.Бойс мана шундай ордалия ўтказишнинг турларидан бири Яджина валкаянинг санскрит тилидаги матнида келтирилганлигини ёзади. Унга биноан, айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шўнғиган. Шўнғиш вақтида “Варуна ҳақиқатдан мени ҳимоя қил” деб айтган. Ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган, шу пайт чопар киши ўқ кетидан югурган, агар у ўқни айбдор сув остида ўлгунга қадар келтирса, қасам худоси Варуна айбдорни афв этди ва оқлади, деб ҳисобланган.

Ўт билан синашнинг шартларидан бири шундай бўлганки, айбдор ёки гумон қилинувчи ёнаётган икки қатор палёнлар орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтиши лозим бўлиб, агар тирик қолса, шартнома худоси Митра уни айбсиз билди ёки афв этди, деб ҳисобланган. Ўт билан синашда айбдорнинг яланғоч кўкрагига эритилган мис қўйиш шакли ҳам қўлланилган. Шунингдек, қайнаб турган суюқлик (ёғ ёки сув) билан синаш, муз-сув билан синаш, маросимларни ўтказиш учун тайёрланган ўсимлик ширасини ичириб синаш, дарё сувига улоқтириб синаш каби усуллар бўлган. ✓

Ҳақиқатни юзага чиқариш йўлларида бири муқаддас саналмиш хаома (доимо яшил бўлган бутасимон эфедра ўсимлиги ширасига сут аралаштириб тайёрланган) – инсонни қўзғатадиган (маст қиладиган эмас) ичимлик ичириб, ордалия – синаш ўтказилган. “Авесто”нинг танланган гимнларида қуйидагиларни ўқиймиз:

*Хаома ичгандан сўнг,  
Ҳақиқат изма-из келар<sup>1</sup>.*

Бундан ташқари, Зароастр диний маросимларида қўлида тутиб туриладиган хивичлар боғлами (металлдан ёки йулгун, анор новдалари ҳам) бўлиши мумкин. Барсман билан уриб синаш ҳам қўлланилар эди.

“Мамлакатни ўз сўзида турмайдиган ҳаромилар бузади, улар эзгуликка мойил кишиларни ҳалок этадиган сотқинлардир. Спитамага (уруғ бошлиғи) берилган сўзга со-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Избр. Гимны. Пер. с англ. И. М. Стеблин Каменского. Душанбе. – “Адиб”, 1990. 112-бет.

диқ бўл, шартнома сўзлари иккала томон учун ҳам бир-дир”, – дейилади Митра гимнида.

Ордалия суд жараёнлари натижасида Митра ва Варуна қатл қиладиган ёки афв этадиган табиий куч – сув ва ўтни англатадиган бўла боради. У Варунаш денгизи сувларида яшайди деб ҳисобланган. Митра эса ўт худосига айланиб, барча одамлар уни оловлар ичида энг каттаси бўлган қуёшни, унинг осмондаги кундалик ҳаракати даврида ким шартномага содиқлик билдиришини ва кимлар уни бузишларини кузатиб боради, деб ҳисоблашган. Ордалия худолар ҳоҳишининг намоён бўлиши сифатида гавдалантирилади. Юқоридаги иккала худога қаратилган ва улар номидан ўтказиладиган ордалиялар фавкулудда хавфли бўлиб, уларни ўтказишда олий қоҳинлар ёки жамоа бошлиқлари қатнашишлари боис, қонунларни биладиган донишманд қоҳин образи шакллана борган. Буюк худо, донишмандлик худоси Ахурамазда (Ахура – худо, мазда – донишмандлик хожаси, подшоси маъноларида) тўғрисидаги тасаввурлар шулардан туғилиб, у Митра ва Варунадан ҳам юқори турган. Ахурамазда барча худолар ва инсонларнинг ҳаракатларини бошқаради ва раҳбарлик қилади, деб ишонишган.

“Авесто” атроф-муҳитни, ер, сув, ҳавони ифлослантиришни жиноят ҳисоблаб, бунинг учун 400 қамчи уриб жазолашни назарда тутади. Бу худди қадимги Мисрда сувни муқаддас билиб, Нил дарёсини ифлослантирганлик учун ўлим жазоси белгиланганлигига ўхшаб кетади. Мазкур жазо тан жазоси ва бошқа мажбурият билан ҳам алмаштирилиши мумкин эди. Бундан кўриниб турибдики, “Авесто” ҳуқуқ манбаи сифатида кўпгина юксак инсоний қадр-қимматлар асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган<sup>1</sup>.

Уруғдошлик даврига оид ордалия қоида ва усуллари-нинг Миср, Бобил, Хитой каби қадимги Шарқ давлатларининг милoddан аввалги III-II мингинчи йилларга оид

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна батафсил қаранг: **Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов.** “Авесто”да сиёсий-ҳуқуқий қарашлар. Давлат ва ҳуқуқ. 2000. 2,3-сонлар; **Э.В.Ртвеладзе, А. Х. Саидов. Е. В. Абдуллаев.** Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. Т., “Адолат”, 2000.

қонунларида (масалан, Ҳамураббӣ қонунлари) мавжудлиги, шунингдек, мамлакатимиз доирасида яшаган қадимий халқларнинг одат ҳуқуқларида ҳамда уларнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам чуқур акс этганлиги бу халқлар ижтимоий-сиёсий ривожланишининг Шарқ мамлакатларидаги бошқа халқлар билан бир хил қонуниятларга эга бўлганлигидан далолат беради. Демак, милоддан аввалги I мингинчи йиллардаёқ мамлакатимизда давлатчилик асослари қарор топиб, мазкур жараёнда Хоразм, Бақтрия, Парфия, Суғдиёна, Фарғона (Даван) каби сиёсий бирликларнинг ўрни катта бўлганлигини кўриш мумкин.

## ҚАДИМГИ ДАВРДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

*Милоддан аввалги IV аср охири ва милодий IV аср*

## 1. Фарғона (Даван) давлати

Фарғона минтақамизнинг энг қадимий маданий ўчоқларидан бўлиб, бу ерда тахминан милоддан аввалги II мингинчи йиллардаёқ деҳқончилик маданияти ўта тараққий этганлигини, чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандчилик соҳалари ривожланганлигини археологик тадқиқотлар тасдиқлайди. Фарғона водийсининг энг қадимги давлатлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ҳақида Хитой сайёҳлари ва йилномачиларининг эсдаликлари ҳамда археолог олимларимиз олиб борган тадқиқотлардан маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Бу ерда бизга маълум давлатни хитойлар Та Юань (Да Вань) деб атаганлар. Агар хитой тилидаги “да” сўзининг маъноси “катта”, “буюк”, “вань” сўзи эса қадимги Хитой манбаларида подшони англатишини ҳамда бу давлатда 70 шаҳар бўлганлиги тўғрисидаги ҳолатларни ҳисобга олсак<sup>1</sup>, Даванни Катта Фарғона подшолиги деб аташ мумкин. Олимларимизнинг фикрича, бу давлат милоддан аввалги II асрдан милодий III асргача яшаб, унинг пойтахти Эрши шаҳри бўлган.<sup>2</sup> У шимолда Қанғли, жанубда катта юечжелар кушонлар, шимолда усунлар (уйшунлар) билан чегарадош бўлганлиги маълум.<sup>3</sup> “Давандан бошлаб унинг ғарбидаги Аньсигача (Бухоро воҳаси) турли тилларда сўзлашсалар-да, сўзлашувда бир-бирларига жуда яқин бўлиб, ҳамма бир-бирини тушунар эди”, дейилади Хитой манбаларида. Уларни хитой тилидан рус тилига ўтирган олим Н.Я.Бичурин мазкур тилларни турк тилининг турли лаҳжалари деб кўрсатади.

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, М.–Л. 1950, II том, 187-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 161-бет.

<sup>3</sup> Ҳозирги вақтда, археолог Б. Матбобоевнинг тадқиқотларида милоддан аввалги VII-IV асрларда Фарғонада мавжуд бўлган давлат уюшмалари аниқланиб, тадқиқ қилинмоқда.

Милоддан аввалги III асрларда ягона давлат бўлиб бирлашган Хитой Хан сулоласи даврида, милоддан аввалги II асрнинг 50-40-йилларида Шарқий Туркистонни босиб олишга ҳаракат қилади. Шундан анча илгари, 139 йилда Хитой императорининг Чжан Цзянь исмили жосуси Марказий Осиёга келади ва ўз ҳукуматига қилган баёнида бу ерга муфассал таъриф беради. Айниқса, Фарғонанинг зич аҳолиси, унинг деҳқончилик маданияти улар диққатини тортган. Фарғона бу вақтда маҳаллий зодагонларнинг мустақил сиёсий бирлашмасидан иборат эди. Милоддан аввалги 104 ва 102-101 йилларда хитойликлар Фарғонани ўзиники қилиб олиш, бўйсундириш учун юриш қилган бўлсалар-да, мақсадларига эриша олмаганлар. Албатта, бу юришлар икки томонлама аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, хитойликлар Фарғонада ўзларига нота ниш бўлган маданият – пахтачилик, узумчилик ва беда етиштириш маданияти билан танишадилар ва уруф ҳамда кўчатлар олиб кетадилар. Хитойдан эса бу ерга ипакчилик, металлга ишлов бериш, латтадан қоғоз олиш усуллари кириб келади. Милодий I асрнинг 90-йилларига келиб, Хитой ўз ерларини Фарб томон кенгайтиришга ҳаракат қилади. Унинг аскарбошиси Банчжао хуниларга зарба бериб, Хитойнинг Шарқий Туркистон устидан ҳукмронлигини тиклайди. Бу милодий II асргача давом этиб, кейин Марказий Осиёдаги ўз ҳукмронлигини йўқотади. Марказий Осиёда эса бу даврларда янги қабилалар пайдо бўлиб, улар ичида турклар етакчи роль ўйнайди.

Даваннинг давлат тузилишига келсак, унинг бошлиғи Вань подшо бўлиб, у давлатни идора қилишда икки ўринбосарига ва давлат ишларини бошқариш маҳкамасига таяниб иш олиб борган. Унинг ҳузурда фаолият кўрсатувчи оқсоқоллар кенгаши уруш ва тинчлик масалаларини, ҳатто подшоларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлганлигига қараганда, у давлатда мавқеи кучли бўлган демократик орган ҳисобланган. Уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлаш, уни тахтдан олиш тадбирларида оқсоқоллар кенгаши етакчи ўрин тутганлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд. Жумладан, хитойликларнинг Фарғонага тажовузи чоғида оқсоқоллар кенгаши ўзаро сулҳ тузиш тарафдори бўлиб чиққан ва бунга

эришган ҳам. Хитойликлар босқини билан боғлиқ воқеалар сабабчиси деб топилган ҳукмдор Муғуй оқсоқоллар кенгашининг қарори билан қатл этилган<sup>1</sup>. Даван шаҳарлари ҳокимлар томонидан бошқарилган. Давлатнинг ҳуқуқ манбалари ва унинг белгилари ҳақидаги маълумот бизгача етиб келмаган.

## 2. Кушонлар давлати

### *Милодий I-IV асрлар*

Ҳозирги Ўзбекистон доирасида бошқарувнинг салтанатчилик шаклига асос солган, ўнлаб халқларга макон бўлган давлат - Хитой йилномаларида “Катта юечжелар” деб аталган кўчманчилар вужудга келтирган, милодий I-IV асрларда яшаган Кушонлар давлати бўлиб, унинг вужудга келиши мураккаб тарихий жараёни ўз ичига олади.

Дастлаб милоддан аввалги 140-130 йилларда сак қабилалари Шарқда “Катта юечже” қабилаларидан зарба еб, Юнон-Бақтрия давлати доирасигача бостириб келишида, бу давлатга биринчи зарбани берган. Ўз навбатида, “катта юечже”лар ҳам аввал кўчманчи хуннлар, кейинчалик усунлар (уйшунлар)дан енгилиб, дастлаб ғарбга силжиб, яъни сак қабилалари яшаб турган жойларни, кейинчалик Сугдиёна орқали юришлари натижасида дарз кетган Юнон-Бақтрия давлатини босиб оладилар. Шундан сўнг Амударёнинг шимол томонида ўз пойтахтларини қуришди. Кушонлар массагетлар ябғулиги билан иттифоқ тузиб, Бақтриянинг сиёсий ҳаётида фаол роль ўйнай бошлайди. Кушонлар беш уруғдан иборат бўлиб, улар ичида гуйшуанлар - кушонларнинг мавқеи кучли бўлган. Ана шу уруғдан биринчи ҳукмдор Герай Жабғу (хитойча Чжаоу) бўлган. Куджула Кадфиз (Герайнинг ўғли ёки невараси) даврида бу давлат кучая бошлайди. Ниҳоят, Вима Такето бешта юечже уруғини бирлаштириб, Буюк кушонлар салтанатига асос солади.<sup>2</sup> У “Буюк қутқазувчи”, “подшолар

---

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўша манба. 50-бет.

<sup>2</sup> Кушонларнинг дастлабки пойтахти Термиз яқинидаги Далварзинтепа ўрнида, сўнггиси Пешоварда бўлган.

подшоси” унвонини олади. Бу давлатнинг энг гуллаган даврида унинг таркибига ҳозирги Ўрта Осиёнинг бир қисми, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон кирган. Шунингдек, кейинчалик Шарқий Туркистон ҳам қўшиб олинган бўлиши мумкин.

Бу даврда Суғд (ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари) мустақил давлат бўлиб, Канишка даврида (милодий 78-123 йиллари) у келиб чиқиши юечжелардан бўлган Гиркода сулоласи томонидан бошқарилган.

Кушонлар давлати антик дунёнинг тўрт буюк давлати (Рим, Парфия, Хитой ва Кушонлар)дан бири бўлиб қолади. Бу давр – милодий 29 йиллардан IV асрнинг 70-30 йилларигача Кушонлар салтанатининг гуллаб-яшнаган даври эди.

Бақтрия эса (Бохтар замин – Шарқий ер) бу давлатнинг равнақ топган сатрапликларидан бири бўлган. Канишка даврида давлатда ислохотлар ўтказилиб, будда дини кенг ёйилди. Дастлабки вақтларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Тожикистоннинг Қободиён ва Хуталон вилоятларини ўз ичига олган ҳудудларни бирлаштирган бўлса, подшолик яшнаган йиллари Шарқий Туркистондан Кашмиргача, ҳозирги Тожикистондан Ҳазар денгизи қирғоқларигача чўзилган жойларни ҳам қамраб олган. Аммо Хоразм, Чоч унинг таркибига кирган-кирмаганлиги баҳслидир.

Кушон ва Эфталлийлар (абдаллар) даврига оид V асрга мансуб Эллин-Бақтрия хатида туркий тилда битилган жумлалар сақланиб қолган: “Куйсан (Кушон) тилинтин тўхри тилинчи йаратмиш, анаткак (санскрит) тилинтин тўхри тилинча йаратмиш”<sup>1</sup>. Бу эса кушонлар туркий халқларга мансублиги ҳақидаги тасаввурни туғдиради. Бу ҳақда нумизматик маълумотлар ҳам учрайди. Куджула ва Вима Кадфизлар зарб қилган тангаларда туркийча унвон “жабғу” давлат бошлиғи деган (С.П.Толстой) сўз учрайди. Хитой манбаларида кўрсатилганидек, милодий 25-йиллардан кушонлар бошлиғи Куджула Кадфиз уларни

---

<sup>1</sup> Қ. Маҳмудов. Туркий қавмлар тақдири. “Фан ва турмуш” 1980, 11-сон, 3-бет.

бирлаштириб, ана шу улкан давлатга асос солган ва ўз ҳукмронлигини I асрнинг 50-80-йилларигача давом эттирган. Кушонлар давлати жуда кенг ерларни ва турли динларга эътиқод қилувчи халқларни бирлаштирган марказлашган давлат бўлиб, унинг бошлиғи дастлабки даврда подшо, кейинчалик “подшолар подшоси”, деб юритилган. Хитой манбаларидан “Тханшу” (Тхан сулоласи тарихи)да катта ва кичик юечжелар кўрсатилиб, бу давлат кўчманчи давлат эди, деб таъкидланади ҳамда унинг таркибига мустақил мулклардан иборат (хи-хэу) бешта давлат (Хюми, Шуанми, Хейтун, Гуйшуан, Гаофу) кирганлиги маълум қилинади<sup>1</sup>. Маъмурий-доиравий бўлиниши жиҳатидан у сатрапия (қшатрапия)ларга бўлинган бўлиши мумкин. Кушон подшолари Ғарб ва Шарқдаги мамлакатлар, хусусан Рим билан савдо ва сиёсий алоқаларни олиб боришган. Буни подшо Вима Кадфиз даврида худди Римдагига ўхшаш тангалар зарб этилиши, ўтказилган пул ислоҳоти ҳам тасдиқлайди. Бу давлат деярли тўрт аср мавжуд бўлиб, IV асрнинг 70-80-йилларида унинг ғарбий қисми Сосонийлар Эрони, Шимолий Ҳиндистон эса, қудратли Гуптлар давлати таркибига қўшиб олиниши билан инқирозга учрай бошлайди. IV асрнинг охири ва V аср бошларида Эфталийлар бошчилигидаги кўчманчи қабилалар инқирозга учраган Кушонлар давлатини емириб ташлайдилар.

Юқорида биз кўриб ўтган қадимги давр давлатлари ва ҳуқуқининг барчасига оид нарса шуки, уларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқий манбаларини ёритиб берадиган маълумотлар жуда кам. Тупроққалъада топилган тери ва тахтачаларга ёзилган архив ҳужжатлари ҳам фанда кам ўрганилган, шунга қарамай, бу даврнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Бу ерда қишлоқ жамоаси катта роль ўйнаганлиги сабабли қулдорлик қулади ва у худди Римдагидек соф даражасига эриша олмас эди. Шунга қарамасдан, бу ерда энг қадимги даврда ҳам қулдорлик анча ривожланганлигини кўрсатадиган далиллар мавжуд. Жумладан, Тупроққалъа архивидаги ҳужжатларда қуллар сонини кўрсатувчи да-

---

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Ўша манба.

диллар очилган, биргина Гвишиара деган зодагон хонадониди 17 қул бўлган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, қадимги давлатларнинг ижтимоий тузуми зодагонлар, қоҳинлар, ҳарбийлар, майда ишлаб чиқарувчилар ҳамда қуллар каби аҳоли қатламларидан иборат бўлган.

### 3. Қанха давлати

Хоразм воҳасида давлатнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалиши юқорида қайд этиб ўтолди. Хитой манбаларида келтирилишича, милоддан аввалги II асрларда Суғдиёна, Хоразм, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимлари ҳозирги Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Жанубий Қозоғистон ерларини ўз ичига олган қудратли Қанғ, Хитой манбаларига кўра “Кангюй” давлати мавжуд бўлиб, у антик юнон тарихчиларига деярли маълум бўлмаган. Хитой муаллифларининг Қанхада 90-120 минггача камончи аскар бор деб ёзиб қолдирганликлари у қудратли давлат бўлганлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Бу қабилаларнинг Марказий Осиёга сиқилиши милоддан аввалги III асрда Хитой чегараларида, Шарқий Туркистонда бўлиб ўтган ўзгаришлар, Марказий Осиёда яшовчи туркий қабилалар иттифоқнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Улар Шарқий Мўғулистондаги дунху қабилалари устига ва Хитойга тез-тез ҳужум қилиб, оқибатда уларни бўйсундирганлар. Кўп ўтмай улар ўртасида низо чиқиб, бўлиниш юз беради. Милоддан аввалги II-I асрларда қабилаларнинг бир қисми Еттисув ва Сирдарё бўйларигаги поёнсиз чўлларга кўчиб келади ва бу ерли сак, массагет қабилалари билан аралашиб кетади. Ярим ўтроқ, ярим кўчманчи милоддан аввалги III аср бошларидан милодий I асрларгача яшаган Қанғ давлати шу аср бошларида, айниқса, куч-қудратга тўлиб, ҳокимияти Суғдиёна

---

<sup>1</sup> Археология. Древнейшие государства Закавказья и Средней Азии. М., “Наука”, 1988. 344-бет.

<sup>2</sup> Бу давлатнинг пойтахти ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида, Сирдарёдан 8 км узоқликда бўлиб, унинг харобалари (Қанқатепи) бизгача етиб келган

ва Хоразм атрофларига ёйилган<sup>1</sup>. Сугдиёнадаги кичик мулклар Самарқанд, Маймуғ, Иштихон ҳам Қанғ давлатига тобе бўлган.

Фанда бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи, иқтисоди, маданиятига оид маълумотлар кам эди. Аммо 1940-1950 йилларда профессор С.П.Толстовнинг Хоразм воҳасида олиб борган катта археологик текширишлари натижасида Қанғ даври маданиятига оид маълумотларга эга бўлинди. Улардан Хоразм Қанғ давлатлари уюшмаси таркибида бўлган даврда қалъалар, мудофаа истеҳкомлари қурилиши ниҳоятда ривожланганлигини, ҳарбий қурилишда оғир қуролланган отлиқ аскарлар асосий куч бўлганлигини билиб олиш мумкин.

Хитой манбаларида Қанғли давлатига ноиблар томонидан бошқариладиган бешта мулк бўйсунганлиги ҳақида айтилиб, уларнинг Хитой тилидаги номи (Сусей, Фуму, Юнис, Юегян) келтирилган. “Таншу”даги маълумотларга кўра, Қан (Самарқанд)нинг таъсирли хонадони Қанғли хонадонининг тармоғидир. У Юечже қабиласидан бўлиб, турк ҳоқонининг қизига уйланган, қароргоҳи Қандан унча узоқ бўлмаган Наму (Зарафшон) дарёсининг бўйидадир. Лекин у ўтроқ ҳаётга кўника олмай, доимий равишда кўчиб юрган, унинг номидан барча ишларни уч амалдор бажариб турган<sup>2</sup>.

Бу давлатнинг бошида Қанғ ҳоқонлари туриб, уларнинг ҳузурида маслаҳат берувчи оқсоқоллар кенгаши мавжуд бўлган. Қанғарлар давлати вилоятларга бўлиниб, уларни жабғу (жабу, ёбу)лар (Хитой манбаларида чжовулар) бошқарган. Бу давлат уюшмасида кўчманчи чорвадор зодагонлар ҳукмрон мавқега эга бўлганлар. Ушбу давлатнинг ҳуқуқига доир етарли маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, унинг ярим кўчманчи давлат бўлганлигидан келиб чиқиб, одат ҳуқуқлари асосий ҳуқуқий манба бўлган, деб ҳисоблаш мумкин.

---

<sup>1</sup> Ш. К. Шониёзов. Қанғ давлати ва қанғарлар (Ўзбек халқининг сиёсий ва этник тарихидан). Т., “Фан” 1990, 5-6-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. II том, 310-бет.

#### 4. Қадимий туркийларнинг ҳуқуқий одатлари

Маълумки, илмий адабиётларда ҳуқуқий одатлар ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-биридан фарқланади. Давлат томонидан тан олиниб, мустаҳкамлаб қўйилган ва унинг санкциясига эга бўлган одатларгина юридик одатлар ҳисобланган. Инглиз-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларида ҳуқуқий одат ҳисобланиши учун суд органлари томонидан ҳам санкцияланган бўлиши талаб қилинади. Аммо туркий халқларда, аслида, ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-биридан фарқланмаган. Шунга асосан, юридик луғатларда бу сўзга “Одат мусулмон халқлари одат ҳуқуқ нормаларининг йиғиндисидир” деб таъриф берилади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, туркийларда одат ҳуқуқи маълум бир жойнинг ёзиб қўйилмаган, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган ижтимоий расм-русумлари ва тартибларидан келиб чиқади-ган қоидалар йиғиндисидан иборат бўлган.

Туркий халқлардаги одат ҳуқуқлари илмий-юридик адабиётларда қисман бўлса-да, ишлаб чиқилган, аммо бажарилган ишларнинг кўпчилиги XIX асрга ва фақат жиноят ҳуқуқий одатларини ўрганишга бағишланган. Қадимги даврлар эса деярли ўрганилмай қоляпти. Чунки бизга қадимги давлатларнинг ёзма қонунчилиги бўйича етарли маълумотлар маълум эмас. Аммо ҳозирги Ўзбекистон доирасида зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик кўп тарқалган динлар бўлганлиги учун уларнинг муқаддас китоблари маълум даражада ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган, деб хулоса чиқаришга имкон беради. Туркий халқларда кўпроқ одат ҳуқуқлари кенг тарқалган ва бизгача Хитой манбалари орқали етиб келган. Араблар истилосигача бўлган даврда Фарбий Турк ҳоқонлиги ҳамда Суғд ҳуқуқ манбалари ва уларнинг асосий белгилари бўйича Хитой сулоалари тарихида қисман маълумотлар келтирилган бўлса-да, улар айнан бир хил. “Тхансиу” да Суғд ва унинг бош шаҳри Кан (Самарқанд) ҳақида кўпроқ маълумотлар учрайди, аммо ҳуқуқига оид хабарлар жуда кам. Шу манбаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, туркларнинг қадимги аждодлари ҳисобланган хуннларда ёзма қонунчилик бўлмаган ва қонунлар оғзаки эълон қилиб турилган. Қонун (дао)

деганда, “улар тартиб ва ободончиликни ҳамда давлат бошқарувини” тушунишган.

Н.Я.Бичуриннинг асарларида туркларнинг қадимги аждодларига тааллуқли одат ҳуқуқлари, оила ва никоҳ, кўпроқ жиноят ҳуқуқи бўйича баъзи парчалар келтирилган. Жумладан, уларда деярли барча даврларда жангда ўлган аканинг хотинига уканинг уйланиш одати мавжуд эди. Бу эса мазкур одатнинг туркий халқларда жуда қадимги даврга бориб тақалиши, унинг асосий сабаби оилани сақлаб қолиш ва давом эттириш эканлигини кўрамаиз. Ҳунларнинг давлатига кирган ухуанларда эса, никоҳга киришдан уч ой олдин бўлажак куёв келин билан топишишга ҳаракат қилиб, унга отлар, катта ва кичик қорамоллардан иборат тўй совғаси юборган. Шундан кейин у келиннинг уйига кўчиб ўтган ва унинг уйидаги барча қариндошларига ҳар кун таъзим қилиб турган. Бир-икки йил шу тарзда яшаганларидан кейин куёв ва келин барча мол-мулклари билан куёвнинг ота-онасиникига кўчириб юборилган. Ана шу келинга от, қорамолларни никоҳ совғаси сифатида юбориш одатидан, кейинчалик, ҳатто туркларда мусулмончилик даврида ҳам чуқур илдиз отган одат – қалин (қаллиқ учун тўлов) тўлаш шаклланган.

Мотун ҳоқон ҳақидаги маълумотларда кўрсатилишича, ўткир қуролни қинидан чиқарганлик, фут (темирдан ясалган оғир қурол) билан ўқталганлик, одам ўлдирганлик ва бошқа оғир жиноятлар учун ўлим жазоси берилган. Турк халқларида ҳозиргача сақланиб келган “Қилични қинидан чиқарган одам учун уни қўллашга доимо сабаб топилади” мақолига, эҳтимол, ана шу қонунлар асос бўлгандир. Низоли ишларни ва тушган шикоятларни ҳал этиш, ҳукмлар ижроси оғзаки бажарилиб, ёзма шаклда махсус иш юритилмаган. Судя этиб довюрак, кучли, мураккаб ишларни ҳал этишга қодир бўлган кишилар тайинланган. Суд жараёни уч кундан ортиқ давом этиши мумкин бўлмаган. Дунху қабилалари (ёки Ухуан)ларда ҳам ўзига хос жиноят қонунлари мавжуд эди. Жумладан, оқсоқолларнинг буйруқларига бўйсунмаганлик учун ўлим жазоси берилган, аммо одам ўлдириш ва ўғрилиқ каби жиноятлар содир этилган ҳолларда аймоқ (қишлоқ жамоаси) оқсоқолларига мурожаат этилмай, зарарни қоп-

лаш билан низони ҳал қилишга рухсат берилган. Одам ўлдиришда айбланган киши от ёки қўй тўлаш эвазига жавобгарликдан қутулиши мумкин эди. XX асрнинг ўрталаригача чорвадор туркий халқларда мавжуд бўлиб келган “баримта” ана шу одатлардан келиб чиққан бўлиши мумкин. Қочоқ ва хоинлар, оқсоқоллар томонидан таъқиб қилинаётган кишиларни ҳеч ким ўтовига қўйиши мумкин эмас эди. Улар қум-саҳроларга қувиб юборилган (остракизм), бу эса кўпинча ўлим жазоси билан тенг эди.

Шу ўринда мавзудан биров узоқроқ бўлса-да, қадимги хакасларнинг турк-мўғул қабилаларидан бири бўлганлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқ тарихи учун ҳеч ўхшаши бўлмаган маълумотларни келтирамиз. Хитойларнинг Тханшу сулоласи тарихи орқали бизгача етиб келган маълумотлардан, уларнинг қонунлари ниҳоятда қаттиқ бўлганлиги аён бўлади. Жумладан, “Элчилик топшириқларини бажармаганлиги, хонга ақлсиз (ногўғри) маслаҳат берганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинган.” Агар ўғрининг отаси ҳаёт бўлса, ўғлининг танасидан жудо қилинган боши унинг бўйнига осиб қўйилиши, отаси уни умрбод тақиб юриши лозим бўлган. Бу ниҳоятда қаттиқ ва азобли, таҳқирли жазо ҳисобланган. Юқоридаги маълумотларнинг ўзиёқ қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос беради:

1. Қадимги туркий халқлар давлатчилиги намуналари бизгача тўла етиб келмаган бўлса-да, аммо қонунлар (тузуклар шаклида), одат ҳуқуқлари ниҳоятда ривожланганлиги маълум, чунки қонунга ўша даврдаёқ тартиб ва интизом рамзи сифатида қаралган.

2. Оила ва никоҳ ҳуқуқи якка никоҳликка асосланган, одат ҳуқуқлари билан тартибга солинган. Никоҳ тузиш шартларини тақозо қилувчи ана шу одатлардан туркий халқларда ҳозиргача мавжуд бўлиб келган қалин тўлаш одати шаклланган.

3. Жиноят қонунчилиги ўзининг қаттиқлиги, жиноят учун жамоанинг жавобгарлиги ҳамда хавфли ҳолатда бўлганлик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилади. Жазо тизимида у вақтларда ибтидоий жамоа тузумининг қолдиқлари учрайди. Масалан, қум-саҳрога қувиб юбориш (остракизм) оғир жазолардан бири ҳисобланган.

Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б  
ИЛК ЎРТА АСР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

*V-VIII аср ўрталаригача*

**1. Эфталийлар (оқ хуннлар) давлати  
ва ҳуқуқи**

*487-567 йиллар*

Эфталийлар давлатининг пайдо бўлиши, энг аввало, милодий 48 йилда туркий бир неча уруғлардан иборат бўлган Осиё хунн императорлигининг емирилиши билан боғлиқ. Сулола асосчиси Эфтал (Эфталон) бўлиб, кейинчалик бу ном давлат номига айланган. V асрнинг иккинчи ярмида қадимдан Туркистон минтақасида, Орол бўйларида яшаган қадимги массагетлар авлодлари бўлган эфталийлар ёки “оқ хуннлар” (абдаллар) деб аталувчи қабила томонидан босиб олинади. Сиёсий тарих майдонига улар 457 йилда, яъни Чағониён, Бадахшон ва Тоҳаристонни босиб олишлари билан кириб келадилар. 484 йилда Сосонийлар Эрони шоҳларидан Перуз бошлиқ қўшинларни тор-мор этиб, уларга катта ўлпон соладилар. Бунинг натижасида, Каспий денгизидан Қошғаргача, Оролдан Ҳиндгача бўлган ерларни ўз таркибида бирлаштирган улкан салтанат – Эфталийлар давлатини тузадилар. Шу билан бирга, янги сиёсий куч сифатида сўнгги Кушон подшолари даврида тартибсизлик кучайиб бораётган мамлакатни қайтадан бирлаштириб, бошқаришни йўлга қўядилар. Эфталийлар ўз ҳокимларини “ихшид” деб аташган. Жумладан, тарихий манбаларда ҳозирги Иштихон шаҳри 470 йилдан бошлаб суғд ихшидларининг бош кенти бўлган деган фикрлар ҳам бор.

Илмий адабиётларда Эфталийларнинг этник таркиби тўғрисида кўплаб фикрлар айтилган бўлса-да, ҳозирда уларнинг туркий халқларнинг авлодлари эканлиги исботланган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Батафсил қаранг: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ”, 2000. 72-79-бетлар.*

Ўзбекистон тарихида бу давр қулдорлик укладининг емирилиши, деҳқонлар ҳокимиятининг кучайиши ҳамда ўрта асрлардаги ердан фойдаланиш муносабатларининг ривожланиши билан характерланади. Ижтимоий тузум асосини аслзода деҳқонлар, уларнинг шахсий кўриқчилари, чокарлар, деҳқонларга қарам бўлган ва уларга хизмат қилувчи кадиворлар ҳамда жамоачи деҳқонлар ва қуллар ташкил қилган. Шаҳар, қишлоқларнинг ўтроқ аҳолиси, шунингдек, кўчманчи чорвадорлар кўпчиликни ташкил қилган.

Кушонлар давридаги сингари Эфталийлар давлати ҳам расман марказлашган давлат бўлиб, улкан салтанат яққа ҳукмдор томонидан бошқарилган. Хитой манбаларига кўра, тахт отадан болага мерос тарзида ўтмай, шу сулоладан ким лойиқ деб топилса, ўша тахтга ўтирган.

Эфталийларнинг давлат тузилиши, ҳуқуқ манбаларига оид маълумотлар бизгача кам етиб келган. Византия тарихчиси Прокопийнинг (VI аср) сўзларига кўра, Эфталийларни “бир шоҳ бошқарган, улар қонуний давлатга эга бўлиб, ўзлари билан кўшинлари ўртасида ромейлар (византияликлар) ва форслардаги мавжуд адолатдан заррача кам бўлмаган адолатга амал қилганлар” Улар давлатни қонунлар асосида бошқарганлар. Хитой манбаларидан “Бейшу”да Эфталийлар давлатида мулкий жиноятлар қаттиқ жазоланганлиги ёзиб қолдирилган. Ўғрилик учун, ўғирланган нарсанинг миқдорини аниқламай, жиноятчининг бўйнини қирқиб қатл этиш, ўғирлаб кетилган мулкнинг ўн баробарини ундириш билан жазо берилганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди.

## **2. Турк ҳоқонлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми ва ҳуқуқи**

*(551-744-йиллар)*

**Давлатнинг ташкил топиши.** Олтойда Турк ҳоқонлигининг пайдо бўлиши “ашин” уруғининг кучайиб, барча туркийларнинг шу уруғ атрофида бирлашиши билан боғлиқдир. Ҳоқонликнинг ижтимоий-сиёсий тузумини, ҳуқуқ ва одатларини ўрганишда археологик қазилма мате-

риаллар, ёзма манбалар, муқаддас диний китоблар, уйғур, хоразм ва суғд ёзувидаги ҳужжатлар, шунингдек, бевосита туркий манбалар: Култегин, Тунюқук, Билғаҳоқон битиктошлари, Урхун-Энасой (туркий-руна) алифбосидаги битиктошлар манба бўлиб хизмат қилиши мумкин<sup>1</sup>.

Жумладан, аскарбоши Култегин (686-731 йиллар) битиктошида давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида қизиқ бир лавҳа бор: “Юқорида кўк осмон, пастда қора ер яратилганда иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган, инсон болалари устидан ота-бобом Бумин Истами ҳоқон бўлиб ўрнашганлар. Улар тахтга ўрнашиб, турк халқининг давлатини, расм-русумини тутиб, риюя этиб турганлар”<sup>2</sup>.

Милодий 551 йилда турклар дастлаб Жужан қабила бирлашмаларини енгиб, уларнинг ҳоқони Бумин ҳоқон Муғулистон ва Олтойда кучли давлат тузади. У VI-VIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда, Сирдарёнинг шимолида, Шарқий Туркистон ва Орол денгизи атрофларида яшовчи туркий қабилалар, жумладан, қарлуқлар ва уларга қариндош этник гуруҳларга бирлашади.

Култегин битиктошида айтилишича, Муғон ҳоқон (553-557) ва акаси Истами даврида улар ўз халқларини ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё чегарасидаги тор ўтиш жойи Темурақоғон дарвозагача ёйган. 560 йилда Бухорода Эфталлийларнинг жуда катта қўшинига зарба бериб, улар ҳукмронлигини узил-кесил емириб ташлаган. Бунда улар аввал Эфталлийларга солиқ тўлиб турган Сосонийлар Эрони билан иттифоқ тузганлар.

Кейинчалик Эрон чегараларига чиқиб, ғарбда Қора денгизгача борадилар ва Кореядан Қора денгиз бўйлари-гача чўзилган жуда катта салтанатга – Турк ҳоқонлигига асос соладилар. Деярли бутун Осиё чўллари ва юксак маданиятли Турон элларини ўзида бирлаштирган қудратли, ягона давлатнинг ташкил топиши, албатта, ўша давр сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Қўшни Хитой эса турклар вассалига айланади.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Н.Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. Т., 1993, 50-бет.

<sup>2</sup> Н. Парда. Тошлар тилсиз эмас. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1990 йил 12 январь.

603 йилда ҳоқонлик ички зиддиятлар натижасида иккига – Шарқий ва Ғарбий ҳоқонликка бўлинади. Марказий Осиё Ғарбий ҳоқонлик таркибига киради. VII аср охирларида Хитой билан бўлган курашларда заифлашган Шарқий ҳоқонлик ўрнида икки турк ҳоқонлиги ташкил топади ва Қопагон ҳоқон даврида Шимолий Хитой устидан турклар ҳукмронлиги қайтадан тикланади. Айниқса, шу даврдан бошлаб Марказий Осиёни кўпгина халқлар, жумладан, Хитой ва византияликлар Туркистон деб атаётган<sup>1</sup>.

Марказий Осиё туркларининг кучайиб бориши Турон ерларига неча юзлаб йиллардан бери кўз олайтириб келатган Сосонийлар Эронининг норозилигига сабаб бўлади. Турклар эса Византия билан Сосонийлар Эронига қарши битим тузадилар.

Бу вақтда Марказий Осиёда деярли мустақил бўлган кўпгина давлатлар ва мулклар, жумладан, Хоразм, Чағониён, мустақил давлатлар конфедерациясидан иборат Тоҳаристон, Самарқанд, Суғд ва бошқалар бор эди. Самарқанд ҳукмдорларининг тахт унвони “чжаову” бўлиб, кўп олимлар фикрича, бу туркий унвон, одатда, кучли давлат эгаларига берилган. Унинг атрофида жами етти мулк – Маймурғ беклиги, Иштихон, Кушония, Бухоро воҳасинининг шарқий чегараларидаги мулклар ва Насаф (ҳозирги Қарши) бўлган.

Турк ҳоқонлиги дастлабки даврларда ўзига бўйсунган жойлардан фақат белгиланган миқдорда ўлпон (солиқ) олиб туриш билан қаноатланиб, мавжуд давлатларнинг ишларига кам аралашган. Бундай улкан давлат марказлашган монархияни ташкил қилган. Академик Б.Аҳмедов таъкидлаганидек, айниқса, араблар фатҳи арафасида “15 га яқин ярим мустақил мулкдан иборат бўлган”<sup>2</sup>.

Ҳар бир мулк ва давлатнинг ҳамда шаҳарларнинг ўз ҳукмдорлари бўлиб, улар турлича номланган. Жумладан, Хоразмда Хоразмшоҳ, Тоҳаристонда абғу (жабғу), Чағо-

---

<sup>1</sup> Рафиқ Уздек. Туркларнинг олтин китоби. “Мерос”, Самарқанд. 1-2-сонлар. 1992.

<sup>2</sup> Б. А. Аҳмедов. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т, “Ўқитувчи”, 1991, 63-бет.

ниёнда Чағонхудо, Бухорода Бухорхудо (чжаоу), Фағонада ихшид, Кеш (Шаҳрисабз)да ихрид, Тошкентда (Шарқий Турк ҳоқонлигига кирган) хвабе (ҳоким), Уст-рушона (Ўратепа)да афшин деб юритилган.

Самарқанд подшосини “ихшид” деб аташса-да, Ди-ваштич номига оромийча Рти-Марой – ҳоким деган маънони билдирувчи сўз ҳам қўшилган. 618 йилда Фарбий Турк ҳоқони Тун Шоҳу ислоҳот ўтказиб, маҳаллий ҳукмдорларни ўзининг ноиблари деб эълон қилади, улар устидан назорат ўрнатиш учун вакилларини юборади. Бундай назоратчиларни Тошкентда “тудун” деб атаганлар. Улар турк ҳоқонининг уруғидан келиб чиққан бўлиб, бўйсундирилган жойлардаги ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш, ўлпон ва солиқлар йиғишни ташкил қилиш мақсадида тайинланган нойиблар ҳисобланган.

**Ижтимоий-сиёсий тузуми.** Турк ҳоқонлигининг ижтимоий тузумида ҳукмрон доираларни ўтроқлашиб, феодаллашадиган беклар, келиб чиқишига кўра, уруғ бошлиқларига бориб боғланадиган ҳамда хизмат қилувчи табақа ва тархонлар ташкил қилган. Ҳоқонликнинг вужудга келиш йилларида давлат бошлиғи тун жабғу, тангриқут, кейинчалик ҳоқон (император) деб аталиб, бош шаҳри қадимги Чоч воҳасининг шимолидаги яшил даштларда жойлашган. 626 йили ҳоқоннинг ўрдаси (қароргоҳи)га келган будда монахи “у ерда намунали даражада тартиб ва интизом бўлган”лигини ёзиб қолдирган<sup>1</sup>. Маҳаллий ҳокимларга эса ябғу, жабғу унвонлари берилган.

Ушбу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, турк халқларининг давлатчилиги ана шу ҳоқонлик (императорлик) беклик, отабеклик (князлик) шаклларида ташкил топди. Бошқа халқларнинг ҳам шунга ўхшаш давлат тузилмалари бўлган, албатта. Аммо юқоридагидек туркий халқларга хос шакллар уларда кўзга ташланмайди.

Панжакентдан топилган сўғд тангаларини тадқиқ қилган О.И.Смирнова Сўғдда подшолик қилган сулолаларнинг вакиллари турк қабилаларидан чиққанлигини тангаларга зарб этилган “жабғу” сўзи асосида исботлаб берди. Маҳмуд Қошғарийга кўра, бу мансаб хондан икки поғона

---

<sup>1</sup> Л. Н. Гумилев. Древние тюрки. М., 1993, 163-бет.

паст турган. Аммо ябғу ҳоқоннинг ўринбосари даража-сида бўлган, деган фикрлар ҳам бор<sup>1</sup>. Бу лавозимга асо-сан, хон уруғларидан сайланган. Ябғу мансаби катта-кат-та маъмурий бирликларда учрашига қараганда, у кўпинча вилоят ҳокими ваколатига тўғри келган, дейиш мумкин. Тахт вориси тегин (яъни шаҳзода) деб юритилган. Шаҳ-зодаларга қондош бўлиб, бирор беклик ёки ҳокимлик қилган кишига “шад” унвони берилган, турк ҳоқонлари махсус маросимда сайлаб қўйилган. Суғд мулкининг араблар томонидан босиб олиниш воқеалари баён қилин-ган асар муаллифи ат-Табарий ҳам суғд ҳокимлари ва лашкарбошилари турклар эканлигини ёзиб қолдирган. Бу нарсани суғд ҳужжатларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 8-ҳужжатда Суғд вилоятлари бўлган Вахш подшоси ва Панж (Панжакент) ҳукмдори 693-708 йилларда Чакин Чур Билга бўлганлигини, 700-710 йилларда эса Суғдда Тархун подшо бўлганлигини ва унинг арабларга қарши курашган Диваштичдан олдин ўтганлигини билиб олиш мумкин. Мазкур ҳужжатларни ўрганиш жараёнида Суғд ҳукмдорларининг худди Хитой ҳукмдорларига ўхшаб ҳар бири ўз “эрасига” эга бўлганлиги тўғрисидаги хулосага келинди<sup>2</sup>. Бундай анъана, ҳеч шубҳасиз, туркларга ўз қўшилари Хитойдан ўтган, улар эса ўзлари билан бирга Суғдга олиб келишган. Бу туркий халқларнинг Самар-қанд суғдидаги қадимий мавқеига яққол мисол бўла ола-ди.

Шу даврда турк ҳоқонлиги ва унинг таркибига кирган мулк ҳамда давлатларнинг ижтимоий тузуми мураккаб бўлиб, халқ қуйидаги қатламлар: бой, зодагонлардан, сав-догарлар, ҳунармандлар, хизмат қилувчи табақа, амалдор-лар ва ҳарбийлардан, деҳқонлар ва қуллардан иборат эди. Ер эгалари киштичкарлар ва кишоварзларга бўлиниб, деҳ-қонлар “қадиварлар” деб аталган. Ҳукмрон табақа “озодлар” деб аталиб, бу даврда йирик феодал ер мулки-нинг эгаси бўлган деҳқонлар ҳам улар таркибига кирган. Ҳарбийлар туркийча “чақир” деб аталган. Суғд ҳужжатла-

---

<sup>1</sup> Н. Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. Т., 1993, 49-бет.

<sup>2</sup> М. Исҳоқов Унутилган подшоликдан хатлар. (Бир туркум суғд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси) Т., “Фан” 1991, 15-бет.

рига кўра, ҳукмдорлар саройида ҳарбий маъмурият бошлиги Фарғонада “тутуғ”, Суғда “чапиш” деб юритилган, бу қадимги турк тилидаги “чийхон”-“лашкарбоши” мансабига тўғри келган. Вилоят ҳокимлари суғдча “хвабе” деб юритилган. Подшо девонхонасининг бошлиғи “дапират” деб аталган. Бундан ташқари, “гупат” – даромадлар нозири, молия ишлари билан шуғулланувчи мансаб эгаси, “охвирпат” – подшо отхонасининг нозири, бошлиғи (ўзбек тилига охур бўлиб кирган); “парванак кирок” – ҳужжатлар тузувчи мансабдор; “патхванак” (патхвана) – жазони ижро этувчи жаллод лавозимлари бўлганлигини кўриш мумкин.

Марказий Осиё халқлари бу даврда бир неча динга: зардуштийлик, христианлик, монийлик ва будда – буддаийликка эътиқод қилган. Ҳужжатларда диний мансабдор “магупат” – бош қоҳин, “вагнпат” – ибодатхона бошлиғи, “хушфанг” – олти ибодатхона бошлиғи каби номлар учрайди. Суғда қонуний ҳужжатларни содир этадиган махсус жой, яъни суд-нотариал органлари мавжуд бўлган.

**Турк ҳоқонлигида ҳуқуқнинг манбалари ва унинг асосий белгилари.** Турк ҳоқонлиги давридаги ҳуқуқ манбаларига оид камроқ маълумотлар етиб келган. Лекин ўша вақтда ҳукмрон бўлган туркий халқлар ичида қайси динга эътиқод қилишига қараб, зардуштийлик, будда, манехейлик динларининг муқаддас китоблари, одат ҳуқуқлари, ҳоқон ва жабғуларнинг буйруқ, фармон ва бошқа ҳужжатлари бўлганлиги, улар асосида турли ҳуқуқий маносабатлар тартибга солинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Бундан ташқари, Хитой манбаларидан Тан-шу – Тан сулоласи тарихидан ҳам баъзи қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Турк ҳоқонлигида қадимий туркларнинг одатига кўра, аёл киши – она ниҳоятда қадрланган. Турк одат ҳуқуқларига кўра, хотин-қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлганлар – қонун аёлларни қаттиқ ҳимоя қилган. Агар бирор эркак аёлнинг номусига тегса, эркак ўлимга маҳкум қилинган. Ёки эркак ёш қизнинг номусини поймол қилса, унга уйланиши шарт бўлган. Номусга тегиш энг оғир жиноятлар (қўзғолон, хоинлик, одам ўлдириш, йўлга

шайлаб қўйилган отни ўғрилаш) билан бир қаторга қўйилган. Безорилик оқибатида тана аъзоларига шикаст етказишга мулккий жазо – зарарни тўлатиш (қоплаш) жазоси берилган.

Бунда келтирилган зарарнинг даражаси эътиборга олинган. Масалан, безорилик орқасида бирор кишининг кўзига жароҳат етказилса, жабрланувчига қизини эрга бериши, қизи бўлмаса, уйланиши учун зарур мулкни тақдим этиши лозим эди. Аъзоларининг бирортасини ишдан чиқарса, бу зарар ишга яроқли от билан қопланиши лозим бўлган. Отни ёки бошқа ашёларни ўғирлаганлик учун ўғирланган ашё қийматининг ўн баробарини ундириб олиш билан чекланилган.

Юқоридаги икки манбада Кангюй (Қанғели) ҳукмрон сулоласининг бир тармоғи бўлган Кан кучли давлат сифатида таърифланади. Унга ўз атрофидаги саккиз мулк бўйсуниб, Самарқанд суғдида майда мулклар (давлатлар) конфедерацияси мавжуд бўлган. Шу даврда Самарқандда “Турк қонунномаси” амалда бўлиб, у ибодатхонада сақланган. Жазо бериш вақтида қонуннома қўлга олиниб, шунга асосан жазо тайинланган. Оғир жиноятлар учун бутун уруғ, унча муҳим бўлмаганлари учун эса жиноятчининг ўзи қатл этилган. Ўғирлик учун оёғи қирқиб ташланган<sup>1</sup>. Ана шу маълумотларга таянган ҳолда, кўпгина тарихий асарларда Турк ҳоқонлиги давридаги махсус “Жиноят ва жазо” қонунлари тўплами ҳақида маълумот келтирилади. Аммо бу низом бизгача тўла етиб келмаган ёки ҳозирча топилмаган. Шунинг учун унинг тўлиқ мазмуни ҳақида фикр юритиш қийин. Аммо юқоридаги маълумотларнинг ўзиёқ қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Турк ҳоқонлиги тўплам ҳолига келтирилган ўз ёзма қонунчилигига эга бўлган, у ўша даврда ҳаракатдаги ҳуқуқ манбаини ташкил қилган.

2. Жазо тизимида қабила, уруғ ёки жамоа жавобгарлиги VII асрда ҳам сақланиб қолган.

---

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в средней Азии в древние времена. II том, 271, 280-бетлар.

3. Жазо принципи, келтирилган зарарни қоплаш, тўлатиш ва жиноий ҳаракатни жазо таҳдиди билан тақиқ қилиш қўлланилган.

**Суғд ҳуқуқларини ўрганиш манбалари.** Ўзбекистон ҳудудида бизгача етиб келиб, мазкур даврдаги ҳуқуқ манбаларини ўрганишга ёрдам берадиган ҳужжатлар тўплами суғд ҳужжатларидир. Улар 1933 йилда Муғ тоғидаги қалъа харобаларидан деярли 1200 йилдан кейин топилган бўлиб, улар В. А. Лившиц, А. А. Фрейман, О. И. Смирнова ва М.Н.Боголюбовлар томонидан яғноб тили ёрдамида ўрганилиб, рус тилига таржима қилинган<sup>1</sup>. Жами 76 та юридик-нотариал ҳужжатларнинг 74 таси суғд тилида, биттаси қадимги руний ҳарфларида туркий ва яна биттаси араб тилида ёзилган. Ҳужжатларнинг бир қисмини ўзбек олими М.Исҳоқов ўзбек тилига таржима қилиб, чуқур ўрганган<sup>2</sup>. У ҳатто суғд тилидан ўзбек тилига ўтган сўзларни келтириб, турк халқларининг Суғдда тутган мавқеини ёритган. Булар ва археология, тангашунослик маълумотлари VII-VIII асрларда Суғднинг ижтимоий-сиёсий тузуми ҳамда ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Ҳужжатларнинг тарихий-ҳуқуқий аҳамияти ҳозирча жуда кам ўрганилган. Улар орасида Панж ҳокимига юборилган хатлар, вилоятлардан келган маълумотлар, молия-ҳазина ҳужжатлари, турли тилхатлар, мулк ижараси, никоҳ шартномасига бағишланган, Панжакент ҳукмдори Чакин Чур Билга 707-708 йилларда ер сотиб олганлиги ҳақидаги ва бошқа ҳужжатлар бор.

Ижарага оид шартномалар орасида Суғд подшоши Диваштичнинг тегирмонлари, ариқ ва сувларини ижарага бериш тўғрисидаги шартномаси, айниқса, диққатга сазовордир.

Шунга қўра, у ўзининг уч тегирмонини Махнан деган кишига ҳар йили 460 кафча (3680 кг)га яқин унни ҳақ сифатида тўлаши, эвазига уч йиллик муҳлат билан ижарага беради. Ҳар ойда маълум миқдорда тўланиши

---

<sup>1</sup> А. А. Фрейман, В. И. Лившиц и др. Согдийские документы с горы Муғ. Вып. 1, 2, 3. 1962-1963.

<sup>2</sup> М. Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. Т., “Фан”, 1992.

лозим бўлган бу ҳақ ҳисобидаги ун ўз вақтида берилмаса, шартнома бузилган саналиб, Диваштичнинг амалдорлари унинг бажарилишини турли йўллар билан таъминлаши лозим эди.

Шартноманинг бажарилиши учун Махнаннинг ўғилларигина эмас, балки қариндош-уруғи ҳам жавобгар ҳисобланган. Шартнома уч гувоҳ ҳузурида тузилган. Хужжатлар ичида энг катгаси 90 қатордан иборат терига ёзилган никоҳ шартномаси бўлиб, никоҳ гувоҳномаси ва куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятларидан иборат бу икки хужжатнинг бирида турк насабли киши Уттакиннинг суғд аёли бўлмиш Дугдгунча (лақаби Чата)га уйланиши расмийлаштирилган, иккинчисида куёв Уттакиннинг Дугдгунчани турмушга бераётган ва айна вақтда ҳомийси бўлган эри Навкет<sup>1</sup> шахрининг ҳоқими Чер олдидаги мажбуриятлари баён этилган. Унга кўра, Уттакин ўз хотинини қул қилиб сотмаслик, қарз эвазига бермаслик, бошқа бирор кишининг қарздорига айланишига ва бирор киши томонидан таҳқирланишига йўл қўймаслик мажбуриятини олади. Агар у Чатани қўйиб юборса ёки Чата у билан яшашни истамай қолса, уни зиён-заҳматсиз Черга етказиб бериши лозим. Акс ҳолда куёвга 100 динорий кумуш дирҳам товон тўлаш мажбурияти юкланган. Шуниси қизиқки, Навкет ҳоқими хотинларидан бири бўлган Чатанинг ҳам эри, ҳам васийси ҳисобланган ўша киши – Чер уни бошқа эрга беришга ҳуқуқли бўлган. Мазкур никоҳнинг ана шу хусусиятини ўрганган В.И.Лившиц бу ҳолни Сосонийларнинг оила ва никоҳ ҳуқуқидан ўтган, деб ҳисоблайди. Марказий Осиё узоқ вақт Эрон ҳукмронлиги остида бўлганлигидан иккала томонда ҳам бир динга – зардуштийликка эътиқод вужудга келганлиги ҳисобга олинса, олимнинг фикри тўғрига ўхшайди.

Юқорида айтилган шартномага кўра, агар Уттакин билан Чата орасидаги никоҳ бекор қилинса, аёл ўзининг тўй совғасини қайтариб олади. Уттакин, шунингдек, Чатанинг ижозатсиз бошқа хотин ёки хизматкор аёлга

---

<sup>1</sup> А. А. Фрейман, В. И. Лившиц и др. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II, 29-бет.

уйланмаслик, яқинлашмаслик мажбуриятига эга. Агар у бунга хилоф иш қилса, Чатага 30 дирхам миқдориди (ўша даврда катта пул бўлган) товон тўлаши, шундан кейин у ёқтирмаган хотини Чатани қўйиб юбориши мумкин бўлган. Бундан ташқари, агар Уттакин бирор бир ҳаракати учун қуллик ёки қарам ҳолатига тушиб қолса, хотини ўз озодлигини сақлаб қолавериши, худди шундай аҳволга хотини тушиб қолса, эри бунинг учун жавоб бермаслиги, эр-хотин бир-бирининг жиноятлари учун масъул эмаслиги ҳам таъкидлаб ўтилади. Никоҳ шартномаси “қонуний ҳаракатлар содир этиладиган жойда” унинг бошлиғи Вахгукон ўғли ҳузурида учта гувоҳ иштирокида 110 йилнинг 5 мартада тузилганлиги қайд этилган. Демак, Турк ҳоқонлиги даврида Суғдада юридик ҳужжатларни махсус белгиланган шаклда тузиб, расмийлаштирадиган маҳкама ва мансабдор шахс бўлган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари никоҳ шартномасидан келиб чиққан. Жумладан, Уттакин Чатани севишли хотини сифатида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, озиқ-овқати, кийим-кечаги, безак-тақинчоқлари билан таъминлаган ҳолда сақлаши, Чата ҳам эрини ҳурмат ва эҳтиром билан асраши, буйруғини ўзига қонун деб ҳисоблаб, унга амал қилиши лозим бўлган.

Никоҳ иккала томоннинг ҳоҳиши билан бекор бўлиши мумкин. Агар никоҳ эр ташаббуси билан бекор бўлса, хотинини биргаликда топилган нарсалар ва товон пули билан бошқа шартларсиз қўйиб юборган. Ажралиш хотин ташаббуси билан бўлса, у эрининг кийим-кечакларини қолдириб ва у олиб берган тақинчоқларни ҳам ташлаб кетган. Шундан кейин иккаласи ҳам бошқа киши билан турмуш қуриши мумкин бўлган.

Мазкур ҳужжатнинг мазмуни шуни кўрсатадики, Суғда мусулмончилиқнинг ёйилишига қадар кўп хотинлилик (полигамия) мавжуд эди, никоҳнинг учта шакли бўлиб, улар ҳуқуқий ҳамда мулкий жиҳатдан бири-биридан фарқ қилган. Улар қуйидагилардан иборат: а) тўла ҳуқуқли никоҳ, бунда аёлга кўпроқ ҳуқуқ берилган; б) васийлик остидаги никоҳ, юқоридаги никоҳ шартномасига кўра аёлни эрга берган Чер никоҳдан кейин

ҳам унинг васийси бўлиб қолаверган; в) ёрдамчи никоҳ, бундай никоҳ фақат тўла ҳуқуқли никоҳга киришган хотин рухсат берсагина тузилиши мумкин бўлган.

Юқоридаги никоҳ шартномаси васийлик остидаги никоҳ шаклига кирилади. Чунки Уттакин никоҳни бекор қилса, Чатани унинг васийси бўлган Черга эсон-омон топшириши лозим. Мазкур никоҳ шартномасининг яна эътиборли жойи шундаки, унга асосан суғд оила ҳуқуқида хотин билан эр тенг ҳуқуқли юридик масъул шахслар деб қаралган.

Баён қилинганлардан қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин.

Турк ҳоқонлиги даврида қадимий Окуз ва Инжу Окуз – Аму ва Сирдарё оралиғида туркий тилли халқлар сон жиҳатдан кўпайиб, турклар мамлакати, форсий адабиётларда эса Туркистон деб атала бошлайди. Ижтимоий хусусиятлари, ҳаёт тарзига кўра, ҳарбий табақа бўлган турк элатлари қисман ўтроқлашади, шу ўлканинг ҳукмдорлари ва қўриқчиларига айланиб, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Мусулмончиликка қадар бўлган қадимий турк халқларида она уруғи имтиёзли ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқлари барча қонуний чоралар билан қўриқланган. Ижтимоий ва юридик ҳаётда аёлнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилганлиги турк одат ҳуқуқлари ва Суғддаги мавжуд ҳуқуқнинг умумий томонини ташкил қилади.

VI-VIII асрдаги Суғд юридик-нотариал ҳужжатларида Турк ҳоқонлиги ва унинг таркибига кирган Суғдда ҳуқуқнинг ривожланганлигини кўрсатади. VII асрларда бу ерда махсус суд-нотариал органлари мавжуд бўлиб, юридик ҳужжатлар гувоҳлар олдида ёзма шаклда тузилиб, муҳр билан тасдиқланган. Қадимги Суғд подшоларининг ўзлари ҳам кўплаб ер, сув мулкларига эга йирик феодаллар бўлган.

Бизнинг фикримизча, Суғдда мавжуд бўлган “тўла ҳуқуқли никоҳ” худди Рим ҳуқуқидаги “Сине Ману” никоҳига ўхшаб кетади. Бундай никоҳ шакли ўша даврлардаги давлатлар: Рим ёки Суғдга кўпроқ яқин бўлган Сосонийлар Эронидан рецепция қилиниб олинган бўлиши мумкин. Суғддаги никоҳ ўзининг фуқаролик ҳолати дало-

латномаси сифатида, шартнома шаклида, давлатнинг махсус ташкилоти – қонуний ҳаракатларни содир этиш жойида тузилганлиги бу ерда оила ва никоҳ ҳуқуқи ривожланганлигидан далолат беради.

Турк ҳоқонлиги одат ҳуқуқларигагина эмас, ёзма қонунчилик тўпламига ҳам эга эди. Бу тўплам асосан, жиноят ва жазо масалаларини тартибга солган. Шунинг учун айтиш мумкинки, оила ва никоҳ қонун ҳужжатлари бир-бирини тўлдириб, шу даврдаги ягона ҳуқуқий манбалар тўпламини ва ҳуқуқий тизимни ташкил этган деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу фикр фойдасига Хитой манбаларидан Кан ҳақидаги қуйидаги маълумотни келтириш мумкин: “Улар (Кан аҳолиси)нинг оила ва никоҳ ҳамда дафн маросимлари туркларникидан фарқ қилмаган”<sup>1</sup>. Бу ҳол арабларгача бўлган даврдаёқ турклар ва суғдийлар ўртасида қонунчилик ҳамда урф-одатларда яқинлик, умумийлик шаклланганлигини кўрсатади.

### **3. Араблар фатҳи, мусулмон дини ва ҳуқуқининг ёйилиши**

VI-VII асрларда Арабистон ярим оролида яшаётган араб қабилалари уруғдошлик тузимида бўлиб, диний эътиқод бўйича улар орасида кўп худолик (политиезм), қабилалар ва уруғларда эса тарқоқлик мавжуд эди. Шунинг учун ҳам бу ерда катта ижтимоий жараён – уруғдошлик тузимининг емирилиши ва давлатларнинг пайдо бўлиши, яқкахудодликка асосланган ягона ислом динига эътиқод қилиш ҳамда уруғ ва қабилаларни бирлаштириб, марказлашган давлат тузиш йўлидан борди. Бу ҳаракатга тарихий шахс, дин ва давлат асосчиси Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам, – 570-632) раҳбарлик қилди. Бунинг натижасида VII асрда жуда улкан давлат – Араб халифалиги ташкил топди. Бу давлат биринчи тўрт халифа давридаёқ ислом динини ёйиш шиори остида Осиёнинг қўшни давлатларини босиб ола бошлади. Араблар дастлаб Эронни фатҳ этишиб, сўнгра Хуросонга ўтишди. Улар

---

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, II том, 271-бет.

эгаллаган жойларда ислом дини ва араб ҳукмронлиги ёйилди. Халифа ўзини “амир ул-мўминин” – мусулмонлар амири ҳамда султони деб, халифага бўйсундирилган атроф ерларнинг ҳукмдорлари эса “мулк ул-атроф” – ўлкаларнинг подшолари деб атала бошланди. Хуросон араб халифалиги таркибига кирган ноибликка айлангач, унинг маркази аввал Марв бўлиб, кейинчалик Балхга кўчирилади. Ҳозирги Ўзбекистон ерларини босиб олиш Хуросон ноиблари томонидан уммавийлар сулоласидан бўлган халифа Муовия I (661-680) даврида бошланди. Шу даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихчи олим Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида атрофлича ёритилган. Араблар икки дарё ораллигини босиб олишда Хуросонни таянч нуқтасига айлантириб, “Мовароуннаҳр” – дарё орти атамасини муомалага киритадилар.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд Хуросон амири этиб тайинланган 673 йили у биринчи марта Жайхундан ўтиб, Бухоро ерларига бостириб киради ва Пойканд, Ромитанни қўлга киритиш билан кўп асирлар олиб, яна Марвга қайтиб кетади. Ундан кейин 676 йилда Сайид ибн Усмон Хуросон амири этиб тайинланади. У Самарқандга Тархун подшолик қилаётган ўша вақтда бу ергача бостириб келиб, ўттиз минг кишини асир олади ва кўп мол-мулкни қўлга киритиб, Бухоро орқали Мадинага қайтади. Кейинчалик у асирлар томонидан Мадинада ўз саройида ўлдирилгач, Муслим ибн Зиёд (681-684) Хуросон амири этиб тайинланади.

Наршахийнинг кўрсатишича, Бухоро аҳолиси ҳар сафар ислом лашкарлари келганда мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетишлари билан эса яна диндан қайтар эдилар. 705 йили Қутайба ибн Муслим Араб халифалиги Шарқий қисмларининг ноиби Ҳажжож ибн Юсуф (694-714) томонидан Хуросон амири этиб тайинлангунга қадар араблар фатҳи кўпроқ талончилик тусида бўлди, яъни улар ёзда Жайхундан ўтиб, мол-мулк, асирларни қўлга киритиб, қиш яқинлашиши билан Хуросонга қайтар эдилар. Қутайба давридан бошлаб араблар узил-кесил истило қилиш ва ислом динини ёйиш сиёсатини олиб боришди. 705-777 йиллар мобайнида у Бухорони тамомила бўйсундирди ва

Жомеъ масжидини қурдириб, “Намозга келган кишиларга икки дирҳамдан пул бераман” деб эълон қилдирди<sup>1</sup>.

Ғалабасини мустаҳкамлаш мақсадида Қутайба Бухоро шаҳридаги барча уйларнинг ярмини олиб, яманликларга бўлиб бериш ҳақида фармон чиқарди. Сўнгра Қурайш, Робиъа ва Музар қабилаларини кўчириб келтириб жойлаштиради ва ўзининг лашкарбошиси Вазир Айюбни Бухоро амири этиб тайинлайди. 706 йиллардаёқ Қутайба Зарафшон водийсига қараб қўшин тортади. Гурак (710-738) подшолиги даврида – 712 йилда Самарқандни қўлга олади. Бу ерда масжид ва миноралар қурдиради. Санамлар эритилиб, қўйма олтинга айлантирилади. Суғд қишлоқ ва шаҳарларига Басра ва Куфадан кўчириб келтирилган араблар жойлаштирилади.

Араблар босқини арафасида Ғарбий Турк ҳоқонлиги таркибидаги Туркистон доирасида диний тарқоқлик политиезм мавжуд бўлиб, христианлик, манихейлик, буддаийлик, зардўштийлик динларига эътиқод қилинарди. Турк халқлари орасида кўпроқ табиат ва ота-оналар руҳига сиғиниш ҳамда буддаийлик кенг тарқалган эди. Яна шуниси эътиборлики, агар кичик Арабистон ярим ороли инсониятнинг учта дини – насронийлик, иудаизм ва мусулмон динларининг ватани бўлган бўлса, Марказий Осий зардўштийлик ва буддаийлик динларининг ватани эди. Шунинг учун ҳам бу ерда ислом динини кенг ёйиш унинг обрўси ва эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиларди.

Мусулмончиликнинг ёйилишини рағбатлантириш мақсадида исломни қабул қилган аҳолидан хирож ва жузъя (жон солиғи) олинмасин, деган фармон чиқарилади.

Мовароуннаҳрда ҳукмрон мавқени эгаллаб турган ва зардўштийлик, будда ҳамда шомонизм каби динлар таъсирида бўлган туркийлар араблар истилоси даврида бошқа халқлар билан биргаликда уларга қарши кураш олиб бориб, бу ҳаракатга бошчилик қилган бўлсалар-да, икки дарё оралиғига шиддат билан бостириб келган ёш

---

<sup>1</sup> Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Наршахий. Бухоро тарихи.” Мерос” тўплами. Т., “Камалак” 1991, 1-4-бетлар.

сиёсий куч – Араб халифалиги зарбаларига дош бера олмади. Шу билан ҳозирги Ўзбекистон жойлашган ерларнинг араблар томонидан истило қилиниши тугалланди. Араблар билан бирга уларнинг маданияти, тили ва мусулмон ҳуқуқшунослиги кириб келиб, барча диний ва ҳуқуқий тизимларни сиқиб чиқарди.

Турк ҳоқонлиги емирилиб, унинг ўрнига араб ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо, ўз навбатида, бошқа бир туркий сулола – Салжуқийлар даврига келиб, араблар халифалигининг ҳокимияти нисбий, кўғричоқ бўлиб қолди. Араблар даврида икки дарё оралиғи Бухоро амирлиги томонидан бошқариладиган бўлди. Шуниси эътиборлики, бу ерда араблар қўйган ва уларнинг вассали бўлган ҳукмдор Бухорхудот сақлаб қолинган эди. Хуросон амири Наср ибн Сайёр даврида Тағшода Бухорхудот ўлдирилгач, Бишр ибн Тағшода Бухорхудот ва Холид ибн Жунайд Бухоро амири этиб тайинланди. Бундан кўриниб турибдики, араблар даврида Бухорода подшолик – бухорхудотлик сақлаб қолинган ҳолда, араблардан амир ҳам қўйилган.

Араблар ҳукмронлиги ўрнатилгач, ўлкада мусулмон дини ва унинг асосида шаклланган ислом ҳуқуқий ғоявийлиги қарор топди. Унга кўра, барча мусулмонлар муқаддас илоҳий қонун – Аллоҳ (Тангри) томонидан нозил қилинган Қуръони каримда ёзиб қўйилган, Расулulloҳ ҳадисларида ифодаланган, мусулмонлар жамоаси ҳаётининг қонун-қоидалари ҳақидаги билимлар тўплами бўлган фикҳда шарҳланган тартиб-тамойил асосида яшай бошладилар. Муқаддас қонунлар асосида яшовчи дунё ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсани кўриб, билиб турувчи ягона Аллоҳга имон келтиради ва Унинг буюрганига амал қилади. Муқаддас қонунларга таянган шариат эса мусулмонларга ана шу ягона тўғри йўлни кўрсатувчи қоидалар мажмуасидир. Мусулмон ҳуқуқий мафкурасига кўра, шариат – Аллоҳ томонидан инсоннинг туғилишидан вафот этишигача бўлган даврдаги ҳаётини белгилаб берувчи қоидаларни ўз ичига олади. Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги туркий халқлар, албатта, ислом дини ва мусулмон ҳуқуқини илгарироқ қабул қилган бўлишлари эҳтимол. Аммо айтиш мумкинки, ислом дини ва мусулмон ҳуқуқи Сирдарё ортига

етиб келгач, ҳужумдан кўра кўпроқ мудофаага ўтила борилган, яъни ушбу диний тизимнинг устунлигига ишонтириш, уни тарғиб этиш усулига ўтилган. Натижада бу ерлик аҳоли орасида ислом дини қурол кучи билан эмас, ишонтириш орқали катта муваффақият қозонган. Хуросонлик олим ва фақиҳ Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Суфён Келматий (961 йилда вафот этган) Қорахоний турклар саройига келиб, ислом динини тарғиб қилган биринчи шахслардан бўлган. Тарихчи ибн ал-Асирнинг кўрсатишича, 960 йилда 200 мингдан ортиқ туркий оилалар ёппасига мусулмонликни қабул қилиб, унинг Ҳанафия йўналишини танлаганлар, деб таъкидлайди академик В. В. Бартольд “Турклар ва Туркистон” асарида (Асарлар, II том, I-қисм. М., 1963, 244-бет). Ҳанафия таълимоти Мовароуннаҳр ва бутун Туркистонда кенг тарқалиб, барқарор мақомга эга бўлди. Бу фикҳ мактабининг вакиллари маҳаллий халқларнинг анъана ва урф-одатларини мазҳаб доирасига киргиздилар.

Албатта, араблар маданияти ва ҳуқуқи бу ерда юксак даражадаги ҳуқуқ ва маданиятга дуч келди. Жумладан, маҳаллий туркларнинг ўз қонунлари, жиноят ҳақидаги низомлари, ривожланган одат ҳуқуқлари, суғдларнинг эса ривожланган ҳуқуқ тизими, юридик муассасалари мавжуд бўлган. Ана шундай бир шароитда мусулмон ҳуқуқини мавжуд шароитга мослаб ривожлантириш лозим эди. Мусулмон дини ва ҳуқуқи айни шу вазифани бажариб, диний кўп хиллик ва ҳуқуқий тарқоқликка барҳам берди.

Арабистон ярим оролида мусулмон давлати ва ҳуқуқи вужудга келгандан кейин, дастлабки халифалар давридаёқ бу дин тарафдорлари орасида бўлиниш юз бериб, сунний ва шиа мазҳаблари ва уларнинг мустақил фикҳ мактаблари<sup>1</sup>, Хуросон ва Мовароуннаҳрда эса издошлари вужудга келди.

VIII-IX асрларда мусулмон фикҳшунослигининг ташкил топишида дастлаб унинг мустақил фикрга устунлик бериш асос қилиб олинган Бағдод мактаби (асхоб ар-

---

<sup>1</sup> “Ал-Фикҳ” луғавий жиҳатдан арабча “чуқур англаш, билим” маъноларини англатиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги соҳасидаги билимлар йиғиндисидан иборат.

раъй), ҳадислар асосида иш юритувчи Мадина мактаби (асхоб ал-ҳадис) пайдо бўлди.

Суннийлар орасида дастлабки вақтларда юридик мактаблар ва йўналишларнинг сони 500 дан ошган бўлса-да, VIII-IX асрларда улардан тан олинган ва кенг тарқалган тўрттаси қолиб, бошқалари барҳам топган. Бу мактаблар асосан, мусулмон ҳуқуқининг қайси манбаларига устунлик беришига ва юридик ишларни ҳал этишига қараб фарқланиб, “Сунна мазҳаблари”, уларнинг тарафдорлари эса “Сунна аҳли” деб ном олди. Сунна мактаблари асосчиларининг номлари билан аталади. Бунга Ҳанафийлар, Моликийлар, Шофъеийлар, Ханабалийлар фикҳ – ҳуқуқ мактаблари кирази<sup>1</sup>.

Туркистон халқлари орасида Абу Ҳанифа мактабининг кенг ёйилиши унинг қоидалари қулайлигида эди. Яъни: а) асосий нарса ўрнатилган ҳолда, унинг моҳияти “ҳарфида эмас”, мазмунида эканлигини англаш; б) ҳуқуқий нормаларни амалда қўллашда маҳаллий шароитнинг ҳисобга олиниши. Бу қоидалар мусулмон ҳуқуқига эгилувчанлик, ҳаётийлик бағишлади. Ҳуқуқий жиҳатдан ривожланган халқлар ҳаётига мусулмон ҳуқуқининг кириб келишини осонлаштирди ва унинг маҳаллий шароитга мослашувига кўмаклашди.

---

<sup>1</sup> Булар ҳақида батафсил қarang: З. Муқимов. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби. Самарқанд, “Зарафшон”, 1997.

# І. РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

*ІХ асрдан мўғуллар истилосигача бўлган давр*

## 1. Сомонийлар давлати (874-999)

Мазкур давлат хусусида кўп манба ва адабиётлар мавжуд бўлса-да, улар орасида асли Бухоронинг Наршах кишлоғидан бўлган Абу Бакр Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари биринчи манба ҳисобланади. Бу шаҳарнинг пайдо бўлиши асарда қуйидагича тасвирланади: “Бухоро (ўрнашган) бу мавзе (илгари) ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўк-ламзорлар ташкил қилган. ...Ҳар томондан одамлар йиғилиб, бу жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томондан келар эдилар” Китобнинг кейинги саҳифасида Абрўй зулмидан кейин бухороликлар Туркистон ва Тароз яқинидаги Ҳамукет мавзесида уй-жойлар қуришлари, Бухоро аҳолисининг турк ҳоқони Қоражуринга мурожаат этиб, унинг зулмидан озод қилишни сўраганликлари тўғрисида ҳикоя қилинади. У эса ўғли Шери Кишварни кўп сонли лашкари билан юбориб, қўзғолонни бостиргач, ўзи шу жойда қолади. “Шери Кишвар Бухоро шахристонини қуради ҳамда Мамостин (Маистин), Сақамтин (ҳозирги Чорбакр), Самтин ва Фароб қишлоқларини барпо қилди”<sup>1</sup>, дейилади.

Ундан кейин Бухорони деҳқонзода бой киши бўлган Бидун Бухорхудот ва унинг авлодлари Исмоил Сомоний давригача бошқарган. Арабларнинг Марказий Осиё истилоси Бухорони босиб олишдан бошланган бўлса, дарё орти, яъни Мовароуннаҳрнинг араблар ва уларнинг Хуросондаги ноиблари ҳукмронлигига қарши курашнинг маркази ҳам айнан Бухоро бўлди, дейиш мумкин.

Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиблари ІХ аср бошларидан халифалик саройидаги турли сиёсий масалаларга араллашиб, гоҳ у, гоҳ бу сулолани қўллаб-қувватлай бошладилар. Ана шу йўллар билан халифаликда ўз таъсирини

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 90-92-бетлар.

кучайтириб олган Тоҳир ибн Ҳусайн 821 йилда Хуросон ноиби этиб тайинлангач, мамлакатни Араб халифалигидан мустақил бошқаришга интилди. Унинг ўғли Абдулла (830-844) даврида эса Хуросон деярли мустақил давлатга айланди. Ўз ватандошларининг кўзғолонларини бостириш эвазига аввал Тоҳирийлар, кейинчалик Сомонийлар халифаликка ўз содиқлигини кўрсатиб, ишонч қозондилар. Уларнинг катта бобоси Марв ноиби бўлиб, бу сadoқат учун унинг ўғли Асаднинг ўғиллари: Нуҳ ибн Асад – Самарқандга, Аҳмад – Фарғонага, Яхё эса Шош ва Уструшонага ноиб этиб тайинланган эди. Улар Хуросон ноиби Тоҳир ва унинг ўғилларига бўйсунган иккинчи даражали ноиблар бўлишса-да, қўллари остидаги вилоятлар уларга содиқлик учун инъом қилинган мулк ҳисобланиб, шу жойларда чақа пул (фулус) зарб қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

Ў856 йилдан эътиборан Мовароуннаҳрда Аҳмад хонадонининг таъсири кучайиб, унинг ўғиллари даврида мамлакат бирлаштирила бошланди. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Наср (865-892) Сомонийларга бош бўлди. Хуросон ноиби Тоҳир ибн Абдулла (844-862) бундай бирлашишга қаршилик кўрсата олмасди, чунки бу вақтда унинг ҳокимияти кучсизлана бошлаган эди. ~~873 йилда~~ мазкур сулолани йўқ қилиб ташлаган Яъқуб ибн Лайс Хуросонда янги Саффорийлар сулоласига асос солди. Бу сулола аъзолари Мовароуннаҳрни бирлаштириш ишларига аралашмай қўйдилар. 874 йилда Хуросоннинг сўнгги ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳирнинг укаси Ҳусайн ибн Тоҳирга қарши кўзғолон кўтарган бухороликлар таклифига биноан Исмоил (874-907) Бухорога ноиб этиб тайинланади ва у Мовароуннаҳрда кумуш дирҳамларни зарб қилдира бошлайди. Кўп ўтмай, турк қўшинларига таянган Исмоил кучайиб, 888 йилда жангда акаси Наср қўшинларини тор-мор этиб, Мовароуннаҳрга ягона ҳукмрон бўлиб олади. ↓

Шундан бошлаб деярли 100 йил фаолият кўрсатган ва бош шаҳри Бухоро бўлган Сомонийлар давлати вужудга келади. У Хуросон ҳукмдорлари билан бўлган тўқнашувларда ҳам ғолиб чиқиб, бу мамлакатдаги кўплаб вилоятларни ўз давлатига қўшиб олади. Умуман, Исмоил Сомо-

ний даври у асос солган давлатнинг ривожланган даври бўлиб қолди.

Абдумалик даврида (954-961) туркий лашкарбошилар мавқеи янада кучайиб, Сомонийлар номигагина ҳукмрон ҳисобланардилар. Айниқса, буюк Ҳожиб Алп Тегиннинг (Ғазнавийлар давлатининг асосчиларидан) давлатда мавқеи кучли эди. Унинг талаби билан тахтга ўтирган Наср III тахтдан туширилгач, Ғазнага келиб, у ерда мустақил Ғазнавийлар давлатига асос солади. Ниҳоят, ички зиддиятларга чўлғана бошлаган Сомонийлар давлати Қораконий турклар тазйиқига дош беролмай, емирилади.

**Ижтимоий тузуми.** Давлатнинг марказлашуви икки дарё оралиғида ижтимоий-иқтисодий тузумнинг маълум даражада тараққий этишига олиб келади. Феодал ишлаб чиқаришга асосланган усул ривожланиб, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, деҳқончилик маданияти, араб, форс тилларидаги илм ва фан ҳамда адабиёт юксалади. Деҳқончилик асосан, сунъий суғориш ва ёмғир сувлари билан суғоришга мосланган эди.

Ҳукмрон доиралар вакилларининг ўзлари катта-катта ер мулкларининг эгалари бўлиб, Сомоний ҳукмдорлари, уларнинг авлодлари, турк лашкарбоши ва амалдорлари, руҳонийлар ҳам шулар жумласидаги юқори табақа ҳисобланар эди. Араб ҳалифалигига қаршилик кўрсатган йирик бой-бадавлат деҳқонлар норозиликлари бостирилиши вақтида катта зарар кўрган бўлсалар-да, ҳали кучли эдилар. Айниқса, Салжуқийлар вазири Низомулмулкнинг ёзишига қараганда, турк аскарбошилари, жумладан, Алп Тегин жуда бой бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги 500 қишлоқ унинг хусусий мулки ҳисобланарди. Ҳар шаҳарда унга қарашли карвонсаройлар, ҳаммом ва уйлар сингари кўзгалмас мулклар мавжуд эди. Абу Али Симжурий, Фоиқ каби бошқа турк аскарбошилари ҳам ундан қолишмасди. Бутун ички ва ташқи савдони, дўконлар, карвонсаройлар ҳамда уй-жойларни ўз қўлларига олган савдогарлар табақаси ҳукмрон қатламни ташкил қилар эди.

Сомонийлар даврида Бухоро ислом динининг марказларидан бирига айлана борди. Диний муассасалар, масжид ва мадрасаларга ер, сув мулкларини вақф қилиб бериш кенгайди.

IX аср охири ва X асрлардаги ер мулклари барча ислом мамлакатларидаги каби аввало, кимга тегишлигига, ундан кейин эса солиқ тўлаш тартибига кўра гуруҳлаштирилиши мумкин. Жумладан, кимнинг эгаллигига қараб, мулклар қуйидаги уч турга бўлинган:

1. Мулки Мамлоки Султоний – яъни, Султон (ҳукмдор) ва давлат бошлиқларига қарашли ерлар. Улардан келадиган даромад давлат муассасалари бўлган девонлар томонидан бошқарилганлиги учун ҳам давлат ерлари (мулки) ҳисобланган.

2. Вақф ерлари, яъни диний ташкилотларга вақтинча ёки доимий фойдаланишга ўтказилган ерлар. Сомонийлар даврдан қолган вақф ёрлиқларининг бизгача етиб келганлиги бу мулкнинг ҳам тараққий қила бошлаганлигини кўрсатади.

3. Хусусий эгаликдаги ерлар.

Солиқ тўлаш шаклига қараб эса асосан:

а) хирож ерлари, яъни давлат ерларида яшаб, уни ишлаб, фойдаланганлиги учун деҳқонлардан давлат солиғи – хирож ундириладиган ерлар;

б) солиқ тўлашдан қисман ёки тамоман озод этилган ерлар, уларга келиб чиқишига кўра Муҳаммад, (саллоллоҳу алайҳи васаллам) хонадонига бориб боғланувчи сайидларнинг ерлари кирган.

Сомонийлар даврида ноиблар, аскарбошилар ва амалдорларга мукофот тариқасида бутун-бутун вилоятлар инъом қилиб берилган ва бу “иқта”, уни олган киши “иқтодор” деб аталган. Бундай ер-мулк эгаллиги ҳам ривожланган бўлиб, иқтодорлар ердан келадиган даромадни қисман ушлаб қолишга ҳақли ҳисобланардилар.

Бу даврда феодалларга тегишли ер мулклари кўпроқ ижарачи деҳқонлар томонидан турли шаклларда ижарага олиниб, ишлаб бериларди. Ўзининг от улови, уруғлари бўлганлар ҳосилнинг 4 дан 1 ёки 3 дан 1 қисмини олсалар, ҳеч нарса бўлмаган ижарачилар ҳиссаси ҳатто 10 дан 1, 12 дан 1 га тушиб қолган эди.

Ижарачиларга берилган ерлардан ҳосилнинг қанча қисми кимга текканлигига қараб давлат солиғи – хирож олинган. Булардан ташқари, Сомонийлар давлатида қулар кўп бўлиб, улар меҳнатидан кенг фойдаланилган.

**Давлат тузилишининг белгилари.** Сомонийлар давлати марказлашган типик ўрта аср давлати бўлиб, бошқариш шакли якка ҳокимлик (монархия) эди. Давлат бошлиқлари ўзларини “амир ул-муслимин” деб атаган араб халифаларидан фарқли равишда доим амир, яъни ҳукмдор номини афзал билганлар. Давлатни бошқариш иккига: шахсан амирнинг ўзи бошқариб турадиган сарой (даргоҳ) ва ўзларига бўйсунадиган тармоқлар бўйича амир фармонларининг марказий ижроия идораси бўлган маҳкамалар орқали ижро этувчи девонга бўлинган.

Араб халифалигида девон тизими Аббосий халифалар даврида шаклланган бўлса, Мовароуннаҳрда бу Сомонийлар даврида юз берди, яъни девонлар тизими икки дарё оралиғи давлатларига тўғридан-тўғри Араб халифалигидан кириб келди.

“Амир... ўз саройи дарвозаси олдида амалдорлари учун сарой қуришга буюрди, – деб ёзади Наршахий бу ҳақда, – уни ҳам қурдилар, шундайки, ҳар бир амалдорнинг подшоҳ саройи дарвозаси олдида қурилган ўз саройида алоҳида девони бор эди”<sup>1</sup>.

Бу маҳкамалар ўнтадан иборат бўлиб, вазирлик ёки бош ҳожиб девони (ҳожиб ул-хужоб) улар ичида энг каттаси саналиб, барча девонлар унга бўйсунган, унинг фармойишларини бажарган. Бу девон бошлиғи бўлган вазирлик мансаби наслдан-наслга сулола асосида таниқли хонадонларга бириктириб қўйилган. Ундан кейинги ўринда давлат даромадлари ва харажатлари, кирим-чиқим ишлари, яъни молия (муставфий) девони турган.

Давлат ёзишмаларини олиб бориш ҳужжатларни юриштиш девони (умид ул-мулк ёки девони иншо) томонидан амалга оширилиб, унга ходимлар кўпроқ араб ва форс тилларини билган, маълум даражада билимга эга кишилар, яъни “аҳли қалам” орасидан танлаб олинган.

Юқорида айтилганидек, Сосонийларнинг сара қўшинлари турк ғулумларидан тузилган. Уларга вазир, яъни бош ҳожиб раҳбарлик қилган. Аммо аскар уларнинг маош таъминоти билан шуғулланувчи махсус мансабдор шахс – ариз бўлиб, унинг маҳкамаси соқчилар ёки девони ариз

---

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 106-бет.

деб аталган. Ерларининг чегаралари халифаликдан катта бўлган бу давлатда почта-алоқа хизмати алоҳида ўрин тутган. Шунинг учун ҳам унинг жойлардаги ходимлари маҳаллий бошлиқларга бўйсунмасдан, тўғридан-тўғри марказга хат-хабарлар мутасаддиси бўлган девон (барид)га бўйсунган.

Муҳтасиб девони ҳам бўлиб, унинг вазифаси аввало, савдогарларнинг тош-тарозисини, хунармандлар маҳсулотининг сифатини текшириб туришдан иборат бўлган. Кейинчалик у шаҳар аҳолисининг дин ва ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиб турувчи мансабга айланган.

Булардан ташқари, давлат хазинасидаги даромад ва харажатларни назорат қилиш девони (мушриф), давлат мулкларини бошқариш девони, шунингдек, қозилар девони бўлган. Унга қози раҳбарлик қилиб, у асосан, суд ишларини олиб борган. Шуни айтиш лозимки, бу тизим кейинчалик Ғазнавийлар даврида яна ҳам ривожланиб, мустақамланди.

Маҳаллий бошқарувнинг вилоятлардаги марказлари арабча “қасаба” деб аталиб, бу бошқарув баъзан қадимги эронча “қалхудо” (яхши хўжайин) номи билан аталувчи амалдор қўлида тўпланган. Шаҳарларда раис бош бўлиб, диний уламоларга шайхулислом раҳнамолик қилган. Вилоятларда ҳам девонларнинг бўлимлари маҳаллий идора органларининг бўлимлари сифатида иш олиб боришарди. Маҳкамаларда ишлаш учун маълум даражадаги билимга эга, саводли, араб ва форс тилларини билувчи кишилар жалб қилинган. Албатта, бу Сомонийлар давлатида амалдорлар тўғри, адолатли ишлаган, деган гап эмас, барча давр хизматчиларининг порахўрлик, таъмагирлик хислатлари уларга ҳам хос эди. Шу билан бирга, Наршахий ўз китобида улардан баъзилари, жумладан 828 йилда Бухоро шаҳри қозилигига тайинланган Саъид ибн Халаф ал-Балхий ҳақида яхши фикр ёзиб қолдирган: “Токи кучли киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун (суб тақсимлашда. – З.М.) тўғонлар қурдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни у киши асослаган”<sup>1</sup>.

Бу даврда мусулмон диний ғоявийлигига асосланган шариат ҳуқуқи тизими ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб

---

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 89-бет.

қолди. Ҳадис илмининг кўплаб билимдонлари – муҳаддислар ва фикҳ уламолари етишиб чиқиб, бутун ислом дунёсига танилди. Сомонийлар давлати ва ҳуқуқи, унинг ижтимоий-сиёсий тизими Ўзбекистон тарихида муҳим даврлардан бирини ташкил қилиб, кўплаб ўзгаришлар шу давлат номи билан боғланади.

Шу тариқа Мовароуннаҳрда араблар ҳукмронлигининг барҳам топиши ва ҳокимият ижтимоий-этник хусусиятлари жиҳатидан ўша даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги халқларга яқинроқ бўлган сомоний зодагонлари қўлига ўтишига олиб келди.

Сомонийлар хонадонининг асосчиси Шимолий Афғонистоннинг Балх вилоятидан бўлган ер эгаси, деҳқон Самонхудот бўлса-да, шунга қарамай, “бу сулола ўзининг Эроннинг қадимги подшолари бўлган Сосонийлардан келиб чиққанлигини даъво қилади”, – деб ёзади инглиз олими К. Э. Босворт<sup>1</sup>. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки тарихда подшолар сулоласидан бўлмаган давлат бошлиқларининг ўз ҳокимиятларини мустақамлаш ва қонунийлаштириш мақсадида насабларини машҳур кишиларга боғлаши фақат Сомонийлардагина эмас, бошқа сулолаларда ҳам учрайди.

Шу даврда араб ҳалифалигига ва Эронга мос бўлган марказий бошқарув органлари ҳисобланган маҳкамалар, девонлар тизими давлат идоралари, органларига ҳам кириб келган ва шундан кейинги даврда, яъни XX асрга қадар бугунги Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган давлатларда мустақам ўрин олган.

## 2. Ҳазнавийлар давлати (962-1186)

Сомонийлар давлатининг заифлашуви ҳамда турк лашкарбошилари мавқеининг кучайиши бу давлат вужудга келишининг сабабларидан бири бўлди. Ҳазна шаҳрида ҳокимиятни қўлга олишга биринчи бўлиб уриниб кўрган киши Сомонийлар лашкарбошиси Алп Тегин эди, кейинчалик Сомоний амирларидан Нух II га кўрсатган ёрдами

---

<sup>1</sup> К. Э. Босворт. Мусулманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Перев. с. англ. и прим. П. А. Грязневича. М., 1971, 145-бет.

учун Сабук Тегинга Ғазна ноиблиги берилди. Бу ерда ҳокимиятни ўз қўлига олганидан кейин эса, бутун Хуросон унинг тасарруфига ўтади. Унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) даврида ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилган бу давлатнинг ташкил топиши ва мустақкамланиши икки дарё оралиғида ҳокимиятни ўз қўлига олаётган Қорахонийлар давлатининг Амударёдан ўтишини тўхтатиш билан бирга давом этди. XI асрда улкан салтанатга айланиб, Шимолий Ҳиндистон чегарасидан то Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача бўлган ҳудудни, ҳозирги Афғонистон, шимолий-шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати икки дарё оралиғидаги мамлакатлар ва халқлар тақдирида муҳим роль ўйнай бошлади. Ўрта аср Шарқ яккахокимлиги шаклидаги бошқарувнинг бир намунаси бўлган бу давлат таркибига Ғазна, Балх, Тоҳаристон, Хуросон, Ғарбий Эрон, Каспий денгизининг жанубидаги ерлар, Амударё ҳавзаси, Шимолий Ҳиндистон кирган. Унинг бой қисмларидан бири ҳисобланган Хоразм 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олинган бўлиб, Хоразмшоҳ Олтинтош унинг вассали ҳисобланган. Шунингдек, Марказий ва Ғарбий Эронда ҳукмронлик қилган сулолалардан Какуидларга мансуб Қазвин, Исфажон, Ҳамадон ҳокимлари ҳам вассал сифатида Ғазнавий давлатига йилига 200 минг Ҳирот динори ва 10 минг кийим-кечак етказиб бериб турган. Тоҳаристон ва Гургоннинг буидийлар сулоласидан бўлган ҳокимлари ҳам унга вассаллик ҳолатида эди.

Давлат бошлиғи Маҳмуд Ғазнавий араб халифаси томонидан Султон деб тан олинди, махсус ёрлик билан тақдирланган. Гарчи Султон Маҳмуд ҳокимияти бўлинмас саналса-да, баъзи ҳолларда у ўз яқинларининг фикри билан ҳисоблашишга мажбур эди. Кейинчалик Бағдод халифаси ал-Қодир (991-1031) томонидан унга “Яминуд-давла”, яъни давлатнинг ўнг қўли фахрли унвони берилган.

Вазир султоннинг энг яқин ёрдамчиси, барча фуқаро ва маъмурий амалдорлар бошлиғи ҳисобланган. Машҳур тарихчи Байҳақий “Маъсуд тарихи” асарида Ғазнавийлар давлатида султон ва вазир ўртасида бўладиган ва бошқа

давлатларда кўзга ташланмайдиган ўзига хос муносабатни келтиради. Агар султон бирор кишига вазирлик мансабини берса, унинг билан давлат бошқаруви масаласида ўзаро ваколатларни чегаралашга доир битим тузган. Бунда вазир султондан ўз ваколатини қай йўсинда, қай ҳажмда амалга оширишини сўраб нома ёзган. Султон унга ўз қўли билан жавоблар битган. Шу тариқа вужудга келган битим сўнгида иккаласи ҳам қасам ичишиб, имзо чекишган. Вазир ўз вазифасини намунали олиб боришга гувоҳлар олдида баланд овоз билан қасамёд қилган. Бу қасам ёрлиғи давлат архивида сақланган. Битимни эса вазир ўзига олган<sup>1</sup>. Ана шундай битим Ғазнавий султон Маъсуд билан 1032 йилда бош вазир этиб тайинланган Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий ўртасида тузилган бўлиб, мазкур асарда унинг тўла матни келтирилади<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, бу тартиб қадимги туркларнинг хон сайлашдаги: “Сиз неча йил ҳукм сурмоқчисиз?” деб оғзаки тузиладиган битимидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Вазирнинг вазифаларидан бири Ғазнавийлар давлатининг марказий девонига раҳбарлик қилиш бўлган. Бунга: давлат мирзахонаси, девон ар-рисуил, вазирлик девони – девони вазорот, молия ҳисоб девони – девони истеъфо, қўшинлар девони – девони арз, сарой девони – девони ваколат, почта-алоқа девони – девони барид кирган. Улар бошида турган “соҳиблар” деб аталган амалдорлар вазирнинг барча буйруқ ва фармойишларини бажарган.

Солиқлар йиғиш билан шуғулланувчи мансабдор шахс “омил”, фуқаро ва ҳарбий амалдорлар “қилич ва қалам соҳиблари” деб аталиб, улар ўртасида даромадли мансабларни эгаллаш учун қаттиқ кураш борган. Шунини кўрсатиб ўтиш лозимки, X-XII асрларда ва ундан кейинги даврда Марказий Осиё ва Хуросонда асосан, икки тилда сўзлашувчи халқ ва уларнинг давлат хизматидаги иштироки, тарихий анъаналари яққол кўзга ташланади. Бу –

---

<sup>1</sup> С. Г. Агаджанов. Государство Сельджукидов. 33-бет.

<sup>2</sup> Абул Фазл Бейхаки. История Маъсуда (1030-1041). Вступ. статья, перев. и прим. А. К. Арендса. Т. “Фан”, 1962, 683-699-бетлар.

туркий тилда сўзлашувчи туркийлар ва форсча сўзлашувчи тожиклар эди.

Армия қўмондонлари асосан, туркийлардан бўлиб, келиб чиқишига кўра улар ғуломлардан эди. Султон тахтининг таянчи ҳисобланган қўшин асосан, отлик, қисман пиёда аскарлардан ташкил топган. Ҳазнавийлар армиясининг ўзига хос томони шунда бўлганки, унда алоҳида тутқунликдаги ғуломлардан тузилган қисм мавжуд эди. Унинг таркиби кўпинча Мовароуннаҳр, Хўжанд, Тароз томонлардан сотиб олинган ва ҳарбий ишга ўргатилган қуллар, ҳарбий асирлардан иборат бўлган. Сарой ғуломлари (2 минг киши чамаси) султоннинг хос кўриқчиси ва байроқдорларга (300 ғулом) бўлиниб, улар хизмат эвазига хазинадан йиллик маош ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб туришган. Ғуломлар яхши хизматлари учун озод этилишлари, ер мулкига эга бўлишлари, катта мансабларга эришишлари мумкин эди. Аммо шунга қарамасдан, султоннинг қули ҳолатида қолаверишарди. Бу жиҳатини ҳисобга олиб, уларни шахсан озод бўлмаган имтиёзли табақа деб аташ мумкин. Ғуломлар доимий равишда султон мирзахонасининг амалдори – дабирнинг яширин назорати остида бўлишган. Ҳазнавийлар армияси учта йирик қўшилмадан иборат бўлиб, учта қўмондон сипоҳсолар Ҳиндистон, Ироқ, Хуросонда жойлашган. Бутун армия қўмондони хос ҳожиб бўлиб, у алоҳида байроқ ва довулга эга эди. Ҳазнавийлар давлати бошқа бир турк қабиласи – Салжуқийларнинг ҳужумлари остида инқирозга юз тутди.

### 3. Салжуқийлар давлати (1040-1160)

**Давлатнинг ташкил топиши.** X асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи қисмида кўп сонли туркий тилли халқлар – ўғузлар яшар эди. Кейинчалик улар нуфузли бошлиқларидан бири Салжуқ ибн Туғлоқ номини олиб, Салжуқийлар деб атала бошлаганлар. Шу қабилалар X асрнинг ўрталарида дастлаб Мовароуннаҳрга, кейинчалик Сирдарёнинг қуйи оқимида кўчиб жойлашади.

Аммо ўғуз ҳукмдорларидан Жанд қалъаси ябғуси Шоҳмалик даврида улар Сирдарё ҳавзаларидан сиқиб чи-

қарилади, асосий қисми эса Зарафшон воҳаси ва Нурота тоғи ёнбағирларига қайта жойлашади. XI асрда Қорахонийларнинг Бухоро ва Самарқандни босиб олиши билан Салжуқийларнинг аҳволи оғирлаша бошлайди. Шу даврлардан уларнинг уруғ бирлашмасида бўлиниш юз бериб, Салжуқнинг икки ўғли Исроил ва Микоил авлодлари Мусо Бойғу, Довуд, Чағирбек ҳамда Муҳаммад Туғрулбек бошчилик қилган мустақил гуруҳлар ташкил топади. Исроил Қорахоний Али Тегин билан иттифоқ бўлганлиги учун 1025 йилда Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан асир олиниб, узоқ Ҳиндистонга қамоққа юборилади. Унинг гуруҳидагилар Амударёдан ўтказилиб, Сарахс, Обивард, Фаровага жойлаштирилади ва Султонга хирож тўлаб, ҳарбий хизматни ўташга мажбур қилинади. Уларнинг 1027 йилда Султонга қарши кўтарган кўзғолони шафқатсиз бостирилади. XI асрда Салжуқийларнинг бирлашмаси емирилиб, учта мустақил гуруҳ: Болхон тоғлари, Каспий бўйлари ва Шимолий Хуросон гуруҳи; Гургон, Рай, Исфаҳон, шимоли-ғарбий Эрон гуруҳи ва Мусо бойғу, Чағирбек, Туғрулбек бошчилигидаги Мовароуннаҳр гуруҳи вужудга келади.

XI асрнинг 30-йилларида қорахоний Али Тегин вафотидан кейин улар дастлаб Хоразмга ўтиб, Амударё ва Каспий денгизи бўйларидаги ўғуз, қипчоқ ва бошқа қабилаларга қўшилгач, Хуросонга кўчиб ўтадилар. Бу ерда улар таркибига Сирдарё, Мовароуннаҳр, Хоразм, Болхон, Хуросон, Гургон кўчманчи чорвадор қабилалари, ўғузлар, қипчоқлар, туркманлар ва бошқа туркий қабилалар қиради.

Хуросонда Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Маъсуд ҳукмронлиги даврида яна бир гуруҳ вужудга келади. Салжуқийлар раҳбарларидан Мусо, Чағирбек, Туғрулбек Султон Маъсудга Нисо ва Фарова вилоятларини чорва боқиш учун беришини, бунинг эвазига Маъсуднинг қўшинларда хизмат қилишини сўраб, элчи юборадилар. Ғазнавийлар эса рад жавоби бериб, урушга шайланадилар. Ўғузлар армияси 1035 йилда Нисо яқинида Маъсуд қўшинларига зарба беради. 1038 йилда Муҳаммад Туғрулбек Нишопурда араб ҳалифасидан Султон унвонига ёрлик олади. Ғазнавийлар билан Салжуқийлар ўртасидаги

ҳал қилувчи жанг 1040 йилнинг 17 майида Данданакон ёнида бўлиб, Маъсуд қўшинлари устидан ғалаб қозонилган бу кун Салжуқийлар давлатининг ташкил топган куни ҳисобланади. Байҳақийнинг кўрсатишича, Туғрулбек жанг бўлиб ўтган жойнинг ўзида чайла қурдириб, унга султон тахтини қўйдиради ва барча мулозимлари уни Хуросон ҳукмдори сифатида муборакбод этадилар. Шу билан Салжуқийларнинг уюшган, марказлашган давлати вужудга келиб, у юз йиллар мобайнида бутун Осиёнинг катта қисмида, Яқин Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи мавқени эгаллади. Улар даврида давлат бошқаруви, ҳарбий қурилиш, маданият борасида сезиларли даражада ўзгариш юз берди.

Бу давлат ўзининг энг ривожланган даврида ҳозирги Марказий Осиёнинг деярли бутун ҳудудини, Эрон, Афғонистоннинг катта қисмини, шунингдек, Кавказорти, Олд ва Кичик Осиёни ўз таркибига бирлаштирди. Унинг раҳбари Султон Муҳаммад Туғрулбек (1038-1062) ҳатто 1056 йилда Эронни босиб олгач, Бағдодга кириб келди. Аббосийлар сулоласидан бўлган араб ҳалифалари устидан сиёсий назорат ўрнатди.

Султон Маликшоҳ вафотидан кейин (1073-1092) оғир касал бўлган Султон Беркёруқнинг (1092-1105) тахтга ўтириши ва ўз ҳукмдорлигини сақлаб қолиш учун кураши, ўзаро низолар бошланиб кетиши улкан империя бўлган Салжуқийлар давлатининг инқирозини тезлаштиради. Унинг ғарбий мулклари бўлган Кавказорти, Эрон, Ироқ, Сурия ва Кичик Осиё XI аср охири ва XII аср бошларида мустақил давлатларга бўлиниб, илгариги ягона салтанат ўрнида Хуросон, Ироқ, Рум, Шимолий Хуросон султонликлари вужудга келади.

Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий ерларида шарқий Салжуқийлар султонлиги ташкил топиб, XII асрдан Санжар ибн Маликшоҳ (1118-1157) ҳокимиятига ўтади ва Мовароуннаҳр Салжуқийларнинг вассалига айланади. Хоразмда эса уларнинг вассали бўлган Ануштегинлар сулоласи (1097-1221) кучая бошлайди.

1120 йилда Бағдод ҳалифаси Мустаршид Маҳмуд билан Малик Санжар ўртасидаги битимни тасдиқлайди ва амалда Салжуқийлар давлатининг иккига – Ироқ ва

Хуросон султонлигига бўлинганлигини тан олади. Кейинчалик Султон Санжар асос солган Шарқий Салжуқийлар давлати таркибига Балх вилояти, ҳозирги Мозори Шариф, Шимолий Афғонистон ва Эроннинг шимоли-ғарбий ҳудудлари, Каспий денгизининг шарқи-жанубий соҳилларидаги ерлар, жанубий ва ғарбий Туркменистон воҳаси кириб, Марв шаҳри унинг пойтахти бўлиб қолади. Хоразм, Мовароуннаҳр, Сейистон ва Фазна унга вассал давлатларга айланади. Шундан кейинги воқеаларнинг бориши Марказий Осиёдан келиб чиққан Киданларнинг бир тармоғи бўлган Шимолий Манжурияда кўчманчи Ляо давлатининг ташкил топиши ва унинг Цзинларнинг Чжур Чжен давлати томонидан тор-мор қилиниши, Марказий Осиёдан туркий тилли қабилаларнинг сиқиб чиқарилиши билан боғлиқдир.

Мовароуннаҳрнинг Салжуқийларга вассал бўлган Қорахоний ҳукмдори Маҳмуд ибн Муҳаммад Арслонхон Хўжанд яқинида Қорахитойлар хони Гурхон қўшинлари томонидан тор-мор қилинган, Султон Санжардан ёрдам сўрайди. Қорахонийларга хизмат қилиб, азият чеккан Зарафшон воҳасида яшовчи қарлуқлар 40 мингга яқин суворийси билан Гурхон қўшинларига келиб қўшилади. 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд яқинидаги Қатвон даштида қорахитойлар билан Султон Санжар бошлиқ Салжуқийлар қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб, Салжуқийлар қўшини қақшатғич зарбага учрайди. Шундан кейин унинг вассали Хоразмшоҳ Отсиз урушмай, Гурхонга 300 минг динор товон тўлашга рози бўлади. Бу эса амалда Салжуқийлар давлати инқирозининг бошланиши эди.

Ўғуз-туркман ҳарбий зодагонларига таянган ва деярли юз йилдан ортиқ ҳукм сурган Салжуқийлар давлати ва Шарқий султонлиги 1141 йилда қорахитойларнинг султон қўшинлари устидан қозонган ғалабаси, кейинчалик аҳволи оғирлашган Балх ўғузларининг Султонга қарши кўтарган кўзғолони ва 1153 йилда Султон қўшинларига берган зарбалари натижасида Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмни вассалликда тутган Хуросон султонлиги емирилади. XI асрнинг 50-60 йилларида Салжуқийларнинг Шарқий давлати ўрнида бир қанча нисбатан йирик ва майда

давлатлар ташкил топади. XII асрнинг бошларида эса бу давлатлар Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати таркибига киради.

**Ижтимоий тузуми.** Салжуқийлар давлати ўрта аср давлати бўлиб, унинг доирасида қадимдан яшаб келган халқларнинг бир қисми деҳқончилик, савдо-хунармандчилик ва давлатнинг маъмурий идорасидан хизмат қилиш билан шуғулланган. Бошқалари эса, қисман суғориш билан боғлиқ деҳқончилик, асосан, чорвачилик, хунармандчилик, қўшинда хизмат қилиш билан машғул бўлган.

Феодал ер эгалари – деҳқонлар ер мулкларига эга бўлиб, бой, ўрта, камбағаллашган, жамоатчи деҳқонларга, султоннинг мулкида ишловчи, яъни барзигорлар, шунингдек, ижарачи деҳқонларга бўлинган.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Салжуқийлар давлатида, шунингдек, кейинчалик унинг вассалига айланган Мовароуннаҳрда муҳим аҳамият касб этганлиги учун сувга эгалик ҳуқуқи амал қилган. Ўша даврда яшаб ижод этган йирик фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний бу ҳақда шундай ёзган: “Сувга бўлган ҳуқуқ сотилиши ҳам, совға қилиниши ҳам, хайр-садақа қилиниши учун берилиши ёки сотишда рад қилиниши ҳам мумкин эмас”<sup>1</sup>. Юридик жиҳатдан ҳатто сув ҳуқуқи никоҳ тузилганда ёки вафот қилган кишининг қарзини тўлаш учун ҳам ўтказилиши мумкин бўлмаган.

Бурҳониддин Марғиноний X асрларда Марв шаҳрида суғориш учун сувдан фойдаланадиган кўчаларни ҳисобга оладиган “Кастафзуд” деган махсус давлат органи – девон бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни келтиради. Унинг таркибига кирган сув девонида суғориш ва сувга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги ҳужжатлар сақланган<sup>2</sup>. Худди шундай девонлар Эрон ва Кумда бўлиб, улар томонидан сувнинг қиймати ҳам белгилаб қўйилган. Бу даврда сув девони тузилган бўлса-да, сувга эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолган. Бундай ҳуқуқ амалда ворисларга қолди-

---

<sup>1</sup> Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. (Инглиз тилидан рус тилига таржима). Т., IV том, 119-183-бетлар.

<sup>2</sup> С. Г. Агаджанов. Государство Сельджукидов... 106-бет.

рилишигина мумкин бўлиб, унинг савдо битимлари орқали бошқа бировга ўтказилишига йўл қўйилмаган.

Салжуқийлар давлатида султон, у орқали давлат ернинг расмий эгаси ҳисобланган. Ер мулкининг давлат ер эгаллиги, наслий қолдириладиган ер эгаллиги, умрбод (бир авлодга) эгаллиги ва шартли (муқто, иқто) эгаллиги каби шакллари мавжуд бўлган.

Давлат ерлари, яъни султон саройига тегишли ерларни бошқариш учун махсус давлат бошқарув органи – амлоки хос тузилиб, Маликшоҳ даврида бундай ерлар саройга 21 минг қизил олтин даромад келтирган. Ерга хусусий эгалик мулк шаклида бўлиб, у ҳам меросий, сотиб олинган ва бошқа ер мулкларига бўлинган.

XI–XII асрларда Салжуқий султонлар ўз фармонлари – тауке билан йирик ҳарбий бошлиқ ва амалдорларга текин, шартсиз асосда катта-катта вилоятларни, яъни давлат ерларини бўлиб беришган. Машҳур вазир Низомулмулк даврида эса хазина камбағаллашгани учун кўп ерлар ер эгаллиги – иқто тарзида ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларга маош эвазига бўлиб берилган бошланган. Бу воқеа Низомулмулкнинг ер ислоҳоти деб аталган. Гарчи Низомулмулк туркларга биринчи бўлиб иқто тақсимлаб берган киши ҳисобланса-да, аслида 1050 йилда Султон Туғрулбек давридаёқ ҳарбийликни касб қилиб олган туркий қўшинларга ерни шу тарзда улашиш бошланган эди. Ҳарбийлар эса майда ва заиф, ўртаҳол деҳқонларни ўз ҳимояларига олиб, ўзларига берилган ерлар – иқтони улар ёрдамида ишлаганлар. Бунинг натижасида вужудга келган ҳомийликни худди Фарбий Европадагидек коммендация деб аташ мумкин. Иқтидорларга ўша ерда яшаб ишлайдиган кишилардан солиқлар олиш ҳуқуқи берилган.

Шу ислоҳотдан кейин Салжуқийлар армияси таъминотига қараб, хазинадан маош оладиган иқтидорлар рўйхатига кирган қисмларга бўлинган. Салжуқийлар давлатида бу мулк аста-секинлик билан умрбодлик мулкка айланиб борган.

Салжуқий султонлар ислом динининг ҳимоячилари бўлганликлари учун ҳам улар даврида вақф мулклари ривожланиб, тегирмонлар, уйлар, карвонсаройлар, ҳатто

кўприклар, ер мулклари масжид, мадраса ва бошқа диний муассасаларга вақф мулки тарзида ўтказилган. Вақф мулкларини васият қилувчи томонидан ёки бош қози – қози-ул қуззот томонидан тайинланадиган мутавалли бошқарган. Мулкни бошқарувчи махсус давлат девони – “девони авқофи мамолик” бўлиб, у вақф ишлари билан шуғулланган, аммо тури бўйича фақат наслий, ворисий вақфларнинг ишларига аралашмаган. Шарқий Салжуқийлар султонлигида XI асрнинг охири – XII аср бошларида вақфларни бошқариш вақф меросхўрлари қўлига ўта бошлаган.

**Давлат тузилиши.** Салжуқийлар давлати мутлақ монархияга асосланган ўрта аср марказлашган (империя) давлати бўлиб, унинг бошлиғи султон расман лавозимни Араб ҳалифалигининг ёрлиғи билан эгаллаган. Бағдод ҳалифаси ўзини “амир ул-мўминин” – мусулмонлар амири ҳамда султони деб атаган бўлса-да, Салжуқийлар даврида ҳалифалар ҳокимияти нисбий – кўғричоқ ҳокимият бўлиб қолган.

Султон амалда чекланмаган жуда кенг монархия ҳуқуқларига эга бўлиб, мансабдорлар устидан тушган шикоятларни ҳал қилган, ер бўлақларини бўлиб берган ёки ҳадя қилган, амалдорлар ва кўшин бошлиқларини тайинлаган, муҳим давлат ишларини ҳал этишда кенгаш чақириб, саркарда ва қўмондонларнинг фикрларини олишга ҳаракат қилган. Масалан, Туғрулбек Хуросон подшоларининг қоидаларига мос ҳолда ҳар ҳафтада икки кун фуқаросини қабул қилиб, низо ва жанжалларни шахсан ўзи ҳал этган.

Салжуқийлар давлатининг энг юксалган даврида Бағдод ҳалифаси Султон Муҳаммад Туғрулбекка “Малик ал-Машриқ ва-л-Мағриб”, яъни Шарқ ва Ғарбнинг подшоси ҳамда “Рукн-ад-Дин” – дин суянчиғи унвонларини берган. Бу унинг ҳокимияти нақадар юксак бўлганлигини кўрсатади. Султоннинг вазири бўлиб, у бутун маъмурий идорага раҳбарлик қилган. Султон мамлакатни мусулмон руҳонийларига таяниб бошқарган. Салжуқийларнинг машҳур вазири Абу Али Ҳасан ибн Али ат-Тусий (1017-1092) Низом ал-Мулк – “давлатнинг тартиботчиси” деган фахрий

унвонга сазовор бўлган. Низомулмулк Алп Арслон ва Маликшоҳ даврида ишни оддий амалдорликдан бошлаб, вазирлик даражасигача эришган ва шу мартабада 20 йил хизмат қилган. Салжуқийларда “отабек” мансаби ҳам бўлиб, у босиб олинган мамлакатлардаги вазирлик мансабига деярли тўғри келади.

Алп Арслон устидан отабек қилиб тайинланган Низомулмулкни махсус тауке (фармон)га кўра, “Илиқ” ва “Ота хўжа” деб улуғлашлари буюрилади. “Илиқ” атамаси эса, ўғузларда “байғу”, “сағун” фахрий унвонларига тенг эди. Шунинг учун, яъни отабеклик вазирликка тенг бўлганлиги боис Салжуқийлар давлатининг парчаланиб кетган бўлаклари отабеклик деб юритилган.

Вазирнинг асосий вазифаси давлат идорасига раҳбарлик қилиш бўлиб, унинг ҳузурда марказий ҳокимиятнинг олий органи – девони аъло бўлган. У бўлим ва девонлардан иборат эди. Давлат мирзахонаси девони – иншо ва туғро, девони ашраф, армия муассасаси девони – арз ал-жайни ва бошқалари бўлган. Вазир барча девонлар ишига бевосита раҳбарлик қилиб, хазина устидан назорат олиб борган, ўзига бўйсунган маҳкамаларга мансабдорларни тайинлаш, ишдан бўшатиш, маош бериш, ташқи сиёсатни олиб бориш ишлари билан шуғулланган.

Вийоатларга волийлар тайинланиб, улар ҳузурда ноиблари, солиқ йиғувчилар – омиллар, жамоат тартибини қўриқловчи шаҳна ва бошқа мансабдорлар мавжуд эди.

Салжуқийлар давлати вужудга келгандан кейин уруғларнинг бўлинмалари ўрнига доимий қўшин тузилган. Султон Санжар даврида армияда ўғузларнинг ҳарбий одат ҳуқуқлари тўла тиклана бошлаган. Қўшиннинг ўнг қанотини қайи, баёт қабилаларини бекларбеги, чап қанотини эса баёнлар ва бежанак қабилаларининг бекларбеги бошқарган.

Шундай қилиб, иккита гуруҳ катта қабилаларни **“учуқлар”** ва кичик қабилаларни **“бўзўқлар”** деб аташ одат бўлиб қолган. Бундан ташқари, армия манглай марказ, қўриқчи қисмлар – қоровул, авангард ва соқчи – ёсол каби бўлинмалардан иборат бўлган.

Давлатдаги ҳуқуқ манбаларига келсак, шариат ҳуқуқи ва туркий халқлар орасида тура – одат ҳуқуқлари амалда бўлган. Шунингдек, Салжуқий султонларга ўттиз йил вазирлик қилган Низомулмулк томонидан 1091 йилда ёзилган “Сиёсатнома” ёки “Сияр ул-мулк” (“Подшолар турмуш тарзлари”) номли асар ҳам мазкур давлат бошқарувининг асосий қоидаларини ҳамда ҳуқуқий масалаларни ўрганишда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Китоб худди қиссадан ҳисса, яъни ҳикоят ва ундан чиқарилиши лозим бўлган хулосалар тарзида тузилган. Асарда подшолар, вазирлар, ҳарбий бошлиқлар, дабирлар, элчилар ҳамда қозиларга қўйиладиган талаблар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. “Бу амалларни, – дейди муаллиф, – жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмайди, фақат пок, порсо олимларга бериш лозим” Уларнинг ҳукм чиқариши борасида эса, жаҳл ва зулм ундан йироқроқ бўлиши лозим, деб уқтиради. “Сиёсатнома” асарини олимлар Салжуқий султонларнинг сиёсий қўлланмаси деб баҳолаганлар.

#### **4. Қорахонийлар давлати (990-1212)**

**Давлатнинг ташкил топиши.** Сомонийлар давлати Х асрда қарлуқлар ва Қорахонийлар (“қора” – қудратли маъносида) сулоласининг курашлари натижасида емирилди. Аммо бу курашни бошқинчилик сифатида тушунтириш ҳақиқатдан йироқдир. Сомонийларнинг чекланмаган ҳокимиятга интилишлари маҳаллий зодагонлар ва аҳоли ўртасида исёнкорлик кайфиятини уйғотади. Шунинг учун ҳам Сотуқ Бугрохон Мовароуннаҳрга деҳқонлар томонидан чақирилган, деган маълумотлар ҳам мавжуд. Чунки улар анча маданийлашган туркийлар бўлиб, ислом динини қабул қилган эдилар. Бағдод йилномаси туркларнинг мусулмон динини умумий тарзда қабул қилишини 950 йилдан ҳисоблаган. Яғмо, чигил, қарлуқ каби туркий қабилалар Сомонийлар давлати билан қўшни бўлиб яшаган бўлсалар-да, бу давлат таркибига кирмаган эдилар. 992 йилда Ҳасан Бугрохон бош бўлиб Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга юришини бошлайди. Кейинчалик, сулола асосчиси яғмо уруғидан бўлган Абулқосим Сотуқ Буг-

рохон (Қорахон) Бухорони қўлга киритиб, Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олади. Бу давлат ўз таркибида Шарқий Туркистон, Еттисув, Жанубий Тяншан тоғлари ён бағирларини ва Мовароуннаҳрни бирлаштиради. Иброҳим ибн Наср (Бўри Тегин) даврида (1052-1068) Мовароуннаҳрнинг бош шаҳри бўлган Самарқанд Шарқий Қорахонийларга бўйсунмаган ички ва ташқи сиёсат олиб борадиган давлатга айланган. У аввал Мовароуннаҳр ҳукмдори Алп Тегиннинг унвонига барабар келадиган “Тамғач Бугрохон” деган унвонни қабул қилади. Бу катта ҳоқонликнинг пойтахти турли даврларда Болосоғун, Қошғар, Ўзганд, Самарқанд, Авлиёота каби шаҳарлар бўлган. Ниҳоят, XI асрнинг иккинчи ярмида давлатни Салжуқийлар босиб олгач, Султон Санжар даврида (1118-1157) Қорахонийлар уларнинг вассалига айланади. 1102 йилда Қорахонийлар хони Қодирхон Жаброил Хуросонга бостириб киради. Аммо у Салжуқийлардан енгилиб, ўзи қатл этилади. Шундан кейин Малик Санжар Марвдаги Қорахонийлардан бўлган қариндоши Муҳаммад Арслонхон ибн Сулаймонни Самарқанд тахтига ўтқзади. Ўзаро ички урушлар, низолар натижасида заифлашиб қолган бу давлат 1212 йилда ўша даврнинг қудратли салтанатига айланган Хоразмшоҳлар давлати томонидан босиб олинади.

**Ижтимоий-сиёсий тузуми.** Ўрта аср давлати бўлган Қорахонийлар давлати чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик каби ишлаб чиқариш соҳаларига асосланган эди. Мамлакатда иқтдорлик кенг ривожланган, шунингдек, давлат бошлиқлари, йирик мансабдорлар катта ер ва чорва мол-мулкларига эга эдилар. Бу мулкларнинг баъзилари кўриқ деб аталган. Жумладан, XIX асрнинг охирида М.С.Андреев томонидан Фарғона водийсида, Исфара сойининг юқорисидаги Ворух қишлоғидан топилган қоятошдаги арабий ёзувларнинг бирида Қорахоний сулоласига мансуб Исфара ҳукмдори Абул Фазл Аббос Арслон Тегиннинг номи ва насаби ҳамда шу ҳудуддаги кенг ўтлоқ ва овлоқ ерлар кўриқ жойга айлантирилгани, яъни ҳукмдорга тегишли (бошқаларга ман қилинган) мулк эканлиги ёзилган.

Давлат тузумида хон илк вақтлардаги энг юқори унвон бўлган. Бу давлатнинг ташкил топишида етакчи роль ўйнагани икки асосий қабила “тотеми”дан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, арслон чигил қабиласининг ва буғро (туя) яғмо қабиласининг тотеми бўлган. Кейинчалик, империя вужудга келгач, давлат бошида ҳоқон (“тамғачхон” деб ҳам аталган) туриб, у осмон ва қуёшнинг илоҳий ифодаси ҳисобланган. Юсуф Хос Ҳожиб Қорахонни улуғлаб шундай ёзади:

*Тавғоч Қора Буғро – хонлар ҳоқони  
Ийиб кўп сийлади, суйсин ҳақ они.*

У сафар вақтларида фойдаланиладиган шойи ва атласдан тўқилган кенг ўтовларга, сарой, ўрда ёки ўз қалъаларига эга бўлган. Тамғачхон ўнг қўлида ҳанжар, чап қўлида эса маст қилувчи ичимлик тутиб турган ҳолда кумуш тахтда ўтириб, давлат ишларини тинглаган. Бу ҳокимиятдаги икки ижтимоий хусусият – куч ва ундан мастлик аломатларини англаган бўлиши мумкин.

Сулоланинг бошқа аъзолари давлатнинг бўлақларига эгалик қилиб, илекхонлар деб юритилган. Ҳоқон ўз ҳузурларидаги илекхонлар, вазирлик, сарой бошқарувчиси, хос ҳожиблик мансаби, амалдорлар, хизматчилар, яъни қапуғчилар (қопу – эшик) сарой қоровулларидан иборат хизматчилар томонидан қуршаб олинган. Ҳазиначилик мансаби ҳам бўлиб, бу ағначи (ағна – мол-мулк маъносида) деб аталган. Мамлакатни бошқаришда вазирнинг мавқеи кучли эди. рамзий маънода вазир отбоқарга, халқ эса сарой эшиги олдида турган эгарланган отга тенглаштирган. Қорахонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганишда мансаблар ва уларнинг аҳамиятини тушунишда Сотуқ Буғрохон томонидан хос хожиб мансабига тайинланган Юсуф Болосоғуний ёзган “Қутадғу билиг” асари катта аҳамиятга эга. Тавғоч Буғро-Қорахон Абу Али Ҳасан ибн Сулаймон Арслон Қораҳоқон даврида 1069-1070 йилларда унга бағишлаб битилган бу асарда, жумладан, шундай дейилади: “Мамлакат ишига нафи энг кўп тегадиган тоифа уч хилдир, биринчиси – билимли донишманд кишилар, турли касб эгалари; иккинчиси –

ботир, шерюраклар – улар бўри – ёвга қарши кураш пайтида асқотади, ниҳоят учинчи гуруҳини сўзамол котиб ташкил этади”<sup>1</sup>.

Мазкур китобда подшолар, элчилар (элиг), вазир ва котиблар, ҳарбий бошлиқларга қўйиладиган талаблар, бекларнинг яхши хислатлари ва халқни бошқаришдаги хизматлари тўғрисида батафсил фикр юритилади. Шундан келиб чиқиб, олим уни туркий юртларда давлат лавозимларида ишлайдиган кишилар учун тарбиявий қўлланма тарзида ёзган деб ҳисоблаш мумкин.

Қорахонийлар давлатида кўчманчи халқ элчилар (эл бошлиғи маъносида) томонидан бошқарилиб, бундай лавозимда нуфузли беклар турган. Бек ҳоқонга бўйсуниб, унинг ваколат доираси одат ҳуқуқлари – турада белгилаб қўйилган. Беклар жамоат тартибини сақлаш, суд ҳукмларининг ижросини таъминлаш, урф-одат ҳуқуқларининг бажарилишини назорат қилиб, давлат чегараларини қўриқлаш ишларини бажарган. Бир неча беклар устидан беклар беги (ёки улуг бек, буюк бек) тайинланган. Беклар беги катта қўшинга қўмондонлик қилиб, хон кенгашида қатнашган. Шуни айтиш керакки, беклар ҳокимияти қанчалик кучли бўлмасин, хонлар олдида тиз чўкиб, ерни ўпганлар, бу ҳудди Ғарбий Европадаги вассаллик рамзига ўхшаб кетади. Юсуф Болосоғуний ўз асарида таъкидлашчи, бек бўлиш учун юксак сифатларга эгалик талаб қилинади: “Бек – доно, ботир, шерюрак бўлиши лозим. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазали бўлиши тақозо этилади. Очиқ юзлилик бекнинг яхши фазилатларидан биридир. Албатта, бек ким ва қандай бўлмасин, халқ бор бўлгани учун бекдир. Шунинг учун ҳам олим бек ҳокимиятида халқнинг ўрнига юксак баҳо беради, оддий аҳоли – “аратлар” бекларнинг қанот ва парлари бўлиб, уларсиз қуш каби уча олмас эдилар. Қайси бек ҳушёр бўлса, элини мустақкамлайди, ёв бўйнини янчиб, унинг устига балолар ёғдиради, қайси бек элида тўғри (одил) сиёсат юргизса, элини яшнатади, унинг кунларини ёри-тади, Мана шу икки нарса тугал бўлса, эл ҳам мангу тураверади,”<sup>2</sup>. Қорахонийлар давлатида аратлар (оддий

---

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” 61-бет.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 44-46-бетлар.

халқ) учга: бойларга, ўрта ҳолларга ва чиғайлар – йўқ-сулларга бўлинади. Бундан ташқари, “қул каби эр”, “қулсиқ эр”, “қулсиқ киши” каби номлар билан аталувчи ҳамда бутунлай қарамликка тушиб қолган кишилар ҳам бўлган. Шахсан озод чорвадор халқ хонлар, бекларга тегишли яйловларда ўз молларини боққанликлари учун давлатга солиқ – маран, закот ва мол берган.

**Қорахонийлар давлатида ҳуқуқ ва уни ўрганиш манбалари.** Қорахонийлар давлатининг ўтроқ, яъни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида мусулмон ҳуқуқи, кўчманчи халқ орасида одат ҳуқуқлари – тура ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган. Афросиёб харобаларини ўрганган олимлар шаҳар марказида Қорахонийлар ибодатхонаси бўлганлиги, унда қонуннома сақланганлиги тўғрисида тахмин қиладилар, аммо у ҳозиргача топилган эмас.

Қорахоний ҳукмдорларидан Иброҳим ибн Наср Тамғач Буғрохоннинг қонунчиликни, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш борасидаги хатти-ҳаракатлари ҳақида турли ҳикоялар етиб келган. Жумладан, у мулк ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилган. Айниқса, ўғрилиққа қарши курашган. Айтишларича, бир куни ўғри талончилар унинг бу ҳаракатларига жавобан Самарқанд арки дарвозасига: “Биз – худди пиёздек, қанчалик кўп қирсалар, шунчалик кўп ўсиб кетаверамиз”, деб ёзиб кетганлар. Бунга жавобан Иброҳим Тамғачхон: “Мен бу ерда боғбонга ўхшаб турибман, сиз қанчалик ўссангиз ҳам, сизни суғуриб ташлайман”, – деб ёзиб қўйишни буюрган экан<sup>1</sup>.

## 5. Хоразмшоҳлар давлати ва ҳуқуқи

(1097-1231)

Хоразмда то Муҳаммад Хоразмшоҳ давригача (1200-1220) ҳукм сурган тўртта сулола ўзларини Хоразмшоҳлар деб атаган. Хоразмлик буюк олим Абу Райхон Беруний асарларида милоддан аввалги I минг йилликдан аввалроқ ҳам Хоразмда сиёсий ҳаёт мавжуд бўлганлиги ёзиб қолдирилган бўлиб, Африғийлар сулоласи тахминан милодий

---

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. Очерк истории Семиречья. Соч. Т. II. ч. II. М., 1963, 374–376-бетлар.

305 йиллардан бошланади, деб кўрсатилган. Мазкур тўрт сулола Афригийлар (305-995), Маъмунийлар (995-1017), Олтинтош сулоласи (1017-1134) ва Ануштегинлар сулоласи (1077-1231) бўлиб, улар ичида охиргиси алоҳида ўрин тутган. Бу сулола ҳукмронлиги Хоразмнинг буюк давлатга айланган ва инқирозга учраган даврларига тўғри келади. Гарчи X-XI аср мобайнида Хоразм давлати Ғазнавийлар, Салжуқийлар ҳукмронлиги остида бўлса-да, уни қудратли давлатга айлантириш ҳаракати тўхтовсиз давом этди.

1017 йилда Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий қўшинлари, кейинчалик эса улар устидан ғалаба қозонган Салжуқийлар эгаллаб, уни ноибликка айлантиради. Салжуқийлар даврида офтобачи (тоштдор) мансабида бўлган Ануштегин уларга бўлган содиқлиги учун шихна этиб тайинланади ва у Хоразмни ўз бошқарувига олиб, Ануштегинлар сулоласига асос солади.<sup>1</sup> 1097 йилда унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадга Хоразм мулк қилиб берилади. 1141 йилда эса Қорахитойларнинг Салжуқийлар устидан ғалабаси уларнинг Хуросондаги ҳокимиятига ва дарё ортидаги таъсирига путур етказиб, қадимий Хоразмнинг сиёсий марказ сифатидаги аҳамияти тикланишига олиб келади. Ануштегиннинг ўғли истеъдодли аскарбоши сифатида ном чиқарган Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ унвонини олиб, Салжуқийлар султони Санжарнинг (1097-1127) вассалига айланган эди. У 30 йил ҳукмронлик қилиб, муслмонлар амири халифа ан-Носир билан яқин дўстона муносабатлар ўрнатади. Унинг фармонларига амал қилиб, обрў қозонади, ислом дини ривожига катта ҳисса қўшганлиги учун Дунё ва дин қутби, амир ул-мўъминин, мададкори, Абул Фатҳ (Ғалаба отаси) унвонларини олади. Вафотидан кейин Султон Санжар фармони билан унинг ўғли Малик Абдул Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз (1127-1156) Хоразмшоҳ қилиб тайинланади. Унинг даврида Хоразм давлатининг буюклиги тикланади. Отсизга ворис бўлган Эл Арслон (1172-1200) даврида Хоразм давлати мустақиллигини мустаҳкамлаш учун Зарафшон водийсида яшаётган қарлуқлар қўллаб-қувватланиб,

---

<sup>1</sup> З. М. Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231) М., “Наука” 1986, 6-бет.

Қорахонийларга қарши уруш олиб борилади. Арслоннинг катта ўғли Алоуддин Такаш эса ўз ҳокимиятини мустақамлаб, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бир қанча ерларни босиб олади. 1194 йилда у Аббосий халифалардан ан-Насринг (1180-1225) таклифи билан Салжуқийлар султони Туғрул II ни енгиб, Ҳамадонни эгаллайди. Кўп ўтмай халифалик билан Хоразм ўртасида ихтилоф келиб чиқиб, 1196 йилда Хоразм қўшинлари ғалаба қозонади. Хоразмшоҳ Муҳаммад даврида (1200-1220) Хуросон ва Мовароуннаҳр тўла забт этилиб, Хоразмга қўшиб олинади. 1213 йилда у Қорахоний турклар пойтахти бўлган Самарқандни босиб олиб, ўз номидан танга зарб қилади. Шу тариқа Мовароуннаҳр, Хуросон, Шарқий Эронни, Озарбайжон ва Дашти Қипчоқни ўз ичига олган улкан давлат – Қоразмшоҳлар давлати вужудга келади. Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳокимияти шунчалик кучайиб кетган эдики, XI аср охири – XII аср бошларида у Салжуқийлар подшоларининг унвонларидан бўлган. Султон – Аллоҳнинг ердаги сояси деган иборани ўз узугига ўйиб ёздирган ва Искандари Соний Зулқарнайн унвонини қабул қилган. Аммо кўп ўтмай бу давлат Чингизхон бошчилигидаги мўғул-татар қўшинлари томонидан босиб олинади. Фақат тахт вориси Жалолиддин Мангуберди (1200-1231) Хоразмшоҳлар давлати бўлакларида тузган давлатигина яна ўн йиллар яшади.

**Ижтимоий-сиёсий тузуми.** Хоразмшоҳлар давлати ўрта асрда ердан фойдаланишга асосланган давлат бўлиб, унинг ижтимоий тузуми ҳақида тасаввур берадиган баъзи маълумотлар хатлар ва ёрлиқлар йилномачи ҳамда тарихчиларнинг асарлари орқали бизгача етиб келган. Жумладан, Хоразмшоҳ Такашнинг Жанд (Сирдарё бўйидаги) ноибига юборган йўриқ хатида ўзини Муҳаммад пайгамбар авлодлари деб ҳисобловчи сайидлар, имом ва олим-уламолар, қози ва ҳакамлар, сўфийлар, эътиборли оқсоқоллар, ноибга бўйсунган ҳарбий ва фуқаро амалдорлари, дин учун курашувчи фидойилар – ғозийлар тўғрисида гапирилиб, ўз фаолиятида уларнинг ҳар бирига мартабасига лойиқ муомала қилиш, эътибор кўрсатиб, амалий ишда фойдаланиш ҳақида гапирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, Хоразмшоҳлар ёрлиқларида хунарманд ва деҳқонлар учинчи табақа деб аталиб, уларнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо берилган: “Мамлакатнинг оддий одамлари ҳосбланидиган кишилар учинчи табақа саналади (аммат ал-билад), улар аҳоли ва келгуси авлоднинг қувончларидир. Бу табақалар усталик худолари (арбоби санъат), қишлоқ хўжалигида ишловчилар (асхоби зироат)дир. Улар давлатга содиқликни ҳам, ундан хафа бўлишни ҳам билмайдилар. Келишув-келишмовчилик йўлларини ҳам тан олмайдилар. Улар меҳнатнинг сўнги натижаси – яшаш учун восита, маблағ топиш, аёллари ва болаларини боқиш. Улар ҳеч шубҳасиз, доимо ногўғри гумонлардан холи, доимий тинчлик билан боғлангандирлар. Бу табақанинг фаровонлиги танасидан тўкилган терга ва қўлларининг меҳнатига боғлиқ.”<sup>1</sup>

Бундан кўриниб турибдики, халқни ҳаётий эҳтиёж воситалари билан таъминлашда меҳнат аҳли асосий мавқега эга эканлиги тан олинган. З.М.Буниятовнинг таъкидлашича, ўрта аср Хоразм шаҳарларида хунармандчилик ниҳоятда ривожланиб, унинг 50 дан ортиқ тури амал қилган. Аммо меҳнат аҳлининг кўпчилиги йирик мулк ва ер эгаларига қарам бўлган.

Катта давлат мансабларини эгаллаган вазирлар, отабеклар, ноиблар, мунший ва қозилар, аскарбошилар, сарой аҳли хизмат эвазига бериладиган йирик ер-сув мулкларига иқто асосида эгалик қилганлар. Иқтодорлар эса ўзларининг мулкида ишлаб кун кечираётган аҳолига турли мажбуриятларни юклар эдилар.

Давлат тузуми ҳақида айтиш мумкинки, Хоразм давлати юзларча йиллар мобайнида тинимсиз жанглар ва усталик билан олиб борилган сиёсат натижасида тузилган империя эди. Унинг таркибида бир неча вассал давлатлар ёки ярим қарам отабекликлар (масалан, Озарбайжон отабеклиги) мавжуд эди. Давлат бошқаруви жиҳатидан феодализм мутлақ монархияси – яқка ҳокимликка асосланган бўлиб, унинг бошлиғи ҳозирги Ўзбекистон доирасида ташкил топган йирик давлатлар орасида фақат шу ерда, қадимги халқ удумларига асосан, гарчи ҳукмрон сулола

---

<sup>1</sup> С. Г. Агажанов. Государство Сельджукидов. 102-бет.

туркийлар бўлса-да, давлат бошлиғи “шоҳ” деб аталган. Ҳазнавийлар, Салжуқийлар давлатларида бўлган мансабларнинг деярли барчаси бу давлатда ҳам сақланиб қолиб, араб тили устувор даражада давлат тили бўлганлиги боис уларнинг номлари араб тилида юритилган. Марказий давлат идорасига вазир бошчилик қилиб, давлатда унинг ваколати ва мавқеи кучли эди. У садр, дастур, хўжаи бузrug каби унвонлар билан аталган. Низом ал-мулк унвонини олган вазир ниҳоятда обрўли ҳисобланиб, у қабулига келган шаҳзодалар олдида ҳам ўрнидан турмай гаплашган. Вазир давлат бошлиғининг биринчи маслаҳатчиси сифатида унинг олдида ўз ҳаракатларидан ҳисобдор бўлган. У мамлакатдаги тартиб-интизомни кузатиб борган, давлатлараро ҳамда вассаллар ўртасидаги муносабатларни бошқарган, амалдорларни мансабга тайинлаб, уларни бўшатган, ҳазина, солиқ бошқармаси устидан назорат қилган. Ҳатто у уруш ҳаракатларини олиб бориш учун бирор ерга қўшин юбориши, унга ўзи қўмондонлик қилиши мумкин эди.

Вазирни танлаб олишда араб ва форс тилларини билишлигига эътибор берилган, шунинг учун ҳам Хоразмшоҳларнинг вазирлари удумга кўра, араб ва форс халқларининг вакиллари ҳамда хизмат қилувчи табақалар орасидан танлаб олинган. Албатта, бу фақат Хоразмшоҳлар давлатига хос бўлиши мумкин. Чунки Қошғарнинг Қорахоний туркийларидан бўлган Низом ад-дин Тоғарбек Муҳаммад Сулаймон (1122-1124) Салжуқийларнинг кейинги бош вазирларидан бири бўлган.

Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳ вазир мансабини тугатиб, назорат учун мўлжалланган масалалар олти вакилдор томонидан ечилсин, деб буйруқ берган. Бу Хоразмшоҳ ҳузурида ўзига хос кенгашдан иборат бўлиб, унинг таркибига олти киши кирган, аммо амалда бу ташкилот бирор қарор қабул қилмаган ва самарасиз бўлиб чиққан. Хоразмшоҳлар давлатининг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, вилоят ва округларга ҳам ноиблар эмас, вазирлар тайинланган. Масалан, Сайфиддин ал-Акра султоннинг Ўтрордаги вазири қилиб тайинланган, кейинчалик султон Жалолиддин даврида эса, ҳатто шаҳарларни ҳам вазирлар бошқарган.

Кейинги мансаблардан бири бош ёки буюк ҳожиб бўлиб, унга турк зодагонларидан тайинланган. У подшога мамлакатларнинг ишлари ва ҳукмдорнинг ўзига тааллуқли ишлари бўйича маълумотлар етказиб турган. Вазоратнинг дафтарларидаги ёзувларни, унинг рўйхатларини, молия ишлари билан шуғулланувчи котиб ва амалдорлар фаолиятининг текширилишини назорат қилиб борган.

**Устоздор** – бу мансаб ҳам фақат Хоразмшоҳлар давлатига хос бўлиб, у шоҳ саройининг барча ҳужжатлари ва ҳўжалик хизматларини бошқарган.

Булардан ташқари амир-охур – шоҳ отхонасининг бошлиги, амир-шикор – султон овини уюштириш ва ўтказишга масъул амир, тоштдотар – ювиниш ва ҳаммомлар бошлиги, шаробдор, қиссадор каби мансаблар бўлган. Султоннинг шахсий котиби – доватдори, байроқдори эса **амир ал-алам (аламдор)** деб юритилган. Суд (маҳкама) вазифасини олиб боровчи қозилар, қози аскар – ҳарбий қози, худди Салжуқийлар давлатида бўлганидек, миршабчилик ва жазолаш вазифаларини шихна деб аталувчи мансабдорлар бажарган. Бу мансабларга турк ҳарбий бошлиқлари, амирлар тайинланган. Улар ҳокимиятга хавф туғдирувчи барча ишларга аралашишлари мумкин бўлган. Хоразмшоҳлар давлати жуда катта ҳарбий кучга ва ҳарбий ҳўжаликка таянган давлат эди. Турли манбалар улар армиясининг сонини турлича кўрсатишидан келиб чиқиб, унинг ўртача сони 400-600 минггача бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Армия отлиқ аскарлар, пиёдалар, уруш вақтида халқдан чақириладиган оломон (ҳимоячилар), султоннинг шахсий кўрикчилари (гвардияси) – **харос**, армия қисмларига хабарлар етказиб турувчи қисмлар – **човуш** ва душман кўшинларининг ҳолатини кузатиб, маълумот берувчи жосуслар ва бошқалардан иборат эди.

Ҳарбий бошқарув махсус давлат идора органи, ҳарбий нозирлик – **девон ал-ард** (ёки девон ал-жойиш) деб аталиб, у ҳарбийларнинг маоши (нон, пул), уларга бериладиган ерлар, тўловлар, қуроллар, ҳарбийларни рўйхатга олиш, улар таъминотини назорат қилиб туришларини ўз ичига олар эди. Кўшинлар қўмондони қонид ёки муқаддам

деб аталган. Жумладан, Хоразмшоҳ Эл-Арслон қарлуқлар амири Шамс ал-мулк ибн Хусайн Айрбекни “ал-муқаддас ала-л асоқир” этиб тайинлаб, унга ўз опасини никоҳлаб берган.

Кўшин амирлари хизматлари эвазига иқто олганлар, улар устидан амир ул-умаро, яъни амирлар амири тайинланган. Ўнлик отлиқ аскарга қўмондонлик қилган кишига “малик” унвони, урушларда жасорат кўрсатган маликларга эса “хон” унвони берилган.

Хоразмшоҳлар давлати шундай марказлашган улкан кучли давлат бўлишига қарамай, ички зиддиятлар натижасида, хусусан, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг онаси Туркон Хотун бошчилигида ҳокимиятнинг эгаллаб олина бориши оқибатида икки ҳокимиятчиликнинг пайдо бўлиши, Бағдодга қилинган муваффақиятсиз урушлар ва халифанинг Чингизхонни Хоразмшоҳ давлатини босиб олишга даъват этиши ва ниҳоят, Ўтрорда мўғул савдогар ҳамда элчиларининг қатл этилиши туртки бўлиб, Чингизхоннинг Марказий Осиёни истило қилиши билан инқирозга учради.

**Ҳуқуқ манбалари** хусусида айтиш мумкинки, асосан, шариат ҳуқуқи, давлат ва армия ҳамда қисман, оила, никоҳ ҳуқуқи масалаларида одат ҳуқуқлари қўлланган. Хоразмшоҳлар давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишда бизгача етиб келган ўша даврдаги иш юритиш ҳужжатлари мажмуасидан иборат бўлган “ат-Тарассул” тўплами ҳам аҳамиятга эга.

Юқорида кўриб ўтилган Ҳазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ҳарбий демократияга таянган империя (салтанат) кўринишидаги мусулмон давлатлари эди. Уларни ташкил қилган ҳамда уларда ҳукмрон сулолалар бўлган туркий қабила ва уруғлар, хусусан, ўғузлар, қарлуқлар, чигиллар, яғмолар, аргунлар, қипчоқлар ва бошқалардан иборат бўлиб, кейинчалик улар Марказий Осиёнинг ҳозирги халқлари: ўзбеклар, туркманлар қозоқлар ва қирғизлар таркибига сингиб кетган. Шу маънода ҳозирги Марказий Осиё халқлари юқоридаги улкан давлатлар яратган маданият ва давлат-ҳуқуқий меросининг ворисларидир. Бу давлатларнинг бир-бирига ўхшаш умумий ва ўзига хос томонлари

бўлганлигини ҳам кўрдик. Жумладан, империя кўринишига эга бўлиш, мусулмон ва одат ҳуқуқларининг мавжудлиги, ҳарбий демократияга таяниш уларнинг барчасига хосдир.

Турк қулларидан тузилган хос гвардиянинг бўлиши, султон ва вазирлик ўртасидаги муносабатни шартнома асосида белгилаш (Ғазнавийлар), юксак даражада ривожланган мусулмон ҳуқуқ мактабига эга бўлиш (Сомонийлар, Қорахонийлар), вазирлик мансабини марказ ва вилоят шаҳарларида қўллаш, ўз таркибида отабеклик (Ироқ, Озарбайжон – Хоразмшоҳлар) каби давлат кўринишларига эга бўлиш ҳамда бир неча вассал давлатларни итоатда тутиш (Салжуқийлар) уларнинг ўзларига хос белгиларидир. Бу давлатлар бир-бирига яқин ижтимоий-сиёсий тузумга, ҳуқуқ тизимига эга бўлган, ҳатто уларда ҳукм сурган сулолалар ўртасида қисман қон-қариндошлик алоқалари мавжуд эди. Аммо бу муносабатлар давлатлар ўртасида иттифоқ бўлган, деган гапни билдирмайди. Ҳукмрон сулолалар орасида ўзларининг сиёсий манфаатлари учун доимий равишда урушлар бўлиб турган. Бу эса, оқибат натижада, уларнинг барчасини инқирозга учратган.

## **II. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

### **1. Ҳуқуқ манбалари**

Юридик адабиётларда ҳуқуқ манбалари масаласи чуқур ўрганилган масалалардан бўлиб, барча муаллифлар унинг тушунчаси ҳақида деярли бир хил фикрдадилар. Маълумки, моҳиятига кўра, ҳуқуқ ҳукмрон эрдан иборат. Бу эркини умум мажбурий эркак айлантириш эса, ҳаракатдаги ҳуқуқ нормаларини тегишли тартибда ўрнатиш, мустақамлашни тақозо этади. Шунинг учун умумий тарзда олганда, ҳуқуқ манбаини ҳуқуқнинг фойдаланиш шакли деб таърифлаш мумкин. Ҳуқуқий меъёрлар сифатидан хабар берадиган қоидалар ифодаланган шакл юридик мазмундаги ҳуқуқ манбаи деб аталади. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг манбаи ҳуқуқий меъёрнинг ташқи объективлаштириш шаклидир. Кенг маънода олганда, ҳуқуқ манбаи

ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш, белгилаш ва ифода этиш шакли бўлиб, ҳуқуқий меъёр ҳуқуқ манбаларида яшайди. “Ҳуқуқ манбалари” атамаси юридик фанда бир неча маънода ишлатилади. Ҳуқуқнинг тарихий, юридик, формал (расмий), адабий ва ҳужжатли манбалари бир-биридан фарқланиши эътироф этилган. Ҳуқуқнинг тарихий манбалари тегишли даврда ижтимоий-юридик муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган қоидаларни ўзида турли шаклларда ифода этган манбалардан иборат. Ўзбекистон доирасида амалда бўлган ҳуқуқнинг тарихий анъаналарини мусулмон ҳуқуқи манбаларидан фарқламоқ лозим. Чунки, энг қадимги даврдан ХХ асрларгача бўлган даврда бу ерда турли динлар ҳукмрон маънага эга бўлиб, ҳар хил давлатлар вужудга келган, фаолият кўрсатган. Шунинг учун сўз умуман Ўзбекистон ҳуқуқи тўғрисида кетар экан, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги аҳамиятини туркларнинг одат ҳуқуқлари, шунингдек, улардаги ёзма қонунчилик – Кан (Самарқанд)даги ибодатхонада сақланган турк қонунномасини, Сўғд ҳуқуқи, мусулмон ҳуқуқи, дунёвий қонунчиликнинг энг йирик кодекси – “Темур тузуклари”, ўзбек хонларининг шариатнинг асосий қоидаларидан тузилган қўлланмалари (масалан, Сулук-ал мулук), шунингдек, ўзбек хонликларида суд, жиноий жазо масалаларига оид оғзаки ёки ёзма фармонлар билан ўрнатилган, шариатда кўзда тутилмаган жазо ҳуқуқларини тушунмоқ керак. **Мусулмон ҳуқуқи** эса ана шу тарихий манбалар ичида VIII асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Ўзбекистон доирасига кириб келган ва узоқ амалда бўлган **ҳуқуқнинг асосий тарихий манбаидир.**

Мусулмон ҳуқуқи нима? Кенг маънода олганда, мусулмон ҳуқуқи деб, ислом дини ҳукмрон эътиқод ҳисобланган бирор бир давлатдаги диний ва дунёвий ҳуқуқий нормалар тўпламига айтилади. Тор маънода олиб қаралганда, шариат ва унинг барча манбаларидаги нормалар, қоидалар йиғиндисидан иборат. Баъзилар мусулмон ҳуқуқи ва шариатни бир нарса деб билдилар. Фикримизча, шариат мусулмон ҳуқуқининг биринчи ва асосий манбаидир.

Ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатларида амалда бўлган ҳуқуқнинг қайси ҳуқуқ оиласига мансублигига эътибор берилса, бу ҳуқуқнинг жаҳондаги ҳуқуқ тизимлари орасида ўзига хос ўрни борлиги кўзга ташланади.<sup>1</sup>

Мусулмон ҳуқуқи барча мусулмонлар учун бир эканлигига, унинг ислом давлатларида кенг тарқалганлигига биринчилар қатори унинг оврупалик илк тадқиқотчиларидан Б.Торнау эътибор берган. “Мусулмонлар, турк, Миср ҳуқуқи деганда, алоҳида ҳуқуқ соҳаларини эътироф этмайдилар, – деб ёзган эди у, – уларнинг бирдан бир ҳуқуқи шариат ҳисобланади ва улар шариатнигини танийдилар.”<sup>2</sup>

Юқоридагиларга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, мусулмон ҳуқуқи VII-VIII асрларда Арабистон ярим оролида ислом дини ва унинг ҳуқуқий фалсафаси билан бирга вужудга келган ва бошқа ислом давлатларида ривожлантирилган. Бу ўрта аср ер муносабатларига асосланган ва кўп асрлар мобайнида ислом давлатларида барқарор амал қилиб келган диний ва дунёвий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қоидалар йиғиндисидан иборат алоҳида ҳуқуқий тизимдир. Мусулмон ҳуқуқи ўзининг бир қанча хусусиятлари билан бошқа ҳуқуқий тизимлардан фарқ қилади. Масалан, роман-герман ҳуқуқий тизими ҳуқуқ тармоқлари ва уларнинг кодекслаштирилганлиги билан ажралиб турса, мусулмон ҳуқуқи кодекслаштирилмаган, аммо унда бошқа ҳуқуқий тизимларга маълум бўлмаган институтлар ва ҳуқуқ категориялари, масалан, боғдорчилик шартномалари, шуфъа, хунасалар ҳақидаги ва бошқа қоидалар борки, улар Европа ҳуқуқига таниш эмас эди.

Фарбий Европа мамлакатларида феодал сиёсий тарқоқлик ҳамда натурал хўжаликнинг иқтисодиётдаги ҳукмдорлиги ҳуқуқ тарқоқлиги, унинг манбаларининг хилма-хиллиги ёки партикуляризми билан ҳарактерланади. Ўзбекистон доирасида феодал тарқоқлик XVI асрдан бошланиб, узоқ давом этган. Аммо ҳуқуқ тарқоқлиги – партикуляризми бўлганми? Шуни ёддан чиқармаслик лозимки,

---

<sup>1</sup> А. Х. Саидов. Основы мусульманского права. Курс лекций. Т., Академия МВД. Ўзб. 1995, 112-бет.

<sup>2</sup> Б. Торнау. Особенности мусульманского права. С., 1982, 5-бет.

ўрта асрларда Фарбий Европада бўлгани сингари ҳуқуқнинг сиёсий тарқоқлиги фақат Марказий Осиё доирасидагина эмас, балки бутун Шарқ мамлакатларида юз бермаган. Чунки бу мамлакатларда давлатлар кўпинча динни қўллаб-қувватлаган яқка ҳокимлик тарзида ташкил топиб, давлат бошлиғи айни бир пайтда дин бошлиғи ҳам ҳисобланган. Диний ҳуқуқ билан дунёвий ҳуқуқнинг чаптишиб кетиши унинг асосий манбаи бўлган шариатни вужудга келтирди. Бу ҳуқуқ илоҳий тус олиб, барча ислом мамлакатларида ҳукмрон роль ўйнади. Шунинг учун ҳам биз бу ерда ҳуқуқ тарқоқлигини кўрмаймиз. “Ал-Ҳидоя” асарининг қисқа нусхаси “Мухтасар ул-виқоя”ни тузган Убайдулло Маҳбубийнинг сўзлари ана шу чуқур, тургун мустақкам тизим моҳиятини яққол ифодалайди. “Аллоҳ таоло, – деб ёзади у, – шариатни шундайин бир оғоч (дарахт) шаклида қилдики, ул оғочнинг томурлари ер остида қарорлагучидир, бутуқлари кўкка яқинлашиш каби буюқдир. Яъни шариат мустақкамликда ерга томирлари қаттиқ ўлтуриб ер силкита олмаган оғоч кабудур.”<sup>1</sup>

Мусулмон ҳуқуқининг Ўзбекистон доирасида ўзгаришсиз чуқур илдиз отиб, узоқ вақт қўлланиб келинганлигини, фикримизча, қуйидагилар билан тушунтириш мумкин:

Араблар ўрта Осиёга ислом динини ёйиш байроғи остида кириб келиб, унинг ерларини босиб олиш жараёнида бу ерда қарор топаётган ер эгалиги ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш усулини такомилга етказдилар. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида ишлаб чиқариш, илмий-техник тараққиёт ўзининг энг юқори маррасига кўтарилган даврда ҳам бу тизим Ўзбекистон доирасида ўз кучини ва хусусиятларини сақлаб қолди. Чунки мусулмон ҳуқуқи шу давр талабларига тўла жавоб берувчи қайишқоқ-эгиловчан ҳуқуқий тизим эди.

Минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида давлат бошлиқлари бир вақтнинг ўзида дин бошлиғи ҳам бўлиб келишган. Яъни, у хон, амир, султон ёки подшо деб аталиши билан бирга амир ул-муслимин, яъни мусулмонлар амири ёки бошқа диний унвонларни ҳам олган. У ҳар қандай йўл билан мусулмон ҳуқуқини кўриқлаш, уни

---

<sup>1</sup> Мухтасар ал-виқоя. Т., “Чўлпон” 1994, 7-бет.

қўллаш ва ривожлантириш чораларини кўрган. Шунинг таъкидлаш лозимки, мусулмон ҳуқуқи ўрта Осиёга кенг ёйилган вақтларда ҳам ягона ҳуқуқ тизими бўлмаган. Масалан, араблардан кейин бу ерни босиб олган Салжуқийлар ҳамда Қорахонийларнинг ҳам одат ҳуқуқлари бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи манбаларининг гуруҳланиши масаласида олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Баъзилар фикр мактаблари томонидан муайян масалаларнинг тан олинишини уларни таснифлаш (классификация қилиш) асосига қўядилар ва шундан келиб чиқиб, даражаларга ажратдилар. Жумладан, М.И.Садагдар шу асосларга кўра уларни уч гуруҳга бўлади: 1) барча юридик мактаб ва йўналишлар томонидан тан олинган манбалар – Куръон ва Сунна – ҳадислар; 2) Куръон ва Суннада бевосита кўрсатма бўлмаса-да, юридик мактаб ва йўналишларнинг фикрига кўра, уларнинг руҳига мос келадиган юридик нормалар: а) **Қиёс** – таққослаш (аналогия) воситаси билан ҳукмлар чиқариш; б) **фатво** – олий мартабали мусулмон фикршуносларининг диний ва юридик масалалар бўйича қабул қилган қарорлари; в) **ижмо** – муайян масалаларда мусулмон ҳуқуқи билимдонларининг келишилган фикрлари; г) **ижтиҳод** – юридик мактаб асосчилари ва уларнинг энг яқин шоғирдлари (мухтаҳидлар) томонидан диний ва юридик нормаларнинг ижодий ишланиши, 3-гуруҳга эса мусулмон динини қабул қилган ҳалқларининг шариатга зид бўлмаган одат ва удумларини<sup>1</sup> киритади.

Бундан кўриниб турибдики, муаллиф дунёвий қонунлар ва фармонларни манбалар гуруҳига киритмаган. Мусулмон ҳуқуқининг назарияси ва янги даврда қўлланилишини ҳар томонлама тадқиқ этган олим А.Р.Сюкияйнен ҳам ўз ишларида худди шундай таснифни келтиради.<sup>2</sup> Жаҳоннинг ҳуқуқий тизимларини чуқур ўрганган француз олими Р. Давид мусулмон ҳуқуқини тўрт манба: 1. Куръон. 2. Сунна ва Ҳадислар. 3. Ижмо ёки мусулмонлар жамоасининг қарорлари. 4. Қиёс – аналогия йўли билан

---

<sup>1</sup> М. И. Садагдар. Основы мусульманского права. М., “Дружба народов”, 1968, 11-бет.

<sup>2</sup> Л. Р. Сюкияйнен. Мусульманское право. М., “Наука” 1986, 235-бет.

чиқарилган ҳукмларга ажратади. Бизнинг фикримизча, мусулмон ҳуқуқи тушунчаси жуда кенг бўлиб, шариат ҳамда юқоридаги тўрт манба шариат ҳуқуқининг манбалари деб қаралмоғи керак. Араб халифалиги ва мусулмон ҳуқуқи асослари ёритилган барча дарсликларда эса унинг манбаи учта: шариат, дунёвий қонунчилик ва одат ҳуқуқлари деб кўрсатилади. Биз ҳам ана шундай гуруҳлашни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Шу билан бирга, юридик амалиётда манбалар даражаларга қараб қўлланилган, деб ҳисоблаймиз.

“Қуръон ва Ҳадис шариат ҳуқуқида бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутати?” деган саволга шундай жавоб бериш мумкин. Энг аввало, Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳу васаллам)га нозил қилинган сўз-оятлар тўпламидан иборат ҳисобланса, ҳадислар Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг у ёки бу масала юзасидан берган фикрлари, уларни ҳал қилиш бўйича қабул қилган қарорлари, ўз хулқи, феъл-атвори билан кўрсатган шахсий намуналари ҳақидаги ҳикоялардан иборатдир. Агар мусулмон ҳуқуқи учун Қуръони карим принциплар – раҳбарий қоидалар деб ҳисобланса, ҳадислар уларни аниқлаштирадиган кодекс (қоидалар тўплами) сифатида қабул қилиниши мумкин. Масалан, Қуръонда мусулмонлар мерос ҳуқуқини тан олинишлари ҳақида гапирилади. “Қон-қариндошлар бир-бирларига меросхўр бўлишга ҳақдордирлар” (“Анфол” сураси, 75-оят). Бу масала ҳадисларда янада аниқлаштирилган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” тўпламининг тўртинчи жилдида мерос масаласига оид барча ҳадислар бир жойга – “Фароиз” (“Мерос”) китобига тўпланган. Унда ворислар даражаларига қараб меросдан неча миқдор олишларига батафсил жавоб берилган.<sup>1</sup>

## 2. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби

VIII-IX асрлардан бошлаб Туркистон кўпроқ сунний, яъни Ҳанафия мактабининг таълимоти ривожланган

---

<sup>1</sup> Қаранг: Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. Т., Қомуслар бош редакцияси, 1992, 6-бет.

жойга айлана борди. “Шу таълимот асосида, – деб ёзди профессор А.Саидов, – Мовароуннаҳр фикҳ мактаби шаклланди. Бу мактаб бутун мусулмон дунёсида шуҳрат топди ва тан олинди.”<sup>1</sup> Бу ерда алоҳида фикҳ мактаби бўлганлиги ва унинг бутун ислом дунёси томонидан эътироф этилганлиги XII асрлардаёқ илмий адабиётларда ёритилган эди. Жумладан, ўша пайтда яшаб ижод қилган ва мусулмон ҳуқуқига оид 12 жилддан иборат “Китоб ал-ансоб” номли асар яратган Абдусамад Муҳаммад Самъоний (1179-1229) Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида мусулмон ҳуқуқининг алоҳида мактаблари мавжуд бўлганлигини кўрсатган. Фикҳ олими Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг (1582 йилда вафот этган) ўрта асрларда ёзилган, фатволар муаллифлари даражасида бўлган фақиҳларнинг таржимаи ҳоллари ёритилган “Катта иб ул-аълум ал-айхёр фи-табоқат фуқаҳо ва машойиҳ мазҳаб ан-Нуъмон” асарида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби, унинг фаолияти тўлароқ ёритилган. Бу диёрда илоҳиётга доир илм ва фикҳ бобида бутун мусулмон дунёсига хос белгилардан ташқари алоҳида хусусиятлар ҳам мавжуд эканлигини, айнан шу ерда етишган фақиҳлар исломни маҳаллий шароитга мослаштирганликларини академик В.В.Бартольд ҳам таъкидлаган эди. Собиқ шўролар даврида бу мактаб ва унинг меросига деярли аҳамият берилмай келинди. Фақат 1990 йилда шарқшунос олим А.К.Мўминов ал-Кафавийнинг юқорида номи келтирилган китобига суянган ҳолда биринчи бор Мовароуннаҳр фикҳ мактаби ва унинг фаолиятини ёритиб берди.<sup>2</sup>

Ҳанафий мазҳаби доирасида маҳаллий одатлар, удумлар ва ҳуқуқий тасаввурларни юзага чиқариш Қорахонийлар даригаги фақиҳларнинг хизмати бўлди. Ҳанафийлар удумлари учинчи даражали мажтаҳидлар даражаси (мужтаҳиди мултоқ)<sup>3</sup>га Қорахонийлар даврида яшаб ижод

---

<sup>1</sup> А. Х. Саидов. Бурҳониддин Марғинович. “Ал-Ҳидоя” – муҳим ҳуқуқий ёдгорлик. “Ўзбекистон овози”, 1994 йил 3 май.

<sup>2</sup> А. К. Мўминов. Мовароуннаҳрская школа фикха (IX-XIII вв). “Общественные науки в Узбекистане” 1990, 10-сон, 38-42-бетлар.

<sup>3</sup> Учинчи даражали мужтаҳид – Ҳанафий мазҳабининг кўзга кўринган биринчи уч нафар нуфузли уламози: Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва

қилган олти йирик фақиҳни киритадилар. Булар: 1) Шамс-ал Аимма ал-Ҳалвоний, 2) Шамс ал-Аимма ас-Сарахсий (1096-67 йилда вафот этган), 3) Фахр ул Ислом ал-Паздавий (Баздавий), 4) Ифтихор ал-дин ал-Бухорий (1147-48 йилда вафот этган), 5) Бурхониддин Муҳаммад бин Аҳмад ал-Бухорий (1174-75 йилда вафот этган), 6) Фахриддин Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ўзгандий (1196 йилда вафот этган)лардир. Уларнинг қанчалик йирик фақиҳ олим бўлганликлари “исломнинг фаҳри”, “диннинг далили”, “диннинг ифтихори” каби унвонларидан ҳам кўриниб турибди. Ал-Кафавий ўз асарида шу даврларда Мовароуннаҳрда 71 нафар йирик фақиҳ томонидан 491 та фатво чиқарилганлигини ёзган. Уларнинг 117 таси диний маросимлар, одат ва удумларга оид, 96 таси савдосотиқ, пул ва мулкый, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига тегишли, 73 таси суд юритиш, 21 таси вақф, 54 таси оила ва никоҳ масалаларига тааллуқли бўлган. Ушбу фатволар, юқорида тилга олинган йирик фақиҳлар асарларида кўрсатилганидек, Мовароуннаҳрнинг кўпгина шаҳарларидаги фақиҳ олимларни етиштирган, ўз удумлари ва қоидаларига эга фикҳ мактаблари бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ўз асарлари билан ислом дунёсида машҳур бўлган бу мактабларнинг вакиллари жумласида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

**Самарқанд ҳуқуқ мактаби.** Унинг йирик вакили Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий 333 (944-945) йилда вафот этган бўлиб, у Ҳанафия мактабининг Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг ёйилиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган муҳаддис ва олимдир. Унинг “Китоб ал-усул” (“Асослар китоби”), “Китоб тавилот ал-Қуръон” (“Қуръон тафсири ҳақида китоб”), “Китоб ал-мақолат” (“Мақолалар китоби”) каби асарларида фикҳнинг Ҳанафийлар таълимотига оид йирик масалалари ёритиб берилган.

Шу мактабнинг яна бир йирик вакили самарқандлик фақиҳлар – Абу Лайсийлар сулоласининг асосчиси, фақиҳ Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Иброҳим ас-Самарқандий (1003 йили вафот этган) бўлиб, унинг

---

аш-Шайбоний асарларида – фикр бўлмаганда, қарор (фатво)лар чиқариши мумкин бўлган фақиҳларга айтилган.

анчагина асарлари бизгача етиб келган. Улар орасида асосий қисмини фикҳга оид китоблар ташкил қилади<sup>1</sup>.

Жумладан, унинг тўрт жилддан иборат “Тафсир ал-Қуръон” (“Қуръон тафсири”) асари шу борадаги энг яхши асарлардан ҳисобланади. Бундан ташқари, 40 китоб (боб)дан иборат “Хизонат ал-фикҳ” (“Фикҳ ҳазиналари”) асарида Ҳанафия мазҳаби асосида мусулмон ҳуқуқига қисқача таъриф берилади. Шунингдек, унинг фатволар ҳақидаги “Ан-Навозил” (“Воқеалар”) Абу Ҳанифанинг “Китоб ал-фикҳ ал-акбар” (“Катта фикҳ китоби”) асарларига ёзган шарҳлари машҳурдир. Самарқанд Ҳанафийлари таълимотининг шаклланишида, юқорида келтирганимиздек, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий ҳамда Али бин Саид ал-Рустуғфоний (X аср) ва Муҳаммад бин ал-Йамин ас-Самарқандий (X аср) катта роль ўйнаганлар. Ал-Мотуридий номи билан аталадиган бу мактабнинг яна бир йирик вакили “фахр ул-Ислом” Абу ал-Ҳазл Али бинни Муҳаммад ал-Баздавий (Имом Паздавий)дир. Унинг “Жомеъ ус-сағир”га ёзган шарҳи, фикҳ тармоқлари бўйича “Усули Паздавий” ва асосий асари бўлмиш 11 жилддан иборат “Мабсут” ёки “Кенг тўплам” (бу асар “Илдиз” ёки “Асил” номлари билан ҳам юритилган) асарлари машҳур бўлган. Асар ҳижрий 460 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, Ҳанафийлар таълимотига асосан, илмий-амалий илоҳиётга доир тўлиқ маълумотни ифода этган. Фосеҳ Аҳмад Ҳавофийнинг “Мужмали Фосиҳий” асарида олимнинг номи Садр ал-Ислом Абул Наср Али ибн Муҳаммад ал-Паждавий (1089-90 йилда вафот этган) тарзида келтирилиб, унинг “Кашф ал-Асроф” ҳамда “Шархи усул-и ал-Паздавий” каби асарлари бўлганлиги кўрсатилган.

Али Баздавий Самарқандда фикҳ илмини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди ва кўплаб шогирдлар етиштирди. Фикҳ услублари бўйича “Мезон ал-усул фи натоиж ал-ухлул” (“Ақллар чиқарган хулосалар бўйича асослар мезони”) номли китоб ёзган Алоуддин Шамсул ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий,

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: И. Абдуллаев, Х.Ҳикматуллаев. Самарқандлик олимлар. Т., “Фан”, 1969, 16-18-бетлар.

шунингдек, Бурҳониддин Марғинонийнинг устози Нажмиддин Умар ан-Насафийлар Имом Али Баздавийнинг шоғирдлари бўлган.

**Бухоро ҳуқуқ мактаби.** Бу мактабга Абу Хафс Аҳмад бин Хафс ал-Бухорий (832 йилда вафот этган) асос солган бўлиб, унда Бағдод ва Балх ҳуқуқ мактабларининг таъсири сезилиб турган. Кўпгина фатволар муаллифи Шамс ал-Аимма ал-Ҳалвоний (1056-57 йилларда вафот этган) ҳам унинг йирик вакилларидан бири эди. Булардан ташқари, Салжуқийлардан Султон Санжар (1118-1157) даврида Мовароуннаҳрнинг қози калони бўлган Умар ибн Абдулазиз ибн Мааз ал-Бухорийнинг (1141 йилда вафот этган) “Ал воқийот ал-Ҳусамийа фи мазҳаб ал-Ҳанифийа”, “Жомеъ ас-сағир” асарлари, Бурҳониддин ал-Бухорийнинг “Китоб аз-Захира ал-Бурҳонийа фи-л фатава”, Заҳриддин ал-Бухорийнинг (1222 йилда вафот қилган) “Ал-Фатава ва Захирийа”, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абубакр ал-Ҳанафий ал-Бухорий (1128 йилда вафот этган)нинг “Хизонат ул-фатво” (“Фатволар ҳазинаси”) ва “Мажмуъ ал-фатво” (“Фатволар мажмуаси”) номли китоблари шу мактаб вакилларининг машҳур асарларидандир.

Қорахоний туркийларнинг ҳокимият бошига келиши билан Мовароуннаҳр ҳаётида катта ўзгаришлар юз беради. Мовароуннаҳр Еттисув ва Шарқий Туркистон билан бирга битта давлат таркибига қўшилади. Улус мулкларининг марказлари бўлган Ўзганд, Косон, Исфижоб каби шаҳарлар ҳам муҳим роль ўйнай бошлайди ва бу шаҳарлардан ҳам йирик фақиҳ олимлар етишиб чиқади. Жумладан, Муҳаммад бин Аҳмад Абу Сахл ас-Сарахсий (1090 йилда вафот этган) Абул Фазл ал-Марвазийнинг фикҳ тармоқлари ҳақидаги “ал-Кафий” номли асарига кенгайтирилган (18 жилдли) шарҳ ёзиб, уни “ал-Мабсут” (“Кенгайтирилган”), деб атайди. Ас-Сарахсийнинг бу китоби тан олинган асарлардандир. Шу тариқа Самарқанд ва Бухоро ҳуқуқ мактаблари XIII асргача машҳур бўлиб қолади. XI асрдан бошлаб Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг удумлари асосида Марв ва Хоразмда маҳаллий фикҳ мактаблари вужудга келади.

**Хоразм фикҳ мактаби.** Илоҳиётчи ва тилшунос олим Маҳмуд бин Умар аз-Замахшарий (1144 йилда вафот этган) XII-XIII асрларда ташкил топган бу мактабнинг асосчиси бўлган. Маҳмуд Замахшарий 50 дан ортиқ асар муаллифи ҳисобланади. Ушбу мактаб вакилларининг қарашлари Мухтор бин Маҳмуд аз-Захирийнинг (1260 йилда вафот этган) “Китоб Кунийат ал-Мунийя”, “Шарҳ Мухтасар ал-Кудурий” каби асарлар орқали етиб келган.<sup>1</sup> Шунингдек, Нажмиддин Абу Яъқуб Юсуф бин Аҳмад ал-Хоразмийнинг (XII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган) “Фатвои сағир” (“Кичик фатволар тўплами”) номли аса-рида мусулмон ҳуқуқшунослиги масалалари чуқур таҳлил этилган.

XIII асрдан бошлаб Марказий Осиё ҳудудларини мў-ғуллар истило қилгандан кейин ислом динининг давлат дини сифатидаги мавқеи ҳамда мактаблар ва фақиҳлар-нинг фаолияти пасайиб кетади. Мовароуннаҳрлик кўплаб олимлар Яқин Шарқ мамлакатларидаги мадрасаларда таълим бера бошлайдилар. Уларнинг бундан кейинги даврда асосий иши фатволарни тўплам ҳолига келтириш, юридик асарлар ҳамда фатволарни шарҳлашдан иборат бўлиб қолади.<sup>2</sup>

Мовароуннаҳр фикҳ мактаби мусулмон ҳуқуқи, ри-вожланишига, айниқса, ханафийлик мазҳабининг фикҳ илми ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бу мазҳаб ёйилган мамлакатларда ҳуқуқ амалиётида муайян (аниқ) юридик ишларнинг ҳал этилишига манбашунослик асоси-да ёндашилганда шуни кўриш мумкинки, мужтаҳид-ларнинг фатволари, тўпламлари, уларга берилган шарҳлар эътиборли бўлган. Самарқанд фикҳ мактабининг сўнгги йирик вакили Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари машҳурлиги билан айниқса, ажралиб туради. (Бу ҳақда алоҳида тўхталамиз). Бундан ташқари, яна тўрт ки-тоб юридик манба сифатида (ал-Мугун ал-арба ал-Мўъта-бар) танилиб, ҳурмат қозонган ва мовароуннаҳрлик фа-қиҳлар томонидан юридик амалиётда қўлланилган. Булар:

---

<sup>1</sup> А. К. Муминов. Мовароуннаҳрская школа фикха (IX-XIII вв).

<sup>2</sup> Бу ҳақда яна батафсил қаранг: Абдул ҳаким Шаръий Жужжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Т., Ислом университети нашриёти, 2003.

1) Абул Барокат ан-Насафийнинг “Канз ад-дахайк” (“Узоқ хазиналар сири”); 2) бухоролик Садр Убайдулло ал-Маҳбубийнинг “Виқоят ар-ривойа фи масойил ал-Ҳидоя” (“Ҳидоя масалаларида ҳикоят ва ривоятлар”); 3) Абдуллоҳ бин Маҳмуд ал-Мавсумий (1284 йилда вафот этган) “Китоб ал-Мухтар фи-л фатава” (“Танланган фатволар ҳақида китоб”) ҳамда 4) Аҳмад бин Али ас-Соатийнинг (1294-1295 йилда вафот этган) “Мажмаъ ал-бахрайн ва мултақа ан-наҳрайн” (“Денгизлар ва дарёлар туташуви мажмуаси”) китобларидир.

### 3. Бурҳониддин ал-Марғиноний

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида Қорахонийлар даври ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу марказлашган давлат вужудга келган, мамлакатда нисбий тинчлик ўрнатилган, илм-фан, ишлаб чиқариш ва савдо ривожланган бир давр бўлиши билан бирга ўзбек халқининг шаклланиш даври ҳам эди. Қорахонийлар даври туркий халқлар орасидан етишиб чиққан кўплаб олимлар, шоирлар ижодий фаолият кўрсатганлиги билан ҳам эътиборлидир. Бурҳониддин ал-Марғиноний ханафийлик мактабининг шу даврдаги энг йирик фақиҳ олими эди ва кейин ҳам шундай бўлиб қолди.

Марказий Осиё фиқҳ илмини ислом дунёсида олдинги ўринлардан бирига олиб чиққан Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний кейинги авлодлар учун катта ҳуқуқий мерос қолдирган.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳозирги Фарғона вилоятининг Риштон шаҳрида 1123 йилнинг 23 сентябрида туғилиб, бошланғич маълумотни шу ерда олган, кейинчалик у Қорахонийлар пойтахти Самарқандга келиб, яшаб ижод қилган. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Марғиноний ўзининг “Китоб ул-машойих” (“Шайхлар ҳақида китоб”) асарида 40 дан ортиқ аллома ва фақиҳлардан таълим олганлиги ёки устоз тутганлигини ёзиб қолдирган. 1149 йилда зиёрат учун ҳажга бориб, Мадина мадрасаларининг бирида араб тили, илоҳиёт ва фиқҳдан дарс берган. Ҳаждан қайтгач, яна Самарқандда яшаб, 1178 йилнинг апрель ойида мусулмон ҳуқуқшунослигига шарҳ

тарзидаги машхур “Ҳидоя” асарини ёзиб тугатган. Абу Тоҳирхожанинг кўрсатишича, Бурҳониддин Марғинович 1197 йил октябрида 74 ёшида Самарқандда вафот этган.

Ислом дунёсига нисбатан олганда, халифалик йилларининг охирида, Ўзбекистон тарихига нисбатан эса Қорахонийлар давлати даврида вужудга келган “Ҳидоя” асарини ислом ҳуқуқшунослигининг ўзига хос қомуси дейиш мумкин. Асарнинг ёзилиши ҳақида Марғиновичнинг “Бидоят ал-Мубтадий” асари сўзбошисида қайд этилишича, Ироққа сафар қилиганида, у ерда фикҳ бобидаги “ал-Мухтасар ал-Кудурий” (“Кудурий қисқартмаси”) номли ажойиб асарни кўриб, ана шундай бир асар ёзишга қарор қилганлигини ҳамда фикҳга оид барча манбаларни жамлаб ва улардан энг зарур масалаларни олиб, ўзи яратган асарга “Бидоят ал-мунтахий” (“Бошловчилар учун тугал таълим”) номи берганлигини маълум қилади. Кейинчалик бу асарни ҳам фойдаланишга қулай, ихчам ҳолга келтириб, “Кифоят ал-мунтахий” деб номлайди. Биз сўз юритаётган “Ҳидоя” эса ана шу асарларнинг янада ихчамлаштирилган, Ҳанафия мазҳабининг фикҳ масалалари бобидаги асосий фикрларини ўзида мужассамлаштирган учинчи кўринишидир. Мазкур асар манбаларда турлича номларда: “Ал-Ҳидоя фи ал-Бидоят”, “Ал-Ҳидоя фи-л фируъ” (“Ҳуқуқ тармоқлари ҳақидаги қўлланма” ёки “Ал-Ҳидоя” (мусулмон ҳуқуқига шарҳ) номлари билан аталиб келинган. Олим мазкур асарнинг сўнгги нусхасини ёзишда “Бидоят ул-мубтадий” номли ўзининг мураккаб назарий асари талабалар томонидан энгил ўзлаштирилишини ва юридик амалиётда қўлланилишини осонлаштиришни ҳам назарда тутган. Шундан келиб чиқиб, “Ҳидоя” маълум маънода мадраса талабалари, қози ва муфтийлар ўрганишлари ҳамда қўлланишлари учун қулай бўлишини кўзлаб ёзилган, дейиш мумкин. Маълумки, Мовароуннаҳр фақиҳлари, ҳуқуқ тармоқларига оид 50 дан ортиқ йирик китоб битганлар. Улар орасида Марғинович “Ҳидоя”си алоҳида шухрат топганлигининг сабаби – бу асар ҳам илмий, ҳам амалий мақсадни назарда тутиб, бир неча марта қайта ишланиб, фойдаланишга қулай тарзда яратилганлигида ҳамда муаллифнинг обрўси юксаклигида бўлса керак. Асарнинг тузилиши ва ҳар бир масалага оид машхур китоблар номларининг келтирили-

ши ўқувчига ўша даврдаги мусулмон ҳуқуқининг тармоқлари хусусида тўлиқ тасаввур беради. Бизгача араб тилидаги бир неча нусхаси етиб келган бу асар форс, инглиз ва рус тилларига ўгирилган. “Ҳидоя” икки жилд ва тўрт жузъ, 57 китобдан иборат бўлиб, биринчи жузъга асосан, ибодат масалалари киритилган. Қолган учта жузъ бошқа ҳаётий фикҳий масалаларни ўз ичига олади. Инглиз, рус тилларига қилинган таржималарда эса у тўрт жилдга бўлиб нашр этилган. Асарнинг I-жилди тозаланиш, ибодат қилиш, хайр-эҳсон қилиш, рўза тутиш ва ҳаж қилиш масалаларига бағишланган 5 та китобдан иборат. Бундан яққол кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқида диний урф-одатлар ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар билан дунёвий фикҳий масалалар боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам бу жилд форс тилидан инглиз тилига ўгирилганда, хайр-эҳсон қилиш китобидан бошқаси тушириб қолдирилган. 2-жилд никоҳ, сут бўйича қариндошлик (кўкалдошлик), никоҳни бекор қилиш, қасам, жазо. ўғрилиқ, сиёсий қонун-қоидалар, топилган нарсалар, дараксиз йўқолганлар, ўртоқлик шартномаси ҳақидаги 14 та китобни ўз ичига олади. Яъни, бу жилда асосан, оила ва никоҳ ҳамда қисман, фуқаролик ҳуқуқи масалалари ёритилади. 22 та китобни бирлаштирган 3-жилд савдо-сотик, пулни майдалаш, кафолат, қарзларни ўтказиш, қози (судьянинг) мажбуриятлари, гувоҳлик кўрсатувлари, гувоҳлик кўрсатувларини рад қилиш, ишончнома, даъвогар тан олиши, келишув, қарз, ссуда, ҳадя, ижара, васийлик масалаларига бағишланган. Шундан келиб чиқиб, мазкур жилдни фуқаролик ҳуқуқининг асосий масалалари ва суд жараёни ҳуқуқига бағишланган деб айтиш мумкин. 4-жилд (16 та китоб) аралаш мулк ҳуқуқини олиш ва бундай ҳуқуқнинг ворисликка ўтиши, мулкка бўлиш, ерларни ишлаш бўйича тузилган шартномалар, озиқ-овқатларни етиштириш ва истеъмол қилишдаги турли эҳтиёт чоралари, бўш ётган ерларни ишлаш, тақиқланган (ичимлик) суюқликлар, ов ҳақида, закат, шахсга қаратилган жиноятлар, шикоятлар, пул билан ундириладиган (қопланадиган) жазо чоралари, пеня (пинна) ундириш, васият ҳақидаги китоблардан иборат. Яъни, мазкур жилд ҳозирги замон ҳуқуқ тармоқларига нисбатан олганда, диний ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи масалаларига бағишланган.

Бундан кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқи XII асрдаёқ маълум тармоқларга ва институтларга эга бўлган ҳуқуқ тизимини ташкил қилган. Шунинг учун ҳам “Ҳидоя”ни ўқиб, шарҳлай билиш мадрасада фикҳ илмидан маълум натижага эришганликни билдирган ва муфтий, қози лавозимларини бажариш ҳуқуқини берган.

Хуллас, “Ҳидоя” ислом дунёсида эътиборли китоблардан бири сифатида мадрасаларда мусулмон ҳуқуқи бўйича қўлланма даражасида ўрганилиб, унинг муаллифи эса, юридик амалиётда прецедент – ўхшаш ҳолатлар ва ишларда қўлланилиши мумкин (процент) бўла оладиган қарор (фатво)лар қабул қилишга ҳуқуқли ҳисобланган. Шунинг учун ҳам китобнинг кўпгина жойларида муаллиф ҳуқуқий масала ечимида фикрини билдиради. Шарҳлар берилган жойларда Абу Ҳанифа ҳуқуқ мактаби ҳамда унинг йирик шогирдлари фикрини ҳам келтиради. Шунинг учун ҳам асарни инглиз тилига ўгирган олимнинг уни “Ҳанифийлар мактаби” фикрларининг кейинги олимлар томонидан маълум даражада юридик амалиёт ва одатларга ҳамда бошқа (Арабистондан ташқари) жойларга мослаштириш учун берилган шарҳлар билан қисман ўзгартирилган тўпламидан иборат асар деб ҳисоблаш мумкин,”<sup>1</sup> деган фикри маъқуллашга лойиқдир.

“Ҳидоя” фақат мусулмон дунёсида фикҳни ўрганиш манбаигина бўлиб қолмасдан, юридик (ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда қўлланма) манбага айланиб қолган. Унга ўз замонасининг амалиётчи қонуншунослари мурожат қилиб турганлар ва шарҳлар ёзганлар. Жумладан, Хусомиддин ал-Ҳусайн бин Али ас-Сифноқий (1313-14 йилларда вафот этган) бу китобга “Ниҳоя” номли тўлиқ шарҳ ёзган.

“Ҳидоя” ислом дунёсида фикҳ борасида асосий қўлланмалардан бўлиб, барча мадрасаларда ўқитилган. Унинг форс, инглиз, рус тилларига таржима этилиш сабаби ҳам ана шундадир. Асарнинг 1-жилди 2001 йилда “Адолат” нашриётида илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

---

<sup>1</sup> “Ҳидоя” Инглиз тилидан рус тилига таржима. Т., 1898, 1-жилд, 26-бет.

Асарни кенг ўрганиш, унга шарҳлар ва ҳошиялар ёзиш, мазмунини очиб беришда бухоролик машҳур Садрлар сулоласи кўп хизмат қилган.

“Ҳидоя”нинг янада ихчам ва қисқа нусхаси “Садруш-шариа” (“Шариаат қонунларининг кўриқчиси”) Убайдулло бин Масъуд ал-Маҳбубий (1346 йилда вафот этган) томонидан яратилган. “Ҳидоя” ва “Мухтасар” ҳажм жиҳатидан солиштирилиб кўрилганда, ўн бирга бир (11:1) нисбатга тўғри келади. Лекин ҳажмига қарамай, уни диққат билан ўқиган малакали киши ислом фикҳининг асосий масалаларини ўзлаштириб олиши мумкин. Ўз навбатида, “Мухтасар”га ҳам араб, форс, турк-ўзбек тилларида шарҳлар, ҳошиялар ёзилган ва турли тилларга таржима қилинган.<sup>1</sup> Унинг 1895 йилда Санкт-Петербургда нашрдан чиққан туркий таржимаси ҳам мавжуд. Тошкентлик олим Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа илк бор унга ўзбек тилида кенгайтирилган икки жилдли “Мажмаъ ул-Мақсуд” номли шарҳ ёзган. Унинг 1-жилди 1996 йилда ҳозирги замон алифбосида чоп этилди.

“Мухтасар” 140 фасл (бўлим)га бўлиниб, асосий шаръий ва ҳуқуқий масалаларни қамраб олган. У юридик амалиётда худди Фарбий Европа мамлакатларида ҳуқуқ тармоқлари бўйича қўлланилган кодекс аҳамиятига эга бўлган. Ҳуқуқ тармоғига мансуб нормалар жамланганлиги унинг яна бир ўзига хос томонини ташкил қилади. Шу хусусиятига кўра у деярли ўхшаши йўқ қонунлар ва изоҳлар тўпламидир.

#### **4. Муслмон ҳуқуқининг асосий белгилари**

Мазкур ҳуқуқ асосида ўрта асрларда ҳукмрон мавқега эга бўлган, шахснинг ҳуқуқий ҳолатини унинг диний эътиқодига қараб белгилайдиган, хотин-қизларнинг эса ижтимоий ҳаётда муомала ҳамда ҳуқуқ лаёқатларини қисман чеклашни мустаҳкамлайдиган ҳукмрон ислом ҳуқуқий фалсафаси ётади. У бирданига ёки маълум бир давр ичида яхлит бир ҳуқуқий тизим сифатида вужудга келмай, шаклланиши узоқ даврни ўз ичига олган. Шунинг-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қarang: Абдул Ҳаким Шаръий Жузжоний. Марғиноний ва унинг издошлари. Т., 2000, 56-бет.

дек, унда роман-герман ёки умумий ҳуқуқий тизимларда бўлган аниқ бир тизим ва институтларга ажратилган ҳуқуқ тармоқлари йўқ. Араблар истилоси билан биргаликда кириб келган мусулмон ҳуқуқи амалда тўғридан-тўғри ўзгаришсиз қабул қилиниб, қўлланилиб кетмади, балки Ўрта Осиё ҳуқуқшунослари уни ҳар жиҳатдан изоҳлаб (интерпретация қилиб), шарҳлаб, ривожлантириб, қисман бир тизимга келтиришда катта хизмат қилдилар.

**Фуқаролик ҳуқуқи.** Мусулмон ҳуқуқида шахслар жисмоний ва юридик шахсларга бўлинади. Ҳуқуқнинг асосий субъекти жисмоний шахслар бўлиб, уларнинг ҳуқуқ лаёқати уч ҳолатга: а) озодлик ҳолатига; б) диний эътиқодга; в) оилавий шароитга боғлиқ бўлган. Ҳуқуқий лаёқат туғилиш билан вужудга келиб, шахснинг вафоти билан бекор бўлган. Муомала лаёқати эрлар учун 15 ёш, хотин-қизлар учун 9 ёш ҳисобланган. Мовароуннаҳрда, айниқса, XIV асрлардан бошлаб қуллар оила аъзолари сифатида яшаб, ўз оилалари, мулкларига эга бўлиб, ҳатто ҳўжасининг рухсати билан фуқаролик битимларини тузишга киришган. Мулк тўплаб, озодликни сотиб олиши, ўзини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиши (амир Шоҳмурод ислоҳоти) мумкин бўлган. Йўқолган кишини неча йилдан сўнг вафот этган, ўлган деб эълон қилиш мумкинлиги тўғрисида шариатда ягона фикр йўқ. Йўқолган киши тутилганидан 120 йил ўтгач, у ўлган деб ҳисобланган.<sup>1</sup> Аммо кўпгина ҳолларда 90 йил ўтгандан кейин ўлган деб эълон қилиниши, ва унга тааллуқли барча ишлар шундан кейин ҳал этилиб, қарор чиқарилиши таъкидланади.<sup>2</sup>

Мулк ҳуқуқи деганда, Ҳанафийлар ҳуқуқ мактабида ашёлар, инсонга (берилиши) мумкин бўлган маҳсулот тушунилган. Мулк ҳуқуқи абадий ва чекланмаган бўлиб, шариат уни барча чоралар билан қўриқлайди. Мулк ҳуқуқи ҳарбий ўлжа йўли билан, фуқаролик битимини тузиш, меъросга олиш, хизмат эвазига ҳоқиймиятни эгаллаш, иш фаолияти билан боғлиқ равишда вужудга келган. Мулк ҳуқуқининг учта: а) ашёга нисбатан қатъий эгалик қилиш; б) мулкни тасарруф этиш; в) мулк ҳуқуқининг

---

<sup>1</sup> Ҳидоя. Т., 1898, II жилд, 93-бет.

<sup>2</sup> Мухтасар. 253-бет.

доимийлиги каби белгилари бўлган. Шарият ҳуқуқига кўра, ер мулкининг (эғалигининг) қуйидаги шакллари: давлат ерлари, хусусий кишиларга тегишли ерлар, қишлоқ жамоа ерлари, диний ташкилотларга тааллуқли ерлар (ёки вақф ерлари) мавжуд бўлган.

Ўзбекистон доирасида хусусий ерлар ёки мулкларнинг бир кўриниши хизмат эвазига олинган шартли ер эғалиги бўлиб, у турли вақтда турли номларда юритилган. Жумладан, араблар даврида иқто, Чигатой улусида ва Темур даврида суюрғол ёки тиюл, Бобур ва Бобурийлар даврида жағир, ўзбек хонликларида танҳо деб аталиб, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини тегишли мавзуларда кўриб ўтдик.

Бу мулкларнинг ўхшаш томони шундаки, мулк ҳуқуқи бўйича юридик табиати бир хил шартли ер эғалигидир.

Солиқ тўлаш тартибига кўра: а) ҳирож ерлари (давлат ерларидан) фойдаланиб, давлатга солиқ тўланган; б) ушрия ерлари (хусусий кишилар ҳосилининг ўндан бирини солиқ сифатида тўлайдиган ерлари); в) сулҳ ерлари, яъни давлатга тобе бўлган бошқа диндаги шахсларнинг ерлари ёки босиб олинган ўлкалардаги ерларга бўлинган.

Мулк ҳуқуқий ҳолатларга ёки қонунларга кўра бекор бўлади. Биринчи ҳолга мисол тариқасида мулкнинг жисмоний йўқ бўлиши, мулк эгасининг ўз мулкидан воз кечишини ҳамда мулкнинг йўқолиши, душман қўлига ўтишини кўрсатиш мумкин.

**Вақф мулки.** Бу мулк ўрта аср Ўзбекистониде кўп тарқалган бўлиб мусулмон қонуншуносларининг асарларида унга кенг ўрин берилган, жумладан, “Ҳидоя” асарининг 2-жилдидаги 15-китоб махсус шу масалага ва унинг юридик табиатига бағишланган. “Вақф” деб, қонунга кўра, бирор ашёни, муайян мақсад учун шундай бағишлаш тушуниладики, бунга асосан илгари шу ашё тегишли бўлган шахс унга нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолгани ҳолда шу ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи кўрсатилган хайрия ишларига тегишли бўлади, дейилади “Ҳидоя”да.<sup>1</sup> Аммо ана шу таърифнинг мағзини ташкил қилган мулк ҳуқуқининг сақлаб қолиниши масаласи баҳслидир. Баъзи фақиҳлар Абу Ҳанифа, Абу Юсуф “шахс мен вақфни таъсис

---

<sup>1</sup> Ҳидоя. Т., 1898, II жилд, XV китоб, 136-бет.

этдим”, деганидан бошлабоқ мулк ҳуқуқини йўқотади, деб ҳисобласалар, баъзилари вақф таъсис этувчи вафот этгачгина мулк ҳуқуқини йўқотади, деб ҳисоблайдилар.

Вақф мулки билан боғлиқ ҳужжатлар – вақфномаларни ўрганган Г.Жўраева унга қуйидагича таъриф беради: “Вақф” деб, диний ёки хайрия муассасалари фойдасига бирор мулкдор шахс томонидан маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларни кўзлаб (иона-совға) қилинган мол-мулкка айтилади.”<sup>1</sup>

Бу мулк шаклининг келиб чиқиши масаласи бўйича турли фикрлар мавжуд. Жумладан, одатда, ислом ҳуқуқий удумлари бу институтнинг пайдо бўлишини Пайгамбар (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва унинг сафдошлари ҳамда биринчи ҳалифаларга боғлайдилар. Ҳанафий ҳуқуқ мактаби тарафдорларининг фикрича, бу мулкнинг пайдо бўлиши Пайгамбар (алайҳиссалом) вафот этганидан кейинги юз йилликка тўғри келади. Бу эса араблар томонидан Сосонийлар Эронининг босиб олиниши давридир. Эроншунос олим А.Г.Переханянинг ўзига хос фикри борки, уни ҳисобга олмай бўлмайди. Олимнинг таъкидлашича, Куръонда вақф мулки тўғрисида тўғридан-тўғри маълумот берадиган оят йўқ.

Сосонийлар судномасини чуқур ўрганган бу олимнинг фикрича, вақф “Сосонийлар Эронда мавжуд бўлган жон учун ажратиладиган фондларнинг рецепция қилиниши – шариат ҳуқуқида қабул қилиб олинишидир.”

Бу фондлар вақф мулки билан солиштирилганда ҳақиқатан ҳам жуда ўхшаш эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, ҳар иккисини ҳам таъсис этиш ихтиёрий: диний ёки бошқа хайрия муассасалари ҳисобига карвонсаройлар, ер мулки, тегирмон, кўприк, боғ ва ҳоказолар бағишланиши мумкин. Шунингдек, иккаласини ҳам расмийлаштириш махсус ҳужжат – гувоҳнома тузиш билан амалга оширилган. Улардан келган даромад уч мақсадга сарфланган. Биринчи қисми шу мулкларнинг ўзини яхши сақлаш, ейилган, камайган қисмларини тиклашга (ёки эксплуатация ва амортизация фонди дейиш мумкин),

---

<sup>1</sup> Г. Жўраева. Вақф нима? “Шарқшунослик”, 2-сон, Т., “Фан”, 1991, 37-47-бетлар.

иккинчи қисми солиқларни тўлашга, учинчи қисми шу фондларни ёки вақфни таъсис қилишда қўйилган мақсадга сарфланади.

Бундан ташқари, тўла бўлмаган вақфнинг шундай қисми ҳам борки, ундан вақф эгасининг авлодлари ҳам фойдаланиб туриши мумкин. Уларни бошқариш ҳам бири-бирига ўхшайди, яъни “жон учун” фондлар махсус шахс ёки орган – раванақан дапир (котиб) томонидан, вақф эса вақф ишлари девони томонидан бошқарилган. Ана шуларга асосланиб, эроншунос олимнинг вақф институти Сосонийлар Эронидаги “жон учун” фондларининг рецепция қилиниб олиншидир, деган фикрига қўшилиш мумкин. Аммо Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг ҳадисларидаги бир кишига ер бермоқчи бўлган Умарга қарата: “Сен ерни шундай тақсимлаб беришинг лозимки, у сотилиши, совга қилиниши ва меросга берилиши мумкин бўлмасин”, деган кўрсатмаси ва шу билан бирга “вақф” сўзи дастлаб “тутиб туриш” деган маънони англатганидан келиб чиқиб, вақф институти шарият ҳуқуқининг ўз асосида вужудга келган ва ривожланган деб ҳисоблашимиз асослидир.

Жуда кўплаб вақф ҳужжатларининг бизгача етиб келганлигига асосланиб, ўрта аср Ўзбекистонидан вақф мулки жуда эрта пайдо бўлган ҳамда ривожланган, деб хулоса қилишимизга имкон беради.

Вақф ҳужжатлари вақфни таъсис этувчи кишиларнинг оила аъзоларида авлоддан-авлодга ўтиб келган ва кўпчилиги сақланиб қолган. Шўролар даврида шарқшунослар кенг ўрганган ҳужжатлардан бири ана шу вақфнома-лардир. Чунки, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, уларнинг тарихий-ҳуқуқий аҳамияти жуда катта. Бизгача етиб келган қадимги вақф ҳужжатларидан бири – Қорахонийлар даврига оид 1066 йилги вақф ёрлиғидир. (1967 йилда француз тилига ўгирилган). Вақти-вақти билан давлат бошлиқлари ҳамда қозилар томонидан вақф ёрлиқларининг ҳақиқийлиги гувоҳлантириб турилган. Ана шулардан бири 1299 йилда араб тилида тузилган Бухоро вақф ёрлиғидир. Унга кўра, Абдуллоҳ Исфижобий ибн Муҳаммад Абдураҳим амир ва садр – “қилич ва қалам соҳиби” сифатларини ўзида мужассамлаштирган ки-

ши бўлиб, Бухоро вилоятининг Самежон туманидаги Деҳиҳамина қишлоғини сотиб олиб, унинг яқинида қишлоқлар, уйлар, тегирмонлар, тикув устахоналарини қурган. У ана шу барча мол-мулкларни “соғлом, муомаллага лаёқатли бўлган ҳолатда, қонуний, ҳаракатчан, мустаҳкам, доимийга” ўзи қурган масжидларга вақф қилиб берган.<sup>1</sup> Бу ҳужжатнинг ўзига хос томони шундаки, вақф қилинадиган мулк (садақа) турлича (масалан, имомга 10 таноб, муаззинга тўрт таноб, мазор ва мактабга 10 таноб ер ва ҳоказо тарзида) бўлиб берилган. Ҳужжат XV асрда араб тилидан форс тилига таржима этилиб, Бухоро амири Шоҳмурод томонидан қайта гувоҳлантирилган.

Вақфлар юридик жиҳатдан икки кўринишда – **тўла вақф** ёки **мутлақ вақф** бўлиб, бунга кўра унинг эгаси – вақф таъсис этувчи вақфга айлантирилган мулкка нисбатан ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум бўлган. **Тўла бўлмаган вақфда** уни таъсис қилувчи ёки меросхўрлар эгалик қилиши ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса-да, ундан келадиган даромаднинг фақат бир қисмидангина фойдаланган. Кўпгина ҳолларда мулк эгасининг ўзи вақфнинг бошқарувчиси қилиб тайинланган. Ихтиёрийлик, фақат кўзгалмас мулклар унинг объекти бўлиши мумкинлиги, дахлсизлиги ҳамда ундан келадиган даромад фақат вақф ҳужжатида кўрсатилган мақсадгагина сарфланиши, хайрия характериға эга бўлиши унинг асосий хусусиятлари ҳисобланган.

Вақфнома, яъни мулкнинг вақфга айлантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат қозихоналарда қози, вақф таъсис этувчи ҳамда гувоҳлар ҳузурда расмийлаштирилган. Унинг юридик жиҳатдан субъекти аёл, бой ёки ўрта ҳол, ақли расо киши бўлиши мумкин эди.

Ўрта асрдаги машҳур сўфий Убайдулло Маҳмуд ўғли Хожа Аҳрор ер мулклари, боғлари ва карвонсаройларини вақф қилганида, шуниси қизиқки, ўша жойларга тааллуқли, уларда ишлаган қулларни ҳам вақф қилган. Масалан, 1489 йилдаги вақф ёрлигининг бир неча жойида қул-

---

<sup>1</sup> Бухарский вақф XVIII. Факсимильное изд. текста. Перев. с араб. и перс., введ. и комент. А.К.Арендса, А.Б.Халилова, О.Д.Чехович. М., “Наука”, 1979, 71-бет.

ларнинг ҳам вақф қилинганлиги тўғрисида маълумот бор. Жумладан, Мотируддаги боққа тегишли 17 нафар ҳиндистонлик қулни хотинлари билан ҳамда шарбат солиш учун 28 та мис коса, 2 та чўян қозон, иккита катта мис қозон, битта мис товоқ билан бирга вақф қилганлиги қайд этилган. Ўзбек хонлари орасида давлатни марказлаштириш, ободончилик, яратувчилик, фаолияти билан машҳур бўлган Абдуллахон II нинг Бухородаги қўш мадрасалар фойдасига вақф таъсис қилиш ҳақидаги ҳужжатлари шуни кўрсатадики, баъзи вақтларда бу мулкнинг миқдори жуда ҳам кўп бўлган. У ўзи қурдирган бу мадрасалар фойдасига Бухоро атрофидаги экинзорлардан ташқари, шаҳарнинг ўзида қурдирган 300 дан ортиқ молиявий муассасаларни, чоҳар-суқларни, тимлар, тоқи ва ҳаммомларни вақф сифатида ўтказган.

Вақфлар мусодара этилиши ёки уч йилдан ортиқ муддатга ижарага берилиши мумкин эмас эди. Ижарага берилган тақдирда ундан ижара ҳақи олиниб, руҳонийлар орасида тақсимланган. Масалан, Хивадаги Қутлуғ Иноқ мадрасасининг деҳқонларга ишлаш ва фойдаланиш учун берилган ерларидан ижара ҳақи сифатида 1888 ботмон дон олинган ҳамда у мутавалли (вақф иш бошқарувчиси) охунлар, имом ва муаззин, мадрасани супурувчилар, сартарошларга тақсимлаб берилиб, қолган қисми мадраса талабларига ажратилган. Вақф ҳужжатлари Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий тузуми шароитида ҳукм сурган ҳуқуқий муносабатларни ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. Шунинг учун кўпгина тарихчилар бу ҳужжатларни ўрганганлар.

Мусулмон ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқи алоҳида бир институт сифатида ишлаб чиқилмаган бўлса-да, уларни бажаришнинг шартлиги, тартиблари, оқибатлари, унинг биринчи манбаи бўлган Қуръони каримга таянилган. Мусулмон ҳуқуқига кўра, мажбуриятлар қонун кучидан, бир томонлама хоҳишни билдиришдан, шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлиниб, битим ва шартномалар бир сўз билан “аҳд” деб юритилган.

Шартномаларнинг топшириқ, қарзни ўтказиш, ишонч, ссуда, кафолат, закат, ҳадя, сақлаб туриш, қарз, гаров,

ижара, савдо-сотиқ каби турлари бўлади. Улар ҳам бир неча турга бўлинади.

Савдо-сотиқ шартномасининг ўзи уч турга бўлиниб, бир-биридан фарқ қилган: 1) **Бойи қотез** – унга кўра, сотилган мулк сотувчидан сотиб олувчига унинг ҳақини тўлашдан олдин ўтиши мумкин. 2) **Бойи жойиз** – бирор шарт қўйиб, савдо-сотиқ шартномасини тузиш, шу шарт бажарилмаса, шартнома бекор бўлиши мумкин. 3) **Бойи фосия** – унга кўра, сотилган мулк, унинг кўриниши ўзгармаган, учинчи шахсларга ҳали сотилмаган ҳолда, унинг эгаси томонидан қайта сотиб олиниши мумкин бўлган. Мусулмон фуқаролик ҳуқуқининг Ўзбекистон доирасида кенг тарқалган институти – шубъат бўлиб, унинг мавжудлиги бу ердаги давлатларда улкан ер магнатлари, хўжаликлари ташкил топишига олиб келган. Унга кўра, ер мулки, уйлар сотилаётган вақтда, шу мулк жойлашган жойда қўшни бўлиб яшовчи киши уни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бунинг натижасида мулкларнинг бир туман, бир вилоятга нисбатан яхлитлиги ошиб борган.

Мусулмон ҳуқуқида ўртоқлик шартномасига жуда кенг ўрин берилган. Бундай шартномага (ширкат-ал-аҳдга) кўра икки ёки бир неча шахснинг умумий мақсадга эришиш учун иттифоққа киришувлари тушунилиб, бунда маблағ, меҳнатни, баъзи ҳолларда эса иккаласини ҳам бирлаштириш назарда тутилган. Бу тарздаги шартномалар, энг аввало, мулк ҳуқуқи бўйича ўртоқлик (ширкати мулк) битимларига киришиши орқали ўртоқликка (ширкати аҳдга) бўлинган. Бунда мулк бўйича икки ёки бир неча шахснинг мулкка нисбатан (масалан, сотиб олишда) ҳамкорлиги назарда тутилса, битимлар бўйича ўртоқлик таклиф – келишув асосида тузилади. Бурҳониддин Марғинович ана шу ўртоқликнинг ўзини ҳам тўрт гуруҳга: шартнома объекти ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ҳамда имтиёзларга, тенг ҳуқуқликни назарда тутадиган ўртоқликка, савдо-сотиқдан, санъат ва касб-кордан ҳамда шахсий кредит (қарз) беришдан келиб чиқадиган ўртоқ-

ликларга бўлади.<sup>1</sup> Шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида шартномалар хилма-хиллиги худди классик даврдаги Рим ҳуқуқида бўлганига ўхшашини кўрамиз. Оқибат натижада, ўртоқлик шартномаларидан келадиган фойда унда иштирок этувчиларнинг сарф қилган маблағларига мос бўлган.

**Ворислик ҳуқуқида васият бўйича ворислик қонуний ворисликдан фарқланган.** Мерос қолдирувчининг ўғил ва қизлари, ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, бошқа қариндошлари, бўлмаган ҳамда озодликка қўйиб юборилган қулларнинг вориси бўлмаган ҳолларда уларнинг аввалги хўжайинлари ёки давлат ворис ҳисобланган.

Васият бўйича ворисликда қолдириладиган мулкнинг фақат учдан бир қисмигина кимга тегишли эканлигидан қатъи назар, васият қилиниши мумкин бўлган. Бу қоидадан кўриниб турибдики, мерос ҳуқуқида васият бўйича меросни чеклаш маълум даражада қонуний ворислар манфаатини ҳимоя қилган. Бундан ташқари, хотин-қиз ворислар эркаклар улушининг ярмига тенг мерос олишга ҳақли бўлганлар. Жумладан, “агар эркак ёки аёл киши вафот қилиб, ундан бир қиз қолса, қиз мероснинг ярмини олган, агар икки ёки ундан ортиқ қиз қолган бўлса, учдан икки қисмини қизлар олган. Агар улар билан бир ўғил бола қолган бўлса, унга бериладиган улуш икки қизнинг улушига тенг бўлган.”<sup>2</sup> Агар эр вафот қилиб, унинг фақат бир хотини қолган бўлса, мероснинг ярми, икки ва ундан ортиқ хотини қолган бўлса ва агар болалари бўлмаса, мероснинг учдан икки қисми хотинларга берилган. Агар мерос қолдирувчининг болалари, хотини, ёлғиз ота-оналаридан бошқа меросхўри бўлмаса, у ҳолда қолдирилган мероснинг учдан бир қисми онасига, қолгани отасига теккан. Ворислар мерос мулкидан, мерос суммасидан ортиқ бўлмаган қарзларни ёки бошқа мажбуриятларни тўлашлари лозим эди. Муслмон ҳуқуқида меросни ҳисоблаб чиқариш қийин ишлардан бири бўлиб, бунга ҳатто, буюк математик ал-Хоразмийнинг “Ал-Жабр ва ал-Мукобала” китобида ҳам, Бадри Девоннинг

---

<sup>1</sup> “Ҳидоя” Т., 1898, II жилд, 96-102-бетлар.

<sup>2</sup> **Исмоил Бухорий.** Жомеъ ас-Саҳиҳ. 4-жилд. Фароиз китоби, 4-боб.

“Мажмаъ ал-Арқам” асарида ҳам махсус ўрин ажратилган.

Мусулмон ҳуқуқида **никоҳ ва оила** муносабатлари шариат ҳамда қисман одат ҳуқуқи билан тартибга солиниб, эр билан хотин ҳуқуқларида тенгсизлик, оилада отанинг ҳукмронлиги, кўп хотинлилик каби принциплар асосига қурилган. Никоҳ оғзаки шартнома орқали расмийлаштирилиб, бунда аёл шартноманинг тенг ҳуқуқли томони бўлмай, унинг предмети ҳисобланган. Бўлажак кўев учун 12-15 ёш, келин учун 9 ёш никоҳ ёши белгиланган. Никоҳ шартномаси ақли расо кишилар ўртасида, уларнинг розилиги билан ошкора тузилиб, уларда қон бўйича ўзаро яқин қариндошлик бўлмаслиги керак эди. Шартномаларда томонларнинг розилиги олинмай, никоҳ тузилиши ҳам мумкин бўлиб, “фузулий никоҳ” деб юритилган.

Никоҳни тузиш учун муайян шартлар бўлиши лозим эди. Энг аввало, ижтимоий тенглик, диний эътиқод бирлиги, озодлик ҳолати, мустақиллик, жисмоний соғломлик, ростгўйлик жиҳатларига, эр-хотиннинг машгул бўлган касблари, ишларининг бўлишлигига эътибор берилган.

Иккинчи гуруҳ шартлари кўев-келинга меҳр, яъни никоҳ тузилганидан кейин келинга бериладиган мулк (унинг мажбурий шarti бўлмаган) миқдори камида уч дирҳамгача деб белгиланган. Ўзбекистон доирасида ана шу иккала шартдан одат ҳуқуқларига мос ҳолда, кўпгина туркий халқларда бўлгани каби, келин учун унинг онасига қалин тўлаш одати ўсиб чиққан. Қалиннинг миқдори турли жойлар ва даврларда турлича бўлган.

Ана шу шартлар мавжуд бўлгандан кейин, никоҳнинг томонлари ўзлари ёки васийлари ҳамда ҳомийлари орқали ўз қулоқлари билан эшитган ҳолда, икки эркак ёки бир эркак, икки аёл гувоҳлигида никоҳ шартномаси оғзаки тузилиб, юридик кучга кирган. Никоҳ шартномаси тузилиши вақтида мулла томонидан унга аввало сиға (формула) тузилиб, унда томонларнинг исмлари, никоҳга киришлари ҳақидаги розиликлари аниқ акс этган бўлиши лозим эди. Шариат бўйича бу араб тилида ўқиларди, аммо билмаса, бошқа тилларда ифодалаш ҳам рухсат этилган. Ўзбекистон доирасида эса кўпинча ўзбек ва

форс тилларида ўқилган. Никоҳ доимий муддатга тузилган, шиа мусулмонлари орасида эса вақтинчалик никоҳ шакли ҳам бўлган. Мусулмон ҳуқуқи кўп хотинликни қонунлаштириб, бунга кўра, озод кишилар тўрттагача, қуллар эса иккита хотин олишлари мумкин эди. Аслида эса, бундан ҳам кўп хотинлилик одати ҳукм сурарди. Никоҳни бекор қилиш фақат эр кишига боғлиқ бўлиб, унинг хоҳлаган вақтда “талоқ” сўзини уч марта такрорлаши никоҳни бекор қилиш учун асос қилиб олинган. Никоҳ бекор бўлгунча эр киши тўрт ойгача хотинига нафақа тўлаб туришга мажбур эди.

Отанинг оиладаги ҳукмронлиги унга кўпгина ижтимоий-иқтисодий мажбуриятларни юклаган. Жумладан, у болалар тарбияси ва оила таъминоти учун тўла жавобгар бўлиб, ҳатто никоҳ бекор бўлгандан кейин ҳам бу мажбуриятдан озод бўлмаган. Никоҳни бекор қилиш шариат ҳуқуқида эр киши учун жуда осон, аммо хотин киши учун ниҳоятда мураккаб эди. Бироқ никоҳгача номаълум қолган айрим ҳолатлар ундан кейинроқ ошкор бўлса, эр ва хотиннинг талаби билан никоҳнинг дарҳол бекор қилинишига йўл қўйилиб, бунга: ақли заифлик, кўрлик, мохов касали борлиги, жинсий заифлик ёки танадаги баъзи аъзоларнинг эр-хотинликка тўсқинлик қиладиган даражада майиблиги (масалан, ахта қилинганлик) сингари сабаблар киради. Бундай ҳолларда эр-хотинлар никоҳнинг бекор қилинишини расмийлаштирамай ажралишлари мумкин бўлган.

Шариатга кўра, никоҳни бекор қилиш (талоқ)нинг тўрт тури бўлган. Унга кўра: а) узил-кесил (боин) бекор қилиш; б) эр хотинига, масалан, “сен менга хотин эмассан” деб уч марта айтса; в) эрнинг хотинини кечириши мумкин бўлган ҳолда бекор қилиш. Бундай хотин уйни тарк этмайди, талоқ тўлиқ айтилмайди; г) никоҳнинг бекор қилинишини хотин томонидан эридан сотиб олиши, бунда хотин сабабини кўрсатмай, ўзига берилган маҳр ёки бошқа маблағ эвазига никоҳни бекор қилиб, ўзига озодлик беришга эрини ундайди, икккаласи ҳам шунга келишса, қози никоҳни бекор қилади; д) никоҳ рад қилиш, воз кечиш йўли билан ҳам бекор бўлиши мумкин. Бу ҳам юқоридагига ўхшаш, аммо бунда эр киши

никоҳни бекор қилишга маълум ҳақ эвазига розилик беришини билдиради. Охирги икки усул ўз-ўзини никоҳдан ажратиш деб аталади. Никоҳ бекор қилинган, хотин уч ой мобайнида синов муддати(идда)ни ўтайди. Яъни, эввалги эридан боласи йўқлиги маълум бўлган, бошқа эрга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Идда ичида иккала томон ярашиш фикрига келишсалар, никоҳ ўқилмай ярашиб кетишлари ҳам мумкин.

Шариатда **жиноят ҳуқуқи** тушунчаси ва уларнинг таснифи мукамал ишланмаган. “Жиноят” сўзининг ўзи ҳам араб тилидан ўтган бўлиб, луғавий маъноси тақиқланган ҳаракатнинг содир этилишини англатади. Кўпгина фикҳшунослар жиноят деганда фақат шахсга қарши қаратилган жинойи хатти-ҳаракат эмас, балки кенг маънода шариат қоидалари ҳамда қонунларда тақиқланган ҳаракатларни содир этиш тушунилишини изоҳлайдилар. Ақли расо, соғлом, вояга етган шахс унинг субъекти ҳисобланиб, 15-16 ёшгача бўлган ўсмирлар алоҳида мажбурлов чорасига тортилади.

Ақлдан озиш ёки ҳушини йўқотиш, мастлик ҳолатида содир қилинган жиноят учун жинойи жавобгарликдан озод қилинган, аммо маст қилувчи ичимлик ичганлиги учун жавобгарликдан озод қилинмаган. Шариат ҳуқуқига кўра, фақат жисмоний ва тирик шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланиб, жинойи жавобгарликка тортилган (Фарбий Европа мамлакатларида эса ҳайвонлар устидан ҳам судлов жараёнларини уюштириш ҳоллари мавжудлиги маълум).

Жиноятларни гуруҳлаш масаласига келсак, бу борада фикҳшунослар ва мусулмон ҳуқуқини тадқиқ қилган олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Олимлар турли мезонларни, жиноятларнинг объектларини, жазо белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигини, унинг оғирлиги ёки енгиллик даражасини таснифлаш асосига қўйишади.

Мусулмон ҳуқуқини кўп тадқиқ қилган олим Л.Р.Сюкияйнен ҳамда В.А.Лихачевлар фанда тарқалган ва тан олинган фикрлардан келиб чиқиб, жиноятларни уч асосий гуруҳга бўладилар: а) худо ва барча мусулмонлар жамоасининг ҳуқуқларига тажовуз қиладиган жиноятлар, бундай жиноятлар аниқ жазо (санкция) – **ҳадд** билан

жазоланади; б) алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини буз-  
диган ва аниқ қасос, кавад ҳамда дия – қон баҳоси  
қоидалари асосида жазо бериладиган жиноятлар; в)  
бошқа тоифадаги жиноятлар – таъзир.<sup>1</sup>

Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, жиноятларни қис-  
қача қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) **динга ва давлатга қарши қаратилган жиноятлар.**  
Қуръон ва ҳадисларда аниқ жазо белгилаб қўйилган –  
ҳадд жиноятлар гуруҳи: ўгрилик, талончилик (ғасб),  
бузғунчилик, исён, ахлоқ ва қадр-қимматга қарши қар-  
тилган жиноятлар; таҳқирлаш, ёлғон гувоҳлик бериш,  
туҳмат қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, қўшмачилик  
қилиш, савдо қоидаларини бузиш, айбни оғирлаштира-  
диган ҳолатларда қимор ўйинларини ўйнаш,  
фирибгарлик. Бундай жиноятларда томонларнинг  
кечирилиши, авф этилиши, ярашишлари мумкин  
бўлмаган. Уларга бериладиган жазо “ҳадд” деб аталиб,  
фақат суд ҳукми билан берилган, кўпинча қатл этиш,  
тошбўрон қилиш, осиб ўлдириш, бўлақларга бўлиб  
ташлаш ва бошқа шаклларда берилган ёки қамчи, таёқ  
билан 40-100 дарра уриш билан жазоланган. Ундан  
кейин тавба қилиб, гуноҳини ювиш лозим бўлган.  
Булардан ташқари, озодликдан маҳрум этиш, мол-  
мулкини мусодара қилиш, зиндонга қамаш, сургун ва  
бадарга жазolari берилган. Ҳадд кўпинча жамоат  
жойлари, бозор ёки арк майдонларида ижро этилган.

б) **шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган “қа-  
сос” ёки “диа” гуруҳидаги жиноятлар.** Бунга одам ўлди-  
риш, баданга шикаст етказиш жиноятлари кириб, шариат  
ҳуқуқида қасддан одам ўлдириш жиноятидаги қасднинг уч  
шакли: мутлақи қасд, мутлақи бўлмаган қасд, иккала  
қасднинг ораси бир-биридан фарқланган. Бундай жино-  
ятларга қасос олиш, хуф олиш белгиланган. “Мухтасар”да  
кўрсатилишича, хун ҳақи озод кишининг қасддан ўлди-  
рилганлиги учун минг олтин танга, кумушдан минг дир-  
ҳам, туядан юзта бериш назарда тутилган. Баданга етка-  
зилган жароҳат учун “диа” асосида жарима белгиланган.

---

<sup>1</sup> Мусулманское право. (Структура и основные институты). М.,  
“Наука”, 1984, 78-бет.

Диа – қоннинг баҳоси бўлиб, шариатга кўра, у фақат одам ўлдириш учун эмас, балки баданга жароҳат етказганлик учун ҳам, унинг оғирлик ва енгиллик даражасига қараб ундирилган. Масалан, кўр қилинганлиги учун тўла “диа”, бир кўзи учун ярим “диа” ундирилган.

в) **Қуръон ва ҳадисларда жазо кўрсатилмаган жиноятлар.** Унча оғир бўлмаган, жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлган таъзир гуруҳидаги жиноятлар: ҳақорат қилиш, безорилик, жамоат тартибини бузиш, баданга енгил жароҳат етказиш, қимор ўйинларини биринчи марта ўйнаш кабиларга қози, имом ва ҳокимлар томонидан қўлланиладиган жазо чоралари. 10-40 тагача қамчи билан уриш, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қози томонидан огоҳлантириш кабилар кирган. Бу учала гуруҳга кирувчи жазоларнинг асосий фарқи “Мухтасар”да кўрсатиб берилган. Унда айтилишича, “таъзир ва қасос ҳадд эмас, чунки таъзир чекланмаган жазодур, қасос эса банданинг ҳақидир, банда кечса кечадур, ҳадд кечилмайди”<sup>1</sup>. Шариатда ўғрилиқ жинояти муқаддас ҳисобланган мулк ҳуқуқига тажовуз қилинишини назарда тутганлиги учун ҳам тан жазолари билан таъқиб қилинган.

Ўғрилиқ деб, ақли расо кимса томонидан иккинчи бир кишининг баҳоси ўн дирҳам тангалик молини яширин ёки зулм билан олиб қўйиш тушунилади. Биринчи марта ўғрилиқ қилганлик учун ўнг қўлининг бош бармоғини қолдириб, тўртта бармоғини кесишга ҳукм қилинган. Иккинчи марта ўғрилиқ учун чап қўлининг тирсаги ўртасидан қирқилиши талаб этилади. Учинчи марта эса умрбод зиндонга ташлаш, тўртинчи марта ўғрилиқ учун қатл этиш жазоси назарда тутилган.

## 5. Суд ва суд жараёни

“Ҳидоя” асарида шариат судлари – қозилар, уларнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, иш юритиш, жазо, ҳукми ижро этиш мақсалаларига махсус китоб бағишланиб, у “Қозининг мажбуриятлари” деб аталади. Мусулмон фикри асосида иш кўрадиган қозилар тизими ҳам

<sup>1</sup> Мухтасар. Т., “Чўлпон”, 1994, “Жиноятлар китоби”, 84-бет.

дастлаб Арабистонда вужудга келиб, айниқса, Имом Абу Юсуф даврида махсус муассаса сифатида шаклланган. Муслмон ҳуқуқий мафкурасига кўра, қозилик сўраб ёки илтимос қилиб, таниш-билишчилик қилиб эгалланадиган мансаб эмас. Ҳукмдор томонидан шу ишга лойиқ кишини мажбурий тайинлаш натижасида эгалланиши рағбатлидир.<sup>1</sup> Бундай ҳисобланишига сабаб Муҳаммад (алай-ҳиссалом)нинг ҳадисларида келтирилган “ким қози қилиб тайинланса, у ўткир пичоқ билан эмас, ўтмас пичоқ билан кесиладиган ҳайвон каби азобга тортилади”,<sup>2</sup> деган таъриф бўлса керак. Шунинг учун ҳам манбаларда келтирилишича, кўп фақиҳлар (масалан, Абу Ҳанифанинг ўзи) қозилик мансабини эгаллашдан бош тортган.

Аслида, қозилар олдига қўйилган талаблар унча мураккаб эмас, оддий касбий ва инсоний талаблардир. “Хидоя”да кўрсатилишича, қозилик вазифасига шундай кишилар тайинланмоғи лозимки, у шу вазифани бажара олиши, қарорлар қабул қила билиши, олий даражада адолат ва яхшилик тарафдори бўлиши зарур. Улар камида гувоҳлик бера оладиган шахсларга қўйилган талабларга жавоб беришга қодир бўлишлари керак. Чунки гувоҳлар учун муҳим бўлган хислатлар қозилар учун ҳам муҳимдир. Агар қози этиб тайинланаётган шахс озод, соғлом киши бўлмаса, вояга етмаган бўлса, муслмон бўлмаса, туҳматда айбланган бўлса, қози бўлиши мумкин эмас. Бу талабни ҳозирги ҳуқуқшунослик тили билан ифодаладиган бўлсак, қози ақли расо, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга, жисмоний шахслар талабига жавоб бера оладиган, фикр илмидан бохабар бўлиши лозим.

Қозилик мансабига тайинлаш давлат ваколатига кирди. Ҳукмдор (давлат бошлиғи) бу мансабга ўз мажбуриятларини бажара оладиган ва адолат билан қарор чиқара оладиган шахсларни тайинлаши лозим бўлган. Қозиликка ноқобил кишиларнинг тайинланиши жамиятга катта зарар келтирган. Бу ҳолни Марғиноний Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларига таянган

---

<sup>1</sup> “Қози” сўзи “белгиловчи”, “ҳукм қилувчи” деган маънони англатади.

<sup>2</sup> “Хидоя” Т., 1898, II жилд, 375-бет.

ҳолда асослаб, қуйидаги ҳадисни келтиради: “Муҳаммад Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) айтганлар: “Кимда-ким бирор тегишли мансабга ўз қўли остида шу мансабни бажаришга лойиқ, софдил, адолатли кишини тайинламай, бошқа бир кишини тайинласа, у Худога, Пайғамбарга, мусулмонларга нисбатан адолатсизлик қилган бўлади”<sup>1</sup>. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, қози этиб ўз қобилиятига ишонадиган шахслар тайинланиши лозим. Аммо бу ишга ўзини-ўзи номзод қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Аммо ҳар бир мусулмон киши қозиликка тайинланиш истагига эга бўлиши мумкин. Муҳаммад Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) деганлар: “Кимда-ким қозилик мансабини ахтарса, у ўзига-ўзи жавоб бериши керак, лекин кимда-ким мажбурият орқасида истаса, унинг учун фаришта осмондан тушиб, уни бошқаради.”<sup>2</sup> Бундан кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқий фалсафасига кўра, мажбурият юзасидан қози бўлиш фахрлидир.

Қозиликка тайинланган шахслар ўз мажбуриятларини масжид ёки ҳалойиқ олдида, ўз уйларида олиб боришлари керак эди. Энг яхши жой жомеъ масжидлари бўлган. Қозиларнинг пора олишлари, ўз қариндош-уруғлари ва яқин дўстларидан ўзга шахслардан совға-салом қабул қилишлари мумкин бўлмаган. Аммо қариндош-уруғлари қонунга хилоф ҳаракат содир этган бўлса, қози ундан ҳам совға-салом олишдан воз кечиши зарур эди.

Қози имомнинг рухсатисиз ўз ўринбосарини тайинлай олмаган. Агар қози имомнинг рухсати билан ўринбосар тайинлаш ваколатига эга бўлиб, ўз ҳоҳлаган кишисини шу лавозимга тайинласа, кейинчалик уни бўшатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Чунки ўринбосар ҳукмдор (давлат бошлиғи)нинг вакили ҳисобланган.

Ҳар бир қози ўз фаолиятида бошқа қозиларни адолат билан ишлашга ундаши, Қуръони карим ва Суннатга риоя қилишни талаб этиши керак бўлган.

Агар қози ҳукм чиқариш пайтида дастлаб даъвогар талабига қарши турса-ю, сўнгра кўринмай кетса, қози

---

<sup>1</sup> Ҳидоя. Т., II жилд, 374-бет.

<sup>2</sup> Уша манба.

қарор чиқариш муддатини кечиктириши мумкин. Чунки, қоидага кўра, қози қарор чиқараётган пайтда даъвогар билан жавобгар ўртасида ҳақиқий баҳс бўлиши керак эди.<sup>1</sup>

Қози ҳакамлар суднинг қарорини кўриб чиқиб, маъқуллаши билан унга ижро кучини берган. Аммо унга норози ёки қарши бўлса, у ҳолда қози уни бекор қилиши лозим эди, чунки ҳакамлар судининг қарори қози учун мажбурий бўлмаган.

“Ҳидоя”да кўрсатилганидек, ҳар қандай киши қозининг буйруғи билан жазолаш тўғрисидаги ҳукми ижро этиши мумкин. Агар қози: “Мен бу шахсни тошбўрон қилишга ҳукм қилдим, шунинг учун унинг қўлини чопиб ташла”, – деб айтса, буюрилган шахс қозининг ҳукмини бажаришга мажбур эди. Қози ишдан бўшатиладиган кейин оддий шахс бўлиб қолган.

Маълумки, суд давлат томонидан турли кўриниш ва шаклларда таъсис этилиб, ҳокимият ваколати таъминланган, фақат ўзига топширилган махсус вазифа – одил судловни амалга оширадиган давлат органларининг бир туридир. Жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлган суд давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланган давлат фаолиятининг бир йўналишини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам суд органлари давлат ва ҳуқуқ билан бир вақтда вужудга келган. Бошланғич вақтларда суд фаолияти маъмурий фаолиятдан ажратилмаган. Араблар томонидан Туркистоннинг фатҳ этилиши ва бу ерда мусулмон ҳуқуқининг ёйилиши билан алоҳида суд органи – қозилар суд тизими ташкил топди. Мусулмон ҳуқуқий фалсафасига кўра, суд фаолияти содир этилган ғайриқонуний ҳаракатнинг диний-ижтимоий хавfli даражасини ва уни содир этган айбланувчини шариат қонунлари асосида аниқлашини, етказилган зарарни қоплатиш (хун олиш)нинг салбий оқибатини тугатишни назарда тутган. Бу ерда биз Фарбий Европа мамлакатларида бўлганидек тартибни, яъни диний (инквизациявий) судлар ва дунёвий судларнинг алоҳидалигини кўрмаймиз. Инквизациявий суд то-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: З. Муқимов. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби. С., “Зарафшон”, 1997.

монидан турли шаклларда қўлланиладиган азоблаш усулларини ҳам учратмаймиз. Бу ерда ҳуқуқ тизими ягона бўлгани каби, суд тизими, суд фаолияти ва ҳуқуқий тартибот ҳам ягона бўлган. Аммо, муслмон ҳуқуқи мамлакатларида худосизлик, диний мажбуриятлар, одат ва удумларга ҳурматсизлик, диний жиноятлар қаттиқ таъқиб остига олинган.

Суд ташкилотлари, ҳуқуқий тизим ислом давлатини қўриқловчи, мустаҳкамловчи вазифани бажариб келди. Ўз навбатида, давлат ҳам суд ва ҳуқуққа нисбатан уюштирувчи, қўриқловчи вазифаларни амалга оширади. Диний-ҳуқуқий тартибот кўпроқ назорат этувчи мансабдор шахслар шайхулислом (ёки раис), садр, муҳтасиб кабилар фаолияти билан таъминланганлигини кўраимиз.

Дунёвий ҳуқуқ-тартибот эса қозиларнинг барча турлари, бош қози (қози калон), (қози қуззот), шунингдек, бийлар судларидан иборат бўлиб, булардан ташқари, давлатга қарши жиноятларни ҳоким ва бекларнинг ўзлари кўриб жазо тайинлаганлар. Аммо бу судларнинг вазифалари суд тўғрисидаги бирор бир қонун билан аниқ ажратиб қўйилмаган. Шунинг учун ҳам судлов ишлари турли қозиларга алмашиб ўтиб турган. Қозилар шариат ва фикҳ илмларидан хабардор ва одатда, мадрасаларда таҳсил кўрган кишилардан тайинланган.

“Ҳидоя”да шаҳодат берилишича, **далилларга** ажратилган қоида ҳамда фикрлар китобда жамланган. Унда далилларни қабул қилиш, уларни рад этиш, гувоҳларнинг кўрсатувлари орасидаги фикрлар, мерос масалаларида далиллар, далилларни гувоҳлантириш каби масалалар ёритилган. Судга исбот-далил кучига эга бўлган асосий нарса – гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатлар ҳамда лозим бўлган ҳолларда қози томонидан яширин ёки очиқ ҳолда ўтказиладиган гумонлардан тозалаш (шартли равишда психатрия экспертизаси) ўтказилишидир. Қози “Бунда гувоҳ ёки жавобгарнинг сўзларига ишониш мумкинми?”, “Унинг характери, руҳияти қандай?” деган саволларга жавоб топиш учун уни яхши билган ёки кишилар характерини ажрата оладиган кишиларга ёзма сўров юборади, баъзан очиқ суд мажлисига шундай кишилар (камида икки киши)ни таклиф қилади. Гувоҳ

ақли расо, шахсан озод, обрўли эр ва хотин кишилар ҳам бўлиши мумкин, аммо икки хотин кишининг кўрсатуви бир эркакнигига тўғри келади. Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш – фарз, яъни мусулмоннинг мажбуриятларидан бўлиб, била туриб ундан бўйин товлаш мумкин эмас. Шу билан бирга қуллар, чўрилар, туҳматчиликда айбланганлар, мотам маросимларида йиглаш ва куйлаш билан шуғулланувчилар, тақиқланган ичимлик ичишга ўрганиб қолганлар, қуш овчилари, илгари раҳмсиз жиноятлар қилган кишилар, судхўр, ўйинчи, камтар бўлмаган кишилар ҳам гувоҳ бўлишлари мумкин эмас эди.

Ривожланган ўрта асрлар Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихининг энг муҳим даврларидан бўлиб, бу давр муаммоларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи илм-фаннинг турли тармоқларида, айниқса, фикҳ илми бобида мусулмон дунёсида қадрлаб келинган бой меросни яратганлар. Араблар томонидан олиб кирилган мусулмон дини ва унинг ҳуқуқий фалсафаси асосида шаклланган шарият ҳуқуқи ўша даврларга нисбатан олиб қаралганда, табиий ҳодиса эди. Чунки бу даврда Фарбий Турк ҳоқонлиги ҳукмронлиги остида бўлган ҳозирги Ўзбекистон доирасида кўп динлилик (политеизм) ва ҳуқуқ тарқоқлиги (партикуляризм) мавжуд эди. Якка худодликка асосланган ислом дини ва мусулмон ҳуқуқи шу парокандаликка барҳам берди. Булардан ташқари, VI-VII асрларда бу ерда ишлаб чиқариш ҳамда шахсан озод ёки ёлланиб ишловчи деҳқонларнинг меҳнатига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланаётган эди. Турклар ва суғдийлар ҳуқуқи ривожланган ҳуқуқ тизимлари бўлсада, янги муносабатлар янгича ҳуқуқ яратишни тақозо этар эди. Шунинг учун ҳам араблар истилоси янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомилга етказган бўлса, мусулмон ҳуқуқи уларни қонунлаштириб, хос феодал ҳуқуққа айланди. Мазкур ҳуқуқий тизимнинг бу ерда қўлланилиши ва ривожланишининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд эди.

Мусулмон ҳуқуқшунослиги ёйилиши билан фақиҳлар ва амалиётчи юристлар уни тайёр холида олиб, ўз шароитларида қўллаб кетавермадилар. Бу ерда мусулмон ҳу-

қуқи маълум даражада маҳаллий шароитга мослаштирилиб, унга тузатишлар киритилди. Ҳуқуқ тарихида шунга ўхшаш ҳолатлар ҳуқуқий тизимларда ҳам юз берган. Айнан шундай ҳолат Шарқий Рим (Византия)да содир бўлиб, бу ерда чуқур ёйилган Рим ҳуқуқи ҳам янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш мақсадида амалга оширилган интерполяциялаштириш жараёнини ўз бошидан ўтказган эди. Византиянинг асосий аҳолиси бўлган юнонлар Рим ҳуқуқини бу ерда кодекслаштириб, унга ҳошиялар ёздилар. Шунинг учун уни Рим-Юнон ҳуқуқи деб аташади. Фикримизча, Мовароуннаҳрга кириб келган мусулмон ҳуқуқи ҳам, жуда бўлмаганда, унинг ҳанифийлик мазҳаби кодекслаштирилди (масалан, “Жомеъ ас-Саҳиҳ” каби асар яратилиши, фатво тўпламлари, шарҳу у ҳидоялар ҳамда мухтасарлар ва ҳақозолар ёзилиши), интерполяцияланди, яъни унга ҳошиялар битилиб, маҳаллий шароитга мослаштирилди. Шундай фаолият Мовароуннаҳр фикҳ мактаби барпо бўлиб, VIII-XIII асрларда ислом дунёсида кенг шухрат топиши ва тан олинishi га олиб келган сабаблардандир.

### **III. МЎҒУЛЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ**

*(1219-1370)*

#### **1. Чиғатой улусининг ташкил топиши**

XI асрнинг бошларида келиб қадимдан турклар билан қўшни бўлиб яшаган мўғул қабилаларнинг тарқоқ уруғлари бирлаштирилиб, уруғ бошлиқларининг ўзаро низоларига барҳам берилади. Темучин (Чингизхон), – 1206-1227) бошчилигида маркази қадимги Турк ҳоқонлигининг пойтахти Қорақум шаҳри бўлган ва ҳарбий демократик тузумдаги марказлашган турк-мўғул давлати ташкил топди. У тез фурсат ичида Хитойни босиб олиб, 1207-1211 йилларда турк қабилаларидан биринчи бўлиб қирғизларни, кейинчалик уйғурлар, найманлар ва қарлуқларни ҳам ўзига бўйсундираркан, ўша даврнинг қудратли салтанати ҳисобланган Хоразмшоҳлар давлатининг хавфли қўшнисига айланди.

Темучин илгари мўғул жамиятида бўлмаган ўзгаришлар қилиб, ўз жамиятининг одат ҳуқуқлари асосида тузилган, қаттиқ жазолар ўрнатиш билан танилган қонунлар тўпламидан иборат Ясо (Йосо)ни жорий қилди. Мўғул давлатининг эътибори ошиб бораётган бир вақтда, 1206 йилда чақирилган Буюк қурултой икки йирик масала: давлатнинг олий бошлиғи; Ясо қонунлари ҳамда унга амал қилиш масаласини ҳал этди. “Қурултой” асли туркий сўз бўлиб, умумхалқ йиғини маъносини берган. У фақат мўғул давлатида эмас, шунингдек, Амир Темур даврида Дашти қипчоқ ўзбеклари давлатида бир неча марта чақирилиб турганлиги учун унинг тузилиши ва ўтказилишини аниқлаш тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарига кўра, уни қуйидагича тасвирлаш мумкин. Темучин халқни жарчилар, сурнайчилар, соз чалувчилар орқали қурултойга чақиргач, ҳар тарафдан мўғул элу улуслари қавмларидан минглаб халқ хос, авом (оддий халқ) саройга келиб тиз чўкиб ўлтиришади. Ясовул (Ясонинг бажарилишини назорат қилувчи кичик мансабдор) халқни ҳар тарафга ўтказиб, саф торттиради. Аскарбошилар суурғол, соврин ва қур (ҳарбий бўлинма сафлари)дан ўрин олишлари учун баландроқ жойлашадилар. Ясовул хон даргоҳида қўшинни кўрик учун сафга тузиб, ҳар кимга ўрин белгилайди. Қўшинлар жанг вақтидагидек, ўнг қанот (баронғор), сўл қанот (жанговор)га бўлиниб, ўн икки қатордан саф тартади, уларнинг ҳар бири ўн икки қурга ажратилиб жойлаштирилади. Ана шундан кейин Темучиннинг оқ рангдаги туғи майдон узра тўққиз бор юқори кўтарилиб, у бутун мўғулларнинг буюк ҳоқони (буюк қоони) қилиб сайланади ҳамда унга Чингизхон унвони берилади. Шунини айтиш лозимки, мазкур лақаб тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Мирзо Улуғбек: “Бу сўз туркийда шоҳлар шоҳи демакдир” деб кўрсатади.<sup>1</sup> Ҳар ҳолда шуниси шубҳасизки, Темучин ўзидан олдин ўтган Қорахоний хонларининг буюк хон ёки хонлар хони нисбасига тенг келадиган унвонга сайланган. Шундан кейин барча мўғуллар томонидан бажарилиши шарт бўлган қонунлар эълон

---

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., “Чўлпон”, 1994, 100-бет.

қилинган. “Шабобшуб” ёки “Ясо” қонунлари деб аталувчи бу тўплам уйғур ёзувида бир дафтарга ёзилиб, муҳрланиб, давлат хазинасига топширилган, барча хонлар ва султонлар унга қаттиқ риоя қилганлар. Кейинги қурултойларда ҳам у ўқиб эшиттириб турилган. Чингизхон ҳаётлигида Ясога амал қилиш ва унинг бажарилиши устидан назорат қилиш катта ўғли Чигатойхонга топширилган. Бу қонунлар Туркистонда мўғуллар зулми тугатилгандан кейин ҳам қисман амалда бўлиб, армия, жиноят ва жазо масалаларига таъсирини кўрсатадики, биз буни қуйида Темур тузукларида ҳам кўрамыз. Энди қурултойнинг юридик табиатига қайтсак, уни ўша давр мўғул жамиятининг ҳарбий демократиясига таянган давлатнинг умумхалқ кенгаши сифатидаги ташкилоти деб баҳолаш мумкин. Иштирокчиларининг барчасида овоз бериш ҳуқуқи бир хилда эмаслигини истисно қилганда, бу ҳарбий-демократик тартиб Ғарбий Европа давлатларидаги (масалан, қадимги Римдаги) шундай демократиядан қолишмайди. Унда қурултойга йиғилган халқнинг қўшинлар сифатида сафларга, қурларга бўлиниб туришлари қадимги Римдаги центуриялар ҳамда қуриялар мажлиси (комишци)га ўхшашлигини кўрамыз. Буюк хоннинг сайланиши ҳамда Ясо қонунларининг маъқулланиши кейинчалик мўғул давлатининг янада кучайишига, бу эса тегишли сабаблар ва шароитлар вужудга келиши биланоқ мўғул-татар давлатининг худди тўфон сингари Туркистоннинг қадимги воҳаларига бостириб киришига олиб келди. Мўғуллар 1219-1221 йиллар орасида бутун Марказий Осиёни қонга ботириб, истило қилдилар ва шаҳарларига ўз ноибларини ҳамда босқоқларини қўйдилар.

Мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатини қўлга киритишдан мақсадлари уни бошқариш эмас, балки ўлпонни (солиқни) ўз вақтида ундириб туришни таъминлашдан иборат эди. Шунинг учун ҳам босқинчилар мавжуд маҳаллий бошқариш ва ҳуқуқ тизимини ўзгартирмай сақлаб қолдилар. Чингизхон вафот этгач, унинг васиятига кўра, улкан давлат дўрт ўғлига улус-мулк қилиб бўлиб берилди. Жумладан, Мовароуннаҳр бутун Дашти қипчоқ Рус ерлари ва Хоразмни ўз ичига олган қисми Жўжи улусига, Еттисув, Қошғар, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий қисми ҳамда ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми ўз ичига Чигатойхон (1227-1241) улуси таркибига кирди.

Чиғатой улусининг бош кенти Шарқий Туркистондаги Беш балиғ (Беш шаҳар) бўлиб, унга ушбу сулолаладан 32 хон ҳукмронлик қилган. Кейинчалик Жўжи улусига кирган туркий халқларнинг кўпчилиги Ўзбекхон давридан бошлаб ўзбеклар, Чиғатой улуси таркибига кирган, Туркистонда қадимдан яшаб келган туркий халқлар ҳамда турклашиб кетган мўғуллар Чиғатойлар деб атала бошланди.

Чиғатойлар асосан, туркий қабила ва уруғлардан иборат бўлиб, кейинчалик Туркистонни мўғуллар зулмидан озод қилишда Темур қўшинларининг асосини ташкил қилган. Бу ҳақда испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо ўз эсдаликларида эътиборга молик фикрлар ёзиб қолдирган: “Шу кишилар билан синьор кўп ишлар қилиб, жангларда ютиб чиққан. Улар меҳнатсевар халқ, яхши чавандоз, ўқчи, мерган, доворак эди. Агар озиқ-овқат кўп бўлса, улар ейишган, кам бўлса, қаноат қилишган.”<sup>1</sup>

## 2. Давлатни бошқариш

Мўғуллар истилоси даврида Туркистонга турли қабила ва уруғлар кириб келди. Жумладан, Афғонистоннинг шимолӣ қисмига – орлотлар, жанубий Тожикистонга – қовчинлар, Хўжанд атрофларига – жалойирлар, Қашқадарё воҳасига – барлослар жойлашган, уларнинг барчаси маҳаллий туркий халқлар – чиғатойларга қўшилиб кетади. Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида янги ер мулки эғалиги вужудга келади. Бу даврда ерлар: девон, яъни давлатга, феодалларга тегишли ерлар, вақф ерлари ва озод деҳқонларга тааллуқли ерларга бўлинган. Мўғуллар ўзлари босиб олган ерларини қабилалар ва ҳарбий амалдорларга хизмат эвазига бўлиб бера бошлайдилар. Бундай ер эғалиги шартли бўлиб, “суюрғол” деб аталган, у ворисликка ўтказилган ҳамда солиқ бобида ва маъмурий соҳада тўлиқ дахлсизликдан фойдаланган (Манғитлар сулоласи давригача). Шундай қилиб, бу мулкнинг учта асосий белгиси: шартлилиги, меросийлиги ва дахлсизлиги характерлидир.

---

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М., “Наука”, 1990, 95-бет.

Мўғуллар босиб олинган Хоразмшоҳлар давлатининг аҳолисини ўнлик, юзлик, мингликларга бўлганлар. Ана шу тартибда 10.000 аҳолидан иборат маъмурий бирлик **туманлар** жорий қилинган. 1235-1251 йилларда икки марта аҳоли рўйхати ўтказилиб, ҳатто ҳунармандлар ҳам мўғул феодалларига, оилалар ҳазора – мингликларга бириктирилган. Минглик деганда, шахзодаларга солиқ тўловчи аҳоли тушунилган. Мўғуллар солиқ ислоҳоти ўтказганлар. Унга кўра, Угадойхон даврида деҳқонлар (экинчилар)дан ҳосилнинг 10 фоизи, молчилардан молнинг 1 фоизи бир йиллик солиқ сифатида олиниши белгиланган бўлса, Мунка (Мунха) хон солиқларни пул билан белгилаб, ҳар кишидан 11 диноргача солиқ олишни жорий этган.

Мовароуннаҳр мўғуллар истилосидан кейин Чигатой улусига кирса-да, дастлаб тўғридан-тўғри Улуғхон томонидан бошқарилган. Кейинчалик у Угадойхоннинг ҳукмронлик даврида (1227-1241) илгари Чингизхоннинг элчиси бўлган хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилган, сўнгра унинг ўғли Маъсудбек (1233-1289) мўғул давлати номидан Мовароуннаҳр ва Қошғар (Шарқий Туркистон)ни идора қилган. Улар Мовароуннаҳрдан олинadиган ўлпон ва солиқларни ўзлари тўлаб бошқарганлар Бу даврда давлатнинг маркази Хўжандга кўчирилган. Уларга солиқларни йиғиб олиш ҳуқуқи берилган.

Шундай қилиб, ота-бола 70 йилдан ортиқ Мовароуннаҳрни мўғуллар номидан бошқарган. 1271 йилда Маъсудбек пул ислоҳоти ўтказди, унга кўра, Мовароуннаҳрнинг кўпгина шаҳарларида бир хил оғирлик сифатида эга бўлган кумуш тангалар зарб этиладиган бўлди. Чигатой сулоласидан бўлган Тува (Дувахон) даврида Фарғонада Андижон шаҳари, Хоразмда Янги Урганч шаҳри қурила бошланган. Чигатойнинг иккинчи бир авлоди Кебекхон (1318-1334) эса Мовароуннаҳрнинг Чигатой улуси тақдирдаги аҳамиятини тушуниб, улус пойтахтини ана шу ерга кўчиради ва Қарши шаҳрига асос солади. XIV аср ўрталарига келиб, Чигатой улусига кирувчи жалойир ва бошқа баъзи қабилаларнинг кўчиб ўтиши ҳамда Туркистон пойтахт этиб белгиланиши, шунингдек, мўғулларнинг ислом динини қабул қилишлари билан Чигатой улуси иккига бўлиниб кетади. Еттисув ва Қошғардаги

мўғуллар ўз мустақиллигини эълон қилиши туфайли **Мўғулистон** деб аталган давлат пайдо бўлади. Кебекхон Чигатой улусида пул ва маъмурий-худудий ислоҳот ўтказилади. Унинг пул ислоҳотига кўра, янги тангалар: катта ва кичик кумуш тангалар, дирҳам ва динорлар зарб қилинган. Уларга “Қутлуғ бўлсин” деган туркийча (чигатой) сўзлар уйғур харфларида битилган эди.

Ўтказилган маъмурий ислоҳот асосида эса мамлакатни маъмурий-худудий бирликлар – туманларга бўлиш ётади. Бундан мақсад – давлатни марказлаштириш, феодал бекликларнинг ўзбошимчаликларига чек қўйиш бўлиб, улар ўрнига туманлар ташкил қилинди. Энди туман бошлиқлари хоннинг амирлари саналарди. Марказий Осиёда қуллар меҳнатининг унумсизлиги боис уларни озод қилиб, крепостной қарамликка ташлаш ҳам шу даврдан бошланган бўлиши мумкин. Бу ҳақда 1326 йилдаги вақф ёрлиғи маълумот беради.

Давлатнинг маслаҳат органи – қурултой кейинчалик тўрт улус миқёсида ҳам, алоҳида улуслар даврасида ҳам чақириб турилган.

1269 йилда бўлиб ўтган қурултой Туркистоннинг оғир иқтисодий аҳволига тўхталиб, Чингизхон ворисларининг ўзбошимчаликлари ва ўзаро жанжалларига қарши қарор қабул қилади. Унда “Ҳар бир шаҳзода, шартномага кўра, ўзига тегишли минглик (ҳазора) билан ҳамда Самарқанд ва Бухородаги хунармандчилик устахоналари билан қаноатланиши лозимлиги” ҳақида қарор чиқарилиб, қўшинларнинг шаҳарларга ва экин ерларига яқин келишлари тақиқланади.<sup>1</sup> Шунини айтиш лозимки, улус хонлари даврига келиб қурултой умумхалқ йиғилишидан кўра шаҳзодалар ва зодагонлар даврасида ўтадиган **давлат кенгаши** тусини олди.

Чигатой улуси хонларидан Кебекхон саройига келган араб сайёҳи ибн Батутта қурултойни тўйга ўхшатади. У, ўз эсдаликларида хон турк тилида гапирганлигини айтиб, ўша йили бир кўзғолон туфайли тўй (қурултой) чақирилмаганлигини ёзиб қолдирган. Ҳар йили ўтказиб тури-

---

<sup>1</sup> Бухарский вақф XIII в. Факсимильное изд. текста. Перев. с араб. и перс., введ. и коммент. А. К. Арндеса, А. Б. Хамидова. О. Д. Чехович. М., “Наука”, 1979, 14-бет.

ладиган бу тўй – йиғинларда Чингизхон авлодлари, амирлар, зодагон хотинлар, қўшин бошлиқлари қатнашган. Бундан кўриниб турибдики, бора-бора қурултой умумхалқ йиғинидан кўра давлат кенгаши кўринишини касб этган.

Мўғулларнинг Жўжи улусига кирган Хоразмдаги ноибларидан Қутлуғ Темур даври ажралиб туради. Унинг Олтин Ўрда сиёсий ҳаётидаги фаолияти самарали бўлган, жумладан, у Ўзбекхоннинг (1312-1342) ҳукмдор бўлишида ҳам маълум роль ўйнаган. Ўзбекхон оддий ноиблардан бўлса-да, Кўҳна Урганчда қурдирган минорасида ўз насабномасини қуйидагича ёздирган: “Қудратли подшоҳ (Малик) араб ва ғайри араб подшолар ҳомийси, ер юзаси ва диннинг шаън-шавкати, ислом ва мусулмонларнинг улуғи, буюк Нажмиддин Давлатнинг ўғлидир”, дейилган. Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий тузумида Улуғхондан кейинги ўринларда унинг Мовароуннаҳрдаги ноиби – бекларбек, ўғлонлар, беклар, улус беклар, тархонлар турган. Тархонлик унвон сифатида ҳам берилиб, шундай ёрлиқ олган шахс катта мавқега эга бўлган ёки солиқ ва тўловлардан озод этилган. XIV асрнинг 50-йилларида Чигатой улуси 15 га яқин мулкларга бўлиниб, унинг шимолишарқий қисмида Мўғулистон пайдо бўлди.

### **3. Ўзбекистон ҳуқуқининг мўғуллар ҳукмронлиги даврига оид манбалари**

Улкан салтанат тузган Чингизхон давлатнинг ички мустақамлигини таъминлашда қонунларнинг аҳамияти катта эканлигини тушунган, бу нарса унинг бир неча биликларида ҳам акс этган. Жумладан, у: “Ўғиллари оталарининг биликлари изидан бормаган, одатлар (йўсин) ҳамда қонунлар (Ясо)ни эҳтиёт қилиб тутмаган, шунинг учун ҳукмдорларнинг душманларига айланиб қолган, халқнинг ўз қароргоҳида ўғри ва қароқчилар, ёлгончи ва фирибгарлар қуёшни зулматга айлантирадилар,”<sup>1</sup> – дер экан, тартибсизлик ва жиноятчилик ўша юртни ичидан емириб ташлашини таъкидлайди.

---

<sup>1</sup> Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. 1, кн. II. Перев. с перс. О. И. Смирновой. М., “Наука” 1952, 259-бет.

1206 йилда қақирилган машҳур қурултойда Ясо қонунлари қабул қилиниб, ҳозирги Ўзбекистон доирасида мўғуллар ҳукмронлиги йилларида улар учун Ясо ва биликлар жорий этилади, ўтроқ ерли халқларда эса бу даврда мусулмон ҳуқуқи, чорвадорлар ичида бундан ташқари маҳаллий одатлар ҳам амалда бўлди.

Ясони тузишдан мақсад марказлашган мўғул давлатини барпо этиш ва уни мустақамлашдан иборат эди. Унда давлат ҳуқуқи, ҳарбий қурилиш, давлат бошқаруви, беклар, найонлар, амалдорлар ўртасидаги ўзаро муносабатга оид қоидалар тўпланиб, металл лавҳаларга ўйиб ёзилган ва ҳар сафар хонни сайлаш вақтида эълон қилинган. Унинг тўла матни бизгача етиб келмаган, 33 та парчаси ва Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жиноят ҳуқуқларига оид 27 та нутқининг мазмуни – биликлар, парчалар тарзида етиб келган.

Тарихий манбаларда мўғуллар қонунчилигида жуда қаттиқ жазо чоралари ўрнатилганлигини кўрсатадиган далиллар мавжуд. Аммо бу кўпроқ ҳарбий жиноятларга оиддир. Чингизхон биликларида эса бунинг аксини тасдиқлайдиган кўрсатмалар ҳам бор. Жумладан, агар турк-мўғул уруғларидан бўлган кимдир Ясо қонунларини бир марта бузса, унга интизомий жазо сифатида сўз билан танбеҳ бериш, иккинчи марта бузса, биликка биноан жазога тортиш, учинчи марта биликка кўра узоқ Болжин-Сулжур деган жойга сургун қилиш назарда тутилган. Сургундан ҳам фаросатли бўлиб қайтмай, тўртинчи марта Ясони бузса, оёғига кунда уриб, қоронғи қамоқхонага ташланганлар. Бешинчи марта ҳам хилоф иш қилса, унинг тақдирини ҳал этиш яқин ва узоқ қариндошларига топширилган. Маст қилувчи ичимликларни сурункасига истеъмол қилиш Чингизхон давлатида жазо таҳдиди билан тақиқланган. Агар ичимлик ичишдан воз кечишнинг иложи бўлмаса, унда фақат биликларга асосан бир ойда уч марта ичишга рухсат этилган. Шу чегарадан четга чиқилган заҳоти у жазога муносиб хатти-ҳаракатни содир этган ҳисобланган. Қарз олган киши уни ўз вақтида тўлай олмаса ёки тўлаш воситаси бўлмаса, шу қарз учун болалари қарздор ҳолатига тушишлари лозим эди.

Чингизхон ўз давлатида қонунлар жорий этганлиги ҳақида тарихчи Шарофиддин Али Яздий шундай ёзади: “Неки кўнгул буюрган бўлса, ўша йўсинда, ҳар бир ишга ўзига яраша қонун ва ҳар қайси гуноҳ учун маълум жазо белгилади.” Аммо бу жазолар ижтимоий ва миллий тенгсизликка асосланган эди. Масалан, бир бегуноҳ мўғулнинг ўлими учун хун баҳоси 40 болиш (танга)<sup>1</sup> кумуш бўлгани ҳолда, ана шундай хитойлик ўлими учун бир эшакнинг баҳосидан иборат эди.<sup>2</sup>

Мирзо Улуғбекнинг кўрсатишича, бир мусулмонни қасддан ўлдирганлик учун ҳам худди озод мўғулни ўлдирган каби 40 болиш кумуш миқдоридан хун ундирилган. Мўғул ва турк қабилаларида хоинлик ва юқори мансабли қариндошларининг ўлими учун хун ўрнига қонли қасос олинган. Бу ёғоч эшакка миҳлаб қатл қилиш шаклида ижро этилган. “Зафарнома” асарининг муқаддимасида келтирилган қуйидаги маълумотлар, айниқса, диққатга сазовордир: “Ҳеч бир зот ҳазорада (минглик) думчасидан ва садасидан (юзлигидан) ўзгага бора олмайди, бошқа бировдан паноҳ излай олмайди ва бирор кишини ўз паноҳига олишга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Агар (кимса) бу (тартибга) хилоф иш қилса, ул кимсани ҳалойиқ олдида қатл қиладилар. Токи ўзгаларга ибрат бўлсин деб.” Бунда биз аскарларнинг ҳарбий қарамлик тарзида ёки ўз хўжайинлари, аскар бўлинмаларининг бошлиқларига авлоддан авлодга ўтиб борадиган ҳолда бириктириб қўйилганлигини кўраимиз. Бошқа бировнинг паноҳига қочиб борган киши учун ўлим жазоси белгиланган. Уни қабул қилган киши ҳам жазога тортилган. Яъни, ҳарбий крепостной тартиб оғир жазолар таҳдиди билан қўриқланган.

Ясо кўрсатмаларини бажармаганлик учун ҳарбийлар томонидан, айниқса, ҳарбий амалиётлар даврида тақиқланган 36 хил ҳаракатдан 13 тасига ўлим жазоси бериш

---

<sup>1</sup> Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1 болиш оғирлиги 500 мисқол (1 мисқол - 4,6 гр.), ўртаси ингичкароқ, узун, қуйма кумуш ёмби шаклида эди. Қаранг: Тарихи Рашидий. Т., “Фан”, 1966, 332-бет. Чигатойхон даврида бу 300 динорга тенг бўлган (Б. Аҳмедов).

<sup>2</sup> Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. “Шарқ юлдузи”, 1992, 4-сон, 153-бет.

белгиланган. Жумладан, бошлиққа итоатсизлик, белгиланган жойга қўйилган бошлиқнинг ўз жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, ўз бошлиғининг буйруғини бажармаслик, махсус буйруқ берилмаган ҳолда душманни талон-торож қилиш, жанг вақтида қочиш, келишмай туриб чекиниш, сотқинлик ва хоинлик, қочоқ қулни эгасига қайтармаганлик ҳамда асирга олинган кишига асирга олувчининг ижозатсиз ёрдам бериш каби жиноятларга фақат бир жазо – ўлим жазоси берилган.

Булардан ташқари, айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, аҳлоқсиз одамлар, табиатни ифлослантирувчилар, вазифасидан фойдаланиб пора олувчилар, фоҳишалар ва унга далолатчиларга нисбатан ҳам ўлим жазоси тайинланган.

Мол-мулкка қарши қаратилган жиноятлардан майда ўғрилик учун ўғирланган нарсанинг уч баравари (баъзи ҳолларда 9 баравари) миқдорида жарима ундириш, агар уни тўлай олмаса, 7-700 мартагача қамчи билан уриш, кўп миқдордаги ўғрилик учун эса ўлим жазоси белгиланган.

Мўғулларнинг жинойи жазо сиёсатида амал қилган дин – буддаийлик ҳуқуқий мафкурасининг таъсири сезилиб туради. Масалан, ёлғон кўрсатма берганлик, сувни, ўтни (яйловни) ифлослантирганлик ҳамда сут (муқаддас ичимлик)ни ерга тўкканлик учун қатл этиш жазоси белгиланган.

Ёрғу ва Ясо қоидаларига улус хонлари, айниқса, Чиғатойхон қаттиқ амал қилган. Баъзи ҳолларда уларнинг ўзлари ҳам бу қоидалар бажарилиши учун буйруқлар чиқаришган. Жумладан, олим Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Чиғатой: “Баҳор ва ёз фаслларида бирор кимса (оқар) сувга тушмасин, қўлини ариқда ювмасин ва ариқдан олтин ва кумуш идишларда сув олмасин, кийим ювиб, саҳрога ёймасин,” деб буюрганлигини ёзади. Бундай тақиқлар, бир томондан, мўғулларнинг буддаийлик динидаги ҳуқуқий ғояларидан келиб чиқса, иккинчи томондан, Ясо қонунларига таянган. Улар тасаввурида, юқоридаги ҳаракатлар момақалдироқ ва чақмоқнинг кўпайишига олиб келади.

Мўғулларда жазонинг мақсади ўч олиш, хун ундириш ҳамда қўрқитишдан иборат эди. “Қонунни бузган кишини билиб, билмасликка олиб юрган кишини азобу укубатга мустаҳиқ қилурлар, токи у укубатдан қўрқиб, бирор киши бу йўлга кирмагай,” – дейилади “Зафарномада”

Давлат ва ҳуқуқ борасида Чигатой улуси хонларидан Кебекхон олиб борган фаолият диққатга сазовордир. Унинг адолатга эътибор берганлиги ҳақида Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида бир парча келтирилган. Унда ёзилишича, бир кун хон сайр этиб юриб, чуқурликда ётган одам суякларини кўриб, худди улар билан гаплашаётгандек, узоқ тикилиб қолади. Шундан кейин ҳазора мири (минглик бошлиғи)га топшириқ бериб, бу кимларнинг суяги, бу жой қандай мавзе эканлигини аниқлашни топширади. Маълум бўлишича, бундан уч йил муқаддам, шу қишлоқ жамоаси тарафидан Хуросондан келаётган савдогарлар мол-мулки таланиб, ўзлари ўлдирилган экан. Бу жиноятни содир этганларнинг қариндош-уруғлари аниқланиб, улар Қаршига чақирилиб, жамоа қўлида қолган моллар қайтарилади ва хун ундириб берилади.

Ясо қонунлари Олтин Ўрда доирасида ҳам қўлланилган. Аммо Ўзбекхон даврида мўғуллар ёппасига ислом динини қабул қилиб, ўзлари турклашиб кетганлар. Шу вақтларда Ўзбекхон ўрдасида бўлган араб сайёҳи Ибн Батутта саройда фақат туркча сўзларни эшитганлигини ёзиб қолдирган. Келиб чиқиши Хоразмдан бўлиб, Олтин Ўрдада ўша давр туркий тилида ижод қилган шоирлар ўз асарларини ушбу адабий тилда ёздиларки, академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича, “бу тилни Темурийлар даврига келиб чигатой тили деб аташади.”<sup>1</sup> Демак, ўша даврдаги ўзбек тили – турк-чигатой тили Олтин Ўрда адабий муҳитида, шунингдек, давлат ишларини юритишда ҳам шакллана борган. Шу билан бирга, Ясо қонунларидан кўра шариат ҳуқуқи асосий ҳуқуқ манбаига айланган. Бундан ташқари, Хоразм ноиб Кутлуғ Темурнинг туркий тилда битилган ёрлиқлари ҳам Хоразмнинг ижти-

---

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. Работа по истории и филологии тюркских и монгольских народов. Соч., Т. V. М., “Наука”, 1968, 121-бет.

мойи-сиёсий тузумини ўрганишда манба ҳисобланади. Суд тизимига келганда, Олтин Ўрда ёки бу даврда Чиғатой улусининг таркибига кирган ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди суд ишларининг ташкил қилиниши масалаларига доир манбалар ёки махсус бир асар ҳозирги кунга қадар йўқ. Дастлабки вақтларда, яъни жамиятнинг юқори табақаси мусулмон динини қабул қилмаган ва мўғуллар ҳокимияти мусулмонлашган даврларда мўғулларга тааллуқли ишларда суд юритиш Ясога асосланган. XIV асрнинг 30-йилларида Олтин Ўрданинг энг маданий ўлкаси – Хоразмнинг пойтахти Урганчга борган араб сайёҳи ибн Батутта ўз эсдаликларида Олтин Ўрда хонининг Хоразмдаги ноиби Кутлуғ Темурнинг қабул маросимида бўлиб, суд масалалари хусусида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Бу амирнинг одатларидан бири шуки, дебди у, – ҳар куни қози унинг қабулхонасига келади ва ўзига ажратилган курсига ўтиради, унинг билан бирга фақиҳлар ва котиблар келадилар. Қозининг рўпарасига амалдорлардан бири ўтиради, унинг қабулида орғучи (ёргучи) деб аталадиган саккизта амир ва турк шайхлари ҳам иштирок этадилар. Одамлар уларнинг ҳузурига судлашиш учун келадилар. Диний ишларга тааллуқли жанжалларни қози ҳал қилади, бошқа ишларга шу амирлар ечим топадилар. Уларнинг қарорлари аниқ ва адолатлидир.<sup>1</sup> Ушбу парчадан қуйидагиларни тушуниб олиш унча қийин эмас: 1) суд ишлари марказда бевосита хон ноибининг ҳузурида, унинг назорати остида олиб борилган; 2) диний ишлар шариат ҳуқуқи асосида ёргувчилар (судьялар) томонидан ҳал этилган; 3) судьялар – ёргувчилар нуфузли, эътиборли зодагонлардан тайинланган; 4) суд функцияси кундалик иш бўлган. XIV асрларга келиб, Ясо аста-секинлик билан ўз ўрнини узил-кесил шариат нормаларига бўшатиб бера бошлаган.

Мўғуллар босқинчи ҳарбий қабилавий уюшма сифатида Марказий Осиёнинг гуллаб турган воҳаларига бостириб келиб, уларни талон-торож қилдилар, асрий маданиятга эга туркий ва эроний халқларни қириб, уларнинг

---

<sup>1</sup> Н. Ибрагимов. “Ибн Батутта и его путешествие по Средней Азии”. М., “Наука”, 1988, 78-бет.

маданият ўчоқларини емириб ташладилар. Аммо улар тарихнинг ёзилмаган қонунлари олдида ожиз бўлиб қолиб, шу халқлар ичида йўқ бўлиб, уларга сингиб кетдилар. Айниқса, келиб чиқиш илдизи улар билан бир бўлган, қадимдан Мовароуннаҳрда яшаб келаётган, антропологик жиҳатдан европоид ирқига мансуб Марказий Осиё туркларининг кўпчилиги мўғул ирқига доҳил бўлиб, уларнинг қиёфаларига кирдилар.

Мўғулларга қўшилиб келган бошқа туркий қабилалар ҳам Чигатой турклари таркибига сингиб, ўзбек халқи ташкил топишида бир аъзо – компонентга айланди. Чингизхон вафотидан кейин мўғул давлати улуслар мулки тарзида яшади. Кейинчалик ўзбек, қозоқ, қирғиз, бошқирд, татар ва бошқа халқлар таркибига кирган турк уруғ ва қабилалари бу давлатнинг таянч кучлари бўлди. XIV асрнинг 50-йилларидан эса Чигатой улусининг емирилиши натижасида унинг бир қисмида мустақил Мўғулистон ташкил топди.

Албатта, мўғулларнинг Марказий Осиёга босқинини ҳеч бир важ билан оқлаб бўлмайди. Улар истилоси давомида бу ернинг гуллаб-яшнаб турган воҳа ва шаҳарлари ҳароб бўлиб, илм, фан, иқтисод издан чиқди. Шу билан бирга, давлат ва ҳуқуқ, армия билан боғлиқ масалаларда ҳам мўғуллар даври маълум даражада из қолдирди. Жумладан, бу ердаги давлатлар ҳаётига қурултойлар ўтказиш, маҳаллий-маъмурий бўлиниш, солиқ бирликларини аниқлаш, туманларнинг жорий этилиши, хизмат эвазига маълум шаҳар, туман ва қишлоқни суюрғол қилиб бериш (эски туркийчасига ҳадя қилиш маъносида), баъзи бир жиноят (ўғрилик, талончилик, босқинчилик) учун Ясо қонунларига биноан оғир жазо тайинлаш, армия таъминоти ва тузилиши, тартиби каби давлат бошқаруви унсурлари кириб келиб ўзбек хонликлари даврида ҳам маълум даражада амалда бўлди. Уларнинг кўплари қадимги туркий халқлардан олинган бўлса-да, Туркистонга босқинчилар орқали жорий бўлган ўзгаришлар сифатида баҳоланиши мумкин. Чигатой улусининг иккинчи қисми бўлган Мўғулистонга келсак, унинг аҳолиси туркий ва туркийлашган мўғул қабилаларидан иборат бўлиб, улар Туғлуқ Темурхон (1329-1330, 1362-1363) давридан, хусу-

сан, у хонликка кўтарилган (1347-1348) йиллардан эътиборан ислом динини қабул қила бошладилар. Шу муносабат билан Чингизхон Ясосидан кўра шариат ҳуқуқи улар орасида кенг ёйила бошлади. Ушбу фикрнинг исботи учун “Тарихи Рашидий” китобидан қуйидаги суҳбатни келтириш ўринли. Мўғулистонда машҳур бўлган Амир Худойдоднинг таклифи билан бу ерга кўшин тортиб келган Улуғбек жангда ғалаба қозониб, Маккага ҳаж қилиш орзусидаги амирни олиб Самарқандга қайтади. Улар бу ерга етиб келганларигача йўлда Мирзо Улуғбек: “Маълумки, ҳеч ким сизчалик Чингизхон тураларини (Ясо, Йўсунни) билмайди. Биз ўзимизнинг барча ишларимизда унга эҳтиёж сезамиз, шунинг учун унинг кўрсатмалари ҳақида гапириб берсангиз,” – дейди. Бунга амир Худойдод: “Биз Чингизхон Ясосини ёмон деб ҳисобладик, уни тўлалигича рад этдик ва шариат қонунлари орқасидан юрдик. Агар Чингизхон Ясо, олимлигига қарамай, Мирзога маъқул бўлса, шариатни қўйиб, Ясонинг одатларига эргашган бўлса, биз Мирзони бу Ясога ўргатамиз”, – деб жавоб беради. Бу сўздан хомуш бўлиб қолган Улуғбек бошқа бу ҳақда сўз очмайди.<sup>1</sup>

Юқоридагидан кўриниб турибдики, Мовароуннаҳрдаги мўғулларгина эмас, Мўғулистон ёки “Жете”да ҳам мўғуллар турклашиб, ислом динини қабул қилдилар ва шариат ҳуқуқини XV асрнинг биринчи ярмидаёқ ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида тан олдилар.

---

<sup>1</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. Превод с перс. О.И. Смирновой Т., “Фан”, 1996, 96-бет.

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ҲАМДА ҲУҚУҚИ

### *XIV асрнинг иккинчи ярми - XVI аср бошлари*

#### **1. Амир Темур давлатининг ташкил топиши**

Деярли барча мўътабар тарихий асарларда кўрсатилганидек, XIV асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳрда Чигатой улусининг иккига бўлиниб кетиши натижасида ҳокимият анча заифлашиб, бу давлат ўзининг инқироз даврини бошидан кечираётган эди. 1358 йилда ушбу улусда таъсири кучли бўлган нуфузли турк амири Қозоғон ўлдирилгач, ўғли амир Абдуллоҳнинг таъсири ортади. Аммо, кўп ўтмай, у ҳам ҳокимиятдан четлатилиб, Шоҳ Темур ўғлон хонликка кўтарилади. Тармаширинхондан (1326-1334) кейин ўтган йигирма беш йил мобайнида тўққиз хон алмашади. Ана шундай тахт талашлар даврида мамлакатда сиёсий тарқоқлик вужудга келиб, эски нуёнлар ва нуфузли қабилаларнинг бошлиқлари катта-катта вилоятларни ўз мулклари сифатида мустақил бошқаришарди. Жумладан, Кеш (Шаҳрисабз)да Ҳожи Барлос, Хўжандда Боязид Жалойир, Балхда Улжой Бугосулдуз, Шибирғонда Муҳаммад Ҳожи Апарди, Бадахшонда Кайхусрав, Хутталонда Улжойту Апардий, Сарикўл ва Тошкентда Хизир Ясовурийлар салтанат даъво қилмоқда эдилар.<sup>1</sup> Шундай қилиб, бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ерларида сиёсий аҳволга хос уч хил хусусият мавжуд эди: 1. Чигатой улусининг парчаланиб, бир-бирига душманлик кўзи билан қарайдиган бўлақларга бўлиниши – сиёсий тарқоқликнинг авж олиши. 2. 140 йил ҳукм сурган мўғул зулмидан қутулишга интилиш. 3. Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг тобора мустақилликка эришиш учун ҳаракат қилаётган Чигатой улусини қайта босиб олишга интилиши.

Ана шундай бир даврда Барлос бегининг ўғли Амир Тарағай Баҳодирнинг ўғли Темур (1336-1405) тарих майдонига келди. }  
}

<sup>1</sup> Қаранг: Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., “Шарқ”, 1997, 19-20-бетлар.

Темурнинг шахси, давлат тузиш бобидаги ҳамда аскар-бошилик фаолиятига яқин-яқинларгача фақат бир томонлама ёндашиб келинди. Тўғри, ўз даврининг ҳукмдори бўлган Темур шахси зиддиятли: унинг фаолиятида адолат ва адолатсизлик, кечирим ва шафқатсизлик, буюк бунёдкорлик ва ғорат қилишлар бир чизиқда ётади. Унинг давлат арбоби ва аскарбошилик фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин. 1. Темурнинг Чигатой улусида ҳокимиятни қўлга киритиши, мўғуллар зулмини ағдариб ташлаб, мустақил марказлашган давлат тузиши (1370-1380). Бу нисбатан ижобий давр озодлик, мустақиллик, марказлашган давлат, фаровонлик, тартиб-интизом тимсоли бўлиб, умуминсоний қадриятларга тўғри келади. 2. Империяни кенгайтириш мақсадида ўзга халқларни асоратга солиш даври. Марказлашган давлат тузилгач, у бутун кучини қисман мудофаа ва босқинчилик урушларига бурди (1380-1405). Тез фурсатда Хуросон ва Эронни, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия ва Мисрни, Туркия ва Кавказортини босиб олиб, ўз давлатига қўшдики, буни ёқлаб бўлмайди. Аммо шуниси характерлики, ўрта асрнинг деярли барча ҳукмдорларида шунга ўхшаш ўзга ерларни босиб олиш иштиёқи мавжуд эди. Маркази Самарқандда бўлган жуда кучли давлат вужудга келган бир даврда Осиёда иккита қудратли Турк давлати ҳукмронлик қиларди. Яъни, бу вақтда Олтин Ўрдада оз сонли мўғул уруғлари турклашиб, мусулмонликни қабул қилиш билан туркий уруғларга тамомила сингиб кетган эди. Бу ерда Хоразм туркий тили давлат тили ҳисобланарди. Анатолияда эса қудратли Усмонли турклар давлати ташкил топиб, Рим (Византия), Шарқий Европага таҳдид солиб туришарди. Усмонли беклар насаблари бўйича Марказий Осиёдаги турк бекларига яқин эди. Темур давлатининг яшаш ёки яшамаслиги ана шу икки давлат билан бўладиган муносабатга ҳам боғлиқ эди.

Мўғулларга қарши биринчи бўлиб мустақиллик туғини кўтарган унинг амакиси Ҳожи Барлос Мовароуннаҳрни қайта босиб олиш учун келаётган Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг ўч олишидан қўрқиб, Хуросонга ўтиб кетади. Темур эса вақтинча хон хизматига киради ва Кеш амири этиб тайинланади. Аммо хоннинг вафотидан ке

йин унинг ўгли Илёсхўжа даврида унга бўйсунмай, мустақил ҳоким бўлиб олади. Кўп ўтмай, ўз иттифоқчиси ҳисобланган турк амири Қозоғоннинг набираси Хусайнни жангда енгиб, 1370 йилда унинг бош шаҳри Балхни қўлга киритади ва икки дарё оралиғида марказлашган кучли давлат тузишга киришади. Унинг бу ишида Чиғатой беклари, ҳарбий бошлиқлар, руҳонийлар ва шаҳарликлар орасида таянч кучлар пайдо бўлади. Дастлаб у Кешга келиб, давлат вазирини, туман бошлиқлари ва мингбошиларни тайинлайди. Хоразмдан бошқа барча ерларни ўз ҳокимияти остида бирлаштиради. Мўғуллар даврида Хоразм икки қисмга – маркази Урганч шаҳри бўлган Шимолий Хоразмга (Олтин Ўрда таркибида) ва Кат қалъаси маркази ҳисобланган Чиғатой улусига кирувчи Жанубий Хоразмга бўлинар эди. 1359 йилда Олтин Ўрдада юз берган ғалаёнлардан кейин бу иккала қисмни Қўнғирот қабиласига мансуб сўфилар бирлаштиришга эришган эдилар. Аммо бу вақтда собиқ Чиғатой улусида ҳокимиятни ўз қўлида тўглаб олган Темурбек ўзини шу улуснинг воириси ҳисоблаб, Хоразмнинг бирлашишига норозилик билдирди.

Темурнинг Турон элини бирлаштиришга қаратилган кураши ўша даврлардаёқ ҳокимият ўзбек амирлари қўлигарига ўтган Олтин Ўрда давлатининг буюк давлатчилик сиёсатига қаршилик билан қўшиб олиб борилди. Амир Темур Хоразмни ўз давлати таркибига киритиш учун тўрт марта юриш қилиб, ниҳоят, 1388 йилда уни узил-кесил қўшиб олди. 1395 йилда у Шимолий Кавказдаги Терек дарёси бўйида Оқ Ўрданинг ўзбек амирларидан Тўхтамишхонга ҳалокатли зарба берганидан кейин Олтин Ўрданинг бош шаҳри Сарой Беркани эгаллади. Гарчи Амир Темур ўз давлати манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилган бўлса-да, унинг Олтин Ўрдага берган бу зарбаси, қозонган бу ғалабаси, англабми ёки англамасдан, рус халқига ва Рус давлатига кўрсатган катта ёрдами бўлди. Илғор фикрли рус тарихчилари А. Ю. Якубовский ва Б. Д. Грековлар бу тарихий ҳолни ҳолис баҳолаб, тан олганлар.

1405 йилда Амир Темур Хитойга бўлган юриши бошидаёқ касалланиб, вафот этади. Гарчи ибн Арабшоҳ ва

бошқа баъзи тарихчилар уни саводсиз, шафқатсиз ҳукмдор сифатида таърифлаб, ёзиб қолдирган бўлсалар-да, бу зотнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, ўзбек давлатчилиги, маданияти, қаҳрамонлик тарихи олдидаги хизматлари беқиёсдир. Темур вафотидан кейин ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олиб, у ўз давлатини қанчалик жадал суръатда тузган бўлса, кўп сонли амирзодалар ўртасида шунчалик тез бўлиниб, парчаланиб кетади. ♪

**Шоҳруҳ** (1405-1447) даврида гарчи Темур давлатининг бир қисми бой берилган бўлса-да, у ўз қудратини сақлаб қолган эди. Бу давлат амалда иккига – пойтахти Ҳирот бўлган Хуросонга ва Самарқандни марказ қилиб олган Мовароуннаҳрга бўлинади. Шоҳруҳ 15 ёшли ўғли Улуғбекни Самарқанд ҳокими, Темурнинг сафдоши аскарбоши Шоҳ Маликни эса унга отабеги қилиб тайинлайди. 1411 йилда 17 ёшли Улуғбек Мовароуннаҳрни ва Самарқандни мустақил бошқара бошлайди. “У одил судлов ва бошқаришни амалга оширишда мақтовга сазовор қоидаларга риоя қилди”, – деган эди Давлатшоҳ Самарқандий. Улуғбек отасидан икки йил кейин, 1449 йилда ўз ўғли Абдуллатиф фатвоси билан ўлдирилади. Ундан кейинги даврда Дашти қипчоқ ўзбекларининг икки дарё оралиғига аралашуви кучайиб, уларнинг хони Абулхайрхон ёрдамида Мироншоҳ авлодларидан бўлган Абу Саид ҳокимиятни қўлга олади (1451-1469). У Эронда темурийлар ҳукмронлигини тиклаш учун қилинган урушда асир олиниб, қатл этилгач, ҳокимият унинг авлодларига ўтади. Хуросонда эса ҳукмронлик Умаршайх авлодларидан бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро қўлига ўтади. XV асрнинг охири – XVI аср бошларига келиб Темурийлар давлати бошқа туркийлар – Дашти қипчоқ ўзбекларининг ҳужумлари остида ҳалокатга учрайди.

## **2. Ижтимоий тузум**

“Тузуқлар” – Темур салтанатининг ижтимоий тузумини, ижтимоий таркибини яққол кўрсатадиган манба десак, муболага бўлмас. Унинг иккинчи мақоласида шундай дейилади: “Салтанатнинг ишларини қонун-қоида ва ин-

тизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим.”<sup>1</sup>

Бу тоифалар қуйидагилардан иборат эди: 1. Сайидлар, уламо, шайхлар, фозиллар. 2. Ақлли, тажрибали кишилар ва кенгашчилар, эҳтиёткор арбоблар, тажрибали кекса кишилар, яъни донишмандлар, оқсоқоллар ва олимлар. 3. Дуогўй кишилар (донишмандлар, руҳонийлар бўлса керак). 4. Амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар. 5. Сипоҳ ва раият, яъни аскар ва халқ. 6. Махфий ишлар билан шуғулланувчи ақлли, тажрибали кишилар. 7. Вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари. 8. Ҳокимлар, табиблар, мунажжим ва муҳандислар, меъморлар. 9. Муҳаддислар, Пайғамбар ва унинг саҳобалари ҳақида ривоят қилувчи тарихчилар. 10. ماشойих ва сўфийлар. 11. Ҳунар ва санъат эгалари. 12. Ҳар мамлакат ва ўлкаларни яхши билувчи сайёҳатчи ва мусофирлар. Бу тоифалар ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолати қонун ва тузуқлар билан белгилаб қўйилганлигини “Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим” деган ибора тасдиқлайди. Албатта, Амир Темур уларнинг ҳар қайсидан ўз мақсади йўлида фойдаланганлиги маълум.

Темур ўз сиёсатини амалга оширишда, давлатни бошқаришда уламолар, илм аҳли ва юқори табақалар вакилларига таянган. Бу табақаларнинг хизмати, ижтимоий мавқеига қараб фойдаланган ҳамда уларни тақдирлаб турган. Унинг даврида мулкчиликнинг аскарбоши ва бошқа ҳарбий бошлиқларга, шоирлар, катта мартабали руҳонийларга, девон хизматчиларига, алоҳида хизмат кўрсатган бекларга, лашкарбошиларга инъом қилиб бериладиган ер-сув мулки – суюрғол ёки маълум жойларда туман, вилоятдан ўз фойдасига солиқ йиғиб олиш ҳуқуқини берадиган – тиюл мулки вужудга келган. Бу мулк жогир (жогирдор) деб ҳам аталиб, унинг баъзи турлари кўпроқ Бобур даврида ривожланган.

Темур ва темурийлар даврида дин, шариат намоёндалари ҳам катта мавқега эга бўлиб, йирик ер эгалари ҳисобланган. Ана шулардан бири сўфийликдаги “бозор ки-

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., “Юлдузча”, 1991, 64-бет.

шилари ва савдогарлар” тариқати ҳисобланган нақшбандия таълимотининг XV асрда Марказий Осиёдаги энг йирик вакили Темур авлодларидан Султон Абу Саид Умаршайх ҳамда Султон Аҳмадларнинг пири ҳисобланган Убайдулло Маҳмуд ўғли Хожа Аҳрор (1404-1490)дир. Гарчи сўфийлик йирик бойликни тарғиб қилмаса-да, у жуда катта ер мулкига, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Қарши, Кобулда 1300 танобдан ортиқ ҳайдаладиган ер майдонларига, юзларча хизматкорлар ишлайдиган ўнлаб қаср-қўрғонларига, тегирмонлар, дўконлар, савдо қаторлари, тимлар, ҳаммомлар, қўй ва қорамол подаларига эга бўлиб, қатор мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб борган. Биргина Қарши вилоятида бир мавсумда 3000 қўш ҳўкиз билан ишланадиган ерлари бўлиб, О.Д.Чеховичнинг фикрича, бу 6000 гектардан ортиқ майдонни ташкил қилган, Хожа Аҳрорнинг мол-мулки унинг вафотидан кейин баҳоланганда, 5 миллиард динорга тўғри келган.<sup>1</sup>

Бундай катта бойлик унга сотиб олиш, назр-ниёз тариқасидаги ҳадя ёки бошқа йўллар билан деҳқонлар, уларнинг жамоалари, ҳўнармандлардан, диний ва дунёвий феодаллардан ўтган. Ерини ўтказганлар эса кўпгина ҳўлларда илгари ўзига тааллуқли бўлган ерда ишловчи ҳўссабай деҳқонларга айланганлар.

Бу мулклар Хожа Аҳрор ва авлодлари томонидан у асос солган Самарқанд, Тошкент ҳамда Кобулдаги масжид, мадраса, хонақоҳлар фойдасига вақф қилинган.

Жуда катта бойликка ҳамда диний ва дунёвий амалдорлар ичида катта таъсирга эга бўлган эшон ўзини эзилганлар ҳўмоячиси деб билган. У олий мартабали руҳонийлар ва шайхларнинг вазифаси ҳўкмдор билан халқ орасида воситачилик қилишдир, деб ҳўсоблайди. “Ҳўкмдор – бу фуқароларни итоатда тутувчи бир қамчидир”, – дегувчи ҳўзрат подшоларни илоҳий қонунларни бузмасликка, халқни азобламасликка ишонтириш керак, акс

---

<sup>1</sup> Қаранг: Самаркандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрора в Средней Азии и Афганистане). Факсим. изд. текста. Крит. текст, перев., введ., примеч. и указатель О.Д.Чехович. М., “Наука”, 1974, 24-бет.

қолда улар тезликда инқирозга учрайдилар. У ҳақиқатан ҳам ўзининг фаолиятида бир неча марта Темур авлодларини мурасага келтириш учун халқ билан ҳукмдорлар орасида воситачи бўлиб қатнашган. Шунинг учун Темуррийлар, улардан кейин Шайбонийлар ҳам Хожа Аҳрор авлодларига инъом ёрлиқлари бериб, уларнинг мулкларини турли солиқлардан озод қилганлар.

### 3. Тархонликнинг ҳуқуқий ҳолати

Қадимги туркий халқларда вужудга келган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузумида ўзига хос бир ҳуқуқий институт мавжуд бўлганки, бу тархонликдир. У турли тарихий даврларда ёзилган мумтоз асарларда жуда кўп учраса-да, махсус ҳолда кам тадқиқ этилган. Тархонлик одати ҳуқуқий институтими ёки дунёвий ҳуқуқими – бу ҳам яхши ишланмаган. Ёки у ҳарбий зодагонларга бағишланадиган умумий имтиёзми ёхуд айрим кишиларга алоҳида бериладиган имтиёзлар мажмуими? Бундан ташқари, мазкур институт турк халқларининг одат-ҳуқуқий институтими ёки мўғуллардан ўтганми? деган масалалар ҳам бор.

“Тархонлик унвонми ёки имтиёзми?” деган саволга: “У имтиёзли унвон, унинг соҳиби жуда кенг алоҳида ҳуқуқлар мажмуига эга бўлган”, – деб жавоб бериш мумкин. Тархонликнинг ўзига хос хусусиятларидан баъзиларини, бизнингча, Мирзо Улуғбек биринчилар қатори очиб берган: “Тархон шундай одамки, – деб ёзади у, – барча жарималардан озод ва эркин, қай лашкарда бўлмасин, қандай ўлжани қўлга киритмасин, ҳеч ким ундан бир нарса ола олмайди, тўққиз бор гуноҳ улардан содир бўлганда ҳам бирор киши унга сазо (жазо З.М.) бера олмайди.”<sup>1</sup> Жумладан у: а) барча солиқлардан озод этилган; б) уруш ёки ов вақтида қўлга киритилган барча ўлжалар уларнинг тўла мулки ҳисобланган; в) ҳар қандай ҳолатда улар саройга рухсатсиз кириш ҳуқуқига эга бўлганлар; г) ўлим жазосига лойиқ жиноятни тўққиз марта содир қилгунларига қадар жазодан озод қилинганлар; д)

---

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., “Чўлпон”, 1994, 83-бет.

кенгаш ва зиёфагларда фахрли жойни эгаллаб, бир қадах шароб ичиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Мирзо Ҳайларнинг “Тарихи Рашидий” асарида тўққиз марта жиноят қилган тархоннинг суд ва тергов қилиниб, жазога маҳкум этилиши жуда нодир лавҳаларда тасвирлаб берилганлигини кўриш мумкин. Унда кўрсатилишича, тархонлардан қайси бири ана шундай ҳаракатни тўққиз марта содир этган бўлса, икки ёшли отга миндирилиб, сўроқ жойига олиб келинган. Бунда ҳурмат юзасидан отнинг оёғи остига тўққиз қават кигиз солишган. Уни хоннинг ўзи сўроқ қилиб, барлос уруғининг амири унинг сўзларини хонга, хоннинг сўзларини эса арқунот уруғининг амири тархонга етказиб турган. Ана шундай сўроқдан кейин унинг тўққиз жиноят содир этганлиги ва бунда айбдорлиги исбот қилинса, қатл этилишга ҳукм қилиниб, жазо томирни қирқиш орқали ижро этилган. Бунда танасидан бутун қони оқиб бўлгунча иккала амир унинг икки қўлтиғидан тутиб турган. Ўлганидан кейин оқ-фиғон қилиб, жасадини олиб чиққанлар.<sup>1</sup>

Тархонлик одат ҳуқуқи институти ўлароқ, ҳуқуқлар мажмуидан иборат бўлиб, махсус фармон (ёки ёрлик) билан расмийлаштирилиб, авлоддан-авлодга ўтиб борганлигини юқоридаги мисоллардан кўрдик ўтдик. Буни Амир Темурнинг бизгача етиб келган 1391 йилда Абу Муслим авлодларига тархонлик имтиёзини бериш ҳақидаги фармони, Фарғона ҳукмдори Султон Умаршайх Мирзонинг 1443 йилда Мир Саййид Аҳмад номига берган тархон ёрликларидан ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, тархонлик, унинг бекор қилиниши ҳам кўпинча расмий равишда амалга оширилган. Юқорида келтирилган Амир Худойдод ва унинг авлодларига берилган тархонликнинг ўн икки имтиёзи Султон Рашидхон томонидан бекор қилиниши бунинг исботидир. Аммо Темур ва Темурийлар даврига келиб, тархонлик махсус ҳуқуқли ҳарбий зодагонлар табақасини эмас, балки фақат барча солиқ ва йиғмлардан озод қилиш имтиёзинигина англашиб қолган.

Темурийлар даврида тархонлар ҳокимияти кучайиб, улар катта-катта вилоятларда ҳам ноиблик қила бошла-

---

<sup>1</sup> Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди. Т., “Фан”, 1996, 84-бет.

ганлар. XV асрнинг охирларида Бухоро ва Қоракўл ноиби Абдул Али Тархон кейинчалик унинг ўғли Боқи Тархон, Туркистон ва Ўтрор ноиби Мазид Тархон, Дарвеш Муҳаммад Тархон Темурийлар давлатининг сўнгги йилларида катта сиёсий мавқега эга бўлганлар. Ҳатто Абдул Али тархон хизматида бўлган Муҳаммад Шайбонийхон бундай ҳолдан норози бўлиб: “Бу Абдул Али амирзода бўлмаса-да, бутун вилоятга ҳукмрон, мен эса – наслий шаҳзода – ҳукм этишдан маҳрумман,<sup>1</sup> – деган экан.

Тархонлар айрим ҳолларда ўзлари мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Муҳаммад Мазид Тархон Темурий султон Али Мирзо билан иттифоқ бўлиш ўрнига Шайбонийхон Самарқандни қамал қилганда Шаҳрисабзга чекиниб, у ерда катта кўшин тўплаш билан Темурийларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга тайёргарлик кўришга киришади.

Шайбонийхонлар ва манғитлар сулолалари даврида ҳам тархонлик сақланиб қолган. У фақат ғалаба, тантана ёки хурсандчилик муносабати билан катта мансабдорларгагина бирма-бир бериладиган имтиёз бўлиб қолмай, аҳолининг бутун бир гуруҳларини ҳам тархон қилиш вужудга келган. Шундай қилиб, юқорида зикр этилганлардан қуйидагича қисқа хулосалар чиқариш мумкин:

1. Тархонлик қадимий туркий халқлар одат ҳуқуқларига оид институт бўлиб, у турклардан мўғулларга, улардан яна қайтиб Темур ва Темурийлар давлатига ўтган.

2. Дастлабки вақтларда тархонлик фақат ҳарбий зодагонларнинг хизматлари учун берилган имтиёзлар мажмуидан иборат бўлса, кейинчалик унинг ижтимоий асоси кенгайган ва фақат солиқлардан озод этишни англатган.

Гарчи Темурийлар давлати инқирозга юз тутишининг сабаби адабиётларда кам ёритилган бўлса-да, Шайбонийлар ва мўғуллар таҳдидан кўра давлатнинг ички масаласи – тархонлар ҳокимиятининг кучайиши ва уларнинг мустақилликка интилишлари оқибати эди.

---

<sup>1</sup> А. А. Семёнов. Шейбанихан и завоевание Империи Тимуридов. Материалы по истории узбеков и таджиков Средней Азии. Вып. 1. Сталинабад, 1954, 44-бет.

#### 4. Амир Темуր салтанатида давлат бошлиғи

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ фанларида Ўрта аср давлатлари илк феодал монархияси (якка ҳокимлиги) ва мутлақ монархия даврларига бўлиб ўрганилади. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқида илк ўрта аср давлати Эфталийлар давлати (Оқ хуннлар)дан бошланади, деб олсак, ундан кейинги барча давлатлар: Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари ҳокимияти чекланмаган мутлақ монархия ҳукмдорлиги кўринишидаги давлатлар эди, деб ҳисоблаш мумкин. Темуր салтанати эса, давлатшунослар нуқтаи назаридан олганда, мана шу мутлақ монархиянинг энг чўққисидир. Чунки бу даврда мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги тугатилиб, ўта марказлашганини, Темур эса ўз ҳокимиятини гўё араб халифалариникига тенглаштирганлигини кўрамиз. Шарқда Хитойгача, ғарбда Ироқгача, шимолда Сирдарёгача, жанубда эса Ҳинд океанигача чўзилган ва пойтахти Самарқанд бўлган бу мамлакат бир киши – Амир Темур ва унга бўйсунган етти девон орқали бошқарилган.

Аслида Темур келиб чиқишига кўра барлос уруғидан, яъни туркий халқлардан бўлиб, бевосита мўғул хонлари авлодидан бўлмаганлиги учун ўзини хон деб атай олмас эди. Чунки, ўша давр удумларига (одатларига) кўра, хонлик чингизийлар наслига мансуб бўлиб, бу махсус аҳдномада ҳам қайд этилганди. Тарихий манбаларда унга турли нисбалар, жумладан, “Соҳибқирон” – Зуҳро ва Муштарий (Юпитер) юлдузлари бир-бирига яқин келганда туғилган бахт-саодатли подшо, “Жаҳонгир” – жаҳонга ҳукмронлик қилувчи, “Қутби салтанати олий” – олий салтанатнинг қутби, Абул Мансур Темур – зафарли ёки зафар ёр бўлган Темур, “Он ҳазрат” (ҳазрат олийлари), “Турк давлатининг буюк куёши” (Шарофиддин Яздий, “Зафарнома”), “Дин ва дунё қутби” ва ҳоказо сифатлар берилган. Албатта, тарихий манбалар ва бошқа адабиётларда у турли унвон, нисба сингарилар билан аталиб, тарихга шу номлар билан кирган бўлса-да, унинг ўзи яшаган даврдаги асл номи ва нисбаси Темурубек бўлган. Бу борада Темур саройига келиб, у ердаги ҳаётни ўз кўзи

билан кўрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг берган хабарлари ниҳоятда қимматли бўлиб, у замондошлари Темурни Амир Темур эмас, Темурбек деб аташганлигидан гувоҳлик беради. Албатта, камситмоқчи бўлганлар унинг оқсоқолигига ишора қилиб, орқасидан Темурланг номини ишлатишган. Бек қўшимчаси ҳақиқий туркий унвон бўлиб, арабча амир (ҳукмдор, фармон берувчи) маъносидаги мансабга тенг келади.

Темур салтанатида давлат бошлиғи расман чингизийлардан Суюрғатмишхон (1370-1388) ва унинг ўғли Султон Маҳмудхон (1388-1440) хонлик унвонига тасдиқланган бўлсалар-да, амалда улар кўғирчоқ хон бўлиб, ижтимоий ҳокимиятнинг барча белгилари, диний, дунёвий ижро ва қонунчилик ҳокимияти бир киши – Амир Темур қўлида тўпланган. Бунга “Тузуқлар”да келтирилган қуйидаги сўзлар яққол мисол бўла олади: “Ўзимга кенгашидимки, Худо битта, унинг шериги йўқдир, шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки – ердаги вакили халифаси деб ҳисобланган” Айтишларича, гўёки у Куръондан фол очганида “Инна жаълнака халифатан фил арз” (35-сура, 39-оят), яъни “Сизларни ер юзида халифа қилдик” ояти чиққан экан. Бу билан у ўзининг дунёвий, диний ҳокимиятнинг мутлақ бошлиғи сифатида Араб халифалари қаторида кўрганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Амалда, у давлат ҳаётида ҳам шунга асосланган.

Фикримизча, тарихчи олимлардан ўша давр йилномасини тўғри тузган Фосеҳ Аҳмад Ҳавофий Темурбекни ва унинг ўғли Шоҳруҳни ўз асарининг ҳамма жойида “хоқон” деб атагани ҳақиқатга яқиндир.<sup>1</sup> Бу унвон Темурнинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги мавқеини айнан акс эттиради.

Мирзо Улуғбек давлат ва ҳукумат бошлиғи, армия бошлиғи бўлса-да, хон ҳисобланмаган, унинг даврида Сотуқхон (1434 йилда Мўғулистонда ўзаро феодал курашида ҳалок бўлган) кўғирчоқ хон ҳисобланган. Сўнгги темурийлардан бўлган Андижон ҳокими Заҳириддин Муҳаммад

---

<sup>1</sup> **Мухаммад Ҳавофи.** Мужмаъ-и Фосиҳи (Фосихов свод). Перев., пред., прим. и указатели Д. Ю. Юсуповой. Т., 1980, 118, 120, 121-бетлар.

Бобур бу ҳақда Тарих саккиз юз ва тўқсон тўққизиди Фарғона вилоятида ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим”,<sup>1</sup> – деб ёзади. Аммо Бобурнинг ҳақиқий подшо, яъни ижтимоий ва юридик маънодаги давлат бошлиғи, мутлақ ҳоким ўлароқ танилиши унинг 1508 йилларда Мовароуннаҳрни тарк этиб, Афғонистон ҳукмдорига айланиши билан боғлиқдир. Бу ҳақда “Бобурнома”да қуйидагиларни ўқиймиз: “Ушбу тарихгача Темурбекнинг авлодини бовужуди Салтанат Мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимки, мени подшо дегайлар.”<sup>2</sup>

Ҳақиқатан ҳам, кўпгина тарихий манбаларда, жумладан, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида деярли ҳамма жойда “Бобур подшо” деб ёзилган. Мовароуннаҳрда кўғирчоқ мўғул хонларининг кўтарилишига чек қўйилиши Султон Абу Саид Мирзо (1451-1465) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. У темурий мирзоларнинг ҳокимият талашишларига барҳам бериб, Мовароуннаҳр ва Хуросонни қўлга киритади ва Ироққа ҳам юриш қилмоқчи бўлади. Аммо ўша даврдаги Мўғулистон хони Эсон Буғохон тақдиридан кўрқиб, Ироқдан унинг катта укаси Юнусхонни чақариб олиб, Мўғулистон хони тахтига даъвогар сифатида юборишга қарор қилади. Улар ўртасида шартнома тузилиб, Абу Саид Юнусхонга қарата шундай дейди: “Мен ҳозир сизни камбағаллик кийимидан чиқариб, подшолик тўнини кийдирдим ва сизни ўзингизнинг она юртингизга юбормоқчиман. Менинг шартим шундай: шу бугундан бошлаб сиз аввалги хонларга ўхшаб “Мир Темур ва унинг авлодлари уруғдан уруғга бизнинг навкарларимиздир” деган сўзларни айтманг, энди мен мустақил подшоман. Бошқалар эса ўзларини менинг навкарларим деб биладилар”.<sup>3</sup>

Бу шартлар тантанали қасам билан тасдиқланган. Абу Саид Мирзо Мовароуннаҳрда ҳукмрон бўлган темурийлар орасидан чиққан энг қудратли, сўнгги ҳукмдорлардан эди. Шунга қарамай, XVI асрнинг бошларидан эътиборан Темурийлар давлатининг ички заифлашувидан фойдала-

---

<sup>1</sup> Бобур. Бобурнома. Т., “Шарқ Юлдузи”, 1989, 75-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 195-бет.

<sup>3</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. 108-бет.

ниб, уни босиб ола бошлаган, келиб чиқишига кўра Жўжи наслидан, Чингизхоннинг олтинчи авлодидан бўлган Муҳаммад Шайбонихон назарида, Темур ва Темурийлар Чингизхондан келиб чиқмаганлиги учун барибир Чигатой улусидаги чингизийлар қўлидан ҳокимиятни тортиб олувчилар, уларнинг диний эътиқоди эса расман шиалик мазҳаби бўлганлиги учун тўғри эътиқодли ҳисобланмай қолаверади. Дашт ўзбеклари ва уларнинг йўлбошчиси Шайбонийхон темурийлар салтанатини емириб ташлаш борасидаги ўз ҳарбий ҳаракатларини ана шу сабаблар билан асослашга интилдилар.

Юқоридагиларга асосланиб, шуни хулосалаш мумкин-ки, Темурбек ва унинг дастлабки авлодлари Чингизхон наслидан бўлмаганликлари учун ўша ҳуқуқий одатларига кўра амир ва бек нисбасида бўлсалар-да, аслида мутлақ монархияга асосланган, марказлашган ўрта аср феодал давлати – императорлик, ҳоқонликнинг бошлиқлари эди.

## 5. Давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари

“Тузуқлар”да кўрсатилишича, давлатни бошқаришда кенгашиш, маслаҳат ҳамда тадбиркорликка катта аҳамият берилган. “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қиличдир,”<sup>1</sup> – дейилади китобда. Бунда у, албатта, ўз яқинлари, зодагонлар, йирик амалдорлар билан кенгашни назарда тутган. Бунга қурултойларни, шунингдек, ҳарбий юришлар олдидан қўшин бошлиқлари билан бўлган амирлар ва амирзодалар (ўз ўғиллари) билан ўтказган кенгашларини киритиш мумкин. Фақат бошқаришга эмас, ҳарбий кенгашларга, айниқса, катта аҳамият берган. “Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга ошириш” деган сўзлар бунга исботдир. Амир Темур ҳузурида ўтказиладиган маслаҳат, кенгаш органларига **қурултой** ва **давлат кенгашини** кўрсатиш мумкин. Қурултой – Темур даврида олий феодал табақалар кенгаши бўлиб, унда вақти-вақти билан мамлакат ва давлат ҳаётининг

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 15-бет.

муҳим масалалари кўрилган. Тарихий манбаларга кўра, Балхда, Қарши, Қорабоғ ва Самарқандда қурултойлар чақирилган. Шарққа хос бундай маросим, ҳатто миллат мажлиси деб ҳам аталган. Ана шундай қурултойлардан бири Темур рақиблари устидан ғалаба қозонгач, 1369 йилнинг 8 апрелида Балхда чақирилиб, унга Чигатой улусининг тўралари, Темурнинг қуролдошлари ва аввалига унга душман бўлиб кейинчалик хизматига ўтган амирлар ҳам қатнашадилар. Қурултойда Темур қадимги туркий одатга биноан Термиз сайидлари иштирокида оқ кигиз устига ўтқазилиб, юқори кўтарилади. Темурнинг пири Саид Барака дуойи фотиҳа қилганидан кейин у Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинади.<sup>1</sup>

Ана шундай қурултойлар чақирилганлиги, унга барча шахзодалар, олий мартабали диндорлар, бош амалдорлар, маъмурият ходимлари, ҳарбий бошлиқлар, зодагонлар вакиллари таклиф қилинганлиги тўғрисида бошқа маълумотлар ҳам бор. Давлатнинг марказий идора органи ҳам, олий ҳукмдори ҳам Темурнинг ўзи бўлган. Бу борада унга бирор мансабдор шериклик қилмаган: “ Бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари подшонинг ўзида бўлиши лозимки, ҳар ишда подшо ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.” Қурултойдан кейинги ўринда махсус орган – **давлат мажлиси** турган. Бунга бағишланган махсус “Салтанат саройида ўтириш ва ўрин олиш тузуги” мавжуд бўлиб, унда барча мансабдор шахслар ва табақаларнинг мажлис вақтида жойлашиши белгилаб қўйилган. Бу тузукда кўрсатилишича, сайидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих ва бошқа олий табақадаги кишилар амир тахтининг ўнг томонида, амир ул-умаро, беклар беги, амирлар, сардорлар, шунингдек, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар мансаб даражаларига қараб, тахтнинг сўл тарафидан, девонбеги, вазирлар орқасидан, баҳодирлар, қиличбоз йигитлар – тахт орқасида унинг ўнг томонидан, қоровуллар эса чап томонидан ўрин олиб турганлар.

Темурнинг рўпарасидан қоровуллар амири ўрин олиб, тахтнинг ўнг ва чап томонида йигилганларни шу тарзда

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 20-21-бетлар.

жойлаштиришни тўрт мансабдор амирга топширган. Бу давлатда “салтанат қўрғонлари” деб аталган амирлар ва салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлимиш вазирлар, айниқса, катта мавқега эга бўлишган.

Давлатнинг марказий бошқарув органи **девонхона** бўлиб, тармоқ бошқаруви вазирлар томонидан олиб борилган. Тузукларга кўра, тўрт вазир ва чегара (сарҳад) туманлари бўйича уч вазир тайинланган.

Темурбек бу улкан салтанатни улусларга бўлиб идора қилган, бу тузукларда ҳам ўз аксини топган. Ўзига бўйсунган барча вилоят ва мамлакатларни тўрт ўғлига улус қилиб берган. Жумладан, тўнғич ўғли валиаҳд (дастлабки) Муҳаммад Жаҳонгирга Балх вилояти билан 12 минг кишилик қўшин (унинг ўлимидан кейин ўғли Пирмуҳаммадга Кобул, Фазна, Қандаҳор ҳам қўшиб берилган), ундан кейинги ўғли Умаршайх Мирзога Форс вилоятини ва 10 минг аскарга қўмондонликни, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ, Арманистонни ва 9 минг аскарга қўмондонликни, кенжа ўғли Шоҳруҳга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон вилоятларини ва 7 минг аскарга қўмондонликни топширган.

Биринчи вазир мамлакат ва аҳолининг ишлари – вазири солиқ ва ўлпонларни тўплаш, тақсимлаш, кримчиқимларни белгилаш, ҳисоб-китоблар ва мамлакат ободончилиги билан шуғулланган. Иккинчи вазир – қўшинлар вазири бўлиб, у аскар (сипоҳий)ларга бериладиган маош, хизмат эвазига инъом этиладиган ер-сув ёки бошқа мулк масалаларини идора қилган. Учинчи вазир эгасиз қолган мулкларни, давлатга тушадиган закот ва божларни сақлаш билан шуғулланган. Қолган учта вазир чегара туманларидаги молиявий масалаларга мутасаддилик қилган. Ҳадея этилган мамлакатларга иккита солиқ йиғувчи вазир – аҳолининг кайфиятини кузатиб турувчи, харажатларни чиқим дафтарига ёзиб боровчи вазирлар тайинланган. Барча вазирлар девонбегига бўйсунган. Халқ ва қўшинлардан тушадиган аризалар билан шуғулланувчи аризабеги додхоҳ мансаби мавжуд бўлган. Турли идораларга котиб-мирзолар тайинланган. Булардан ташқари, катта ўлкаларга учтадан вазир: 1 – аҳоли ишлари (раият) билан шуғулланувчи

вазир, 2 – қўшинлар (сипоҳ) ишлари вазири, 3 – дараксиз йўқолган кишиларнинг мол-мулклари, вориссиз мулклар ва давлат ҳисобига олинган жарималарни ҳисобга олувчи вазир тайинланган. Ҳар бир шаҳарда дорул-амонат, яъни ҳукумат уйи, дорул-адолат – қозихона мавжуд бўлган. Ҳар шаҳар ва вилоятда қози-судьялар ва муфтийлар аризачиларни қабул қилиб, суд ишларини олиб борган.

Темурийлар давлатининг маҳаллий бошқарув тизими ва маъмурий бўлинишига келсак, бу улкан давлат округларга, ўн мингликлар – **туманларга**, мингликлар – **ҳазора**, юзликлар – **сад** ва **ўнликлар** – даҳаларга бўлинган. Шундан кўриниб турибдики, маҳаллий бошқаришнинг “ўнликлар” тизими мавжуд бўлиб, унинг асосига Амир Темур армиясига белгиланган даражада аскар етказиб бериш қўйилган, яъни туманлар 10000, ҳазоралар – 1000, садлар – 100, даҳалар – 10 нафардан аскар (черик) қуролантириб юборган.

Самарқанддаги ҳужжатлар тўплами маълумотларига қараганда, шу даврларда Самарқанд ва унинг атрофида. Шовдар, Анҳор, Шероз, Алибод, Офаринкент, Соғардж, Шодмон туманлари бўлган. Каттароқ қишлоқлар **қасаба**, кичик қишлоқлар – **қориа** деб аталган.

## 6. Ҳарбий қурилиш

Темур салтанати ниҳоят даражада катта қўшинга ва унинг таъминоти тизимига эга бўлган. Олий бош қўмондон Темурнинг ўзи ҳисобланиб, у бўлмаган вақтларда қўшинлар ишига ноиби, **бош амир** – амир ул-умаро бошчилик қилган. Тузуқларда кўрсатилишича, бу унвонга беш киши: Бадаҳшон ҳокими Амир Худойдод, Балх ва Ҳисор ҳукмдори Амир Жоку, шунингдек, Амир Ику Темур, Амир Сулаймоншоҳ, Темурнинг куёви орлот уруғидан чиққан Амир Муайядлар сазовор бўлишади. Қоидаги кўра, амир ул-умаро унвонига муносиб бўлган кишилар чегара туманларининг ҳокими, ўз қўл остидаги вилоятларнинг ҳарбий ва фуқаро ҳукмдори ҳисобланган. Улардан кейинги даражада тўртта **беклар беги** турган. Амирлар 1-

12 даражали амирларга бўлинган, даражасига қараб 1-12 мингта қўшинга бошчилик қилган ва бир-бирига қуйидагича бўйсунган. Уруш вақтида улар амир ул-умаронинг ноиблари ҳисобланган. Даражали амирлар Темурнинг хос навкарлари бошлиқларидан бўлиб, тамға олган 12 уруғдан чиққан амирлар эди. Тамға олмаган 28 та уруғдан бўлган қолган амирлар оддий амир ёки улус, туман амирлари деб юритилган, жами 313 киши шу унвонга сазовор бўлган. Ҳокимлик ёки волийлик мартабасида бўлган амирлар ҳокимиятига давлат – ҳуқуқий нуқтаи назаридан ёндашсак, улар ўзлари ҳоким бўлган жойда фуқаровий ва ҳарбий ваколатли шахслар бўлишган. Улус ва ҳокимликларда ҳам бошқарув идораси тузилган. Бу органлар кўпроқ солиқларни йиғиш, тақсимлаш, суд ишлари ва армия таъминоти билан шуғулланган. Юриш вақтида улус ва туман амирлари ҳар чодир (ўтов)дан бир отлиқ, ҳар икки олочуғ (капа, чайла)дан бир отлиқ ва ҳар бир ўтроқ аҳолидан бир отлиқ миқдорида қўшин тўплашлари лозим эди. Қўшиннинг ички таркиби ўнлар тизимига асосан тузилиб, улар бошида ўнбоши, юзбоши, мингбошилар турган.<sup>1</sup>

Юриш вақтларида қўшинларда ўзидан юқори бошлиқларнинг буйруғига бўйсунмаслик ҳолатларига нисбатан қаттиқ жазо чораси белгиланган. Мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники эса қўл остидагиларга жорий этилиб, бунга амал қилмаганлар жазога тортилган. Қўшин қароргоҳида ҳар ўн саккиз киши бир чодирга бириктириб қўйилган.

## 7. Солиқ тизими

Кўп минг сонли армия ва бошқарув аппаратини молиявий таъминлашнинг асосий йўли турли солиқлар йиғишдан иборат эди. Темур салтанатида давлатни бошқариш учун кетадиган асосий харажатлар аҳолидан олинadиган мол-жиҳот, нақд пул ва маҳсулот билан тўпланadиган солиқ – хирож, соварин (пешкаш) – олий мартабали шахсларга қилинадиган тортиқ, қўналға – чопар ва элчи-

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 63-бет.

ларга, мир ва мингбошиларга сафар вақтида тунаш учун бориб қўнган, тушган жой аҳолисидан олинадиган солиқ, савдогарлардан ундириладиган божшилон пули, подшо ва олий мансабдорларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ каби турлари мавжуд эди.

Суғориладиган ерлардан ҳосилнинг учдан бир қисми миқдорида ёки экин экилган ер жарибларга (1 жариб 958 кв.м) бўлиниб, унинг биринчи жарибидан олинган ҳосилнинг 3 харвори (1 харвор 300 кг га яқин), иккинчисидан 2 харвор йиғиб олинган. Ёки бутун бор ҳосил уюлиб, унинг учдан икки қисми деҳқонга қолдирилган. Хирож тўлаган деҳқондан бошқа солиқ олинмаган. Лалмикор ерлардан эса ҳосилнинг тўртдан бир ёки учдан бир қисми хирож тарзида ундирилган. Солиқлар пул ёки маҳсулот шаклида ҳам тўланиши мумкин эди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ташлаб қўйилган ерларга ишлов бериб, ҳосилдор ерларга айлантирган деҳқонлар биринчи, иккинчи йили ўзлари хоҳлаганларича, учинчи йилдан бошлаб умумий асосларда солиқ тўлаган. Солиқ сиёсатининг моҳияти давлат қудратининг бош манбаи бўлган феодал мулкчиликни сақлаб қолиш ва мустақкамлашга қаратилган.

Маълумки, Темур авлодларидан машҳур шоир, аскарбоши ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур дастлаб Андижон ҳокими (1493-1504) бўлган, кейинчалик Кобул улусини тузиб, Ҳиндистонни қўлга киритгач, Бобурийлар салтанатига асос солган. Бобурнинг ижодий мероси орасида солиқ (закот) тизимини тартибга солишга бағишланган “Мубайин” асари ҳам борки, уни подшо ва шоир 1529 йилда (баъзи манбаларда 1521 йилда) Ҳиндистонда ўзининг валиаҳди, ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган. Бунда у, албатта, катта бобоси Темур ва Темурийлар давридаги солиқ турлари ва тартибини ўрганган, солиқ борасидаги айрим қоидаларни ўз давлатида қўллаб, ўғилларига ҳам амал қилишни тавсия қилган. Масалан, “Тузуқлар”да хирожнинг миқдори даромаднинг учдан бир қиссаси бўлиши кўрсатилган. “Мубайин” асарида ҳам ҳосилнинг 30 фоизи миқдорида хирож олиниши белгиланган. Мазкур рисоланинг “Солиқлар ҳақидаги китоб” “Китоб

уз-закот” қисмида ўша пайтдаги мавжуд солиқлар атроф-лича тушунтириб берилган.<sup>1</sup>

Асарда ўша даврда асосан, тўрт хил солиқ ундириб олиниши кўрсатилган. Булар – нақд мол-мулкдан олтин ва қумуш ҳисоби билан ундириладиган солиқ – **нақдийна**, чорва молларидан олинадиган солиқ тури – **савойим**, савдо, саноат, тижорат аҳлидан олинадиган солиқ ва деҳқончиликдан келадиган даромадлардан олинадиган солиқ ва тушумлардир.

Савойим қуйидагича ундирилган: 40 қўйдан сони 121 тага етгунча бир қўй, 121 дан 201 гача икки, 201 дан 400 гача уч қўй, ундан кейин 1 мингтадан 10 қўй олинган, эчки-улоқ ҳам қўйга тенглаштирилган. Беш туяга бир қўй, 15 туяга уч қўй ҳисобида, 20-25 туядан икки ёшга тўлган бир туя, 36 туядан уч ёшга кирган бир туя миқдорида солиқ-савойим олинган. Савдо-саноат аҳлидан йилда бир марта закот солиғи уларнинг мол-мулкига қараб натурал ҳолда ёки пул билан, олтин-қумуш ҳисобида ундирилган. Деҳқончилик бобидаги солиқлар **ушр** ва **хирож** деб аталиб, мевали дарахтлардан олинадиган даромадлардан, тоғлардан йиғилган мева ва асалдан, лалмикор ерлар ҳосилидан 10 дан бир ҳисса миқдорида ушр солиғи ундирилган. Хирож икки кўринишда: **муқасам** ва **муваззаф**, яъни ҳосилга, ернинг миқдорига қараб белгиланган. Бутун ҳосил беш гуруҳга тақсимланиб, бир гуруҳи хирож муқасам сифатида олинган. Иккинчиси 60 газга (60 газ – бир жариб) ҳисобланиб, ерларнинг миқдорига қараб хирож ундирилган.<sup>2</sup> Ерга, ҳосилга табиий офат етиши оқибатида ҳосил барбод бўлганда хирож олинмаган. Бундан ташқари, биттадан оти бор кишилардан, закот тўлаганларнинг ўғил-қизлари ва ота-оналаридан ҳам закот ундирилмаган. Гарчи бу солиқлар давлат иқтисодининг асосини ташкил қилган бўлса-да, барибир қишлоқ ва шаҳар аҳли, оддий аҳолига уни тўлаш оғир юк бўлиб тушган.

---

<sup>1</sup> **Бобур.** Асарлар, 3 жилдлик. Т., Ўздавнашр, 1965, 222-225-бетлар.

<sup>2</sup> **Бобур.** Ўша асар, 225-бет.

## 8. Ҳуқуқ манбалари

Ўрта аср якка ҳокимлигини ташкил қилган бундай улкан давлат механизми ички тартиб ва интизомни таъминлаб турадиган қонунчиликсиз фаолият кўрсатиши мумкин эмасди. Буни ҳукмдорнинг ўзи ҳам чуқур тушуниб етиб, “Тузуқлар”да кўрсатиб ўтган. Жумладан, бу борадаги тажрибаларини хулосалаб, “тажрибамда кўриб билдимки, давлат, агар дини ойин асосида қурилмас экан, тура ва тузуқка боғланмас экан, бундай давлат ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар бемалол кириб-чиқадиган шифтсиз, усти очиқ, эшиги йўқ, уйга ўхшайди,” дейди. Бунда дини ойин – диний тартиб ва қоидалар, интизом ва урф-одатлар, уларнинг бажарилиши бўлса, тура – одат ҳуқуқлари, тузуқ – ҳукмдорларнинг дунёвий қонунчилик фаолияти натижасида қабул қилинган ҳужжатлар маъносида тушунилган. Демак, бу хулоса ўша даврда ҳаракатда бўлган ҳуқуқ манбалари тизимини ўзида акс эттирган. Шунга асосан, Темур давлатида амал қилиб турган бўлган ҳуқуқ манбаларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

Давлатда ислом дини ҳукмрон мавқега эга бўлганлиги, унинг таркибига кирган халқлар асосан, шу динга эътиқод қилганлиги учун ҳам ҳуқуқнинг бош манбаи мусулмон ҳуқуқи ҳисобланган.

**Мусулмон ҳуқуқи** – ислом дини пайдо бўлиши ва араб теократик давлати ташкил топиши билан ўрта асрларда вужудга келган ва ўзида диний (каноник) ва дунёвий ҳуқуқ (фикҳни) бирлаштирган ҳуқуқ тизимидир. Амир Темур давлати доирасида асосан, унинг туркий халқлар ичида кенг ёйилган Ҳанафийлик мазҳаби мустаҳкам қарор топди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, мусулмон ҳуқуқи барча исломий давлатларда, жумладан, Темурбек давлатида ҳам ўзгаришсиз, бир хилда амалда бўлган, деб бўлмайди. Чунки бу ерда мусулмон ҳуқуқи худди “Темур тузуқлари” сингари дунёвий қонунчилик нормалари билан тўлдириб борилган.

Давлат ҳарбий монархия давлати бўлганлигидан армия ва аҳолининг унда хизмат қилувчи табақаси турк ва туркмўғул уруғларидан чиққан кишилардан ташкил топиб,

қадимий турк ҳуқуқий одатлари (туралар) ҳуқуқнинг иккинчи манбаи вазифасини бажарди. Айниқса, давлат бошлиғини сайлаш, армия ва унинг тузилиши ҳамда таъминоти, оила ва никоҳнинг баъзи масалалари, масалан, есирлик, шунингдек, сувдан фойдаланиш борасида кўплаб ҳуқуқий одатлар мавжуд бўлган.<sup>1</sup> Кейинчалик “Тузуқлар” ёзилганида бу одатлар, ҳарбий қурилишга оид масалалар ёзма қонунчилик билан мустақкамланган.

**Дунёвий қонунчилик** – давлатда турк-чиғатой ва форс тилларида битилиб, яқка тартибда субъектив ҳуқуқни вужудга келтирадиган фармон ва тархон ёрлиқлари билан бирга норматив (умумий) конституциявий аҳамиятга молик ҳужжатлар, масалан, “Темур тузуқлари” ҳам қабул қилинган. Агар конституцияни юридик ҳужжат – ҳуқуқнинг асосий манбаи деб оладиган бўлсак ва унда давлат бошқаруви, тузилиши, қонунчиликнинг асосий тамойиллари мустақкамлаб қўйилишида, давлат ҳокимият ва идора органларининг тузилиши, вазифалари, суд ва ҳарбий қурилиш, шунингдек, молия тизимлари тартибга солинишидан келиб чиқсак, “Тузуқлар”, ҳеч шубҳасиз, конституциявий ҳужжатдир.

Чунки мана шу масалаларнинг барчаси “Тузуқлар”да акс этган ва ҳуқуқий тартибга солиш чоралари белгиланган. Ундаги ҳуқуқий нормаларни ҳозирги замон ҳуқуқ тармоқлари бўйича гуруҳлантирганда қуйидагича ҳолатни кўриш мумкин: а) давлат ҳуқуқий нормалари – давлат бошлиғи, вазирлар, девонлар (тармоқ бошқарув органлари), девонбеги, давлатни бошқариш принциплари (машварат, кенгаш, маслаҳат, тура ва тузукка асослаш), маҳаллий бошқарув, ҳарбий ва фуқаро бошқарувини амалга ошириш мақсадида чегара вилоятларини суюрғол қилиб бериш ва ҳоказо; б) фуқаролик ва молия ҳуқуқи нормалари – ер, мулкнинг шакллари: суюрғол, иқто, танҳо, уларни бериш тартиби, бундай мулкларни олганларнинг мажбуриятлари, омонатлар, солиқлар, жангда ярадор ва ҳалок бўлган аскарлар таъминоти ва бошқалар; в) жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятларга жазо бериш,

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: З. Муқимов. Ўзбекистон ҳуқуқининг таърихий манбалари. С., “Зарафшон”, 1996, 59-64-бетлар.

ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона – дорул-аморат ташкил қилиш, қози аскар, аҳдос ва раият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш ва бошқалар; г) ҳарбий ҳуқуқий нормалар – армияни тузиш, унинг қўмондон таркиби ва таъминоти, ҳарбий хизмат ва хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантириш, ҳарбий гуруҳлар, тўплар ва бўлимларни тузиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Темур ўз давлатида қадимий турк-мўғул анъаналари, удумларига риоя қилганлиги учун давлатида Чингизхоннинг Ясо қонунлари ҳам ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилганми? Ёки унинг айрим қоидалари қабул – рецепция қилиб олинганми, деган масала ҳам ҳуқуқ тарихи фанида мавжуд. Чингизхон билан Туркистонга келган мўғуллар ва туркий қабилалар дастлаб мусулмон бўлишмаган. Шунинг учун улар мусулмончиликни қабул қилгунларича Ясо ва ҳуқуқий одатлар ҳуқуқнинг асосий манбаини ташкил қилган. Темур давлати эса мусулмон давлати эди. Шунинг учун Ясога ҳаркатдаги ҳуқуқ манбаи деб қаралиши шариат ҳуқуқига хилоф ҳисобланарди. Аммо жиноят ва жазо масалаларида Ясога ҳам амал қилинганлигини кўриш мумкин. Жумладан, “Тузуқлар”да: “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса, Ясо бўйича жазолансин”,<sup>1</sup> дейилади. Бу баъзи ҳолларда Ясо нормалари ҳам ҳуқуқ манбаи сифатида амалда бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳарбий қурилиш масалаларида Ясодан қабул (рецепция) қилинган ҳукмлар ҳам йўқ эмас. Масалан, сипоҳнинг яроқ-жабдуқлари ва анжом-жиҳозлари тузуги Ясо билан бир хил талабларни кўйган.

Темурбек давлатида бу каби ҳуқуқ манбаларининг мавжудлиги, уларнинг ҳаракати, бажарилиши ва риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратнинг бўлиши, шубҳасиз, қонунчиликни мустақкамлашга хизмат қилган. Буни испан элчиси Клавихо ҳам ўз эсдаликларида қайд этган: “Самарқанд шаҳрида қонунчиликка риоя қилинади, бирор киши бошқа кишини хафа қилмайди. Ёки бекнинг кўр-

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 74-бет.

сатмасисиз бирор кишига зўрлик ишлатилмайди.<sup>1</sup> Давлатда, қонунчиликни мустақкамлашда шайхулисом, мухтасиб, қозикалон, шариат ҳамда аҳдос қозилари фаолият кўрсатган.

## 9. Темур тузуклари

Темур турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва ўз ҳукми билан қонун даражасига кўтарган қоидалар бор эдики, уларни тўплам ҳолига келтириб, ўздан кейинги ворисларга ҳам қонунлар мажмуи, ҳам турмуш тажрибаси ва маслаҳатлар тарзида қўлланма қилиб қолдириши лозим эди. Ана шу тўплам турли тилларга таржима қилиниб, тарихий асарларда “Темур тузуклари” “Тузуки Темурий”, “Темурнинг айтганлари”, “Воқеоти Темурий” “Уложение Тимура” номлари билан аталиб келинди. “Тузук” сўзи асли эски ўзбек тилида ҳуқуқшуносликка оид “қонун-қоидалар тўплами”, “низом” каби маъноларни англатади. Бундай қонун-қоидалар тўпланини ёзиш фақат Темур даврига хос бўлмасдан, турк-мўғуллардан келиб чиққан бошқа хонларда ҳам учрайди. Жумладан, араблар истилосидан олдин Самарқандга келиб кетган Хитой элчиси ибодатхонада Турк ҳоқонлигининг жиноят ва жазо ҳақидаги Низоми сақланишини ёзиб қолдирган.

Темурийлар саройининг хизматида бўлган машҳур тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий мазкур манба Амир Темур девонхонасида туркий тилда тузилиб, унинг ўзи томонидан таҳрир қилинганлигини ёзади. Мазкур ҳужжат туркий тилда ёзилганлигига кўплаб бошқа исботлар ҳам бор. Темур саройида бўлган испан элчисининг гувоҳлиги ҳамда тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг берган хабарларига кўра, девонхонада давлат ишлари уйғур мирзолари томонидан туркий тилда олиб борилган; иккинчидан, тузукларда араб ва форс тилида ёзилган манбалардагидек анъанавий ўшатишлар, муболағаларни қўллаш ёки тарихий асарларда бўлганидек, шеърлар билан безаш, ҳар бир тарихий шахс номини улуғлаш услубидан фарқли

---

<sup>1</sup> Руй Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1406). М., “Наука”, 1990, 122-бет.

равишда, туркий тилга хос аниқ, қисқа, кескин ва қаттиқ ифодалар, яъни ўзига хос ёзиш услуби ишлатилган, учинчидан, унинг туркийча номи – тузуқлар “қонун”, “қоида”, “низом”, “тартиб” маъноларини англатади, тўртинчидан, унинг таржималарида ҳам турк-чиғатой сўзлари кўп учрайди. Буларнинг барчаси турк-чиғатой тилидаги ёзувлар ва ҳужжатлар ўша давргача етиб келганлигини, “Тузуқлар” Темур девонхонасида, унинг иштирокида эски ўзбек тилида ёзилган тарихий ҳужжат эканлигини баҳссиз тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви тарихий меросни ўрганишни янги асосларга қўйди. Натижада жуда кўп тарихий манбалар чоп этилди. “Шарқ юлдузи” журнали бу борада давр руҳига мос иш тутиб, “Темур тузуқлари”ни ўзбек тилида республикамиз тарихининг билимдони ва жонқуяри профессор Б. Аҳмедовнинг сўзбошиси билан тўла босиб чиқарди (1989 йил, 8-сон). Ғ.Ғулом номидаги нашриёт эса уни 1991 йилда биринчи марта алоҳида китоб шаклида чоп этди. Шу тариқа “Тузуқлар” деярли 600 йилдан кейин яна ўзининг туркий тилига қайтди. Илмий жамоатчиликнинг бунчалик қизиқишига сабаб бўлган бу ҳужжат катта аҳамиятга эга тарихий-юридик манба ҳисобланади.

**“Тузуқлар”нинг асосий хусусиятлари.** “Темур тузуқлари” XIV асрнинг иккинчи ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни, Темур салтанати, унинг давлат тизими, бошқарилиши, суд қурилишига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжатдир. Ёки, юридик тилда айтганда, маъмурий-сиёсий ва ҳарбий кодексдир. Унинг тузилиши икки қисм (мақоладан иборат бўлиб, биринчи қисми таржимаи ҳол мазмунига эга. Унда 150 йил давом этган мўғул-чиғатой сулоласи истибдодидан қутулиш, Ўрта Осиёда марказлашган давлатни тузиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилади. Иккинчи қисми эса, улкан давлатнинг валиаҳд ва амирзодалар томонидан қай тарзда бошқарилиши, йирик мансабдорларни тайинлаш, ҳарбий қурилиш, суд юритиш, армияни тузиш, сафлаш таъминоти каби масалаларни ўз ичига олади. “Салтанат қуриш, давлат ишларини бир неча тузуқка боғладим ва салтанатда бош-

қариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим,” – дейилади “Тузуқлар”да.<sup>1</sup>

Биринчи мақолада ўн уч кенгаш санаб кўрсатилади, қолганлари эса саналмай, фақат кенгаш деб номланади. Юқорида келтирганимиздек, “Тузуқ” деган сўз қонунлар тўплами маъносида ишлатилган. Шунинг учун қонун кучига эга бўлган ҳужжат, Ўзбекистон ҳудудида ўрта аср давлати ва ҳуқуқининг бизгача тўплам ҳолида етиб келган ягона йирик манбаи, дунёвий ҳуқуқ ёдгорлиги деб қаралмоғи лозим.

Жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинган “Тузуқлар” ўша даврлардаёқ жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши, тарихини ўрганишда манба сифатида фойдаланила бошлаган. Ҳатто 1716 йилда Пётр I ўзининг ҳарбий артикъларини тузишда унга мурожаат қилади. Темур давлатидаги суд ва қонунчилик масалаларини ўрганишда ана шу тузуқлар (қонунлар) ҳамда сайёҳларнинг эсдаликлари ва тарихий асарлар манба бўлиб хизмат қилади. “Тузуқларга” қараб фикр қилсак, Амир Темур давлат ишларини бошқаришда қонун ва қоидаларга қаттиқ риоя қилинишига эътибор берганлигини кўрамыз. “Тузуқлар”нинг бир неча жойида, айниқса, унинг иккинчи қисмида бу масала кўп бора таъкидланган. Жумладан, молия вазирлари давлатнинг молия ишларига хиёнат қилиб, ўзларининг қўл остидаги мол-мулкдан ўзлаштириб олган бўлсалар ва агар бу уларга тааллуқли маошга тенг бўлса, ўша ўзлаштирилган маблағ давлат хазинасига совға, инъом сифатида қайтариб олинган. Агар унинг миқдори маошдан икки баробар ортиқ бўлса, мол-мулки тортиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилган.

Агар сипоҳий қўл остидаги кишига зулм ўтказса, бунда у хизмат доирасидан ташқари чиққан саналиб, сипоҳийнинг ўзи жабрланувчиларга топширилган. Бу ҳолда жабрланувчи сипоҳийни ҳоҳлаганча жазолаши мумкин бўлган. Башарти катта ва маҳаллий бошлиқлар ўз ваколатлари доирасидан чиқиб, ўзларидан кичик даражадаги кишиларга зулм ўтказсалар, уларга мол-мулкига қараб жарима солиш назарда тутилган.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 53-бет.

Доруға ва шаҳар волийлари ҳоқимлари – халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос равишда жазога тортиш назарда тутилган. “Тузуқлар”да бирор кишининг айби исботланганда, унга нисбатан фақат битта жазо қўлланилиши, яъни, агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик тўғрисида гапирилади. Бу каби жазолаш усуллари бизга тегишли хулоса қилишга имкон беради. “Тузуқлар”да кўпроқ бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш назарда тутилган. Бир кишининг мол-мулки зўрлик билан тортиб олинганда, унинг мулкани қайтариб олиб бериш билан чекланилган. Бундан ташқари, баданга жароҳат етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар: тишни синдириш, кўзни кўр қилиш, қулоқ ва бурунни кесиш, шароб ичиш, зино қилиш, яъни эрига бевафолик қилиш кабилар жиноят ҳисобланиб, судга бериш кўзда тутилган. Ўғри ва қароқчилар Чингизхоннинг Ясо қонунлари асосида жазоланган. Фасодчи, бузуқ, нафси ёмон кишилар мамлакатдан бадарға қилиниб, вилоят ва шаҳарлардаги бекорчилар мажбурий ишга жалб этилган. “Тузуқлар”да фақат бир ўринда, яъни мамлакатлар, қўшинлар ва аҳоли аҳволидан хабардор бўлиб туриш тузугида тан жазоси ва қатл этиш тўғрисида очик-ойдин ёзилган.

Маълумки, ҳар бир чегара, шаҳар ва вилоятга хабарчи котиблар тайинланган. Улар ўз жойларидаги барча ўзгаришларни, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарларни ёзмаганликлари учун бармоқларини кесиш ёки ёлғон хабар берсалар, қўшинга тегишли ишларни яширсалар, қўлларини кесиш каби тан жазосига тортиш, туҳмат ёки гараз мақсадлар билан ёлғон хабар ёзганликлари учун қатл этиш назарда тутилган. Ўзга ёки босиб олинган мамлакатлардаги воқеалар тўғрисида кунма-кун, ҳар ҳафта ва ойда Темурга хабар етказиб турганлар. Гадойлар ва тиланчиларга нисбатан дастлаб мажбурий ишга жалб этиш, шундан кейин – тамғалаш, агар гадойлик қилишда яна давом этаверса, узоқ мамлакатларга сотиб юбориш ёки бадарға қилиш жазолари тайинланиб, шу билан гадойликни тугатиш ҳам мақсад қилиб қўйилган.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: З. Муқимов, Х. Маматов. Тузуқларда давлат ва ҳуқуқ масалалари. Т., 2001, 137-бет.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “Тузуқлар”нинг иккинчи қисми кўпроқ давлатни бошқариш ва ҳарбий бошқарув масалаларига қаратилган. Аммо ҳарбий жиноятларга алоҳида тузуқ бағишланмаган. Кўпгина ҳарбийлар томонидан ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганлик учун хизматдан ҳайдаш, жанг вақтида итоатсиз бўлиб, ижозатсиз қочишни мўлжалласа, бундай кишиларни Парвардигори оламга топшириш керак, дейилади, яъни қатл этиш назарда тутилади. Агар навкар бирор жойга ҳоким қилинган бўлса-ю, душман билан келишиб, унга таслим бўлса, бундай навкар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Темурнинг буйруғи қўшинда сўзсиз бажарилиши лозим бўлиб, айниқса, юришлар вақтида уни бажармаганлик учун қатл этиш қўлланилган. “Беклар бегидан ёки амирлардан биронтаси ҳукмга ҳилоф иш тутиб, ундан четга чиқса, уни қиличдан ўтказиб, ўрнига “мунтазир-ал ашораси” ҳисобланган ўринбосарни қўйсинлар”,<sup>1</sup> – дейилади тузуқлардан бирида.

Темур саройида кўп вақт туриб, Конигилдаги сайл ва базмларда иштирок этган Руи Гонсалес де Клавихо ўз эсдаликларида шундай ҳуқуқий одатни мисол қилиб келтиради. “Уларнинг одатига кўра, таниқли бой киши жазоланиб, қатл этиладиган бўлса, уни осиш йўли билан, қуйи табақадан чиққан кишини эса бошини танасидан жудо қилиш йўли билан жазони ижро этишган”, – дея ёзаркан, элчи, агар кимнинг боши танасидан жудо қилинса, бу жуда қаттиқ ҳурматсизлик ва ёмонлик белгиси эканлигин уқтиради. Темур омонатга хиёнат қилган кишиларни ҳам, ким бўлишидан қатъи назар, қаттиқ жазолаган. У Конигилда бир набираси шарафига ўтказилган базмда таниқли зодагон кимсани жазолагани ҳақида Гонсалес эсдаликларида ёзиб қолдирган. Темур ҳарбий юришга кетиши олдидан бир кишига минг от бериб, боқиб, қараб туришни топширади. 6 йилу 11 ойлик юришлардан қайтиб келиб сўраса, ҳалиги киши отлар йўқлигини айтиб, агар бир оз муддат вақт берилса, уч минг эмас, олти минг қилиб қайтаришини билдиришига

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 57-бет.

қарамай, уни осиб ўлдиришга буюради.<sup>1</sup> Клавихонинг ёзишича, обрў-эйтиборли бу кишининг шундай жазоланишидан кўпчилик даҳшатга тушган. Бундан ташқари, Темур илгари жуда ишонган бир мингбоши (Бурундуй) орасига тушиб, тўрт минг пизан (испан ўлчами) кумушга унинг гуноҳини сотиб олишини сўраганида Темур рози бўлиб, ўша кумушни олади, аммо нимагадир, ҳукм ҳам кучида қолади.

Темур мамлакатда ўзи йўқ вақтларда оширилган нархлар сабабли, масалан, ўз қийматидан ошиқ нархда гўшт сотганликлари учун дўкандорларни, этикдўз ва бошмоқ тикувчиларни ва бошқа хунармандларни суд қилишни буюриб, ошиқча олинган пуллар қайтарилишини амр қилган. Ана шунинг учун кўпгина шаҳарликлар норозилик билдириб, подшо бизларга шаҳардан кетишимизни амр этди, Ўрдага фақат талаш учун чақирган, дея норозилик билдирганлар.

Суд амалиётига келсак, шариатга оид ишларни ислом қозиси, дунёвий ишлар ва одат ҳуқуқларидан келиб чиқадиган ишларни адлос қозиси, сипоҳий аскарлар орасидан юз берадиган ҳуқуқий низоларни қози аскар кўриб ҳал қилган.

Шариат масалаларида қарор чиқариб, фатво берувчи, шунингдек, муҳтасиб ислом маросимлари, урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилишини назорат қилувчи мансабдорлар тайинланган.

“Ислом қозиси шариат ишлари ва адлос қозиси дунёвий ишлар ҳақида менга арз қилсинлар”, – дейилади “Тузуқлар”да. Судларда иш кўришда бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан тасдиқлансагина айбдорга жарима солиш жазоси берилган.

Шаҳар ва қишлоқларга қутвол – яъни комендантлар тайинланиб, уларга соқчилик қилиш, яъни аҳолини қўриқлаш юклатилган. Бирор кишининг нарсаси йўқолса, ўғирланса жавобгарлик улар зиммасига тушган. Бундан ташқари, йўл бўйларига соқчилар қўйилиб, уларга йўловчилар, савдогарлар, мусофирлар мол-мулкларини қўриқ-

---

<sup>1</sup> Рун Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). 122-бет.

лаш вазифаси топширилган, кимнингдир мулки йўқолса, шу соқчилар жавоб берган.

Элчи Руи Гонсалес ўз хотираларида суд процессига оид қизиқ маълумотларни келтиради. Унинг кўрсатишича, Темур доимий равишда ўзи билан қозиларни ҳам олиб юрган. Улар ҳукмдор қароргоҳини ва ўрдасини бошқариб, турли ишларни белгилаганлар. Айримлари юзага келган муҳим иш ва низоларни ҳал этишса, бошқалари молия ишларини юритган, баъзилари эса ерлар ва шаҳарлардаги ноиблар фаолияти билан шуғулланган. Шундан маълум бўладики, Темур давлатида ихтисослашган қозилар ҳам бўлган.

Қароргоҳда ҳар қайси қози ўз ўрнини ва қандай ишларни кўриб, ҳал этишини аниқ билган. Қозилар учта ўтов тикиб, қабулларига келган аҳоли ишларининг мазмунини тинглагач, ахборот тузадилар ва ундан кейин бирданига 4-6 иш бўйича қарор чиқарадилар. Бу ҳақда ҳузурларида турган мирзоларга буюриб, дарҳол у ёки бу ёрлиқни ёздиртириб берганлар. Шундан кейин муайян иш рўйхат китобида қайд этилиб, белги қўйилгач, мирзолар кумуш муҳрга сиёҳ суркаб, ёрлиқнинг ички томонига босганлар, бошқа амалдор эса унинг мазмунини ёзма баён қилиб, ўз бошлиғига узатган. У ҳужжатга сиёҳ суртилган ўз муҳрини қўйган. Шу тартибда 3-4 суд амалдорининг муҳридан кейин Амир Темурнинг “Ҳақиқат” деб ёзилган ва ўртасида уч доира белгиси бўлган муҳри қўйилган. Ҳукм ёки қарор дарҳол ижро этилган.

Юқоридаги фикрлар шунини кўрсатадики, Темур давлати мустаҳкам ҳуқуқ тизимига эга ва қонунчилик турли чоралар билан қўриқланган давлат эди.

**XVI АСР - XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА  
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ**

**I. ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ  
(1428-1601)**

**1. Абулхайрхон давлати**

Ўзбек халқининг давлатчилиги фақат ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эмас, балки қадимдан жуда кўплаб туркий уруғлар, қабилалар яшаб келган Қипчоқ дашти ва Сибирда ҳам, кейинчалик Кўк Ўрда ва Оқ Ўрда таркибига кирган ерларда, Жўчи, Шайбоний улусларида ҳам амал қилган. Тарихий манбалар ва тадқиқотларда XV асрнинг 20-йилларида Қипчоқ даштининг Шарқий ерларида ташкил топган, қирқ йилдан зиёдроқ ҳукм сурган Абулхайрхон (1428-1468) ва ҳамда Мовароуннаҳрда ташкил топган Муҳаммад Шайбонийхон (1450-1510) давлатларини кўчманчи ўзбеклар давлати деб аташган. Аммо бу унчалик тўғри эмас, чунки ушбу давлатларнинг асосий аҳолиси мол чорвачилиги билан шуғуллангани ҳолда, улар таркибига, шунингдек, Сирдарёнинг қуйи қисмида, қисман Хоразм воҳасининг чеккаларида ҳунармандчилик, деҳқончилик билан шуғулланувчи уруғ ва қабилалар ҳам кирган.

Мазкур давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганмай туриб, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини чуқур тушуниш мумкин эмас. Бир вақтлар Хуросонда ташкил топган Салжуқийлар давлати қандай мавқега эга бўлган бўлса, мазкур давлатлар ҳам Марказий Осиё ва Қозоғистон учун ана шундай катта аҳамият касб этган.

XIV асрнинг бошларидаёқ Жўчи улуси икки мустақил давлатга, Кўк Ўрда (тарихда Олтин Ўрда дейилган) ҳамда Шайбон авлодлари ҳукмрон бўлган Оқ Ўрдага бўлиниб кетади. Ўзбеклар мамлакати деб аталган Оқ Ўрда таркибига Шайбон улуси ҳам кирган. Тарихчи олим Абулғозининг ёзишича, Шайбон улусини 1238 йилда Ботухондан олган.<sup>1</sup> Унинг аниқ чегарасини белгилаш қийин бўлса-да,

<sup>1</sup> Абулғози. Шажараи Турк. Т., “Чўлпон”, 1992, 112-бет.

улус аҳолиси ёзда Урал тоғининг этаклари, Тобол, Урал, Илек, Иргиз дарёларининг ўрта оқими, қишда эса Сирдарёнинг қуйи оқими, Чу, Сарисувнинг қуйи оқими – Қорақумда яшаганлиги маълум.

Дашт ўзбеклари давлатининг ташкил топиши арафасида – XV асрда Шайбон улуси ҳам майда-майда хонликларга (уделларга) бўлиниб кетиб, XV асрнинг 20-йилларида бир неча мустақил хонлик мавжуд бўлган. Улар орасида сиёсий ҳокимият учун шиддатли кураш бориб, ўзбеклар асосан, уч тоифадаги қабилалар иттифоқидан: Шайбон улусига кирган қабилалар (шайбонийлар)дан, қозоқлар ва манғитлардан ташкил топган. Ҳокимият учун кураш дастлаб Манғит улусида Урал ва Эмба дарёлари ўртасида юз бериб, манғитлар Жумодуқхон улусига қарши (Орол денгизининг шимоли, Сарисув ва Эмба дарёлари ўртасида) кураш олиб бориб, 17 минг кишилик армияни Жойтор-Жолқин деган жойда тор-мор қиладилар. Бу воқеалар тарихчи олим Б.Аҳмедов томонидан араб ва форс тилларида биринчи манба бўлган асарлар асосида ёритиб берилган.<sup>1</sup> Мазкур жангда армиянинг жовонгори (сўл қаноти)га қўмондонлик қилган Абулхайрхон ҳам асир олинади. Шайбонийлар наслидан бўлганлиги учун кейинчалик у қўйиб юборилади. Келгуси йили Абулхайрхон Қипчоқ даштидаги турк-мўғул қабилаларининг 200 дан ортиқ саркардаларининг қўллаб-қувватлашлари билан хон деб эълон қилинади. 1428-1429 йилнинг ўзидаёқ Абулхайрхон бошчилигидаги дашт ўзбеклари Фарбий Сибирдаги Тура шаҳрини босиб оладилар. Бу шаҳар 1446 йилга қадар дашт ўзбеклари давлатининг пойтахти бўлиб қолади. Жуда қисқа вақт ичида Абулхайрхон майда бўлақларга бўлиниб кетган Шайбон улусининг катта қисмини бирлаштириб, ўз давлатини Олтин Ўрдадан мустақил деб эълон қилади. 1431-1432 йилларда унинг қўшинлари Хоразмни ишғол қилади. Аммо кўп ўтмай, вабо касали тарқалганлиги сабабли яна қайтиб кетишади. 1446 йилда у ўзининг кучли рақиби Мустафохон устидан ғалаба қозонади. Шу йили Сирдарёнинг ўрта оқидамида жой-

---

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. Т., 1962; Ўзбек улуси. Т., 1992.

лашган ва Темурийларга тегишли бўлган Сифноқ, Арқук, Ўзган ҳамда Сузоқ шаҳарларини босиб олгач, дашт ўзбеклари давлатининг пойтахти Турадан Сифноққа кўчирилади. Бу давлатга ҳозирги Қозоғистоннинг катта қисми, Ғарбий, Жанубий Сибирь ва Хоразмнинг ғарбий-жанубий томонлари кирар эди. Шундан кейин кўчманчи ўзбеклар Темурийлар давлатининг қўшнисига айланиб, уларнинг тахт учун бўлган можароларида гоҳ унисини, гоҳ бунисини қўллаш билан сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар. Абулхайрхон ўз рақибларини турли йўллар билан таъқиб қилади. Улардан бир қисми, жумладан, Олтин Ўрда хони Бароқхоннинг ўғиллари Гирайхон ва Жонибекхонлар унинг қувғинидан қочиб, Мўғулистон хони Исобғохон (Эсон Буқа) ҳузурига келишади. Хон уларга Ғарбий Мўғулистон деб ҳисобланган жойлардан Чу водийси ва Еттисув ўлкаларининг бир қисмини беради. Шу ер кейинчалик Абулхайрхон таъқибидан қочган султонлар учун бошпанага айланиб, 1465-66 йилларда Гирайхон ва Жонибекхон Қозоқ хонлигига асос соладилар. Шу тариқа Орол бўйларидаги даштнинг каттагина қисмини ўз ичига олган Қозоқ давлати вужудга келади. Ўша даврларда тожу тахт, ҳукмдорлик учун курашиб, муваффақият қозонолмай, ўз уруғи, қабиласи ҳамда сулоласидан ажралиб кетган кишилар қозоқ деб аталган.

## **2. Муҳаммад Шайбоний (Шоҳбахт) давлати**

**Давлатнинг ташкил топиши.** Бугун XVI аср ижтимоий воқеалари Абулхайрхон авлодлари бўлган дашт ўзбекларининг Мовароуннаҳрни қўлга киритиб, ўз мавқеини мустақамлашга қаратилган воқеалар билан характерланади. Темурий мирзоларнинг тахт ва устунлик учун ўзаро курашлари, шунингдек, тархонлар ҳокимиятининг кучайиши ва уларнинг мустақилликка интилишлари улкан салтанатни инқирозга олиб келади. Бу эса Қипчоқ даштини ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларни ўз қўлига киритган темурийлардан Бухоро ҳокими Абдул Али Тархон хизматида бўлган, Бухоро мадрасаларида ўқиган, ақлли ва

тадбиркор Муҳаммад Шайбонийхоннинг<sup>1</sup> Мовароунаҳрни қўлга киритишини оsonлаштиради. У 1499-1507 йилларда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шоҳруҳия, Фарғона, Қундуз, Хоразм, Балх ва Ҳиротни ишғол қилиб, Мовароунаҳр ва Хуросонда ўз ҳокимиятини ўрнатади.

**Шайбонийхоннинг пул ислоҳоти.** 1507 йилнинг 30 майида (ҳижрий 913 йил муҳаррам ойининг 18 куни) Ҳиротнинг жомеъ масжидида Шайбонийхон номига хутба ўқилиб, Темурийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугаганлиги расман эълон қилинади. Ўша даврда Темурийлар давлатининг пул хўжалиги издан чиқаёзганлиги боис 1507-1509 йиллар орасида пул ислоҳоти ўтказилади. Унинг асосий мақсади мис ва кумуш тангалар аниқ бир қийматда бутун давлат миқёсида қўлланилишини таъминлаш эди. Бу эса Темурийлар давридаги кумуш тангаларни барча шаҳарларда бир қийматли қилиб зарб этишни, ташқи кўриниши билан Темурийларнинг тангаларидан фарқланувчи мис динорларни зарб қилишни тақозо этди. Шунингдек, Темурийлар давридаги мис тангаларнинг бир қисмини асосий номинал – динор сифатида эмас, балки унга баробар пул бирлиги тарзида бозорга қайтарди. Бундан ташқари, 1508 йилда Муҳаммад Шайбонийхон номидан тангалар зарб этилиб, муомалага киритилди. Агар ислоҳотгача Темурийларнинг бир мисқолли кумуш тангачаси олтита мис динорга тўғри келган бўлса, ислоҳотдан кейин беш динорга, бир танга (тўла кумуш танга) эса 24 мис динорга баравар бўлди. Бундай тангачалар курси Шайбонийхон зарб эттирган тангаларга кўчирилди. Яъни, 24 мис динор Шайбонийхоннинг битта кумуш тангасига тўғри келиб, унинг оғирлиги 4,8 граммдан 5,2 граммгача оширилади. Бу ислоҳот икки йилда ўтказилиб, ўз табиатига кўра, ижобий ислоҳот эди. Чунки Шайбонийхон Марказий Осиёни босиб олган даврда пул тизими издан чиққан бўлиб, бу нормал савдо-сотиққа таъсир қиларди. Ислоҳотдан кейин бозорга металлдан зарб қилинган расмий аниқ турғун курсли танга пул жорий этилди. Яъни ислоҳот пулнинг бутун давлат миқёсида айланишини тартибга солди.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: З.Муқимов. Қилич ва қалам соҳиблари. С., 1997.

Аммо ўша пайтда кучайиб келаётган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий 1510 йилда Марв қалъасида яширинганича ёрдам кутаётган Шайбонийхонни ўраб олди ва ҳийла билан қалъадан чиқариб, ҳалок этди. Бу воқеадан кейин икки дарё оралигидаги жойларни ўз бобоси ва отасидан мерос қилиб олган Бобур Шайбонийларга зарба бериш муддати етди, деб ҳисоблаб, Шоҳ Исмоилдан жуда катта ёрдам олиб, Кобулдан Ҳисор водийсига кўп сонли кўшин билан бостириб кирди. Сарипули Сангин деган жойда Шайбоний султонлар кўшинлари устидан ғалаба қилди. Ҳамза Султон, Маҳмуд Султон, Мамай Султонлар шу жангда ҳалок бўлишди. Бобур 1511 йилда иттифоқчилар кўмагида Мовароуннаҳрнинг пайтахти Самарқандни қўлга киритди ва саккиз ойгина унинг ҳокими бўлиб турди. Шиа мазҳабига мансуб Сафавийлар билан шерик бўлганлиги учун уни сунний мазҳабидаги маҳаллий аҳоли қўлламади. Шайбоний султонлар шу фурсатдан фойдаланиб, 1512 йилнинг баҳорида Мовароуннаҳрни қайтадан қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон<sup>1</sup> Бухоро воҳасидаги Чўли Малик деган жойда Бобур кўшинлари устидан ғалаба қозонди. Шу билан Мовароуннаҳр Шайбонийлар қўлига ўтди.

Тарихчи Ҳофиз Таниш ёзишича, Мовароуннаҳр Шайбонийлар қўлига тўла ўтгач, қадимги одатга кўра, барча султонлар вилоят ҳокимликларини тақсимлашни ёши улуг бўлган Жонибек султонга (Абдуллахон II нинг бобоси) ишониб топширишди. Самарқанд Кучкунжихонга, Тошкент вилояти Суюнчхўжахонга, Бухоро, Қарши, Қорақўл эса Убайдуллахонга берилди. Кучкунжихон ва Суюнчхўжахон кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхоннинг ўғиллари, уларнинг оналари эса Улуғбекнинг қизи бўлган. Жонибек Султон бутун Миёнкол ва Самарқанд Суғдини ўз қармоғига олади. Лекин Мовароуннаҳр ўзининг ота мерос мулки бўлган Бобур ҳам, унинг иттифоқчиси Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ҳам бу ерда Шайбоний султонларининг ҳукмрон бўлиб қолишларига тинч қараб туролмас эди. Эрон шоҳининг маъна-

---

<sup>1</sup> Убайдуллахон (1533-1589) Шайбонийлар сулоласидан чиққан таниқли давлат арбоби, ўз даврининг илғор шоирларидан бўлган.

вий манфаатлари Марказий Осиёда шиа мазҳаби таъсирини кенг ёйишдан иборат бўлса, хавфли қўшинлардан қутулиш ва Мовароуннаҳрга ўз таъсиридаги одамни ҳокимият бошлиғи қилиб қўйиш унинг давлат манфаатларини ташкил қилар эди. Шунинг учун ҳам 1512 йилнинг баҳорида Эрон шоҳи ва Бобур қўшинлари қайтадан Бухорога қараб ҳаракат қилади. Аммо Убайдуллахон ва Жонибек Султон бошчилигидаги ўзбек қўшинлари Бобур ва Эрон шоҳининг амир-ул умароси (бош қўмондони) Нажми Соний бошчилигидаги 60 минг кишилиқ армияси устидан Ғиждувонда такроран ғалаба қозонади. Ушбу воқеа Бобурнинг отамерос мулки саналган икки дарё оралиғидаги Мовароуннаҳр мамлакати ҳокимиятидан узил-кесил маҳрум бўлганлигини ва бу ерда деярли 130 йил ҳукм сурган Темурийлар сулоласи барҳам топганлигини англатар эди. Бобур шундан кейин Шайбонийлар билан курашишдан воз кечиб, Кобулга қайтиб кетади ҳамда Чигатой туркларига бош бўлиб, 1525 йилда Ҳиндистонга қўшин тортади. Деҳли султони Иброҳим Лодийнинг қўшинларини тор-мор этиб, Деҳли ва Аграни забт этади. Бунинг натижасида баъзи танаффуслар билан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача ҳукм сурган Темурийларнинг Ҳиндистондаги сулоласи ҳукмрон бўлган Бобурийлар салтанатига асос солинади.

1512 йилда Андижонда ҳоким бўлиб турган Бобурнинг қариндошларидан Султон Саидхон эса Қошғарга кетиб, у ерда Абубакр Дуғлатни (турклашган мўғул уруғининг номи) енггач, Қошғар ҳамда Ёркандни қўлга киритиб, мустақил хонлик тузади. 1533 йилда эса унинг вафотидан кейин Бобур саройида тарбияланган ўғли Абдурашидхон (1533-1570) тахтга ўтиради. Унинг даврида Қошғарда илм-фан, маданият юксалади.

Эрон шоҳининг босқинчилик, Туркистон ишларига аралашуш ва шиа мазҳабининг таъсирини ёйиш ҳаракати зарбага учрайди. Бобур ва Шоҳ Исмоил иттифоқи барҳам топади. Шу тариқа Мовароуннаҳрдаги ҳокимият масаласи янги турк-ўзбек сулоласи – Шайбонийлар фойдасига ҳал бўлади. Икки дарё оралиғидаги қадимий халқларга дини, тили, урф-одатлари, ҳаёт тарзи билан яқин бўлган, кўпчилиги чорвачилик, қисман деҳқончилик ва ҳунар-

мандчилик билан шугулланган дашт ўзбекларининг уруг ва қабилалари Мовароуннаҳрга кириб келади ва қадимий турк-чигатой аҳолисига қўшилиб, уларга ўз номларини беради. Шундан кейин X асрдаёқ шаклланган турк-чигатой тилида сўзлашувчи халқ ўзбеклар деб атала бошланади.

Шайбонийхон қўлга киритган ерларни бошқариш тартибига келсак, у соф ўрта аср ишлаб чиқаришига асосланган услубда бўлиб, қўлга киритилган вилоят ёки шаҳарларни алоҳида хизмат кўрсатган қон-қариндошлари, қўшин (удел) бошлиқларига ҳисса қилиб бўлиб берган. Бирон гуноҳ иш қилганларида уларни шу мулкдан маҳрум этишлари оқибатида кўплаб низолар келиб чиқар эди. Бу худди Европада, Франк қабилаларида амал қилган бенефецияга ўхшаб кетарди. Удел бошлиқлари кўпинча мустақилликка интилишлари натижасида сиёсий тарқоқликнинг кучайиши феодал ўзаро урушларининг зўрайишига олиб келар эди. Шайбонийхон ҳалок бўлганидан кейин ўзбек хонлари ва султонлари ўртасида сиёсий ҳокимият учун кураш узоқ вақт давом этади.

Аслида, дашт ўзбекларининг одатига кўра, ёши катта ва эътиборли султон ёки хон – хонлар хони унвонини олиб, бошқалар унга бўйсунуши лозим эди. 1556 йилда Абулхайрхон авлодининг ёши улуг вакили Пирмуҳаммад хонлар хони қилиб сайланади. Шу даврда ёш Абдуллахон (1556-1558) ҳокимият майдонига чиқади. 1557 йилда у Бухорони забт этиб, давлат пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчиради. 1561 йилда эса отаси Искандархонни Миёнколдан чақириб олиб, ўзбек хонларининг хони деб эълон қилади. Шундан кейин Бухоро ўзбек хонлари давлатининг пойтахтига айланади. Давлат эса Бухоро хонлиги деб аталади. Абдуллахон II Қипчоқ даштида ҳукмронликни ўз қўлига олган Бобохон иттифоқи, Тошкент, Ҳисор ҳокимлари, Самарқанд султонлари билан кучли, марказлашган Шайбонийлар давлатини тузиш учун узоқ йиллар ҳарбий кураш олиб борди ва унинг урушлардаги ғалабаси бу ниятини амалга оширишга имкон беради. Абдуллахон II барча вилоят ҳокимларини маҳаллий ҳокимиятга бўйсундиришга мувофиқ бўлади. 1583 йилда у махсус фармон чиқариб, ўзини олий ҳоким – хон деб

эълон қилади. Унинг даврида ҳозирги Ўзбекистон доирасидаги деярли барча мулклар ягона давлат бўлиб бирлашибгина қолмасдан, Хуросоннинг бир қисми ҳам унинг таркибига киритилади. Шундан кейин мамлакатда қатор ислохотлар ўтказилади. Кўплаб маданий-маиший ва суғориш иншоотлари қурилади. Ташқи ва ички савдо тартибга солинади. Абдуллаҳон II вафотидан олти ой ўтиб, унинг ягона вориси Абдулмўмин ўлдирилади. Шу билан Туркистонда Шайбонийлар сулоласидан ҳеч ким қолмайди. Аммо XV асрнинг охирларида ташкил топган ўзбекларнинг қипчоқ, арғун, қарлуқ, қанғли, найман ва бошқа қабилаларини ўз таркибида бирлаштирган Сибирь хонлигида 1563 йилда Муҳаммад Шайбонийнинг жияни Кучумхон нўғайлар ёрдамида ҳокимиятни ўз қўлига олади. 1598 йилда у Сибирь хонлигининг Россиядан мустақиллиги учун кураш олиб боради. Унинг ўғли Али даврида эса бу хонлик Россияга қўшиб олинади.

Шунинг учун Бухоро тахтига уларнинг қариндошларидан, аслида Ҳожи Тархон (Астрахон) ўзбек шаҳзодаларидан бўлган вакиллар таклиф қилинади. Шу тарзда ҳокимият бошига янги ўзбеклар сулоласи – Аштархонийлар (1601-1748) ёки Жонийлар келади. Уларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги даврида саккизта хон ҳукм суради.

**Ижтимоий-сиёсий тузуми.** Ҳожи тархонлик ўзбек қабилаларига мансуб бу ҳукмдорлар Бухородаги ўзбек қабил бошлиқлари кучига таянмай, уларнинг қўллаб-қувватлашларисиз мамлакатни бошқара олмас эдилар. Шунинг учун кўплаб ерларни шаҳзодалар, уламо ва сайидлар, фуқаролик ва ҳарбий соҳа маъмурларига хизмат эвазига суюрғол қилиб бериш билан бирга, ҳарбий бошлиқларга ҳам ер мулкларини шу тарзда совға қилиш янада авж олди. “Танҳо” деб аталган бундай инъомнинг юридик жиҳатдан суюрғолдан фарқи шундан иборат эдики, ер мулкани олган шахс унга эга ҳисобланмасди, унинг ҳуқуқи шу ерни ишлагунча деҳқонлардан маълум даражада солиқ йиғиб олиш билан чегараланган.

Ер эгаллиги бу даврда давлат ерлари – амлок, хусусий ер эгаллиги, яъни мулк ва вақф ер эгаллиги шаклида бўлган. Сиёсий муҳим ўзгариш шу билан характерланадики, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ниҳоятда кучайиб,

сиёсий тарқоқлик ўз чўққисига етади. Хоразм яна тўлиқ мустақил давлатга айланади. XVII аср бошларида Фарғонада Қўқон хонлиги ташкил топади. Бадахшон мустақил бўлиб, унда Ёрбек сулоласи вужудга келади. Балх хонлик деб аталиб, Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида нисбий мустақилликка эга эди. Қоидага кўра, унинг бошлиги Бухоро хони (амири) томонидан тахт ворисларидан тайинланиб, **навваб** – ўринбосар ёки хон, кейинчалик **кичик хон** деб аталган. У девони аморат, амлоқ, таваджи, мол девонларидан ташқари ярим қарам бўлган Бадахшон ишларини бошқарувчи Бадахшон девонлари сингари марказий маъмурият девонларига эга бўлган. Кўп ўтмай, Балх ҳам Бадахшон каби Бухоро давлатидан ажралиб кетади. Хон ҳокимияти тобора заифлашиб, маълум хизматлари эвазига амирлик унвонини олган ўзбек қабила бошлиқлари қўлида қўғирчоқ бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, бу сулола даврида Муҳаммад Шайбоний ва Абдуллахон II жангу жадал билан тузган нисбатан марказлашган улкан давлат учта мустақил ўзбек давлатига бўлиниб кетиши узил-кесил тугалланади. Фарб мамлакатларига таққос этганда, бу даврда уларнинг кўпчилигида миллий бирлашув – консолидация, ягона марказлашган давлат тузиш жараёни давом этаётган бўлса, ўзбек давлатчилигида унинг тескариси – сиёсий тарқоқлик чуқур илдиз отиб бормоқда эди. Бу ҳол деярли 200 йил мобайнида мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий қудратига, илм, фан ҳамда маданият тараққиётига ўзининг салбий таъсирини сездириб турди. Бу хонлар даврида Шайбонийлар давридаги барча давлат мансаблари, молия-солиқ тизими, иш юритиш деярли ўзгаришсиз сақлаб қолинди. Аммо баъзи давлат мансабларининг вазифалари ўзгариб турди.<sup>1</sup>

Жумладан, хондан кейинги ўринда **оталиқ** мансаби турган. У хоннинг мураббийси, ҳомийси, маслаҳатчиси бўлиш билан бирга биринчи вазирлик лавозимини ҳам бажарган. Кейинчалик эса унга Зарафшон дарёси сувини бошқариш ваколоти ҳам юкланган. Ундан кейин туради-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Б. А. Аҳмедов. История Балха (XVI в. - первая половина XVIII в). Т., “Фан”, 1982.

ган девонбеги мансабидаги киши молия ва солиқ ишларини юритиш, унга раҳбарлик қилиш, ташқи алоқалар масалаларини юритиш билан шуғулланган. Бундан ташқари, **парвоначи, додхоҳ, кўкалдош, катта иноқ, қушбеги** каби мансаблар ҳам бўлиб, уларнинг вазифалари бошқа хонликлардаги шу мансабларникига ўхшаш бўлган.

Аштархонийлар давлатида дин ниҳоятда қудратли бўлиб, давлатга фаол таъсир этувчи сиёсий кучга айланади. Давлат дин вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, дин арбоблари эса давлатнинг мададига таяндилар. Давлат ҳукмрон ислом дини ғояларига суянган теократик, сиёсий тарқоқлик давридаги яқка ҳокимлик – монархиядан иборат эди. Аштархонийлар даврида унинг заифлашганлигини доимий армия бўлмаганлигидан ҳам билиш мумкин. Хон уруш вақтларида, лозим бўлганда, ўзбек уруғларидан ташкил топган лашкарларни тўпларди, улар армия ўрнини босар эди. Шунини таъкидлаш лозимки, ўзбек хонликларининг армия борасидаги кучи Фарб давлатларидан орқада қолиши шу даврда яққол кўзга ташланади. Юқоридаги мамлакатларда ҳарбий қурилиш борасида ҳарбий техника, ўточар қурооллар, замонавий артиллерия, давлат таъминотидаги доимий армия татбиқ қилинаётганда, ўзбек давлатларида бунга эътибор берилмай, ўрта асрга оид қурооллар ва усуллар билан кифояланилди. Бу, албатта, нисбатан замонавий ҳарбий техника билан қуроолланган Нодиршоҳ қўшинларига қарши курашда ўз оқибатларини кўрсатди.

### **3. Ҳуқуқнинг манбалари ва асосий белгилари**

1. **Ҳуқуқнинг манбалари.** Абулхайрхон ва Шайбонийлар бошлиқ дашт ўзбекларининг давлати мусулмон давлати бўлганлигидан ундаги ҳуқуқнинг асосий манбаини мусулмон ҳуқуқи, шунингдек, халқнинг одат-тура ҳуқуқлари хонларнинг бизгача етиб келган турли фармонлари ташкил қилинган. Аммо шунини таъкидлаш лозимки, барча турк халқларидаги сингари дашт ўзбекларида ҳам ҳокимият қўшинларнинг қурилиши каби масалаларда одат ҳуқуқлари устунроқ бўлган. Шайбонийлар ҳам, асосан,

Абулхайрхон давлатининг тузилиши ва қоидаларини сақлаб қолдилар.

Ер мулклари юртларга бўлиниб, уларни асосан, қабила зодагонлари суюрғол тарзида идора қилишарди. Ҳарбий ёки бошқа хизматлари учун тақдим этиладиган бу ҳадядан ташқари, ҳарбийларга давлатга қарашли ерлардан дўконлар, карвонсаройлар, тиюл ва танҳо тарзида берилар ва бу деярли Темурийлар давридаги мулкий муносабатларга ўхшаш эди. Хоннинг ўзига қарашли мулки хос ёки хосса деб аталган. Булардан ташқари, феодалларнинг хусусий мулки, озод деҳқонларнинг ер-сув мулклари мавжуд эди. Шайбонийлар даврида ана шу мулкларда ишлатиладиган қуллар ҳам кўпчиликини ташкил қилган. Буни биз қуйида васиқаларни таҳлил қилишимизда кўриб ўтамиз. Қулнинг баҳоси XVI асрда 50 тангадан 200 тангагача бўлиб, қулларни озод қилишнинг турли йўллари мавжуд эди.

XVI-XVII асрларда амалда бўлган кўплаб солиқ турларини уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин: феодал мажбуриятлар – ясоқ; давлатга тўланадиган асосий солиқлар – ҳарбий шароит вужудга келганида ёки давлат пулга муҳтож бўлиб қолганда олинадиган йиғимлардир. Тархон ёки дархон бу давр солиқ тизимидаги янгиликлардан бўлган. Бундан ташқари, хон қишлоқ эгасининг маълум хизматлари эвазига махсус фармон билан бутун феодал рента солиғини ёки унинг бир қисмини кечиб юборган. Тархондан фарқ қилувчи бундай ҳуқуқ ҳар йили хоннинг янги фармони билан тасдиқланиб турилиши лозим эди. Шу билан бирга, давлат ва армия ишларида иқтисодий танглик вақтларида бир неча солиқни илгаридан йиғиб олиш усули ҳам амалда бўлиб, шундай ҳуқуқни берадиган хунисат “барот” деб аталган.

Аштархонийлардан Бухоро хони Субҳонқулихон ҳукмронлиги йилларида (1680-1702) солиқ сиёсати ана шундай тус олиб, тарихий манбаларнинг кўрсатишича, 500 танга солиқ ундириладиган қишлоқдан “барот” асосида 3500 танга ундирилган. Гарчи бу солиқлар давлат иқтисодининг негизини ташкил қилса-да, қишлоқ ва шаҳар аҳлига, оддий аҳолига уни тўлаш оғир юк бўлиб, бундай тизим халқнинг норозилигига олиб келган.

Муҳаммад Шайбонийхон марказлашган давлатни тузиш билан бирга унда ҳуқуқ-тартиботнинг мустақкамланишига ҳам эътибор беради. Тарихчи Рӯзбехон Исфаҳоний “Меҳмонномаи Бухоро” асарида ёзишича, унгача Самарқанд атрофидаги катта йўлларда талончилар ва зўравонлар кўпайиб, ҳатто Самарқанддан Туркистон йўли бўйлаб “хон ҳазратларининг асрга татиғулик давлати пайдо бўлгунга қадар тўрт фарсах узоқликда жойлашган Алиободга бирор киши бора олмай қолган.”<sup>1</sup> У давлат йўлларини ана шу талончи ва босқинчилардан тозалаб, йўлларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Муҳаммад (Шоҳбахт) Шайбонихон ўқимишли, шариат ҳуқуқи бобида ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлганлиги учун қонунчилик ва юридик масалаларни уламолар билан маслаҳатлашиб ҳал этишга эътиборли бўлган. Унинг ҳузурида ҳеч қачон шариат ҳуқуқи ва қонунларига зид мажлис бўлмаган. “Меҳмонномаи Бухоро” асарида юридик масалаларни ҳал этишда хоннинг йирик уламолар ва қозилар билан қилган баҳслари ҳақида сўз кетади, жумладан, эгалари томонидан ташлаб кетилган ўлик ерларни ўттиз йиллар ўтиб бошқа киши обод қилса, эгалик ҳуқуқи қандай ҳал этилиши ҳақида Конигилда ўтказилган вақф мулкини ҳужжатлар асосида тиклаш билан боғлиқ мунозарада ворисликнинг асослари нима, қариндошлик, никоҳ хусусияти ёки васийлик, ота вафот этгач, ўғил ҳаётлигида неваранинг ворислик ҳуқуқи каби масалаларга бағишланган илмий баҳсларда иштирок этган. Уламо қозиларнинг фикр ва фатволарини тинглаб, масалаларни адолатли ҳал қилган. Жумладан, у эгалари ташлаб кетган ерларнинг, гарчи орадан ўттиз йил ўтган бўлса-да, эгалари маълум бўлиб, ерни ишлашга қайтсалар, уларнинг эгалик ҳуқуқини тан олиш фикрини қувватлайди. Бундай тадбирлар, бир томондан, мамлакат ободончилигига олиб келса, иккинчи томондан, давлат хазинасига солиқлар тушиб туришини таъминлаган.

Юқорида зикр этилган тарихий асар муаллифи Рӯзбехон Исфаҳоний фикр бобида ҳам ўз замонасининг би-

---

<sup>1</sup> Фазлуллаҳ ибн Рузбехон Исфаҳони. Меҳмонномаи Бухоро (Записки Бухарского гостя). М., “Наука”, 79-80-бетлар.

лимдон кишиларидан ҳисобланган. Убайдуллахон I мас-лаҳатчиси ва устозларидан бўлган бу зот раҳбарлигида “Мустаҳкам қалъа” номли ҳадислар тўпламини ўрганган. Мамлакатни бошқариш ишларидаги камчиликлардан норози бўлган Убайдуллахон олимга Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофеъий таълимотлари асосида фойдаланиш қулай бўлган шариат қоидаларидан иборат бир қўлланма тузишни топширади. Исфажоний хоннинг бу топшириғига биноан 1513–1515 йилларда унга бағишлаб давлатни бошқаришга оид қисқа ҳажмли ахлоқий-юридик “Сулук ал-мулк” – “Подшоҳларнинг хулқ-атворлари” номли қўлланма ёзади.

Олимнинг ўзи кўрсатишича, китоб саволларга жавоблар тарзида ёзилган бўлиб, унда давлат ишлари, мусулмонлар билан ўзаро муносабатларда, доруғалар тайинлашда, хирож, ушр, жузья каби солиқлар йиғиб олишда нималарга асосланиш лозимлиги ёритиб берилган. 15 бобдан иборат мазкур асарда мансабдорларни тайинлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқларни йиғиш тартиби, қўзғолонларни бостириш ҳақидаги қоидалар келтирилган.

Аштархонийлардан Субхонқулихон даврида (1680-1702) ҳам унинг фармонида кўра турли юридик масалаларни ҳал этиш учун қабодиёнлик муфтий томонидан мусулмон ҳуқуқининг асосий қоидаларидан иборат тўплам тузилган. Бу, албатта, ўзбек ҳукмдорлари ҳуқуқнинг қўлланилишини осонлаштиришга ҳаракат қила бошлаганликларини кўрсатади.

#### **4. Ҳуқуқий одатлар**

Гарчи Марказий Осиёда ҳуқуқнинг асосий манбаи шариат бўлса-да, у одат ҳуқуқининг яшашига чек қўя олмаган эди. Илмий адабиётларда ҳуқуқий одатлар ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-бирларидан фарқланади. Давлат томонидан тан олиниб, мустаҳкамланган ва ўз санкциясига эга бўлган одатларгина юридик одатлар ҳисобланади.

Академик В.В.Бартольднинг кўрсатишича, туркий тилда халқ маъносини “будун” деган сўз англатиб, “тура”

давлат маъносида ҳам ишлатилган. “Тура” — қонун билан бирлашган халқ оммаси, қонун деган маъноларни аналтаган.<sup>1</sup>

Марказий Осиёда ҳукмрон сулола бўлган турк-ўзбек ўтроқ ва чорвадор халқлари орасида жуда кўп турли одатлар, айниқса, давлат ҳуқуқий одатлари мавжуд бўлиб келган. Аммо улар ҳанузгача ўрганилиб, гуруҳлаштириб чиқилмаган.

“Одат” ёки “тура”лар мазмуни ва аҳамиятига қараб, гуруҳланиши мумкин. Ҳуқуқий одатлар ҳам ҳуқуқ тармоғига боғлиқ ҳолда бир неча гуруҳларга, жумладан, давлат ҳуқуқи, оила ва никоҳ ҳуқуқи, қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқи, армия ва давлатга оид одат ҳуқуқларига бўлинади.

**Давлат ҳуқуқий одатлари.** Туркий халқларнинг давлат ҳуқуқий одатлари – “тура”ларни ўрганишда тарихий асарлар манба бўлиб хизмат қилади. Бу манбалар классик тарихчиларнинг асарларида бизгача етиб келган ҳуқуқий одатлари, яъни хон кўтариш, ворис танлаш, вассалликни расмийлаштириш кабиларни ташкил қилиб, уларнинг пайдо бўлиши энг қадимги даврларга бориб тақалади.

Тилшунос олим Н. Раҳмоннинг “Турк ҳоқонлиги” китобида қадимги даврларда хон сайлаш (кўтариш) одати жуда қизиқарли ёритилган.<sup>2</sup> “Хитой манбаларига кўра, – деб ёзади олим, – туркийлар хонни тахтга ўтқазишда маҳсус маросим ўтказганлар: амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтқазиб, куёш юриши бўйлаб тўққиз марта айлантирганлар.”

Темур даврида ҳам давлат бошлиғини сайлашда шундай одат бўлганлиги жуда кўп асарларда ёзиб қолдирилган. Бу ҳол венгриялик машҳур тарихчи олим Ҳ. Вамберининг ҳам диққатини тортган. “Балхда йиғилган қурултойда (1369 йил 8 апрель), деб ёзади у, Темур қадимги турк одатига биноан оқ кигиз устига ўтқазилиб, юқори кўтарилди, фотиҳадан кейин у Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинди.”<sup>3</sup>

Оқ кигизга ўтқазиб хон кўтаришдек турк одати ўзбекларда XIX – XX асрларда ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳақда,

---

<sup>1</sup> Н. Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. Т., 1990, 49-бет.

<sup>2</sup> Н. Раҳмон. Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ҳ. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., 1990, 35-бет.

жумладан, Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг “Туркистон тарихи” китобида қайд этиб ўтилган. Китобда Қўқон хонлигининг ташкил топишини ёритаркан, унинг биринчи хони “Шоҳруҳхонни оқ наमतга солиб кўтариб, хонлик лавозимини сарафроз (муборак) қилибдурлар,” деб ёзади муаллиф. Бу қадимий хон кўтариш одати бўлиб, унга аниқ таъриф беради. “Аксар нусхамизда хон қилди деган ибора ўрнига хон кўтардилар лафзи ёзиладур. Онинг сабаби ўзбек русумича бир одамни хон қилмоққа иттифоқ қилгондан кейин ани оқ наमतга солиб, ул наमतни тўрт тарафидан тўрт улуғ мансабдаги одамлар кўтариб, тахтга кўядурлар. Бу расм ижро қилингандан кейин ул зотга хонлик исми итлоқ қилинадур. Бинобарин, хон кўтарди деб ёзиладур.”<sup>1</sup>

Шу парчалардан кўриниб турибдики, хонлик — давлат бошлиғи мутлақ ворислик билан эмас, маълум маънода насабли ва мансабли кишилар кенгашида танланиб, сайланиб, кейинчалик ҳуқуқий одат билан расмийлаштириладиган лавозим бўлган.

Турк халқларида тахтга ворислик масаласида уни эгаллаш тартиби бўйича ҳам ўзига хос одат бўлган. Юқорида номи келтирилган олим Н.Раҳмоннинг китобида бу одат “зинапоя усули” деб аталиб, моҳияти шундан иборат бўлганки, ота вафот қилганидан кейин ўғил тахтга ворислик қила олмайди, балки вафот қилган хоннинг укаси бўлмаган тақдирдагина ўғли даъвогар бўлиши мумкин. Шу одат Шайбоний ўзбекларида ҳам сақланиб қолган. Масалан, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур ва эронийларнинг кўп сонли қўшинларига зарба берган Убайдулло эмас, балки ёши катта бўлган Кучкунжи Султон (она томонидан Улуғбекнинг невараси) хон кўтарилиб, Самарқанд тахтига ўтирган. Тарихчи Хондамир Темур авлодларидан машҳур Султон Ҳусайн Мирзонинг дашт ўзбеклари хони ҳузурига ёрдам сўраб келиши муносабати билан (1467-1468 йил воқеаси) шундай урф-одат тўғрисида ҳикоя қилади: “Ўзбекларнинг урф-одатига кўра, Султон Ҳусайн келган куннинг эртаси унинг шарафига катта зиёфат берилган ва

---

<sup>1</sup> Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши, “Насаф”, 1992, 11, 15, 27-бетлар.

зиёфат вақтида ундан “тобуғ”<sup>1</sup> деб аталган маросимни, яъни хоннинг оёқларидан ўпишни бажариш талаб қилинган. Султон Ҳусайн аввал кишини бениҳоя камситадиган бу одатни бажаришдан бош тортган, кейин зиёфат давомида кайфи ошгач, “тобуғ”ни яхшилаб бажарган.<sup>2</sup> Бу одат ўрта асрдаги сюзеренлик – вассаллик одатининг рамзий расмийлаштирилиши (инвеститура) деб ҳисобланиши мумкин. Чунки шу одат ижро қилиниши билан Ҳусайн Бойқаро Абулхайрхоннинг ўзидан устуңлигини тан олган. Ўғлонлар, туман бошлиқлари ва аркони давлатнинг бу йиғилишида Султон Ҳусайнга ҳокимиятни қўлга киритишда ҳарбий ёрдам беришга қарор қилинган.

Тархонлик аҳолининг бутун бир гуруҳларига ҳам қўлланилиши мумкин бўлган. Жумладан, XVIII асрнинг охирида шариат ҳуқуқига оғишмай амал қилувчи Бухоро амири Шоҳмурод ўз подшолигининг бошларида Бухоро халқини шариатга хилоф барча солиқ ва йиғимлардан озод – тархон қилади. Унинг тархон ёрлиғи, ҳатто масжидларнинг деворларига ёпиштирилиб, эълон қилиб қўйилади. Ана шу тархонликка эътибор берган академик В.В.Бартольд, Шоҳмурод бу ерда шариат нормасини эмас, балки “кўчманчилик ҳуқуқий нормасини қўллади”,<sup>3</sup> деб баҳо беради. Шундай қилиб, тархонлик институти йирик аскарбоши, мансабдор шахслар, баъзан фуқароларнинг бир гуруҳига бериладиган одат ҳуқуқидан келиб чиққан институт бўлиб, кейинчалик улардан махсус имтиёзли табақа – тархонлар вужудга келган. Юқоридаги мисолда амир Шоҳмурод одат ҳуқуқини қўллаш билан бузилган шариат ҳуқуқи нормасини тиклаган, деб баҳолаш мумкин.

Ўтмишда жанговор, ҳарбий ҳаркатларда моҳир бўлган туркий халқларда **ҳарбий одатларнинг** устувор мавқеи боис ҳарбийлар ҳаётига оид айрим масалалар одат ҳуқуқ-

---

<sup>1</sup> “Тобуғ” сўзи эски ўзбек тилида бўйсунуш, хизмат этиш маъносини англатган.

<sup>2</sup> Б. А. Аҳмедов. Кўчманчи ўзбеклар давлати. Т., 1992 “Ўздавнашр”, 68-бет.

<sup>3</sup> В. В. Бартольд. Работа по истории и филологии тюркских и монгольских народов. Соч. Т. V, М., “Наука”, 1968, 182-бет.

лари билан тартибга солинган. Жумладан, дашт ўзбекларида бирон-бир хурсандчилик муносабати билан катта байрамлар уюштириш, ундан кейин жанқи (ёки чанғи) қуриш ва унда яқин орада бўладиган муҳим режаларни, масалан, бирор давлатга, қарши уруш ҳаракатларини олиб боришни муҳокама қилиш одати бўлган. Рўзбехон Исфаҳонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида кўрсатилишича, 1508 йилда чақирилган ана шундай “жанқи”да фақат султонлар иштирок этишиб, Жонибек Султон авлодлари Мовароуннаҳрга босқин қилганликлари учун унинг юртига юриш бошлашга келишиб олинган. Мазкур машварат ҳарбий одатларга асосланган ҳарбий кенгаш деб ҳисобланиши мумкин.

Ўзбек қўшинларида гаровга олиб туриш ҳам жуда кенг қўлланилиб, гаровга олинган шахсларни ўлдириш, қул қилиш, сотиб юбориш ёки бошқа шахслар билан келишиб, қўйиб юбориш мумкин бўлмаган. Гаровга олиш баъзи ҳолларда “оқ уйлик қилиб олиб кетиш” деб аталиб, узоқ муддатларга – ойлар ва йилларга чўзилган. “Оқ уйлик қилиб олиб кетилган (Бухоро амири томонидан) Хўқанд умароларидан Шоди додҳоҳ бир неча бошқа умаролар билан амир қўшинидан қочиб, Хўқандга Шералихон хизматига келибдур,” – дейилади Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг юқорида зикр этилган асарида (53-бет). Ўзбек хонлари тарихларига оид манбаларда бундай одат амалини исботловчи мисоллар кўплаб учрайди.

**Солиқ ва йигимларга оид одатлар.** Марказий Осиё му сулмон аҳолиси орасида исломга умуман алоқаси бўлмаган одатларнинг ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, деҳқон дон экинларини ўриб, янчиб бир уюм хирмон қилгач, бу уюм саркорнинг келишига қадар дахлсиз ҳисобланган. Унинг вазифаларидан бири галланинг солиқ сифатида олинадиган қисмини ўлчашдан иборат эди. Аммо, одатга кўра, саркор ўз вазифасига киришмасиданоқ дон етиштирган деҳқон унинг бир қисмини ўз қишлоғига ёки маҳалла масжидига ёхуд ўзи эътиқод қиладиган бирор мазор шайхи ҳиссаси (ҳаққи-улли)га ажратган. Курьонда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, янги етиштирилган ҳосил шу йўл билан поклаб олинади, деб ҳисобланган. Вақт ўтиши билан Марказий Осиёда Худо

йўлига олинадиган бу ушр солиғи хирож ва таноб каби оддий давлат солиқларига айланди, биринчиси экин майдонларидан, иккинчиси боғлардан, узумзорлардан, полиз ва бедазорлардан олинган ҳосилнинг бешдан бир, ҳатто учдан бир қисмигача тўғри келган.

Ҳар бир мадраса (олий диний ўқув юрти) унга асос солган киши томонидан берилган ёки аҳоли ўз хоҳиши билан инъом этган ва кўп ҳолларда қўзғалмас мулк тарзида бўлган вақфга эга бўлган. Вақфни бошқариш мутаваллиларга топширилган бўлиб, улар мулкнинг фойдаланилиши, қўриқланиши, ижарага берилиши, вақф даромадларининг бўлиниши устидан назоратни амалга оширганлар. Кўпинча, даромаднинг тақсимланиши вақфни васият қилган шахс томонидан тузилган вақфномада кўрсатилган. Ана шу ёрлиққа асосан, мутавалли вақф мулкнинг бир йиллик янги даромадидан ўндан бир ҳиссасини хизмат ҳақиға олган. Шу билан бирга, мадраса мутаваллиларининг ишини аста-секинлик билан назорат қилиш мақсадида бош мутавалли мансаби жорий қилинди, аммо уларнинг маоши тўғрисида гапирилмайди. Ҳукумат унга маош тўламаган, одатга кўра, мутаваллибоши ўзига бўйсунган ҳар бир мутавалли йиллик даромадининг ўндан бир қисмини олган.

**Оила ва никоҳга оид одатлар.** Турк халқларида оиланикоҳ муносабатлари шариат ҳуқуқи билан тартибга солинган, аммо шунга қарамасдан, бу борада ҳам кўпгина одатлар мавжуд эди. Жумладан, оилага, хотинларга тил теккизиш катта гуноҳ ҳисобланган. Ҳатто хотин-қизларнинг исмлари талаффуз қилинмай, ҳар бирини бошқа бир ибора билан аташган. Масалан, хотинларни бош фарзандининг исми билан чақириш одати бизгача сақланиб қолган. “Хотинларга тил теккизиш чифатойларда ва турк қабилаларида энг катта гуноҳ бўлиб, оила ҳақиға қилинган хиёнатдан ҳам азимдир.”<sup>1</sup> Бу қадимий одат барча туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар онгидан ҳозиргача чуқур жой олиб келмоқда.

---

<sup>1</sup> **Ибн Арабшоҳ.** Темур тақдирида тақдир ажойиботлари. Т., “Меҳнат”, 1992, 1-жилд, 258-259-бетлар.

Туркий оилаларда вафот этган аканинг оиласини сақлаб қолиш, болаларини боқиб, катта қилиш учун унинг бева қолган хотинига укаларидан бири уйланган. Бу эски одат ҳатто туркий халқларнинг қадимги авлодлари – хуннларга бориб тақалади. Жумладан, олим Н.Я.Бичурин Хитой манбаларига таянган ҳолда, уларда шундай ҳуқуқий одат бўлганлигини ёзиб қолдирган. Бундай ҳолда хотин “есир” деб аталиб, “есирлик” одат ҳуқуқлари, тура билан тартибга солинган. Б.Аҳмедовнинг “Улуғбек” номли асарида бунга оид қизиқ диалог келтирилган. Бир куни Улуғбек йирик руҳонийлардан бўлган Абдулфатҳ Дайлар билан суҳбатлашиб ўтирганида унинг ҳузурига бир аскар арз билан киради. “Оғайним вафот топиб, хотини бева қолди. Андин икки сағир ва ўртаимёна бир ҳовли-жой қолган. Урф-одатга кўра, мен ўша бевани хотинликка қабул қилишим, сағирларга ота бўлмоғим лозим. Лекин, билъакс, зайифа кўнмайин турадур, бир баззозни ихтиёр қилган эмиш”, деб ундан мадад сўрайди. Дастлаб Улуғбек унинг талаби қондирилиши ҳақида ҳукм қилади, аммо дин пешволари Абдулфатҳ Дайлар “Сипоҳнинг хотин хусусидаги талаби шариатга хилофдир. Оға ўлгач, бевасини олишлик урфий бир нарса”<sup>1</sup> эканлигини, шариатга кўра, никоҳ ҳар икки тарафнинг розилиги билан бўлишини уқтиради. Улуғбек шариат кўрсатмаси билан келишмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам аввалги ҳукмини бекор қилади. Ушбу мисолдан мазкур урф-одат шариатга зид бўлмаслиги лозимлигини, ҳуқуқий муносабатни тартибга солиш учун қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Бу одат аста-секинлик билан Дашти қипчоқ ўзбекларида ҳам йўқолиб борган.

**Қишлоқ ҳўжалигига оид одатлар.** Бу борадаги ҳуқуқий одатлар сув, ер ўлчамлари, уларни юритишда одат ҳуқуқига риоя қилиш, ҳамма жойда ягона, ҳатто бир одатга эмас, қайси жуғрофий ҳудудда қандай одат бўлса, ўшанга риоя қилиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз ичига олган. Бунга Боди Девоннинг “Мажмаъ ал-арқам” асаридаги кўрсатма мисол бўла олади. “Агар амир улуфа учун жангчиларга вилоят ерларидан суюрғол ёки танҳо совға қилган

---

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Улуғбек. Т., 1989. 124-125 бетлар.

бўлса, мудабир бу ерларни мамлакат ҳукмдори ва одатларига мувофиқ дафтарга ёзиши керак. Бухорода ерларнинг миқдорини ўлчаш жариблар орқали бўлгани учун таноблар сонини ёзиш керак, ерларни пайқаллар билан ўлчаш қабул қилинган бўлса, пайкал деб ёзиш керак, “қўш ҳўкиз”, “жуфтигоз” ер ўлчам миқдори қабул қилинган бўлса, шундай, сувнинг миқдори ер ўлчов миқдори қилиб белгиланган бўлса, сув миқдор белгиси асосида ёзиш лозим”,<sup>1</sup> – дейилади. Аммо ҳар қандай ўлчам дафтарга ёзилганда, одат ҳуқуқининг сақланиши ҳақида кўрсатма берилади.

**Қовун сотиш.** Полиз бошида қовун сотиш одат бўлмай, у ерга келган киши тўйгунича еб кетиши расм бўлган, олиб кетиши мумкин эмас эди. Бу ҳақда “Бобурнома”да ҳам маълумот бор. Жумладан, Бобур Андижон қовунларини мақтаб: “Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас”, – деб ёзади.<sup>2</sup>

**Юртчилик одати.** Бу одат қарзини тўлай олмаган қарздорнинг қарзларини унинг қариндошлари ўзаро бўлиб олиб, тўлашлари билан белгиланади. Бундан бош тортган қариндош лозим ҳолларда ўзи ҳам ана шундай ёрдам олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

**Ўзаро ёрдам.** Ўзбек-қозоқларда амалда бўлиб, **жилу одати** деб юритилган. Бу қаҳатчилик ёки табиий офат оқибатида ўз мол-ҳолини йўқотган, қийналиб қолган қариндошларга қорамоллар бериб ёрдам кўрсатиш одатини бажаришдан бош тортган қариндош зарур бўлганда ўзи ҳам шундай ёрдамдан маҳрум этилган.

**Ҳамкорлик (ўртоқлик) одати** – жамоа ёки қариндошлар ўртасида кўпроқ қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни бажаришда, масалан, беда ўриш, қудуқ ёки ҳовуз қазиш, уй-жой қуришда (ҳашар дейилади) ёрдам кўрсатишдан иборат. Ундан бош тортиш, ўз навбатида, шундай ёрдам олиш ҳуқуқидан маҳрум қилган.

Давлат ва жамият ҳаётини тартибга солувчи муҳим манбалардан бўлиб хизмат қилиб келган ўзбек одат ҳуқуқи нормалари вақт ўтиши билан ўз ўрнини замонавий

---

<sup>1</sup> Боди Девон. Мажмаъ ал-арқам. 52-бет.

<sup>2</sup> Бобур. Бобурнома. Т., “Юлдузча”, 1991, 6-бет.

хуқуқ қоидаларига бўшатиб берди. Улар ўрнини турли қонунлар эгаллади.

## 5. Ҳунармандларнинг рисоалари (низом)

Ўзбекистон доирасида яшаган халқлар орасидан етишиб чиққан минглаб усталарнинг довруғи оламга машҳур. Улар ясаган буюмлар кундалик эҳтиёж молларигина эмас, балки буюк санъат асарлари сифатида ҳам асрлар мобайнида қадрлаб келинган. Фарғонада яратилган шоҳи-атласлар, Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғозлар, Бухоронинг заргулли кийимлари, Тошкент қуролсозларининг қурол-аслаҳалари, чўян қуювчиларининг буюмлари, Хоразм гиламлари Ўрта ва Яқин Шарқда жуда машҳур бўлган. Ўрта асрларда, Темур ва Темурийлар даврида ҳамда шундан кейин юксак даражада ривож топган ҳунармандчиликнинг юзлаб турлари бўлиб, улардан темирчилик, мисгарлик, қандакорлик, тикувчилик, эгарсозлик, қуролсозлик, наққошлик, дурадгорлик, заргарлик ва бошқалар, айниқса, машҳур бўлган. Амир Темур замонида металл қуйиш ҳам анча тараққий этган. Тошкент яқинида қадимги руда конлари очилиб, Оҳангарон темирчилар шаҳарчаси қурилган. Соҳибқирон фармони билан Аҳмад Яссавий мақбараси учун қуйилган оғирлиги икки тонна, баландлиги 1 м. 25 см. бўлган назр-ниёз қозони ҳозирда ўз жойида – Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасида сақланмоқда. Юксак санъат ва маҳорат билан ясалган буюмлар, бунёд этилган обидалар ўтмишда ватанимизда ҳунармандчилик юқори даражада раванқ топганлигидан дарак беради. Ҳунармандчилик сирлари отадан болага ўтиб келган. Ҳунар аҳлининг ўз уюшган ташкилотлари ва рисоалари (низомлари) бўлиб, XV-XVI асрларда улар орасида усталар, оқсоқоллар, халифалар, шоғирдлардан иборат ижтимоий табақаланиш мавжуд эди. Бойроқ усталар ўз устахонаси ва хом ашёсига эга бўлган, ўрта ҳоллари эса феодалларнинг устахоналарида ишлашган. Ҳунармандларнинг ўз ташкилотлари бўлиб, устахоналар-цеҳларда ўз-ўзини бошқариш қоидалари амал қилган, уларда ишлаб чиқариш шакллари ҳамда аъзолари ўртасидаги муносабатлар қатъий белгилаб қуйилган. Ҳунармандлар, одатга кўра, баъзи шакллари бўйича дарвешлик тариқига яқин келувчи диний қарин-

дошлик характерига эга жамоаларга бирлашганлар. Марказий Осиёда ҳатто арабча “таҳия” номи билан аталган<sup>1</sup> бу жамоалар фаолиятини тартибга соладиган қоидалар “рисола” деб юритилиб, деярли ҳар бир касб, ҳунарнинг ўз рисоласи – қоидалар тўплами бўлган. Фанда бу рисоалар (ёки низомлар)нинг ҳуқуқий аҳамияти жуда кам ўрганилган. Рисоалар авлоддан-авлодга ўтиб, усталарнинг оилаларида сақланиб келган. 1936 йилда Бухорода уста Абдураҳим Ҳафизовдан олинган XIX асрга оид ўймакор наққошлар ҳақидаги рисола шулардан биридир. Мазкур касбдаги усталарнинг маънавий, ғоявий анъаналари ҳамда уста ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар ўз ифодасини топган низомлар тўпلام ҳолида ҳам кўчирилган. Асримиз бошларида кўчирилиб, дурадгорлар авлодида сақланиб келган шундай тўпламлардан бири – темирчилар рисоласи рисола танишиб чиқишда равшан бўладики, бундан низомлар, энг аввало, маълум касбдаги ҳунармандларнинг ғоявий-маънавий кодекси бўлиб хизмат қилган. Жумладан, темирчилик касбининг келиб чиқиши, унинг улуғлиги, ҳар бир меҳнат маҳсулотини бажаришга нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек, иш жойини тоза тутиш, хайр-эҳсон қилиб туриш, пир ва устозларни эслаб туриш ва бошқа қоидалар ифода этилган. Албатта, шу жиҳатдан уни аниқ бир доирага оид масалаларга бағишланган рисолага тенглаштириш қийин. Аммо устоз-шогирдлик, мустақил уста ҳуқуқини олиш масалаларида рисоалар юридик аҳамиятга ҳам эга бўлган. Шу маънода рисоалар Ўзбекистонда ҳунармандчилик борасидаги ижтимоий-ҳуқуқий манбалардан бири деб ҳисобланиши мумкин.

## **6. Хужжатлар ҳуқуқни ўрганиш манбалари сифатида**

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихидан бизгача бой маданий илмий-тарихий мерос етиб келган. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўл-ёзмалар фондида туркий, араб, форс тилларида турли

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. Т., “Фан”, 1956, 16-бет.

даврларда битилган минглаб жилдаги қўлёзма ва тошбосма асарлар, турли ҳужжатлар сақланмоқда. Уларнинг бир қисми шарқшунос, тарихчи олимларимиз томонидан рус тилига изоҳлар ва кўрсаткичлар билан таржима этилиб, тематик шаклда нашр қилинган ҳамда тарих дарсликлари ва илмий тадқиқотларда фойдаланилган. Бу ҳужжатлар юридик фан тармоқлари бўйича баҳоланадиган бўлса, улар фуқаролик ва ер ҳуқуқий, суд-нотариал муносабатларига оид эканлиги аён бўлади.

Аммо юридик илмий жамоатчилик ҳали уларни ўрганишга етарли эътибор бераётгани йўқ. Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба бўлган бу ҳужжатлар давлат бошлиқларининг фармонлари, тархон ёрлиқлари, вақфномалар, савдо васиқалари, суд-нотариал ҳужжатлари, шартномалар, далолатнома ва бошқалардан иборат. Ҳозирги Ўзбекистон доирасида давлат ҳужжатлари, айниқса, фармон, машшур ва ёрлиқлар чиқарилишининг эътиборга лойиқ анъаналари шаклланган. Амир Темур давлати идораларида фармонлар ўзига хос янги сўз боши – сарнома усулида (масалан, “Султон Маҳмудхон номидан Амир Темур Кўрагон сўзимиз” каби жумлалар) билан бошланган. Уни берувчини ҳукмдор сифатида намоён этадиган бу усул кейинчалик Шайбонийлар даврида ҳам кенг қўлланилган. Мусулмон ҳуқуқининг кодкеслаштирилмаганлиги, “Мухтасар” сингари қўлланмаларнинг камчилиги учун ҳам бу ҳужжатларни шакли ва мазмуни, матншунослик, атамаларнинг қўлланилиши ва ҳуқуқ тармоқлари жиҳатидан таҳлил қилиш ўша давр ҳуқуқи тарихини ўрганишда катта фактик материал беради. Чунки, ҳужжатларда улар тааллуқли бўлган даврнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари ва юридик ҳаёт яққол акс этган. Шунинг учун ҳам уларни ўрганмай туриб, Ўзбекистон ҳуқуқи тарихини тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур ҳужжатлар оддий бирор нарсанинг – давлат хазинасидан бериб юборилиши кўзда тутилган билга (чек)лардан тортиб юзлаб саҳифаларни ташкил қиладиган кириш, асослаш, шартларни кўрсатиш, қарор ва сиджил (гувоҳлантириш) қисмларидан китоб шаклидаги вақфномалардан (Шайбонийхон вақфномаси) ёки най тарзида ўралган, узунлиги бир неча метрли ёхуд тумор деб аталувчи ўрамлардан

иборат бўлиши мумкин. Ҳуқуқни ўрганиш манбаи сифатидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уларнинг баъзилари хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Туркистоннинг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тарихини ўрганишда XV-XVI асрлардаги **Самарқанд (вақф) ҳужжатлари** тўплами диққатга сазовор манбалардандирки, бир тарихий шахс фаолияти ва бир мавзуга, вақфга оид ҳужжатлардан иборат бу мажмуани шарқшунос олима О.Д.Чехович рус тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлаган.<sup>1</sup> Ундаги Ўрта Осиёнинг машҳур диний арбоби Убайдулло ўғли Хожа Аҳрорга (1404-1490) тааллуқли бўлган ва олди-сотдига ҳамда вақфга оид 18 та юридик ҳужжат Ўзбекистон Марказий Давлат архивидан ва бошқа жойлардан топилиб, тўплам ҳолига келтирилган. Улардан ўн иккитаси Хожа Аҳрор ҳаётлигида, қолганлари эса вафотидан кейин тузилган вақф мулкига бўлган ҳуқуқларни тасдиқлаш, қўриқлашга доир ҳужжатлардир. Саккизтаси уй-жой, ер мулки, ҳаммомлар, дўконлар ва бошқа мулклар сотиб олинганлиги ҳақидаги васиқалардан иборат. Бошқа бештаси шу мулкларнинг Хожа Аҳрор томонидан вақфга айлантирилиши, мугавалли (вақф бошқарувчиси)ни тайинлаш, вақфга айлантириладиган мулкларнинг тури, жойлашган ери, ундан келадиган даромадларнинг тақсимланиш тартиби масалаларга бағишланган. Албатта, вақт ўтиши билан турли ҳукмдорлар даврида у ёки бу мулк вақфми ёки вақф эмасми, бошқарувчиси ким, деган баҳсли муаммолар пайдо бўлиб турган. Уларнинг юридик жиҳатдан ҳал этилганлигига тўпламдаги 13-14-ҳужжатлар мисол бўла олади. Ҳужжатларда келтирилган қўзғалмас мулкларнинг вақф қилинганлигини тасдиқлаш ҳақида қўзғатилган даъвонинг Тошкент, Самарқанд бош қозилари ҳузурида ечим топганлигига оид қайд (протокол) ҳамда қозининг гувоҳлар кўрсатувларидан кейинги қарори берилган. Бу ҳолатларда биз вақф мулкидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар суд йўли билан ҳимоя қилинишини кўраимиз. Баъзи ҳолларда вақф мулки ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбу-

---

<sup>1</sup> Самарқандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Факсимильн. изд. Крит. текст, перев., введ., примеч. и указатели О. Д. Чехович. М., "Наука", 1974.

рийтлар энг олий даражада, давлат бошлиғи томонидан инъом ёрлиғи ёки билга (фармон) бериш йўли билан ҳам ҳимоя қилинган.

Шундай қилиб, ҳужжатлар тўплами мазмунига кўра, ўша даврдаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари, хусусан, вақф мулкининг ҳуқуқий ҳолати ҳамда унинг суд ва давлат йўли билан ҳимоя қилиниши масалалари, иш юритиш ҳамда ҳужжатларнинг шаклларини ўрганишда муҳим манба сифатида ишончли маълумотлар беради.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихига оид юридик ҳужжатлар орасида энг кўп тарқалганлари вақфномалар бўлиб, юзлаб йиллар ўтганлигига қарамай, бизгача ҳатто уларнинг асл нусхалари етиб келган. Улар орасида “Вақфнома” ёки “Ҳазрат Шайбонийхон вақфномаси” деб аталувчи ҳужжат ўзининг даври, таъсис этилиши, шартлари ва тузилиши жиҳатидан алоҳида ажралиб туради, у бизгача юз саҳифадан ортиқ китобча шаклида муқоваланган ҳолда етиб келган мураккаб тузилишдаги ҳужжатдир. Агар Хожа Аҳрорга тегишли ва бошқа вақф ҳужжатлари бир неча ҳужжат, инъом ёрлиқларидан иборат бўлса, бу ҳужжат катта ҳажмли ягона вақфномадир. Унинг матни олима Р.Г.Мукминова томонидан таржима қилинган ва ер муносабатларига оид қисми тадқиқ этилиб, факсимилеси билан нашр этилган.<sup>1</sup> Шайбонийхон сулоласи ғолиб сифатида Темурийлар сулоласининг мулкларини, жумладан, уларнинг хизматида бўлган Муҳаммад Боқи Тархон мулкларини мусодара қилиш, сотиб ёки эгаллаб ёхуд ҳадя тарзида олиш, ҳўжалик юритиш натижасида кўпайтириш йўли билан жуда катта ер, сув, мол-мулкка эга бўлган. Мазкур вақфнома кўп миқдордаги кўзгалувчи ҳамда кўзгалмас мулкларнинг Самарқанддаги Шайбонийхон ва унинг ўғли Муҳаммад Темур султоннинг хотини Меҳр Султонхоним (Маҳли Улò) томонидан қурдирилган кўш мадрасалар фойдасига ўтказилишини юридик расмийлаштирган ҳужжатдир.

1510 йилда Шайбонийхон ва 1514 йилда унинг ўғли Муҳаммад Темур Султон ҳалок бўлганларидан кейин, Меҳр Султон хоним қурилиши тугалланмай қолган

---

<sup>1</sup> Р. Г. Мукминова. К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. по материалам “Вафнаме” Т., “Фан”, 1966.

Шайбонийхон мадрасасини битказиб, ўзи ҳам унинг қаршисида мадраса бунёд эттирган. Қўш мадраса ўрта-сида Шайбонийлар даҳмаси қурилади. Шунга қараганда, тадқиқотчи олима Р.Г.Мукминованинг мазкур ҳужжат XVI асрнинг 20-йилларида тузилган, деган фикри тўғри бўлса керак. Мадрасалар фойдасига ўтказиладиган мулкларнинг бир қисми пойтахт шаҳар бўлган Самарқандда, бир бўлаги эса унинг атрофида, вилоятнинг юқори томонидаги Шовдор туманида, бир қисми Кеш (Шаҳ-рисабз) ва Қаршида бўлган. Бунга ҳаммомлар, савдо дўконлари, новвойхоналар, бутун жиҳозлари билан сопол буюмлари сотадиган дўконлар, гўшт ҳамда ҳарротлик (слесарлик) дўконлари, ҳовлилар, қоғоз ишлаб чиқарувчи тегирмонлар (қоғоз жувозлари), иккита қоғоз устахонаси, ҳужралар, экин майдонлари, алоҳида ер майдонлари, тегирмонлар ва бутун-бутун қишлоқлар кирган.

Вақф мулкларини бошқариш жараёнида уларни ҳис-садор фойдаланиши учун ижарага бериш орқали даромад олиш мумкин бўлган. Бунда вақф мулкнинг ижараси уч йилдан ошмаслиги, шунингдек, ижара ҳақи белгиланганидан ошиқ ёки кам бўлмаслиги лозим эди. Мазкур ҳужжатнинг ўзига хос шартлари ҳам бор. Масалан, ишланадиган ерлар ҳар қандай давр ва вақтда ҳам хонлар, султонлар, амирлар хизматида бўлган кишилар, суюр-ғолдан фойдаланувчи амалдорлар томонидан ишланиши мумкин бўлмаган.

Вақф мулкидан келадиган даромадлар шу мулкни ривожлантириш, кенгайтиришга, мадрасаларни таъмирлаш, ашёлар билан таъминлашга, мударрислар, талабалар, ҳофизларга маош тайинлашга сарфланган. Ҳужжатнинг сўнги, тасдиқловчи қисмида ҳар ўн йилда хон ҳузурида – бош қози, шайхулислом ҳамда ўша даврнинг таниқли кишилари олдида унинг аслидан нусхалар кўчирилиб, янгитдан тасдиқланиши лозимлиги кўрсатилган. Бунда вақф таъсис қилиш вақтида қўйилган шартлар ўзгармаслиги мустаҳкамланган. Шундай қилиб, Шайбонийхон вақф ҳужжати катта ҳажмдаги, ўзига хос мурқаб юридик ҳужжат бўлиб, унинг мазмунини ўрганиш қўйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Бу ҳужжат ўз даврининг мулкый муносабатларини акс эттирган, хайрия мулкый муносабатларини вужудга келтирадиган, фойдаланадиган, тасарруф этадиган ҳужжатдир.

2. У Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини ўрганиш манбаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

3. Ўз табиатига кўра, вақф мулки Фарбий Европадаги “Муҳофазаланган ҳуқуқ”қа ўхшаб кетади. Вақф – унинг таъсис этувчиси, бошқарувчиси ва истеъмолчисидан бошқа учун тақиқланган мулкдир.

4. Ўрта асрларда катта-катта мулк эгалари, бир томондан, хайрия мақсадларида, иккинчи томондан, вақф мулкининг табиатидан келиб чиқиб, ўз мулкларини кўриқлаш мақсадларида ҳам вақф имкониятидан фойдаланганлар.

**Васиқалар тўплами.** Васиқа кўп тарқалган юридик ҳужжатлардан бўлиб, унга кўра, маълум шахснинг муайян мулкка эгалик ҳуқуқи қози томонидан гувоҳлантирилиб, тасдиқланган бўлади.

Аммо васиқалар фақат шу билан чегараланмаган, гарчи оқибат натижада барчаси мулкка бориб боғланса-да, мулк ҳуқуқи масалалари доирасида қолмаган. Аввалги суд органларидан нотариал ҳаракатлар (гувоҳлантириш) ажратилмаганлиги учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган деярли барча юридик ҳаракатлар (актлар) содир этилганлиги ҳақида қози томонидан гувоҳлантирилган васиқа берилиши мумкин бўлган. Бунга қуйида биз тўхталадиган тўплам ҳам далил бўла олади.

Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлатларни, хусусан, Шайбонийлар давлати ва ундан кейинги ижтимоий-сиёсий тузум ҳуқуқий муносабатларини ўрганишда шариат ҳуқуқи билан бир қаторда дунёвий суд-нотариал ҳужжатларининг тўпламлари катта роль ўйнайди. Булар ичида “Мажмаъ ал-васоиқ”, яъни “Васиқалар тўплами” ҳам ўзига хос ўринга эга.<sup>1</sup> Бунда 1588-1591 йилларда тузилган 735 та суд-нотариал ҳужжати жамланиб ва

---

<sup>1</sup> Васиқалар тўплами. Т., “Фан”, 1982.

улардан 237 таси форс тилидан ўзбек тилига шарқшунос олим Баҳром Иброҳимов томонидан таржима қилиниб, 1982 йилда нашр этилганлиги тарихий-ҳуқуқий ёдгорликлар сифатида катта аҳамиятга молик воқеа бўлди. Аммо, шунга қарамасдан, бу ҳужжатлар республикамиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан кам ўрганилганлигини ҳисобга олиб, шулар хусусида кенгроқ тўхталамиз.

Ҳужжатларнинг ҳаммаси Марказий Осиёнинг XVI асрдаги, хусусан, Шайбонийлар давридаги ҳаётига, Самарқанд шаҳри ва унга қарашли туманларга тегишли бўлиб, юқорида қайд этилганидек, кўпгина ижтимоий-сиёсий ҳамда юридик масалаларни ўз ичига олади.

Тўпلامда шогирдликка оид 25 та ҳужжат бўлиб, уларнинг моҳияти шундаки, шогирдлик ижтимоий-сиёсий масалаларни ўрганишда катта аҳамият касб этган. Шуни айтиш керакки, уста касб ўргатишга шошилмаган. У фотиҳа бериш маросимни атайлаб кечиктириб, шогирднинг кучидан имкон борича кўпроқ фойдаланган. 679 ҳужжат – фарзандликка бериш васиқасида кўрсатилишича, ота-она ўз фарзандини ёки боланинг яқин кишилари уни муаллимнинг олдига олиб бориб, “болага оталиқ кўрсатиб, унга тарбия, хат-савод беринг, шариат қоидаларини ўргатинг”, дея таълим ҳақи, боланинг кийиниши ва кундалик овқатланиши учун зарур пул берган. Бир ярим–уч динор миқдоридаги бу пулнинг бир қисмини муаллим боланинг кийиниши ва овқатланиши учун сарфласа, қолган қисмини “таълим ҳақи” деб ўзига олиб қолган. Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, ўша пайтда шогирдликка бериш, ўғил қилиб олиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунлар бўлмаган, шартномалар бу каби ёшлар кучидан, меҳнатидан хоҳлаганча фойдаланишга имкон берган. Жуда кўп ҳужжатлар қулликни бекор қилишнинг турли йўлларига оид бўлиб, мазкур ҳужжатларга кўра, бу йўллар қуйидагилардан иборатдир.

Маълумки, қулликда яшаган ота-онадан туғилган бола ҳам хўжайиннинг қули ҳисобланиб, бошқа қуллардан фарқли ўлароқ, бундай қуллар “хоназот қуллар” деб аталган. Хоназот қул ва чўриларни хўжайинлар бировга

ҳада этиши, ижарага ва ҳар хил юмушларга бериши мумкин бўлган, ammo уни сота олмаган.

“Мажмаъ ал-васоиқ”да зикр этилган ҳужжатларнинг бир қисми озодлик ҳолатини тасдиқлаш масаласига бағишланган. Баъзида асли қул ва чўри бўлмаган одамларга нисбатан “бу қул эди” деган маънодаги даъво-можаролар бўлиб турган. Бу тўғрида ҳам анчагина ҳужжатлар бор. Улардан англанишича, баъзи бой ва зўравон кишилар асли қул бўлмаган шахсларни, озод ота-онадан туғилган йигит ва қизларни мажбуран ўз қулига айлантиришган ёки қул қилиб сотиб юборишган ҳоллар ҳам бўлган. Ана шундай вақтларда асли озод бўлган шахс гувоҳлар билан қозига мурожаат қилиб, озодлик ҳолатини тасдиқлаб берадиган васиқа олган.

Талоқ “Мажмаъ ал-васоиқ”да зикр этилган масалалардан яна бири бўлиб, 17 та ҳужжат шунга бағишланган. Тўпламда келтирилган бу ҳужжатлар оила ва никоҳ ҳуқуқи тарихи билан қизиқувчилар учунгина эмас, балки бутун Марказий Осиёнинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳамда ҳуқуқ тарихини ўрганувчилар учун ҳам муҳим вазифани ўташи мумкин.

Мазкур ҳужжатлар Самарқанд қозихонасида қози ул-кузотнинг ноиби ҳузурида ёзилган ва аввал мазмун жиҳатидан гуруҳланиб, алоҳида дафтарга киритилган. Кейинчалик эса ундан кўчирма берилган. Бу баъзи бир тадқиқотчиларнинг қозихоналарда иш юритишнинг тартибсизлиги ҳақидаги фикрларига қарши равишда, аксинча, иш маълум тартиб-қоидалар асосида юритилганлигини кўрсатади.

**Савдо-сотик ва ҳада ҳақидаги васиқалар.** Ўрта асрларда шариат арбоблари катта ер, сув мулкларига эга бўлиб, давлатни бошқариш ишида ҳам муҳим ўрин эгаллаганликлари юқорида Хожа Аҳрор мисолида кўриб ўтилди. Шайбонийлар сулоласи даврида давлатда мавқеи ғоят юксак бўлган руҳонийлар сулоласи – Жуйбор хожалари – Исломохожа, Саъдихожа, Тожиддинхожалар ўз замонасининг жуда катта ер-сув мулкларига эга ғоят бой-бадавлат кишилари бўлишган. Улардан мол-мулклар вужудга келишига, хўжалик юритиш масалаларига оид жуда кўп (аксарияти бир хилдаги) ҳужжатлар етиб келган. Россия-

лик олим П.П.Иванов уларни ўзбек, форс тилларидан рус тилига ўгириб, тадқиқ қилган ва тўплам ҳолида нашр эттирган.<sup>1</sup> Тўпламда савдо-сотик, ҳадя, мулкни ўтказиш, гувоҳлик бериб тасдиқлашга оид 385 та ҳужжат бўлиб, улар Шайбонийлар даври ижтимоий-сиёсий тузуми, фуқаролик, ер, савдо ҳуқуқий маносабатларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳужжатлар шуни тасдиқлайдики, Шайбонийлар 1499-1507 йилларда бутун Марказий Осиё, Хуросон ва Афғон Туркистонини босиб олган бўлсалар-да, Темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий тузумни сақлаб қолганлар. Бу ҳолни Жуйбор хожалари фаолиятида кўриш мумкин. Тўпламдаги Исломхожа ва унинг икки авлодига алоқадор ҳужжатлардан маълум бўладики, Искандархон, шунингдек, унинг ўғли Абдуллахон II Исломхожани ўзларининг диний пирлари деб билганлар. 1557 йилда Абдуллахон II Бухорони қўлга киритишида Исломхожа уни қувватлаб туради. Шу туфайли Жуйбор хонлари Шайбонийлар даврида жуда катта мулкдорларга айланадилар. Жумладан, Исломхожанинг Бухоро, Миёнкол, Қарши ва Қоракўлда, Марвда 300 қўш ҳўкиз ҳайдайдиган ерлари (П.П.Ивановнинг фикрига кўра, 1 қўш ҳайдайдиган ер 50 танобга тенг) ёки жами 15000 таноб ери, 10000 қўйи, 700 оти, 500 туяси ҳамда 7000 ашрафи пули, 104 савдо дўконлари ва устахоналари, 7 тегирмони бўлган.

Бу тўпламдаги ҳужжатлар ўша даврга оид кўчар ва кўчмас мулкларни сотиш, савдо-сотик шартномаси, ҳадя шартномаси, уларнинг юридик расмийлаштирилиши каби аниқ масалаларга бағишланган. Шу билан бирга, Абдуллахон II Исломхожанинг ўғли Саъдига ер-сув, уй-жойлар, боғларни ҳадя этиш ҳақида чиқарган фармон ва шу мулкларни “тархон қилиш” тўғрисидаги ёрлиқлар ҳам тўпламдан ўрин олган. Улардан аён бўладики, ўша даврда солиқлар ва йиғимларнинг ўндан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ҳадя қилинган мол-мулк шуларнинг барчасидан озод этилган. “Шуни билсинларким, бу ерлар қонун кучи билан таъсис этилган (ҳуқуқий), шунингдек, одатлардан келиб чиқадиган (иттифоқчи), барча солиқ ва мажбурият-

---

<sup>1</sup> П. П. Иванов. Хозяйство Джуйбарских шейхов. 51-52-бетлар.

лардан тозаланади ва озод этилади. Шунинг учун уларга ҳар қандай тажовуз қилиниши ва бунга йўл қўйилиши мумкин эмас.”<sup>1</sup> Мазкур ҳужжат ўрта аср Шайбонийлар давлатида шариат ҳуқуқлари давлат бошлиқларининг фармон ва ёрлиқлари билан ҳар томонлама ҳимоя қилинганлигига яққол мисол бўла олади.

**Бухоро ер ҳуқуқи ҳужжатлари.** Нашр этилиб, бизгача етиб келган ҳужжатларнинг катта ва асосий қисми ер ҳуқуқига бағишланган. Шулардан бири “Бухоро ер ҳужжатлари<sup>2</sup>...” тўплами бўлиб, у XVII-XIX асрларда бутун Ўзбекистон ҳудудидаги ер ҳуқуқий муносабатлари ва уларни тартибга солиш, давлат бошлиқларининг бу борадаги фармонлари, суд ҳужжатлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тўпланда келтирилган 17 турдаги 51 та ҳужжатнинг барчаси ўша даврдаги ер ҳуқуқини ифодалаш билан ўрта аср давлат тузумининг иқтисодий асосларини тадқиқ қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади. Юридик жиҳатдан таҳлил қилганда, вақф мулкани алмаштириш, хусусий ер эгаллиги ҳуқуқининг давлат томонидан бузилиб туриши, ғалла уюмларини муҳрлаш каби муносабатлар фақат ана шу ҳужжатларда учрайди. Бу, албатта, ўша даврдаги ерга мулкчилик ҳуқуқий муносабатларининг ўзига хос томонларидир. Масалан, мулк вақфга айлантирилиши билан фуқаролик айланмасидан деярли чиқарилган ҳолатда бўлади, яъни уни олиш-сотиш, алмаштириш мумкин бўлмай қолади. Тўпландаги баъзи ҳужжатлар, хусусан, 1721 йилдаги савдо васиқаси истисно ҳоллар ҳам бўлиб турганлигини кўрсатади. Унга кўра, Самарқанд вилоятининг Шовдор туманидаги вақф ерлар даромадидан фойдаланувчи Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг авлодлари қонунда қатъий тақиқланганлигига ва барча юридик қийинчиликлар, чеклашларга қарамай, вақф ерларини Самарқанд яқинидаги Оллоёрбийга қарашли асосий ер мавзесидан чеккада жойлашган ер майдонига алмаштиришга муваффақ бўлган. Чунки, Оллоёрбийнинг мулклари ўртасида жойлашиб

---

<sup>1</sup> Қаранг: Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып. 1. Т., “Фан”, 1954.

<sup>2</sup> Ўша манба.

қолган вақф ерларидан даромад келиши жуда камайиб кетган (37-ҳужжат). Бу муомала, албатта, маълум устама ҳақ эвазига амалга оширилганлиги боис уни алмашув эмас, балки савдо-сотик шартномаси деб баҳолаш мумкин.

Мазкур ҳужжатларда ерлар бора-бора турли йўллар билан бир киши эгалигига ўта бориши ва бунда мусулмон ҳуқуқидаги шуфъа қондаси ёрдам берганлиги акс этган. Шунга оид бир талай ҳужжатлар келтирилган. Уларга кўра, “мулки ҳур холис” солиқлардан озод ерлар, хирож ерлари, амлок (давлат) ерлари, вақф ер мулклари ҳамда хусусий шахсларга тегишли ер мулклари бўлиб, шартли ер мулк эгалигида “танҳо” бериш кенг ёйилган. Умрбод берилган (лекин меросий бўлмаган) “танҳо” ер мулки барча солиқлардан озод этилган.

Тўпламдаги 50-ҳужжатда давлат армиясида хизматда бўлган кишилар даражасига қараб, қанча “танҳо” олиши белгилаб қўйилган рўйхат (реестр) келтирилган. Жумладан, баҳодирлар (ўзбек ҳарбий қўшилмаларининг кичик унвонли командирлари) 11–23 танобгача, мирзабоши 25–35 танобгача, жибачи 40 танобгача, Қоровулбеги 47 танобгача, парвоначи, додҳоқлар эса бутун-бутун қишлоқларни танҳо сифатида олганлар.<sup>1</sup>

Ер мулкларини сотиш, алмаштириш, совға қилиш, гаровга қўйиш, қарз эвазига бериш мумкин бўлган. Мазкур ҳужжатлар шуни кўрсатадики, Имомқулихон даврида давлат ерлари кўплаб хусусий шахсларга сотилиб, “мулки ҳур холис” шаклига айланган. Агар бирор шахс ерни сотиб олиб, унинг учдан икки қисмидан давлат фойдасига воз кечса, у “мулки ҳур холис”га айланган. Давлат ерларини ўзига хос тарзда сотишни кўрсатадиган ҳужжатлар ҳам бор. Яъни, гарчи ер мулки сотиб олинди, деб қайд этилса-да, бу ер учун пул билан ҳақ тўланмаган, балки Қуръоннинг табаррук нусхаси ҳадя этилган. Чунки давлат ерлари давлат (мамлакат) хазинаси аҳамиятига эга бўлганлиги учун хон уларни тасарруф этиб, сотишга ҳуқуқли ҳисобланган.

---

<sup>1</sup> Бухоро ер ҳужжатлари. Т., “Фан”, 1954, 209-217-бетлар.

Ғалла уюмини муҳрлаш тўғрисида ҳам ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, 20-ҳужжатда Убайдуллохоннинг (1702-1711) фармонида қишлоқ маъмуриятининг солиқ ундириш билан боғлиқ вакиллари: ҳоқимлар, омиллар, арбоблар, кадхудолар ва ўнбоши ҳамда элликбошилар, доруғалар тилга олинади. Жумладан, доруға – давлат ерларида ғалланинг деҳқонлар томонидан яширилмаслиги устидан назорат қилувчи мансабдор ҳисобланган. Ғалла ўриб олингандан кейин солиқ миқдори аниқланиб, йиғилган ҳосил уюм қилиб муҳрланган, бу эса солиқ ундирилмагунча ундан фойдаланиш тақиқланганлигини билдирган.

Булардан ташқари, мазкур ҳужжатларда ўша даврдаги давлат мансаблари, солиқлар ва унинг турлари, жўғрофий жойларнинг номлари, атамалар ва юридик ҳужжатларнинг шаклларига оид кўплаб маълумотлар келтирилган.

## **II. БУХОРО АМИРЛИГИ, ХИВА ВА ҚЎҚОН ХОНЛИКЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ**

### **1. Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми**

**Бухоро амири Шоҳмуроднинг ислоҳотлари.** Бухоро хонлигида Аштархонийлар сулоласининг емирилиши ва янги ўзбек Манғитлар сулоласининг вужудга келиши Муҳаммад ҳаким оталиқнинг ҳокимиятни ўз қўлига олиши ва 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўзбек хонликлари ерига бостириб келиши билан боғлиқ. Манғитлардан бўлган бу оталиқ Бухоро шаҳри оталиғи унвонида бўлиб, барча оталиқларнинг бошлиғи эди. Унинг ҳокимияти кучайиб кетганидан норози бўлган аъёнлар Абулфайзхонга (1711-1747) таъсир кўрсатишиб, уни Қарши шаҳрига жўнатишга эришадилар. Шундай фурсатдан фойдаланиб, Нодиршоҳ қўшинлари Бухоро шаҳрига бостириб киради. Қарши ёнида Абулфайзхон ва оталиқ бошчилигидаги Бухоро қўшинлари тор-мор қилиниб, Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ ўғли Муҳаммадраҳим билан Нодиршоҳ хизматига киргач, унга эронча “Амири кабир” (катта амир) унвони берилди, аслида эса, у шоҳнинг Бухородаги ноиб эди.

Бу воқеа икки масалани ҳал этди. Биринчидан, Абулфайзхон бошлиқ Бухоро давлати ўз мустақиллигини йў-

қотиб, Эрон давлатига тобе бўлиб қолганлигини ва, иккинчидан, шу билан Аштархонийлар сулоласининг умри тугаб, ҳокимият янги ўзбек сулоласи – Манғитлар қўлига ўтганлигини расмийлаштирди. 1743 йилда Муҳаммад Ҳакимбий вафот этиб, унинг ўрнига Муҳаммад Раҳимбий амир унвонини олади. Абулфайзхон ўлдирилгандан кейин эса, у 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтиради. Бу сулола 1920 йилгача ҳукм суриб, инқилоб натижасида ағдарилади. Амир Шоҳмурод номи билан танилган Амир Маъсум ал-Маъруф ибн Дониёлбий оталиқ Шоҳмуродбий (1785-1800) мазкур сулоланинг давлат соҳасида кўплаб ислоҳотларни амалга оширган вакили бўлди. У 150 йил давом этган (1599-1753) Аштархонийлар сулоласининг инқирози ва янги ўзбек Манғит ҳукмдорлари сулоласига асос солиниши, сиёсий тарқоқликка қарши курашнинг кенгайиши даврида майдонга келди.

Шоҳмуроднинг давлат арбоби сифатида шаклланишида тасаввуф оқимининг таъсири жуда кучли бўлиб, бу борада, айниқса, унинг шайх Сафарнинг муриди эканлиги ҳал қилувчи роль ўйнаган. У илм аҳлини ҳурматлаб, уларнинг таъминотини йўлга қўйган. Лекин тасаввуф унинг қаҳри қаттиқ ҳукмдор амир Шоҳмурод бўлиб етишишига, Манғитлар сулоласининг давлат ҳокимиятини мустақкамлаш борасида бир қанча ислоҳотларни амалга оширишига тўсқинлик қилмади. Гарчи руҳонийлар Манғитларнинг биринчи ҳукмдорларидан Дониёлбий оталиқнинг 11 нафар ўғлидан энг каттаси бўлган Маъсумни ҳокимиятдан маҳрум этишни маслаҳат берган эсалар-да, у Бухоро тахтига ворис қилиб тайинланади ва отаси вафотидан кейин, 1785 йилда Бухоро амири сифатида тахтга ўтиради.<sup>1</sup>

Шоҳмурод ислоҳотларининг баъзилари унинг топшириғига биноан 1789 йилда Мирзо Боди Девон томонидан ёзилган “Мажмаъ ал-арқам” (“Рақамлар ва руқумлар”) ҳақидаги асаридан келтирилган. Унда ёзилишича, Шоҳмуроднинг давлатни марказлаштириш, ерларни ҳисобга олиш, солиқ солиш, уни ундиришни тартибга келтириш ҳамда суғориш иншоотларини, шаҳарларни тиклаш бора-

---

<sup>1</sup> Амир Шоҳмурод ҳақида қаранг: З. Муқимов. Қилич ва қалам соҳиблари (Давлат арбоблари ҳақида лавҳалар) С., 1997.

сидаги ишлар у ўтказган молия, суд, ҳарбий, маъмурий ислоҳотларда, давлат хизматини, иш юритишни тартибга туширишга қаратилган тадбирларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу ислоҳотлар ичида давлат бошлиғининг унвони ўзгартирилиши ҳам диққатга сазовордир. Шоҳмурод туркий халқларда удум бўлиб келган хонлик унвонидан воз кечиб, амирлик унвонини олди, ушбу янгилик Бухоронинг ислом давлати, унинг ҳукмдори эса мусулмонлар амири эканлигига ҳамда отаси Дониёлбий хон эмас, оталиқ мансабида бўлганлигига ишора эди. Шоҳмуродбий жорий этган бу унвонни сўнгги Манғит ҳукмдорлари 1920 йилгача қўллаб келдилар.

Шоҳмурод солиқлардан эзилган халқнинг ҳаракати кучайган вақтда тахтга ўтирганлиги учун ҳам биринчи ислоҳотни солиқларни тартибга солишдан бошлади. Бутун Бухоро шаҳри аҳолисига тархон ёрлиғи бериб, ўзидан аввалги ҳукмдорлар жорий қилган, шариатга тўғри келмайдиган ёрғу, бож, тарх, тушмол, ясоқ каби солиқларни бекор қилди.

Бу ислоҳотлар ичида, айниқса, суд ислоҳоти диққатга сазовордир. Унга кўра, ҳар бир мусулмон, ҳатто кул ҳам қозига ўз шикоятни билан келишга ва ғайриқонуний иш қилаётган ўз хўжайинини жавобгарликка тортишга ҳақли эди.

Бундай қоида ўша вақтдаги Бухоро амирлигидагина эмас, бутун Туркистон давлатларида судловни ижобийлаштириш учун ташланган катта қадам бўлди. Бундан ташқари, қирқ аъламдан (қонуншунослардан) иборат олий суд (қозихона) палатаси тузилди. Унинг аъзолари шариат ҳуқуқи асосида Шоҳмуроднинг ўзи тузиб берган тўпламни қўллариغا олиб, арз ва шикоятларни ҳал этишда унга қараб иш кўрадиган бўлганлар.

Бу олий қозихонада иш кўриляётганда амирнинг ўзи бош бўлиб турган. Шу боисдан мазкур ташкилотни амирнинг олий суди деб аташ мумкин. Бундан ташқари, судда иш кўриляётганда даъвогарнинг шахсан ўзи иштирок этиши талаб қилинган. Туманлар ва каттароқ қишлоқларга (қасабаларга) қозилар тайинлаш ҳам у киритган янгиликлардан бўлди.

Шундай қилиб, Амир Шоҳмурод даврида Бухоро амирлигида янги суд тизими: қасаба, туман, вилоят қозилари, Бош қози ҳамда қирқ аълам суди вужудга келиб, энг олий қози амирнинг ўзи эди. Шариат ҳуқуқи асосида Шоҳмурод тузган қоидалар тўплами диққатга сазовордирки, уни излаб топиш ва илмий жамоатчиликка етказиш олимларимиз олдидаги вазифалардан бўлиб турибди. Чунки биз Ўзбекистонда ҳукм сурган сулолалардан чиққан давлат бошлиқлари қўли билан тузилган қоидалар тўпламларини жуда кам учратамиз. Шу ўринда яна Амир Шоҳмуроднинг суд ислохотлари, айниқса, катта аҳамиятга молик эканлигини айтиб ўтиш лозим. У амалга оширган ишлар ичида энг каттаси Самарқанд шаҳрининг қайта тикланиши бўлди. Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг XVIII аср ўрталаридаги босқини, етти йил давом этган ўзаро урушлар ҳамда қалмоқлар зулмидан қочиб, мол чорвалари билан Туркистонга кўчиб келган қозоқларнинг воҳаларга жойлашиб, уларни талон-торож қилишлари бир қанча шаҳар, қишлоқлар ҳаётини издан чиқариб юборди. Жумладан, Самарқанд шаҳри ҳувиллаб қолди. 1752 йилларда шаҳарда жон эгаси қолмаган эди. Шунинг учун, гарчи Манғит ҳукмдорларининг биринчиси бўлган Раҳимбий оталиқ Равотхўжа бандини тузатиб, шаҳарга сув оқизган бўлса-да, одамлар йўқлигидан шаҳар жонланиб кетмади.

“Самарқанднинг ҳозирги ободончилиги, – деб ёзган эди С.Айний бу ҳақда, – 1780 йил, яъни Шоҳмуродбийнинг беқлигидан бошланган бўлиб, 1809 йилларда бир шаҳар йўсинига киргизилди.”<sup>1</sup> Бу Шоҳмуродбийнинг аҳолини кўчириб жойлаштириш сиёсати билан боғлиқ эди. Бунинг натижасида Ўратепа, Ховос, Тошкент, Андижон, Каттақўрғон, Термиз ва бошқа ерлардан аҳолининг Самарқандга мажбурий кўчириб келтирилиши шаҳарнинг ривожланишига сабаб бўлди.

Марказий Осиёнинг тарихини ўрганган деярли барча тарихчилар Амир Шоҳмуроднинг давлат бошқарувчи соҳасидаги фаолиятига юқори баҳо берадилар. Олим Аҳмад

---

<sup>1</sup> С. Айний. “Самария”нинг ўзбекча таржимасига ёзилган сўз боши. Т., “Мерос”, 1922. 13-14-бетлар.

Дониш эса, уни халифа Умар билан бир қаторга қўйиб. “амирлик гиламини камбағаллик кийими билан безади, жаҳон боғидан душманлик ва ёмонлик томири билан сугуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди”, деб юксак баҳолайди.<sup>1</sup>

Мангитлар сулоласининг амирлари изчил туриб, мамлакатни бирлаштириш, давлат ҳокимиятини марказлаштириш сиёсатини олиб борган бўлсалар-да, ўзбек қабила ва уруғ бошлиқларининг кучайишлари ва мустақилликка интилишлари сиёсий тарқоқликни тобора чуқурлаштирди. Хонликларнинг бир-бирларининг ерларига тез-тез бостириб киришлари, шаҳар ва қишлоқларни эгаллаб олишлари улар ўртасидаги ўзаро душманликни авж олдириб, бутун Ўзбекистон доирасида биринчилик учун курашни ҳам кучайтириб юборди. Аввал кўчманчи ёки ярим кўчманчи бўлган 92 ўзбек уруғи воҳалардаги туркий халқларга қўшилиб ўтроқлашиб, деҳқончилик, чорвачилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғуллана бошладилар. Ана шу даврларда ўзбек хонликларида ер эгалигининг шакллари турлича бўлиб, деярли XVI асрдан XIX асргача шундай сақланиб қолган. Жумладан, Бухор амирлигида турли ер эгалиги: давлатга қарашли ерлар, танҳо ерлари, улуфа маважжиб, робита ерлари ва тархонлик (ер солигидан озод қилинган) ерлари мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

Мансаблар тизими борасида шуни айтиш мумкинки, уларнинг юқорида айтиб ўтилган бўғинлари, умуман, ўзгаришсиз сақланиб келган бўлса-да, баъзилари ўз умрини тугатди ёки ўрнини бошқа мансабларга бўшатиб берди (масалан, араблар ишлари девони, чигатой беги ва бошқалар). Илгари муайян мансабдаги шахс айнан шунга мос вазифани бажариши лозим бўлса, энди унвонлар мансабсиз, яъни фахрий бўла бошлади. Давлат мансаблари ичида бу даврда қушбегининг маъмурий мавқеи биринчи ўринга чиқди. Молия, солиқ, асосан, солиқ ундириш ишларини бошқариб турувчи амалдор ундан кейин туриб,

---

<sup>1</sup> Трактат А. Дониша “История мангитской династии” Душанбе. “Дониш” 1967, 6-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: М. Абдураимов. XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида аграр муносабатлар очерки. 2 томлик, Т. “Фан”, 1970, 656-бет.

қулли қушбеги деб аталадиган бўлди. Барча ҳарбий қисмлар, жумладан, Бухоро шаҳар гарнизони бошлиғининг мансаби энди тўпчибоши қўлига ўтди.

Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши қоидаларига ҳам ўзгартиш киритилди. Бухоро ва Самарқанд вилоятларигина туманларга бўлиниб, бошқа вилоятлар аввалгидек суғориладиган ерларнинг ҳажмига қараб эмас, ер солиғи олинадиган қисмларга бўлиниши билан чегараланди. Мустақил Қўқон хонлиги ташкил топгандан кейин, П.И. Демизоннинг кўрсатишича, 1830 йилда Бухоро вилояти маъмурий тузилиши бўйича 9 вилоятга: Қоракўл, Бухоро ўзининг 7 тумани билан Кармана, Миёнкол, Каттақўрғон, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Қарши, Сабиоб (Амударё бўйларида) ва ўзининг жанубий туманлари билан биргаликда Балх вилоятларига бўлинган<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, фақат Бухорогина эмас, балки учала хонлик ҳам асосан қишлоқ хўжалик мамлакати бўлганлиги учун уларнинг ерларида қўплаб канал ва ариқлар қазилди, сув иншоотлари қурилди, шаҳарларнинг ўсиши, ҳунармандчилик ривож топиб, усталарнинг цех ташкилотларига уюшуви юз берди. Айниқса, Россия билан савдо-сотиқ жадал ривожланди. Бу эса Англия ва Россия мустамлакачи империалистик давлатлари ўртасида Марказий Осиё бозори учун ўзаро курашни вужудга келтирди.

## **2. Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий тузилиши**

**Хонлиқнинг ташкил топиши.** XVI асрнинг бошларида Хоразм Темурийлар ҳокимияти остида бўлиб, Хуросон ҳукмдори Султон Хусайн Бойқаро Мирзога тобе эди, аслида эса мамлакатда қўнғирот уруғига мансуб сўфийлар сулоласи ҳукмронлик қиларди. Шайбонийхон у ерда ҳам Темурийлар ҳукмронлигини тугатишга бел боғлаган 1505 йилда Урганчни ўн бир ойлик қамалдан сўнг эгаллаб, бутун Хоразм воҳасини қўлга киритади. Аммо у 1510 йилда жангда ҳалок бўлганидан кейин Хоразм Эрон ҳукмронлиги остига тушиб қолади.

---

<sup>1</sup> Записки о Бухарском ханстве. М., "Наука", 1983, 56-бет.

Шиа мазҳабида бўлган қизилбошлар зўравонлигидан безган халқ дашт ўзбекларига мурожаат қилиб, 1511 йилда Муҳаммад Шайбонийхон қариндошларидан Берка Султоннинг ўғиллари Элбарс ва Билбарсни Хоразмга хон бўлишга таклиф қилишади. Дастлаб Вазир, Янги шаҳар, Тирсак каби шаҳарлар, кейинчалик Урганч шаҳри Элбарсхон бошчилигидаги ўзбеклар қўл остига ўтади. Кўп ўтмай қизилбошлар Хива, Қиёт ва Ҳазораспни ҳам ташлаб чиқиб кетадилар.

1524 йилда Эрон шоҳи Исмоилнинг вафот этиши билан Хоразмда шиа қизилбошлар ҳукмронлиги бутунлай тугатилади. Бунинг натижасида ички бирликка эга бўлмаган феодал мулклар йиғиндисидан ташкил тоган, худди Шайбонийхон давлатига ўхшаган, аммо ундан мустақил ҳолда 200 йил мобайнида мамлакатни бошқарган давлат вужудга келади. Илбарсхон давлати Хива хонлиги номини олиб, унга Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм, Мингқишлоқ (Манғишлоқ) туркманлари, Болхон тоғи ён бағирлари, Деҳистон, Узбой дарёси дельтаси ерлари, Шимоллий Хуросон ҳамда Копетдоғ, Кюрентоғ атрофидаги ерлар кирган. Бу мулкларнинг баъзилари ҳатто хонликдан ажралиб чиқишга ҳаракат қилар эди. Асфандиёрхон даврида (1623-1643) Орол денгизи атрофидаги қабилалар мустақил бўлиб, Хива хонлиги билан урушлар олиб боришдан ҳам қайтишмасди. Кўп элатли давлат бўлган Хива хонлиги таркибига кирган туркманлар ҳар хил сиёсий низоларда гоҳ у тараф, гоҳ бу тарафни қўллаб, хонликдан мустақил бўлишга ҳаракат қилишарди. Шайбонийхон авлодлари бир неча марта Хива хонлигини ўз мулкларига қўшиб олишга уринди. Жумладан, бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириш учун кураш олиб борган Абдуллахон II Хивани босиб олиш мақсадида уч марта юриш қилди. Аммо Хоразм ҳар сафар, то Россия протекторати остига тушгунга қадар ўз мустақиллигини сақлаб қолаверди.

1538 йилда Элбарсхон вафотидан кейин тез-тез хонлар алмашиб турганлиги Хива хонлиги сиёсий ҳаётининг ўзига хос томонларидан бўлди. Тадқиқотчи Женкинсоннинг ёзишича, Урганчда етти йил ичида тўрт марта хон алмашган. Бошқа ўзбек хонликларига нисбатан олганда, бу ерда ўзбек уруғ бошлиқларининг ижтимоий-сиёсий ҳокимият-

даги таъсири кучли бўлиб, бу таъсир узоқ сақланган. Жумладан, Абулғозихон даврида (1645-1663) Хоразмдаги дашт ўзбеклари қиёт-қўнғирот, уйғур найман, қанглиқипчоқ каби қабила ва уруғларга бирлашиб, қолганлари ҳам ана шу иттифоқ таркибига кирган.

Тўрт гуруҳга қабила бошлиқлари иноқлар раҳбарлик қилиб, улар ҳатто хонларга ҳам бўйсунинишга рози бўлмаганлар. Иноқлар ҳокимияти кучайган вақтларда хонлар номигагина хонлик қилишган. Хоразмда хон ҳокимиятининг заифлашуви ва уруғ зодагонлари таъсирининг кучайиши натижасида қўғирчоқ хонларни кўтариш расмига айланганди.

Ўша даврдаги ўзбек хонликларидан бу табиий ҳол эди. Чунки давлат муайян қатламга таянган сиёсий ташкилот бўлса, асосан, уруғ зодагонлар қўлида бўлган армия унинг ҳарбий қудрати ҳисобланарди. Ўша пайтдаги ўзбек уруғлари ҳарбий зодагонларга таянган тузум ҳукмрон бўлган жамиятда яшар эдилар. Хонлар эса ҳарбий кучни, унинг манбаи ва таъминотини ўз қўлида тўплаган иноқлар, бийлар, беклар ва беклар бегининг қўллаб қувватлашисиз ҳукмронлик қила олмас эдилар. Ўзбек уруғларининг юқори табақаси қабила бошлиқларидан иборат ҳарбий-фуқаро бошлиқлари лавозимидаги йирик феодаллардан ташкил топган эди. Давлатнинг энг катта амалдорлари иноқлар, оталиқлар, беклардан танлаб олинарди. Хон томонидан тайинланиб қўйилган вазир ёки меҳтар ҳамда қушбегилар Хивага келиб истиқомат қилувчи қабила бошлиқларидан бўлиб, улар орасида беш кишидан иборат хон маслаҳатчилари тайинланган. Бундан ташқари, икки ва ундан ортиқ оталиқ, мингбоши ва ясовул қабилар тайинланган.

Сиёсий тарқоқлик боис ҳар бир шаҳзода ўз оталиги, мингбошиси ва ясовулларига ҳамда солиқ йиғувчиларига эга бўлган. Юқорида айтилганидек, Хива хонлиги кўп миллатли давлат бўлганлиги сабабли тез-тез ҳокимият учун курашлар кўтарилиб турган. 1643 йилда Абулғози укаси Асфандиёр бошлиқ туркман феодаллари билан бўлган курашда ғалаба қилгач, шиддат билан тахтни эгаллайди ва ўзбек қабила бошлиқларини олдинга чиқариб, 360 кишини турли давлат лавозимларига тайинлайди. Ўттиз-

дан ортиғини ўзининг маслаҳатчиси қилиб олади. Аммо унинг ўғли Ануша /1663-1687/ хонлигидан кейин яна хон ҳокимияти заифлашиб, XVII аср бошларида сиёсий инқирозни бошидан кечиради. 1688 йилда хоразмликлар Бухоро амири Субхонқулихонга хат ёзишиб, ўз тобелигига олиш ва хон тайинлашни сўраганларида у Шоҳнизоҳни “эшик огабоши” мансаби билан у ерга юборадн. Кейинчалик у Хива хони унвонини олган бўлса-да, 1700 йилда рус фуқаролигига ўтишни сўраб, Пётр I га хат ёзганлиги тарихий манбалардан маълум.

1740 йил Эрон шоҳи (туркманларнинг афшар уруғидан бўлган) Нодиршоҳ Хоразмни босиб олиб, Хивани бошқариш учун ўз ноибини қўяди, аммо эркесвар Хоразм халқи бир йил ўтмаёқ уни тахтдан ағдариб, қўшинларини қириб ташлайди. Қисқа муддат (1747-1763) Хивада авлодлари қозоқ султонларидан бўлган хонлар ҳукмронлик қилиб туради.

XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўзбек қўнғирот қабиласидан бўлган иноқларнинг давлатни идора қилишдаги таъсири кучайиб, улар ҳокимиятни қўлга олдилар. Иноқ Муҳаммад (1763-1790) хон Абулғози номидан мамлакатни бошқараркан, туркманлар ҳамда бухороликларнинг ҳужумини қайтариб, қушбеги, меҳтар ва оталиқлар билан бирга ҳокимиятни мустаҳкамлайди. Ундан кейин Иноқ Элтузар хон унвонини қабул қилиб, ҳокимиятга келди.

Элтузар бошлаган курашни Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) давом эттирди. У бир неча давлат ислохотларини ўтказди ва Девони – олий таъсис этиб, Хива хонлигининг ерларини нисбатан марказлаштириш ҳаракатида бўлди. Божхона ва зарбхона ташкил қилиб, олтин пул зарб этишга киришди. 1811 йилда Орол бўйидаги ерларни ва қорақалпоқларни Хивага бўйсундиради. Уруг бошлиқлари – иноқлар ва оталиқлар ҳокимиятлари заифлаштирилиб, ҳокимиятдан маҳрум қилинди. Умуман, 1920 йилгача янги ўзбек сулоласи – қўнғиротлар Хива хонлигини бошқариб турди.

**Ижтимоий тузуми.** Хива хонлиги феодал, яъни деҳқончилик ишлаб чиқаришига асосланган давлат бўлганлиги учун ўша даврдаги Ўзбекистон доирасида бошқа давлат-

лардаги мавжуд ер эгалиги шакллари унда ҳам бўлган. Шу билан бирга, ерга эгалигининг ўзига хос шакллари ҳам амал қилган. Масалан, ернинг катта бир қисми давлатга қарашли бўлиб, амлоқ мамлакат ёки подшолик ерлари деб аталган. Бундай ерлар деҳқонларга бўлиб берилиб, меросга ўтказилган, деҳқонлар эса у ерларни ишлаб, давлатга солиқ тўлаб турганлар. Баъзи деҳқонларга бўлиб берилган ерларни ҳамда ундириладиган солиқнинг бир қисмини хонлар уларга ҳадя қилиб юборишган.

XVII-XVIII асрларда феодаллар ерларни тортиқ сифатида эмас, балки сотиб олишга ҳаракат қилишган ва бундай ерлар хусусий мулк сифатида барча солиқлардан озод ҳисобланган. Битимлар давлат номидан тузилганлиги учун хон уларни тузишда шахсан қатнаган. Битим тузилгач, ерлар давлатдан сотиб олинганлиги ҳақида васиқалар берилган.

Танҳо ерлари хонга ёки давлатга кўрсатган хизматлари эвазига инъом этилган. Юқоридагидан фарқли ўлароқ, бундай ерларни меросга қолдириш, бировга ўтказиш ман этилиб, фақат вақтинча фойдаланиш мумкин бўлган.

Вақф ерлари ҳам кенг тарқалган бўлиб, суғориладиган ва аҳоли яшайдиган ерларнинг 40 фоизга яқинини ташкил қиларди. Вақф ерлари ишлаб фойдаланиш учун алоҳида шартлар асосида ижарага берилган. Хива хонлигида вақфлар турларига қараб ҳар хил, масалан, солиқлардан озод этилган вақф – оқ вақф, солиқ ундириладиган вақф эса қора вақф деб номланган.

Бундан ташқари, хусусий эгаликдаги ер-сувлар мулклар деб аталган. Хива хонлигида шартли ер эгалигининг бошқа хонликларда учрамайдиган ўзига хос тури мавжуд бўлиб, у отлик деб аталган. Хонлар ҳарбий юришлар вақтида ўзларига туркман отлиқларини таянч қилиб, ҳар отлиқ ҳисобига фойдаланиш учун 30-50 таноб (12-20 чек) ер мулки жорий қилганлар. Бунга кўра, отлиқ ерини олган ер эгаси хон талаби билан бир отлиқ аскарни қуроллантириб, хон хузурига юборган.

Ерларни ишловчилар асосан, деҳқонлар бўлиб, улар давлат деҳқонлари, хусусий ерлардаги деҳқонлар, вақф ерларидаги деҳқонлар, ерсиз деҳқонларга бўлинган. Хива хонлигида қулчилик мавжуд бўлган, қуллардан уй-рўзғор

ишларидагина эмас, балки деҳқончиликда ҳам кенг фойдаланилган. Аммо улар маълум пул эвазига озод қилиниши мумкин эди. Хонликнинг кўп ерларига эга бўлган майда деҳқонлар турли хил мажбуриятларни бажаришарди. Энг кўп тарқалган мажбуриятлардан бири “бегор” бўлиб, бу Россия крепостной деҳқонлари орасида амалда бўлган “барщина”дан ҳам оғирроқ мажбурият тури эди. Бундай ишлаб бериш муддати 12 кундан 50 кунгача чўзилиб, тўғонлар бунёд этиш, ариқлар қозиш, йўллар қуриш ва созилашда, амалдорларга саройлар қуришда кенг қўлланилган. Ҳар йили бутун аҳоли ана шу ишларга сафарбар қилинган. Бу ерда асосан, чиғир билан сув чиқариб ва шўрхок ерларни ўзлаштириб, экин экилиши сабабли деҳқонга ҳосилнинг 75 фоизигача қолдирилган.

Каттагина давлат бошқарув идораси ва армия солиқлар эвазига тутиб турилган, асосий давлат солиғи – **хирож** ёки солғит, деҳқонлар **ушр** – даромаднинг 10 дан 1 қисмини ундириш, чорвадор аҳолидан **закот** – мулк қийматнинг 40 дан 1 қисмини давлат фойдасига олиш, ўтлоқ ва яйловларда мол боққанлик учун чўп пули, шунингдек, йил бошида ёки бир неча йиллик солиқни аввалдан ундириб олиш – **барот** каби солиқ турлари бўлган.

XIX асрнинг бошларида Муҳаммад Раҳимхон I ўтказган солиқ ислоҳоти натижасида солиқлар пул билан ундирилиб, давлат хазинасига топшириладиган бўлди. Солиқ миқдори деҳқонларнинг ер майдонлари ҳажмига нисбатан олиниши белгиланди. Жумладан, ер 10 таноб (4 га)дан ортиқ бўлса, солиқ 3 тилла, 5-10 танобгача – 2 тилла, 5 танобдан кам бўлса, йилига 1 тилла қилиб белгиланди. Аммо ерсиз ҳамда давлат ерларида чорикор бўлиб ишлайдиган деҳқонлар ҳам солиқ тўлашга мажбур эдилар. Агар 15 таноб ерда чорикор бўлса, 34 танга, 10 таноб ерга – 34 танга ёки 3 дан 2 қисми, 5 таноб ерда бўлса, 34 танга ёки 3 дан 1 қисми миқдорида солиқ тўланган.

Албатта, Хива хонлигида солиқларнинг турлари, миқдори, ундирилиш тартиби ҳамма даврда ҳам бир хил бўлган дейиш қийин. Лекин ҳукмрон сулолалар ва уларнинг вакиллари ўзгариб турган бўлса-да, бу ерда солиқ тизими бошқа хонликлардагидан кўп фарқ қилмаган.

**Давлат тузилиши.** Ўзбек давлат бирлашмаларидан бири бўлган Хива хонлиги XVI асрда ташкил топиб, ўша давр Шарқ давлатларининг барча белгиларини ўзида акс эттирган, деҳқончилик ишлаб чиқаришига асосланган ва ислом динига таянган монархия шаклидаги давлат эди. Ундаги давлат ташкилотлари ва идоралари, уларнинг номлари, Қипчоқ дашти ўзбеклари, Бухоро, кейинчалик Қўқон хонликлариникидан деярли фарқ қилмаса-да, у ёки бу давлат мансабининг мавқеи, уни эгаллаш тартибига кўра баъзи ўзига хос томонлари мавжуд эди.

Давлат бошлиғи бўлган хоннинг ҳокимият ваколати наслдан-наслга ўтиб, расман мутлақ мазмун касб этганди. Сайёҳ Н.Муравьев ўз эсдаликларида Хива хонининг ҳокимият ваколатига тўхталиб, уни шундай тавсифлайди: “Ҳозир Хивада ўз хоҳишича ҳукмронлик қилиш мавжуд, у ҳеч қандай қонун ёки умумфикр билан чекланмаган. Шунинг учун ҳам яқка ҳукмрон ҳукмдор хоҳишига боғлиқ. У эса хонликка ўз мулки сифатида қарайди ва уни ўзининг манфаатлари ҳамда бойиши йўлида бошқаради.”<sup>1</sup> Бу белгилар асосан, тўғри келади. Хондан кейинги ўринда меҳтар, вазирлик, ундан кейин уруғ, қабила бошлиқлари – иноқлар вазирлик мавқеига эга бўлиб, бу ҳақда тарихчи Баёний: “Муҳаммадаминбий бин Эшмуҳаммад вазир маъносида иноқ рутбасига ноил бўлиб, ўттиз йил бу мансабда ҳукумат қилиб, мамлакатни маъмур ва обод айлади”, – деб ёзади.<sup>2</sup>

Иноқ, яъни вазирлик хондан кейинги биринчи мансаб эгаси ҳисобланади. Аммо давлат ҳокимиятининг марказлашуви ва кучайишидан кейин XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб иноқлар мавқеи пасайиб, қушбегининг таъсири орта борди. Қушбеги хоннинг биринчи ёрдамчисига айланади. Хоннинг барча ёрлик ва фармонлари унинг кўлидан ўтиб, у асосан, ўтроқ аҳолига бошчилик қилган, солиқларнинг давлат ҳазинасига тушишини кузатган; меҳтар (давлат хизматчиси) лавозими учинчи ўринда бўлиб, хонликнинг молия ишлари ҳамда шимолдаги ўтроқ аҳоли ишларининг бошқарилишига раҳбарлик

---

<sup>1</sup> Н. Муравьев. Путешествие в Туркмению и Хиву. Ч. II. 58-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Баёний. Хоразмшоҳлар тарихи. 126-бет.

қилган. Бундан ташқари, девонбеги (хон девонининг бошлиғи), шайхулислом (дин вакилининг олий унвони, мусулмонлар жамоасининг бошлиғи), қози калон (бош қози), эшон раис (мусулмонлар жамоаси мураббийси), мирзабоши (девонхонадаги иш юритувчи котиблар бошлиғи), миршаб (полициячи), маҳрамлар (хизматкорлар), катта беклар (вилоят, каттароқ шаҳарлар ҳокимлари), кичик беклар (кичик шаҳарлар ёки бекликларнинг ҳокимлари), хон маслаҳатчилари каби турли лавозимлар бўлган. Хоннинг ишончли вакиллари ҳисобланган иноқларнинг таъсири кучли вақтларда улардан беш киши аъзо бўлган хон кенгашиш юритиб, у ҳам маслаҳат органи ҳисобланган.

Хива хонлигига оид манбаларда унга хос давлат мансаблари ичида тарихий **қойим-мақом** мансаби мавжуд бўлганлиги кўзга ташланади. Масалан, мамлакат аҳолиси бу лавозимни ўша вақтда “раис”, “қойим-мақом вазир”, “қойим-мақом ломакин” номлари билан атаган.<sup>1</sup> Ушбу сўз баъзида ўринбосар маъносида ишлатилган бўлса, бошқа жойда ўзгача маънода қўлланилган. Хива хонлигига яхши хизмат этилган тақдирда давлат мансаблари оғадан ўгилга мерос тариқасида ўтиб турган. Бу ҳол хонлигининг олдинги ва кейинги даврларида мавжуд бўлганлигини Баёний асарларидан яққол кўриш мумкин: “Қипчоқ оталиғи Ҳаким оталиқ жаҳони фонийга видо қилдилар (вафот этдилар. - З.М.) ўғли Абдуллобекни отасининг ўрнида оталиқ этдилар” “Тоғаймиробнинг ўғли Абдуқодирбек отасининг ўрнига мироб бўлди”.<sup>2</sup>

Бундай меросий ўринбосарлик жуда кўп учраб, давлат ҳуқуқидаги ёзилмаган одатлардан бири эди дейилса, хато бўлмайди.

Хонлик маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинган бўлиб, XIX асрда унинг доираси 20 беклик ва икки ноибликдан иборат эди. Бекликлар бошида хон томонидан тайинланадиган беклар, ноибликлар бошида эса ноиблар турган. Улар асосан, молиявий ва миршаблик (полициячилик) вазифаларини бажарган.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Баёний. Хоразмшоҳлар тарихи. 113, 123-бетлар.

<sup>2</sup> Маҳаммад Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. 242-бет.

Хонликнинг аҳолисига келсак, ўтроқ аҳоли қавмлар бир масжидга бирлашган бир гуруҳ аҳоли бўлиб, унинг тепасида сайланиб қўйилувчи оқсоқол турган. Хонликдаги шаҳарларни идора қилиш ҳокимлар ва уларнинг ёрдамчилари – юзбоши ва оқсоқолларга топширилган.

Хонлик таркибига кирган қозоқ, қорақалпоқ аҳолини уларнинг бийлари, туркманларда эса вакил ва беклар бошқарган. Бир неча авлодга бирлашган уруғларга бош бўлган бийлар оталиққа, улар эса беклар бегига бўйсунган. Уруғ билан боғлиқ мансаблар ҳам меросга ўтгани ҳолда хон фармони билан тасдиқланган.

Ҳар бир шаҳарда қози бўлиб, у қозикалонга бўйсунган. Қорақалпоқларнинг алоҳида қозиси Чимбой шаҳрида жойлашган. Қозилар ишни кўриб, ҳал этганлари учун даъво қийматининг маълум фоизини ҳақ сифатида олганлар.

Хива хонлигида армия сони турли йилларда турлича бўлган. Масалан, тарихчи олим ва хон Абулғози Урганч, Ҳазорасп, Кат, Нисо, Обивардга ҳукмронлик қилган Аваннишоннинг ўғли Али Султоннинг 40 мингта лашкари бўлганлиги ҳақида хабар беради. “Отлана турғон кўп ўзбекнинг барчасининг отини дафтарга битуб, алуфа берур эди. Оёқ навқарида ул олти қўй берур эди.” – деб ёзади у. Бу маълумотни Хива хонларининг олим П.П.Иванов таҳлил қилган давлат ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1822-1862 йилларга оид ҳужжатларнинг барчаси ўзбек тилида бўлиб, улар орасида ҳарбий рўйхат (реестр)дан иборат катта дафтар ҳам бўлган. Унда аскарлар сони ҳар бир масжидга бириктирилган қишлоқлар бўйича берилган. Бундан ташқари, давлатдан улуфа (маош) мукофот олганлар рўйхати ҳам берилиб, кўпгина ҳарбий мансабдорлар рўйхати келтирилган. Буларнинг ҳаммаси XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Хива хонлигида доимий армия шакллана бошлаганлигини тасдиқлайди. Шундан кўриниб турибдики, Хонликнинг давлат таъминотида турган доимий армияси бўлиб, оддий пиёда аскарнинг бир йиллик маоши олти қўйга тўғри келар эди. Унинг давлат ҳужжатларида рўйхатда турган. Шунинг учун бўлса керак, Абулғози Султон Али уч минг кишилиқ пиёда қўшини билан шоҳ Тахмаспнинг ўн икки

минг кишилик армиясини енгиб чиққанлиги ҳақида хабар беради<sup>1</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хива хонлиги армиясида 13 минг отлиқ, 8 мингга яқин тўпчи ва пиёда аскарлар бўлиб, хизматлари улар учун солиқлардан озод этилган, суғориладиган ерлардан экин ерлари билан тақдирланган.

Н. Муравьев аҳолининг ҳарбий хизмати билан боғлиқ имтиёзлар ҳақида тўхталиб, уларнинг ҳуқуқий ҳолатига эътибор беради: “Ўзбеклар (ҳарбий хизматчиларни назарда тутса керак) деб ёзади у, - ҳеч қандай солиқ ва йиғимларни тўламайдилар, чунки барчаси хизмат қилувчи ва ҳарбий табақа кишиларидир. Улар ҳар сафар хоннинг хоҳиши билан ўз ҳисобидан қуролланиб, буюрилган жойда ҳозир бўлиши лозим” Тадқиқотчи бундай имтиёзлар ҳарбий хизматдаги туркманларга ҳам ёйилишини кўрсатган<sup>2</sup>. **Навкарлик** деб аталувчи бу хизмат Марказий Осиёда илгаридан мавжуд бўлиб, XIX асрда ҳам кенг ривожланган. Бир таноб ер-сувга эга бўлган киши бир отлиқ аскар етказиб бериши, ҳар бир навкар озиқ-овқат, қурол-яроғ ва кўчларини ортиши учун икки туяга эга бўлиши лозим эди.

### 3. Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий тузилиши 1710-1876

**Хонликнинг ташкил топиши.** XVIII аср бошларига келиб Фарғона водийсида ишлаб чиқариш нисбатан юксала бошлайди. Бухоро амирлиги таркибида бўлган бу давлатда асосан, ўзбеклар минг қабиласининг таъсири кучли эди. Унинг аъзолари Фарғонани Бухоро таъсиридан ажратиб олишга ҳаракат қилардилар. Бунинг натижасида, 1710 йилда шу қабиладан бўлган Шохруҳбий ҳозирги Чуст яқинидаги Чодак хўжаларининг ҳокимиятини ағдариб, Бухоро амирлигига бўйсунмаган мустақил мулк тузди. Бу воқеа натижасида янги ўзбек хонлиги ва сулола-

---

<sup>1</sup> Абулғози. Шажараи Турк. Т., “Чўлпон”, 1992, 144-бет.

<sup>2</sup> П. П. Иванов. Архив Хивинских ханов XIX в. 1940, 203-204-бетлар.

сига асос солинди. Унинг ўгли Муҳаммад Раҳимбий даврида /1721-1740/ бу мулкка Хўжанл, Маргилон, Андижон қўшиб олинди. Абдулкаримбий даврида /1740-1760/ Фаргонага ҳужум қилган қалмоқларга зарба берилиши вужудга келаётган янги давлатнинг мавқеини янада мустаҳкамлади.

Олимхон даврида /1800-1809/ ҳарбий ислоҳот ўтказилиб, кучли армия тузилди. Оҳангарон, Чимкент ва Туркистон Қўқон хонлигига қўшиб олинди. 1805 йилда у ўз давлатини расман Қўқон хонлиги деб атаб, “хон” унвонини олди ҳамда марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилди. Умархон эса ўз ҳукмронлиги даврида /1810-1822/ Қўқон шаҳрида жомеъ масжиди қурилишини бошлаб юрганлиги туфайли “амир ал-муслимин” – мусулмонлар амири унвонини олди. Туркистон шаҳри қўлга киритилгач, унинг атрофи ва Сирдарёнинг қўйи оқимиғача бўлган қозоқ даштлари ҳам аҳолиси билан хонлик таркибига кириб, Оренбургга борадиган савдо йўллари туташган жойда Қўқон хонлигининг чегара қалъаси – Оқмачит қурилди. Кейинчалик, хоннинг ўгли Муҳаммад Алихон даврида /1822-1841/ Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз вилоятлари босиб олиниб, хонликка қўшилди.

Бошқа ўзбек хонликлари сингарин Қўқон хонлиги ҳам кўп миллатли давлат бўлиб, ҳукмрон сулола ўзбекларнинг минг уруғидан иборат эди.

Давлатшунослик нуқтаи назаридан қараганда, бу даврда Тошкент шаҳрининг бошқарилиши диққатга сазовордир. Шаҳар 1784-1800 йилларда бирор давлат таркибига кирмай, ўзи мустақил мулк бўлиб, тўрт қисм /даҳа/га бўлинган. Тўртгала қисмига ҳам ҳокимлар бошчилик қилган. 1784 йилда савдо фаолияти билан шугулланган Юнусхўжа қурултойда шаҳар беги қилиб сайланади. У Тошкентнинг мустақиллиги учун курашиб, ҳатто Қўқон хонлигининг қўшинларига ҳам зарба берган. 1800 йилда эса шаҳар Қўқон хонлигига қўшиб олинади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам худди Фарбий Европадагидек, эркин шаҳарлар ёки шаҳар-республикалар бўлган. Бунга Тошкент яққол мисол бўла олади.

1800 йилларда Тошкентга келган И.М. Пospelовнинг эсдаликларига шаҳар бошқарувчиси ҳақида қизиқ маъ-

лумотлар учрайди. “Шаҳарда тартибни ўрнатиш учун махсус амалдор-чиновник ажратилган бўлиб, “**бошчи хўжа**” деб юритилади. У шаҳарда тинчлик, ободончиликка жавоб беради. Кам аҳамиятли қонунбузарликларни кўриб ҳал этади. Лозим бўлган ҳолларда жазолайди. Ким унинг ҳукмидан норози бўлса, ҳокимга арз қилади. Ҳокимнинг топшириғига кўра, аҳолига солиқлар солади ва уни йигиб олади”<sup>1</sup> Кўқон хонлигининг бошқа шаҳарлари ҳам шундай мансабдор шахс томонидан бошқарилган бўлиши мумкин. Аммо бу мансабнинг “бошчи хўжа” деб аталиши фақат Тошкентнинг мустақил бошқарилиш йилларига оид бўлса керак.

XIX асрнинг ўрталарга келиб хонликдаги феодалларнинг ўзаро низолари, тахт ва ҳокимият талашлари, халқ кўзғолонлари кескин ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтиради. Бу эса рус қўшинлари томонидан Кўқон хонлиги ерларининг узил-кесил босиб олинишини тезлаштиради.

1876 йилнинг 19 январида Россиянинг ҳарбий вазири Д. Милютин Кўқон хонлиги Россияга қўшиб олинганлигини расман эълон қилиши билан бу давлат тугади.

**Ижтимоий тузуми.** Кўқон хонлиги ер эгаллиги, деҳқончилик ишлаб чиқаришига асосланган давлат бўлиб, ундаги ҳукмрон сулола ва уларнинг амалдорлари катта ер эгалари эди. Тўла ҳуқуқли фуқаролар, бойлар, руҳонийлар, юқори мансабли ҳарбийлар ва маълум даражада шахси озод деҳқонлар, савдогарлар, хунармандлар /цех бошлиқлари/дан иборат эди. Камбагал /ерсиз/ деҳқонлар, қисман куллар жамиятда қуйи ҳуқуқий ҳолатга эга қатламни ташкил қиларди. Гарчи XVIII асрда кулчилик ўз мавқеини йўқота бошлаган бўлса-да, кул ҳолатига тушиб қолган инсон мавжуд эди. Қарамликка тушган деҳқонлар ҳам кўпчиликни ташкил қилиб, улар, айпиқса, хонлик таркибида кўпчиликни ташкил қиларди. Тошкентда ер эгаларининг ерлари ва боғларини ишлаб берувчилар **қора қозонлар** деб аталган.

---

<sup>1</sup> История Узбекистана в источниках. Состав. В. Б. Лунин. Т., “Фан”, 1988, 150-151-бетлар.

Хонликда ёлланиб ишлаш ҳам кенг урф бўла борди. Бундай ишлаш усулида ёлланувчи шартнома тузилиб, **бўнак** (аванс) олгач, ишга киришган. Бўнакнинг юридик табиатига келсак, у бажарилган иш ҳақи ҳисобланган. Сабаби ёлланма ишчи бажарган ишининг ҳажмига қараб ҳақ олиб турган. Бўнак эса ёлланма меҳнат шартномасини тузишнинг кафолати, унинг расмийлаштирилиши деб ҳисобланиши мумкин. Бўнак олган киши бошқа хўжайинга ўтиб ишлолмасди. Бўнак берган хўжайинда ишлаб турар экан, олган ҳақи унинг мулки бўлиб, ўшани тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эди. Агар кўрсатилган муддатдан аввал бошқа хўжайинга ишга ўтса, бу ҳуқуқдан маҳрум бўлиб, бўнакни тўла ҳолда эгасига қайтариши лозим бўлган.

Ер муносабатларига келганда, Қўқон хонлигидаги ер эгаллигининг шакллари қисман бошқа хонликлардагига ўхшаш эди. Аммо бу ерда хонлар ер мулкининг ўзига хос шакллари ҳам мавжуд бўлганлигини кўраемиз. Жумладан, хон ва унинг оила аъзоларига тааллуқли ерлар қуйидаги шаклларда бўлган:

1. **Хос мулк** – алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, келадиган даромадлари сарой аҳли ва соқчиларига сарф қилинадиган ер мулклари.

2. **Тақиқ ерлари ёки кўриқ ерлар.** Бундай ерлар илгари барчага, жамоага тегишли ҳайдалмайдиган далалар, ўтлоқлар, қамишзор ва чакалакзорларни хонлар ўзлариники қилиб олишлари натижасида вужудга келган.

3. **Чек ерлари** – хон ва унинг оила аъзолари тасарруфидаги ерлар.

Қўқон хонлигининг XIX асрнинг 40-70 йилларидаги сиёсий тарихи, хўжалик ҳаёти, хоннинг йирик хусусий мулк эгасига айланишини очиб берадиган биринчи манбаларни тадқиқ қилиш асосида каттагина иш ёзган тарихчи олим Р.Набиевнинг китобида хон хўжалиги, унинг турлари нисбатан тўла ёритилган. Унга кўра, хоннинг мулкига унга қарашли кўриқ ерлар, ов қилинадиган ерлар, қишлоқ хўжалиги мақсадларига ажратилган шахсий ерлар, чорва хўжалиги (12 мингдан ошиқ қорамол), Қўқонда 600 та, Марғилонда 500 та савдо растаси, қоғоз, порох тайёрловчи корхоналар ҳамда тикув устахоналари

кирган. Булардан ташқари, хон хонадонининг амлоқ ерлари, яъни давлат эгалигида ҳисобланган барча ерлар, “мулки ҳур – холис” ерлари ҳам унга тегишли бўлиб, уларни хусусий кишиларга сотиши мумкин эди. Бу ерларни сотиб олган йирик ер эгалари – бойлар улар учун давлат хазинасига солиқлар тўламаслик, ҳатто шу ерлардаги деҳқонларни бошқариш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишга эришгандилар. Қозихоналарда шундай битимлар тузилишида хон давлат ерларини сотувчи шахс сифатида қатнашган ва муайян ер сотилганлиги ҳақида ҳужжат – васиқа берилган. Ер эгалигининг бошқа бир шакли – асосан, ҳарбийларга хизмат эвазига бериладиган ерлар – танҳо ерлари деб аталган. Хонлар ўз хизматларига кирган аскарларга шартли хизмат муддатига ер берганлар. Бундай ерларни бошқаларга бериб юбориш, сотиш, мерос қолдириш мумкин бўлмаган.

Бундан ташқари, ерлар хусусий ва жамоа эгалигидаги ерларга бўлинган. Албатта, Қўқон хонлигида ҳам вақф мулклари мавжуд эди. Ер эгалари ўзлари қўлга киритган ерлар авлодларида сақланиб қолинишини таъминлаш учун, худди Бухородагидек, вақф авлод қилганлар. Бундай мулкларни бировга бериш мумкин эмас эди.

**Давлат тузуми.** Қўқон хонлиги бир кишининг мутлақ ҳукмронлигига таянган (мутлақ монархия) ўрта аср давлати бўлиб, унинг тепасида қадимий турк одатларига кўра сайланадиган (кўтариладиган) хон турарди.

Хон давлатни фуқаро, ҳарбий амалдорларга ва мусулмон руҳонийларга таянган ҳолда бошқаради. Қўқон хонлигидаги давлат мансабларига келганда, Хива ва Бухоро давлатларидагидек мансабларнинг кўпчилиги унда ҳам мавжуд бўлган, аммо бажарадиган вазифаларида баъзан фарқлар учрайди. Тарихчи Маҳдум Ҳожининг “Туркистон тарихи” асарида 24 мансабга таъриф берилган.<sup>1</sup>

Жумладан, қушбеги – Қўқон хонлигида хон ҳузуридаги маслаҳатчи бўлиб, у бирор катта шаҳарга мустақил ҳокимлик ҳам қилган. Парвоначи – бу мансаб қушбеги мансабига ва ваколатига тенг бўлган, амирлашкар ва

---

<sup>1</sup> Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. 104-105-бетлар.

мингбошилик ҳам юқори мансаблардан ҳисобланиб, олимнинг ёзишича, уларнинг иккаласига бир киши тайинланган. Шералихон даврида Қипчоқ беки Мукулмонқул ана шу мансабларга тайинланганлиги бунинг тасдиғидир. Булардан ташқари, хон номига бериладиган аризаларни қабул қилувчи хон ёрдамчиси – ҳудайчи, хон ётоғидаги посбон ҳамда тунда хон топшириқларини бажаришга масъул ходим – тунқатор, сарбозлар бошлиғи – нойиб ҳамда оталиқ – додхоҳ, меҳтарбоши, шарбатдор, дастурхончи, маҳрамбоши, эшик огабоши, мирохўрбоши, юзбоши, баковулбоши, ўнбоши мансаблари бўлиб, уларнинг ваколатлари бошқа хонликлардагига ўхшайди.

Бир гуруҳ мансаблар борки, уларни шариат, одил судловга тегишли мансаблар дейиш мумкин. Буларга фикҳшунос – мударрис – ҳуқуқдан дарс берувчи олим, профессор; шайхулислом – мусулмонлар жамоаси (диний ишлар)нинг олий бошлиғи; шайхулмашойих – муқаддас жойлар мутасаддиси, қози ул-қуззот – қозилар қозиси (қози судларининг ҳукм ва қарорларини апелляция инстанцияси тартибида қайта кўрадиган суд), қозилар, қози аскар – ҳарбий қозилар, аълам-ҳуқуқшунос – маслаҳатчимуфти каби лавозим эгалари киради.

Бу мансабларга тайинловчи ва улар фаолияти устидан назорат қилувчи мансабдор шахс бўлиб, у шифовул деб аталган. Олим Р.Набиевнинг китобида қозилик бошқа лавозимлар каби уламолар томонидан эгалланадиган мансаблар қаторига кирган. Қўқон хонлигида қозилар суди ҳақида махсус Низом ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу каби мансаблар, эҳтимол, Қўқон хонлигининг кейинги даврига оид Низомда кўзда тутилган бўлиши мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилиши жиҳатидан хонлик вилоятлар (ўн бешта), бекликлар ҳамда амин ва оқсоқолликлардан иборат эди. Аҳолиси ўтроқ бўлган вилоятларни хон тайинлаган бек ва ҳокимлар, кўчманчилар яшовчи ҳудудларни эса бийлар идора этганлар.

Қўқон хонлигининг армиясига келсак, у отлик аскарлар, пиёдалар ва сарбозлар, тўпчиларга бўлинган. Армияга чақирилган сарбозлар қушбеги томонидан озиқ-овқат билан тўла таъминланган. Аммо қурол-яроғларни ўзлари

сотиб олганлар. Лекин Қўқон вилояти қўшинларининг таъминоти билан хоннинг шахсан ўзи шуғулланган. Тинчлик вақтида сарбозлар уй-уйларига тарқалишиб, хизматда фақат сипоҳийлар ва қўшбегининг соқчилари қолган. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам қўшин, ҳам хизматкор ҳисобланган. Қўқон хонлигининг кейинги йилларида доимий армия ташкил қилина бошлаган. Хонликнинг харажатлар жадвалида ботирлар сони 8000 деб кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига 50 танга маош тўланган.

## **I. ҲУҚУҚНИНГ МАНБАЛАРИ ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ**

### **Мажмаъ ал-арқам ҳуқуқни ўрганиш манбаи сифатида**

Ўзбек хонликлари мусулмон дини ва ҳуқуқий фалсафаси ҳамда унинг асосида шаклланган мусулмон ҳуқуқи ҳукмрон бўлган яқка ҳокимликка асосланган давлатлар эди. Уларда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқ манбаи сифатида: а) мусулмон ҳуқуқи; б) дунёвий ҳуқуқ (ҳукмдорларнинг меъёрий (норма) сифатидаги фармон, ёрлиқлари; в) одат ҳуқуқлари қўлланилган. Бу даврда ҳуқуқнинг юридик манбалари хилма-хиллигидан қатъи назар, шариат ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солишда асосий манбаигича қолди. Бошқа манбалар шариатга зид келмасагина қўлланиларди. Шунинг учун бу давлатларда ҳам, худди аввалги даврлардагидек, мусулмон ҳуқуқининг тўрт манбаи: Қуръон, Сунна-ҳадислар, ижмо, қиёс асосий манбалар ҳисобланган. Улар асосида яратилган Бурхонниддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари Убайдулла бин Маҳбубий томонидан унга ёзилган “Мухтасар” каби фикҳий қўлланмалар аввалгидек ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва кенг қўлланилди. Булардан ташқари, ушбу хонликларда, айниқса, жиноят ҳуқуқи борасида ҳатто шариатга зид бўлган мезонлар ва жазо чоралари (масалан, “эмпале”) бўлган. Улар аниқ бир ҳуқуқий ҳолатга нисбатан ҳукмдор томонидан белгиланган. Шунинг учун шу давр ҳуқуқини ўрганишда сайёҳлар ва бошқа кишилар томонидан ёзиб қолдирилган эсдаликлар ҳам маълум даражада ҳуқуқни ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қи-

лади. XVIII асрда ёзилган тарихий-ҳуқуқий манбалардан бўлган “Мажмаъ ал-арқам” (“Рақамлар ва руқум (сиёқат)лар ҳақидаги”) расмий қоидалар тўплами<sup>1</sup> ҳуқуқни ўрганиш манбаи сифатида кам тадқиқ қилинган.

Бу асар Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихидан бизгача кам етиб келган ва ўхшаши йўқ манбалардандир. Унда молия, ер, солиқ, ҳисоб-китобларни юритиш бўйича расмий қоидалар ва тавсиялар берилган бўлиб, амир девонидаги амалдорлар учун иш юритишга оид расмий қўлланма ҳисобланади. Булардан ташқари, солиқлар ва бошқа тушумлар рўйхати, харажат қайдномалари, ер мулкларини эҳсон, совға қилиш ҳужжатларининг мазмуни ва шакли XVIII асрда Бухоро амирлигидаги давлат мансаблари, уларнинг вазифалари ва сув тақсимотига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин. Рисола маълум маънода амир Шоҳмурод топшириғига биноан 1789 йилда ёзилган дейиш мумкин. Шу билан бирга, рисола мазмунидан муаллифнинг аждодлари девон хизматчиси бўлиб келганлигини ва ўзи ҳам илмнинг соҳаларида билимдон бўлганлигини англаш ҳамда бу ишга давлат ишлари ва ҳужжатларидан хабардорлик ундаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Беш боб ва мансаблар ҳақидаги иловадан иборат бу қўлланмада давлат девонида хизматни қандай ўташ, крим-чиқим дафтарлари, давлатнинг маъмурий хўжалик бўлиниши тамойиллари ёритилган. Мовароуннаҳр ва Шарқ давлатларида давлат крим-чиқимлари, хазина бойликлари миқдорини сир тутиш ва уни ўзгартириш, сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида фақат катта мирзоларгагина маълум бўлган девон дафтари руқумлар ва сиёқат (алоҳида рақамлар) билан ёзилган. Китобнинг иккинчи, учинчи боблари ана шундай ёзув ва унинг сирларига, тўртинчи боби – арифметика, геометрия, алгебра ҳисоб-китоблари ва қоидаларига бағишланган. Бешинчи боб – фалакиёт, арифметик ҳаракатлар жадвалидан иборат. Мансаблар ҳақидаги иловада XVIII асрда Бухоро амирлигида мавжуд бўлган 135 дан ортиқ катта ва кичик

---

<sup>1</sup> Мирза Боди Диван. “Мажма ал-арқам” (“Предписания фиска”). М., “Наука”, 1981, 123-б.

мансаблар, вазифалар ва уларнинг ваколатлари келтирилган.

Рисолада шу даврдаги Бухорода мулк эгалигининг шаклларига оид маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, давлат ерларига деҳқонлар эгалик қилиб, солиқ тўлаганлар. Қизиғи шундаки, мўғуллар, Темур ва Темурийлар давридаги ер эгалиги, суюрғол Манғитлар сулоласи даврида ҳам мавжуд бўлган ва унинг эгаси XVIII асрда ҳам маъмурий дахлсизликдан фойдаланган. Бу ер мулкига эгалик хизмат эвазига берилиб, меросий ҳисобланган, аммо аста-секинлик билан дахлсизлик ҳуқуқини йўқота борган. XVIII асрга келиб хизмат қилувчи табақаларга амир олдидаги хизматлари учун бериладиган муваққат ер эгалиги – танҳо ривожлана бошлайди. Ер эгаси бундай ерларда яшовчи деҳқонлардан олинадиган солиқларни қисман ёки тўла ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Мамлакатнинг барча пул ва маблағ воситалари китобда тўрт хазина – байтул молга бўлинган. Яъни, келадиган манбаига қараб, пул воситалари тўртга бўлинган дейиш жоиздир. Буни шартли равишда Бухоро амирлиги давлат бюджети даромад ва харажатларининг тўрт моддаси деб ҳам аташ мумкин. Биринчиси – закот, ушр ва хумс<sup>1</sup> солиқларидан келадиган маблағлар тўпланган. Назарий жиҳатдан олганда, бу маблағ камбағал фуқаро ва мискинлар учун сарфланиши лозим бўлган. Иккинчиси (ер солиғи сифатида тўланадиган асосий давлат солиғи) – жузья ва мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган солиқлардан тушадиган маблағлар. Бу воситалар жангчиларга, амалдор ва руҳонийларга маош тўлаш ҳамда мамлакат ободончилиги учун сарфланган. Учинчиси – хазинага кирган эгасиз мулклар уларнинг маблағлари камбағаллар, етимлар, беморларга сарфланган, унга бошқа ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган. Тўртинчидан – хазинани топиб олинган мулклар ташкил этиб, закотдан фойдаланувчиларга берилган.

---

<sup>1</sup> Хумс – ҳарбий ўлжанинг камбағаллар учун ажрагиладиган бешдан бир қисми.

Китобнинг XVIII аср Бухоро амирлигининг маъмурий бўлинишини ёритиб берадиган маълумотлари ҳам қимматлидир. Унга кўра, Бухоро давлати вилоятлар, туманлар, ҳазора, ярим ҳазора, обикор, қориа, марзалардан иборат бўлган.

Вилоят катта маъмурий бирлик бўлиб, у давлат бошлиги тайинлайдиган ҳокимлар томонидан бошқарилган. “Бухоро мамлакатада шундай одат ва қонун қарор топганки, агар бирор вилоятда катта эътиборга лойиқ унвонли амалдор бўлса, уни ислом подшоси (амир. З.М.) шу вилоятнинг ўзига ҳоким қилиб тайинлаган. Ҳоким ва қўшинларининг хизмат ҳақлари ҳам ўша ҳокимликдан тушади”.<sup>1</sup>

Демак, ўрта асрда Бухорода ҳам худди Россиядаги сингари “кормление” – боқиманда бошқариш тизими мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин. Қолган маъмурий ҳудудий бирликлар асосига суғориладиган ер миқдори қўйилган бўлиб, бундай бошқариш суғориш билан боғлиқ деҳқончилик давлатига хосдир. Европа мамлакатларида биз бундай ҳолни кўрмаймиз. Жумладан, бир қатор ариқ (канал) билан суғориладиган 100 минг таноб ер<sup>2</sup> бир туманни ташкил қилган. Албатта, Бухоро амирлигида туманлар сони кўп бўлган. “Мажмаъ ал-арқам”нинг сувни тақсимлашга оид қисмида Зарафшондан Қорақўлгача бўлган ўн икки туман номи келтирилган. Бир катта ариқ билан суғориладиган 50 минг таноб ер ҳазора, 25 минг таноб ер ярим (ним) ҳазора, 10,15 минг таноб суғориладиган ер эса бирор дарёнинг обикори, 400 таноб ерга эга аҳоли яшайдиган қишлоқ қориа<sup>3</sup> 300 таноб ва ундан кам ери бўлган жой, аҳоли яшаши ёки яшамаслигидан қатъи назар, марза деб аталган.

Бухоро амирлигида маъмурий-доиравий бўлиниш асосида аҳоли сони, жўгрофий номи қўйилмай суғориладиган ер миқдори – таноб билан белгиланганлиги ўзига хос хусусиятдир.

---

<sup>1</sup> Мирза Боди Диван. Маджма ал-арқам. 36-бет.

<sup>2</sup> Таноб - ер юзаси (сатҳи)нинг ўлчам бирлиги, 2848 м<sup>2</sup> га тенг.

<sup>3</sup> “Мажмаъ ал-арқам”, 36-бет.

“Мажмаъ ал-арқам”нинг “Мансаблар ва унга алоқадор бўлган шахслар” ҳақидаги иловаси фақат Бухоро амирлигида эмас, балки ўзбек хонликларининг ҳаммасида ҳам мансаблар тизими, уларнинг вазифалари, бўйсунуш ва маош олиш тартиблари ҳақида биринчи манба сифатида қимматли маълумот беради.

Аштархонийлар сулоласи ҳукмдорлари давридаги давлат мансаблари ҳақидаги маълумотларни Убайдуллахон II (1702-1711) расмий тарихини ёзган Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”сида учратиш мумкин. Жумладан, у оталиқ, додхоҳ, маҳрам, иноқ, раис, закотчи, қоровулбеги, муҳрдор, меҳтар нақиб, шайхулислом, қози, қозикалон, қози аскар, аълам, қушбеги, девонбеги, чигатойбеги, қурчибоши, удайчи, бақовул, шиғовул, мирзабоши, мирохўр, тўқсоба, ясовул, эшик оғабоши, шогирд пеша, муниш мударрис, китобдор ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Бу мансабларнинг кўпчилиги бошқа ўзбек ҳукмдорлари вақтида ҳам мавжуд эди. Шу билан бирга, академик Б. Аҳмедов мазкур асарда келтирилган Убайдуллахон II давридаги янги мансаблар - додхоҳ, ясовул, муфтий аскар, қушбеги кул, штурпари кабиларни ҳам эслатиб ўтадики, булар янги мансаблар эди.<sup>1</sup> Юқоридаги мансабларни “Мажмаъ ал-арқам”га илова қилинган лавозимлар рўйхатида солиштирсак, мансаблар тизими иккала даврда ҳам бир хил, фақат Манғитлар даврида улар сони кўпроқ бўлганлигини кўрамиз.

Асарда муаллиф ўша давр удумларидан келиб чиқиб, мансабларни таснифлаш (гуруҳлаш)да тўртга бўлиш усулини қўллайди. “Ер эгалигининг тўрт тури ўрнатилганки, тан олиб, ҳурматланадиган тўрт халифа бўлганлиги, ер, сув, олов ва шамол каби тўрт унсурнинг бўлганлиги, инсон мижозининг табиати тўрт суюқлик: сафро, қорасафро, шилимшиқ модда ва қон билан яратилиши сингари... Мовароуннаҳр ҳукмдорлари олим ва фузалоларнинг фикрини ҳисобга олиб, мансаблар тўртга бўлинишини ўрнатдилар.”<sup>2</sup> Мазкур гуруҳлаш ўша давр Шарқда мавжуд

---

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. Т., “Фан”, 1985, 91-92 бетлар

<sup>2</sup> “Мажмаъ ал-арқам”. 9-бет.

бўлган табиат ва жамиат асосида тўрт унсур (чорвака) ётади деб ҳисобловчи фалсафий қоидаларга биноан танланганлигини яққол кўриш мумкин. Китобда алоҳида таъриф бериб кетилган бўлмаса-да, Шарқ давлатларига хос тармоқ бошқарув органлари, девонлар тўғрисида маълумотлар бор. Унинг илова қисмида мансаблар билан бирга ўндан ортиқ девонларнинг номлари учрайди. Булар

буюк (катта) девон, давлат хазинаси девони, таноб девони (хирож) ерларини бошқариш, баҳорги, кузги тушумларни ҳисоблаш, даводжиҳа (харажатлар) девони, араблар ишлари девони, саркор девони (давлатга тегишли ерлар, тегирмонлар, дўконларни ҳисобга олиб бошқарган), отахоналар девони, маҳрамлар девони, ясовуллар девони, кийим-кечак девонидир. Бу маҳкамаларнинг вазифалари номларига мос бўлган. Қуйидаги мансабларни кўпроқ суд ва судловликка оид мансаблар деб аташ мумкин. **Биринчи мансаб** шайхулислом, у амирдан кейин диний ва дунёвий суд ишлари юзасидан олий апелляция (шикоят) суди вазифасини бажарган. Ҳатто унга олий судья – қози ул-қуззот қарорлари ва ҳукмларидан ҳам шикоят қилиш мумкин бўлган. Яъни, бу мансаб олий судьялик мансабидан ҳам юқори турган. Олий судья – қози ул-қуззот эса унга барча қозилар ва қўшинлар қозисининг қарорлари устидан шикоят қилган. Шу маънода шайхулислом олий судья, барча ҳарбийлар ва оддий халқ устидан ҳам бошчилик қилган, дейиш мумкин.

**Иккинчи гуруҳ мансабдорлар** – муфтилар, ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар, уларнинг бошлиғи аълам – халқ учун шариат қоидалари асосида фатволар тузиб беради. Қўшинларда эса алоҳида қўшин муфтиси бўлиб, у айниқса, амирнинг вилоятларга сафари вақтида ҳарбийлар ва уларнинг суд ишлари учун худди шундай амалларни бажарган.

Қўшинлар қозиси ва муфтиси ҳукмдор билан вилоятларга чиққанда ўша жойнинг фуқаролар ишлари бўйича судьяси ва муфтилари, одатга кўра қабул қилинганидек, вақтинча мансабидан алмаштирилган ҳисобланади.<sup>1</sup> Ам-

---

<sup>1</sup> “Мажмаъ ал-арқам” 93-бет.

мо бунинг учун амирнинг махсус розилиги олинмайди. Бу жуда қизиқ ҳолат, яъни фуқаро судларининг ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳарбий судлар ва муфтилар билан алмаштирилиши худди ҳозирги замон давлатларида шундай ҳаракатлар даврида судларнинг ҳарбий трибуналларга айланишига ўхшаб кетади.

**Учинчи мансаб** – муҳтасиб бўлиб, улар келиб чиқишига кўра сайидлар (яъни Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари)-дан тайинланган. Агар шундай киши бўлмаса, сайид бўлмаганлардан ҳам тайинланишига йўл қўйилган. Улар аҳолини шариат тақиқлаган ҳаракатлардан тийилиб туришга, яхшиликка оид ҳаракатларни қилишга ундаганлар. Шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши устидан доимий назорат олиб бориб, мансабдор шахс ва диндорлар ахлоқ ҳамда қадр-қиммат қоидаларига амал қилишларини таъминлаш борасида ҳам назоратни амалга оширишган.

**Тўртинчи мансаб** – ўқитувчиликдир. Муаллиф унча таниқли бўлмаса-да, вақтининг кўп қисмини талабаларни ўқитишга сарфлайдиган кишилар бўлган ўқитувчиларни шу мансаблар жадвалига тааллуқли ҳисоблаган.

Оталиқ – амирнинг устидан васийлик қилиб, унга худди ўз ўғлидек муносабатда бўлиши учун шундай аталган. Унинг бошқа фуқароларга ҳам меҳрибон бўлиши лозим эди. Унга доруғалик, яъни Бухоро шаҳрини тунда қўриқлаш, сувни тақсимлаш вазифаси ҳам топширилган.

**Катта девонбеги** мансаби оталиқдан кейинги ўринда бўлиб, у вилоятлардан тушадиган давлат солиғи – хирожни ҳисобга олган ва туманларнинг солиқлари ёзилган дафтарни ўзида сақлаган. Қорақўлда сув тақсимооти катта девонбеги қўлида эди. **Парвоначи** мансабини олган киши амир хоҳиш-иродаси битилган ёрликларни уларга сазовор бўлган амирлар ва таниқли кишиларга етказиб турган. Бундан ташқари, арабларни бошқариш ҳам унга топширилган.

**Додхоҳ** эса ҳуқуқи бузилган кишиларнинг аризаларини қабул қилиб, амирга етказган ва унинг жавобини ариза-чиги маълум этган. Подшонинг топшириғи билан ўзи ҳам баъзи аризаларни ҳал қилган. Яъни додхоҳни амир ва ариза-чи орасидаги мансаб эгаси – аризабеги дейиш мумкин. Мирзо Боди яна тўрт мансабни келтирадики, уларга

ҳам амирга яқин кишилар тайинланган. Бунга қуйидагилар кирган: кўкалдош мамлакат – ов қушлари, итлари тайёргарлигига жавобгар бўлган мансабдор шахс. Катта иноқ-амирга яқин бўлмаган табақалар билан амир ўрта-сидаги алоқани боғлаб турувчи мансабдор.

**Бешинчи мансаб** – ҳарам оғаси, амир ҳарами, кийим-кечаклари таъминоти билан шуғулланган. Булардан ташқари ҳам юзга яқин катта-кичик мансаблар мавжуд бўлган.

Юқоридагиларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, Туркистон ерларида мавжуд бўлган давлатларда кўплаб расмий қоидалар тўплами, иш юритишга оид рисоалар каби юридик ёдгорликлар маълум бўлган. “Мажмаъ ал-арқам” ана шундай қийматга эга ноёб рисоалардан биридир. Пайдо бўлиши амир Шоҳмурод ислохотлари даврига тўғри келиши ҳамда яширин давлат қоидаларини акс эттириши унинг расмий эканлигидан далолатдир. “Мажмаъ ал-арқам” – Манғитлар Бухоросидаги давлат, маъмурий, молия, фуқаролик, суд, сув ҳуқуқлари ҳақидаги йирик ҳуқуқий ёдгорлик ҳисобланади.

### **Ўзбек хонликларида жиноят ҳуқуқининг асосий белгилари**

1. **Бухоро амирлиги.** Бухоро ислом давлати бўлганлиги учун жиноят ва жазо масаласи мусулмон ҳуқуқи асосида ҳал этиларди. Аммо Бухоро амирлигига турли йилларда элчи, жосус ёки сайёҳ бўлиб келган кишиларнинг хабар беришларича, бу соҳада ўзига хос хусусиятлар, жазони ижро этиш усуллари ҳам бўлган. Булар тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан маълум қизиқиш уйғотади. Маълумки, Куръонда содир қилинган ўғрилиқ учун дастлаб тан жазоси бериш назарда тутилган. Сайёҳ Филипп Ефремовнинг хабар беришича, XVIII асрнинг 20-йилларида Бухоро амирлигида ўғрилиқ учун эркак киши осиб ўлдирилган, аёл киши эса кўкрагигача кўмилиб, тошбўрон қилиб қатл этилган. Агар одам ўлдириш ёки танга жароҳат етказиш жинояти содир этилган бўлса, оталиқ айбдорни тутиб, ўлдирган ёки уни ярадор қилинган одамнинг қариндошларига ушлаб берган. Улар эса айбдорни мусулмон ҳуқуқидаги “тишга-тиш”, “кўзга-кўз” қоидасига кўра жазола-

ганлар, ярадорлик етказган бўлса, ярадор қилишган, ўлдирган бўлса, қатл этишган. Бу далиллардан ўша даврларда ўлдирилган одам учун қон баҳоси – **хун ундириш** кам учраган ёки сайёҳ уни кўрмаган, деган хулоса чиқариш мумкин. Агар эр хотинини бошқа бир шахс билан жинсий алоқа устида топиб, уни гувоҳлантирса, зинокорларнинг иккиси ҳам ўлдирилиб, уларнинг қариндошларига хабар берилган. “Улар эса ўликларни олиб кўмадилар, шу билан ҳеч қандай суд бўлмайди.”<sup>1</sup> Шундан кўриниб турибдики, бундай оғир жиноятларга судсиз, терговсиз жазо берилган.

П. И. Демизон Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий тузумига, суд, жиноят ва жазо масалаларига, шаҳарлардаги оқсоқоллар судларига оид маълумотларида ҳам тўхталган. Масалан, Бухоро шаҳри катта-кичик 366 мавзегга бўлиниб, ҳар бири ўз масжидига эга бўлган, мавзегга одатда, кекса савдогарлардан оқсоқол сайланганлиги учун ҳам шаҳарликлар унинг одиллигига кўпроқ ишонишган. Унга ўз мавзеларидаги савдогарлар орасида вужудга келадиган майда-чуйда ишларни кўриш топширилган. Агар оқсоқолнинг қарори томонларни қаноатлантирмаса, иш қозига, мураккаб ҳолларда эса, қушбегига ўтказилган. Унинг қарори устидан шикоят қилиб бўлмаган.

Амир Ҳайдар давридан бошлаб жазолар Регистон майдонида, кейинчалик эса, ўтин бозорида, шунингдек, Нодир Девонбеги мадрасаси олдидаги ҳовуз (лабиҳовуз) бўйида ижро этилган. “Мен Бухорода бўлган вақтимда, – деб ёзади П. И. Демизон, – икки киши, бири одам ўлдирганлиги ва бири ўгрилик қилганлиги учун осиб ўлдириш йўли билан қатл этилди. Одатга кўра, осидан олдин аввал хулқумини қирқиб, кейин дорга тортадилар. Агар ҳукм ижро этилиши олдидан “бўғулсин” деб юборилса, тўғридан-тўғри дорга тортишади.”<sup>2</sup>

Алоҳида ҳолларда амир бирон-бир жиноятнинг содир этилмаслиги учун қўрқув ҳиссини уйғотмоқчи бўлса, Мир Араб мадрасаси олдидаги Минори Калон (Катта минора)-

---

<sup>1</sup> История Узбекистана в источниках. Сост. Б. В. Лунин. Т., “Фан” 1983, 24-25-бетлар.

<sup>2</sup> Записки о Бухарском ханстве. М., “Наука”, 1983, 58-бет.

дан улоқтириш йўли билан қатл этишга ҳукм қилган. Одам ўлдирганлик ва яқин қариндошлари билан жинсий алоқа қилганлик учун қўлланилган мана шундай жазонинг ижро этилишини П. И. Демизон ўз кўзи билан кўрган. Бухоро қамоқхоналари ҳақида у қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар жазони “битхона”, “канахона” деб аталувчи хоналарда (ўраларда) ўтайдики, бу ҳам ўлим билан баробардир, чунки Бухоро турмалари даҳшатли чаёнлар ва чақадиган бошқа заҳарли ҳашоратларга тўлдирилди, ана шундай хоналарга ташланган маҳбуслар 2-3 кунда ҳалок бўларди. “Бухорода иккита қамоқхона бўлиб, саройда жойлашган биттасида давлат жиноятчилари сақланган, иккинчиси шаҳарда Мир Араб мадрасасидан узоқ бўлмаган жойда эди. Кам аҳамиятли жиноятлар учун айбдорнинг товонига ёки кўкрагига уриш билан чегараланилган. Бухорода калтак билан жазолашнинг кенг қўлланилишини 1836 йилда бу ерга элчи бўлиб келган П. И. Виткевич ҳам кўрган. Умуман, унинг гувоҳлик беришича, жазолаш йўғон калтак билан уриб амалга оширилган, яна шу даражадаки, маҳкумнинг суяклари синарди ёки у ўларди. Албатта, бу таърифлар уни кўрган кишининг дунёқараши, ҳиссиёти, қабул қилиши билан йўғрилган. Лекин бу гувоҳликлар муайян даражада бошқа манбалардаги маълумотларга ҳам тўғри келади.

П. И. Виткевич девордан итариб юбориш жазоси ҳам бўлганлигини ёзиб, уни ўз кўзи билан кўрганлигини айтиди. Бухоро шаҳрининг деворлари мустаҳкам, дарвозадан кириш жойида, девор устида майдонча бўлиб, икки киши ўғрилиқ қилганлиги учун унинг кўзи олдида шу ердан итариб юборилган. Улардан бирининг қўли синиб, иккинчисининг эса баданлари мўматалоқ бўлиб кетган. Буларнинг ҳаммаси фақат Бухоро амирлигига эмас, балки ўзбек хонликларининг барчасига хос жазолаш тизими эди. Яъни, жиноят ва жазо масалаларида маҳаллий ҳукмдорлар фақат шариат кўрсатмаларигагина амал қилиб қолмай, ўзлари маъқул деб ҳисоблаган жазоларга, уни ижро этиш усулларига ҳам ҳукм қилганлар. Юқорида келтирилган жинойат жазоларнинг кўпгина турлари мусулмон ҳуқуқининг бирор манбаида кўрсатилмаган бўлсада,

муфти ва қозилар уларни тарғиб этиб, фатво бериб ҳукм қилганлар. Чунки жазонинг асосий мақсади етказилган зарарни қоплаш, ўч олиш, хун ундириш, қўрқитишдан иборат эди.

**2. Хива хонлиги.** Бу хонлик ҳам мусулмон дини ҳукмрон давлат бўлганлиги учун унда ўша даврдаги мусулмон ҳуқуқининг барча манбалари амал қилган. Бундан ташқари, хонларнинг фармон ва билгалари, туркман, қозоқ, қорақалпоқларнинг ўз одат ҳуқуқлари ҳам ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган. Хонлар олий судья ваколатини давлат ҳокимияти ваколати билан қўшиб олиб борганлар; баъзан тарихий манбаларда улар асоссиз равишда қаттиқ жазо қўллаганликлари ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, тарихчи Абулғози Хива ҳукмдори Али Султон ҳақида шундай хабар беради: “Бир каррат султон отланиб, полизнинг каноридан ўтиб бортурғонда бир чухра отудан тушиб, икки қовун олиб турур. Қовун эгаси югуруб бориб, султонга арз қилиб турур, султон шул ерда чухрани келтуруб, бир улуғ ёғочни кўмдуруб, чухрани остуруб жони чиққандин кестуруб турур.”<sup>1</sup>

Бундай жазолашни қаттиққўллик ёки одиллик деб бўладими? Албатта, йўқ. Ундан кейин Ўзбекистон халқларида полиз бошида қовун сотиш одати бўлмаган. Шуларга асосланиб, юқоридаги жазони шариатга ҳам зид ҳолда берилган деб ҳисоблаш мумкин.

**3. Қўқон хонлиги.** Бу ерда ҳам асосий ҳуқуқ манбаи шариат бўлиб, қозоқ ва қирғизлар яшайдиган жойларда одат ҳуқуқларининг аҳамияти кучли эди. Ер, сув, давлат хизмати билан боғлиқ баъзи масалалар хонларнинг фармонлари билан ҳам тартибга солинишига қарамасдан, ер, сув, оила ва никоҳ, ворислик ҳуқуқлари деярли барча хонликларда бир хил бўлган. Бу ҳуқуқларнинг асосий белгилари республикаимиз олимларининг асарларида ёритиб берилган. Аммо жиноят ва жазо масалаларида ҳар бир хонликда шариатга зид кўпгина ўзига хос усуллар ҳам қўлланилган. Уларнинг барчасида, жумладан, Қўқон хонлигида қонунсизлик илдиз отган. Чунки, ҳукумат ишида шариатдан бошқа мунтазам қоидалар бўлмагани

---

<sup>1</sup> Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. Т., “Чўлпон”, 1992, 146-бет.

қолда, уларга зид равишда фуқаролар давлат бошлиқларининг қули саналиб, пули ва моли ҳам давлатникидек ҳисобланар эди. “Агар бирор одамни ўз хоҳишларича гуноҳкор топсалар, - деб ёзган эди бу ҳақда Маҳдум Ҳожи, - ани уруб ва қаттиқ азобга ҳукм қилиб, тамом молу амволини подшоликка деб олур эдилар. Балки ул гуноҳкорнинг гуноҳсиз хешу ақраболари ҳам ул гуноҳидин ҳоли бўлмас эди.”<sup>1</sup> Бундан кўриниб турибдики, азоблаш (тан жазоси), қатл этиш, мол-мулкни мусодара қилиш каби уч хил жазо бирданига қўлланилган, жавобгарлик гуноҳкорнинг қариндошларига ҳам ёйилган, ўзбек хонлиқларида, жумладан, Қўқон хонлигида жиноят ҳуқуқининг асосий хусусиятлари академик Ҳ.С.Сулаймонованинг илмий ишларида батафсил ёритилган.<sup>2</sup> Бу ҳақда бошқа бир қанча манбалар ҳам бой маълумот беради.

Жиноятлар давлатга қарши қаратилган, диний, мулкка, шахсга, оилага қарши қаратилган жиноятларга бўлинган. Давлат жиноятлари диний жиноятлар билан чатишганлигидан ҳар бир давлат жинояти диний жиноят ҳисобланган. Уларга ҳукми фақат хон чиқариб, деярли барча ҳолларда ўлим жазоси берилган.

Давлат жиноятчиларига тайинланган ўлим жазоси баъзи ҳолларда сазойи қилиш билан бирга бўлиб, осиб ўлдириш шаклида ижро этилган. “Давлатга қарши исёнда айбланган Мусулмонқул асирга олиниб... бир неча давлат ходимлари билан Ҳўқандга юбориб, икки одам бўйи баланд тахт барпо этиб, Мусулмонқулни ул тахтга узасига ўтқазиб, ҳалойиққа ибрат бўлсин деб бир неча кун тутқузуб, охири хоннинг амири ила дорға осдилар.”

Сазойи қилиш жазоси ҳам оғир шаклда қўлланилган. Жумладан, Русия аскарлари билан уриша олмай, Оқ масжидга қочган Ҳўқанд кўшини бошлиғи Шодмонқул сазойи қилинган. Унинг ижросини Маҳдум Ҳожи қуйидагича тасвирлайди: “Ҳўқанд ўртасида жомеъ азимнинг ўртасида Шодмонқулнинг бошига хотинлар рўмолини ўратиб, олдига чарх дук қўйиб, шармандаю шармисор қи-

---

<sup>1</sup> Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон, 105-106-бетлар.

<sup>2</sup> Х. С. Сулайманова. Собрание сочинений. Т. 1. Т., “Фан”, 1967.

либдурлар.”<sup>1</sup> Бу ўринда ҳарбий жиноят – уруш майдони-ни ташлаб қочиш учун тайинланган жазони кўриш мумкин. Сазойи қилишнинг кенг қўлланилишини бошқа манбалар ҳам кўрсатади. Жумладан, 1813-1814 йилларда рус савдо карвонининг таржимони сифатида Қўқонда бўлган Ф.Назаров қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ҳукумат савдогарларни кам ўлчаб, ошиқча тортмасликлари устидан қаттиқ назорат қилади. Менинг кўз ўнгимда кам ўлчаб, кам тортиб берган бир кимсани яланғоч ҳолда кўчаларда қамчи уриб, олиб юрганларини кўрдим.”<sup>2</sup>

Жазонинг мақсади келтирилган зарарни қоплаш ҳамда халқни кўрқитишдан иборат эди. Жазо очиқ ҳолда тўп-ланган халқ олдида талиония принципи асосида ижро этилган. Бунга Қуръондаги “Биз жонга жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, тишга-тиш, жароҳатлашни буюрдик”, деган кўрсатмалари асос қилиб олинган. Бой кишилар тан жазоларидан жарима билан қутулиб қолишлари мумкин эди.

Бир ёки икки марта дарра уриш “сиёсат” ёки уриш билан кўрқитиш деб аталган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси зиндонда ўталган. Зиндонда чаён, каналар билан тўлдирилган махсус хоналар бўлган ёки баъзи ҳолларда аҳолига чаён солиқ солиниб, улар йиғилгач, маҳбус устига ташланган. Баъзи ҳокимлар ўз душманларига нисбатан ҳеч бир қоида-қонунга, шариат қоидаларига тўғри келмаган жазоларни қўллаганлар. Маълумки, **эмпале**, яъни қозиққа ўтқазиб жазолаш жазоси асосан, Ўрта аср Шарқий Европа давлатларида мавжуд эди. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқига оид тарихий манбалар орасида бу жазо мавжуд бўлганлигини кўрсатувчи манба ва мисоллар деярли йўқ. Аммо Қўқон хонлигида баъзи ҳокимларнинг ана шу жазони қўллаганликларига гувоҳлик берувчи маълумот Маҳдум Ҳожининг асарида учрайди: “Баъзи бир ҳокимлар гуноҳдорнинг остига қозиқ қоқиб, тириклай ҳолда устига ўткузуб, ул бечора бир неча кун ходанинг

---

<sup>1</sup> Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Ўша асар, 100-бет.

<sup>2</sup> Ф. Назаров. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии. 173- бет.

устида азоб тортиб, жон берар экан.”<sup>1</sup> Ҳатто бундан ҳам ёмонроқ азоблар берилганлигини исботловчи далиллар келтирилган.

Дин билан боғлиқ жиноятларга даҳрийлик, бошқа динни қабул қилиш, диний кўрсатмаларни бузиш, диндан қайтиш, хон режимини танқид қилиш, бошқа диндаги киши билан никоҳга кириш, шариат тақиқлаган овқатларни ейиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғондан қасам ичиш кабилар кириб, уларга нисбатан дарра билан уриш, мамлакатдан қувиб юбориш ва қатл этиш каби жазолар қўлланилган.

Булардан ташқари, Қўқон хонлигида турар жойидан қувиб юбориш, жиноят содир этган кишини ёки унинг оила аъзоларини хон армиясига аскарликка бериш, мулкни йўқотиш, мусодара қилиш каби жазолар ҳам бўлган. Ўғрилиқ жиноятига тан жазолари қўлланилган. Ф. Назаровнинг кўрсатишича: “Мен 30 қўй ўғирлагани учун бир кишининг ўнг қўли бармоқларининг қилич билан чопиб ташлаганларини ўз кўзим билан кўрдим, қонни тўхтатиш учун қайнаб турган ёғга ботириб, кейин қўйиб юбордилар. Одам ўлдирганлик учун қотилни ўлган одамнинг қариндошларига берадилар. Улар уни сотиб юборишлари ёки қон учун хун олишлари мумкин”,<sup>2</sup> деб ёзади у. Бундай жиноят учун сотиб юбориш ҳолатини бошқа ўринларда учратмадик, шунинг учун ушбу жазо турини Қўқон хонлигига хос деб ҳисоблаш мумкин.

---

<sup>1</sup> Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Ўша асар. 65-66-бетлар.

<sup>2</sup> История Узбекистана в источниках Т., “Фан”, 1988, 173-бет.

## ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

### 1. Чор Россиясининг истилоси ва мустамлакачилик тизимининг ўрнатилиши

XVI асрнинг 50-йилларида марказлашган рус давлатининг ташкил топиш жараёни дастлаб ўз атрофидаги унга доимо таҳдид қилиб келган давлатларга зарба бериш ва уларни босиб олиш йўналишида бўлса, кейинчалик қўшниларининг ерларини очиқдан-очиқ турли сабаблар билан босиб олиш сиёсатига айланади.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш билан шуғулланиб келаётган тарихчилар жаҳоннинг йирик мустамлакачи давлатларидан бўлган Россия империясининг қўшни давлатларга, хусусан, ўзбек хонларининг ерларини босиб олишга, уларнинг ички ишларига аралаштиришга қаратилган сиёсатини Россияда XIX асрнинг иккинчи ярмида капитализмнинг тараққиёти билан боғлайдилар. Аммо бундай қараш тарихий ҳақиқатга зиддир. Чор Россиясининг бу борадаги ҳаракатлари жуда эрта бошланган. Тарихчи Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи Турк” асарида, жумладан, бу ҳақда шундай дейилади: “Хон бўлганидан олти ойдан сўнг (Абулғозининг отаси Арабмаҳаммадхон - 1662 й) Кўшөйиқ тегинда юрган уруснинг қазақидан минг киши саратоннинг аввали куни гофил келиб, Урганч қалъасина кирди.”<sup>1</sup> Шу келишларида улар Урганчдаги тинч аҳолини ўлжа ва асир қилиб олиб қайтганлар, аммо бу босқинчилар тор-мор қилинган. Шундан кейин Хиванинг Оренбург орқали бўладиган савдо қарвонларига ҳужум қилиб, сақлаган, асир олган кишиларидан Урганч хабарини сўрар эдилар ва маълумотлар тўтлай бошлаганлар. Кейинги уриниш, Россиянинг империя давлатига айланиши Пётр I даврида юз берди. Амударё ҳавзаларида олтин қонлари борлиги хабарини эшитган подшо 1717 йилда Ҳиндистонга олиб борадиган савдо йўлларини аниқлаш ҳамда ана шу қонларга эга бўлиш мақсадида

<sup>1</sup> Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. 158-159-бетлар.

Хивага князь Бекович-Черкасский бошчилигидаги 7 минг кишидан иборат қўшинни юборди. Хива яқинидаги жангда бу экспедициянинг мағлубиятга учраши Россиянинг ўзбек хонликларининг ерларига босқинчилик ҳаракатини юз йилга кечиктирди.

XIX асрнинг 30-40 йилларида жаҳоннинг йирик мустамлакачи давлатлари томонидан бўлиб олинган дунёни қайта тақсимлашга интилишлари натижасида икки йирик мустамлакачи давлат Англия ва Россиянинг Марказий Осиёдаги манфаатлари бир-бирига тўқнаш келди.

Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинишининг иқтисодий сабаблари, олимлар томонидан етарлича ўрганилган. Бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. XIX асрнинг 60-йилларида АҚШда Шимол ва Жануб қулдорлари ўртасида фуқаролар урушининг келиб чиқиши Европага, жумладан, Россия тўқимачилик саноатига етказиб бериладиган Америка пахтасининг камайиб, 1860 йилларда Россия тўқимачилик саноатининг бухрон ҳолатига тушиб қолишига олиб келди. 1863 йилда Россияда мавжуд 659 тўқимачилик корхонасидан 338 тасигина ишлаб турарди. Шунинг учун ҳам Туркистон Россиянинг саноат тармоғи учун хомашё базаси бўлиб хизмат қилиши лозим эди.

2. 1861 йил 19 февраль Низомига кўра, крепостной қарамликдан озод бўлган деҳқонларнинг ерга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун уларни чекка ўлкаларга кўчириб жойлаштириш сиёсати кучайди. Улардаги бу эҳтиёжларнинг бир қисми зулм остида қолган халқларнинг ерлари ҳисобига қондирилиши мумкин эди.

3. Россиянинг Шарқни бўлиб олиш сиёсатидаги бош рақиб бўлган Англиянинг Ҳиндистон, Афғонистон ва Эронни босиб олишга уринишларига қарши курашда Туркистон таянч нуқтаси бўлиб хизмат қолиши мумкин эди.<sup>1</sup> Аммо, бу сабаблардан қатъи назар, эртами-кечми Россия албатта, Марказий Осиёни босиб олиши аниқ бўлиб қолганди ва бу Рус давлатининг ўз қўшинларига нисбатан асрий тарихга эга босқинчилик сиёсатидан ке-

---

<sup>1</sup> К. Е. Житов. Основные причины завоевания Средней Азии царизмом. "Правда Востока", 1939 йил 16 апрель.

либ чиқарди. Бунга вице-канцлер А. М. Горчаковнинг 1864 йил 21 ноябрда Қўқон хонлигига ҳарбий операциялар бошлаганлиги муносабати билан Европадаги барча давлатларнинг ҳукуматларига қилган мурожаатидаги сўзлар гувоҳ бўлиши мумкин: “Чегаралар ва савдо муносабатларининг хавфсизлик манфаатларини таъминлаш маданиятлироқ давлатнинг ўз қўшинларига маълум даражада ҳукмрон бўлиб туришини ҳамиша талаб қилади.”<sup>1</sup>

Уша давр ўзбек тарихчилари чор Россияси ўзбек хонликлари ерларини босиб олишининг яна бошқа сабаблари борлигини ҳам кўрсатдилар. Жумладан, Маҳдум Ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида Қўқон хонлигида ўзаро урушлар ва фитналар кучайганлигидан ўз чегараларини ҳимоя эта олмай қолганликлари, шунингдек, “Дашти қипчоқдаги қозоқ хонларининг Русия чегарасида қилган талон-торожликлари, хусусан, русияликларнинг бу тоифага келмоқларига йўл очди,” деб тўғри кўрсатилади. XIX асрнинг ўрталарида қозоқ хони Облойхон ва авлодларининг Россия ерларига босқини, Россиядан Туркистонга келадиган савдогарларни тез-тез талаб туришлари ҳам “Туркистон тарафларига аскар юбормоққа” сабаб бўлган.

Албатта, бу каби сабаб-важлардан қатъи назар, мазкур сиёсат Туркистон халқларини асоратга солиш сиёсати эди. Аммо Россиянинг Қрим урушида енгилиши унинг дарҳол кенг йўналишларда босқинчилик урушларини олиб боришига имкон бермас эди. Шунинг учун ҳам у энди аста-секинлик билан махсус ҳарбий истеҳкомлар чизигини ташкил қилиб, Туркистонга Хива хонлигининг дашт-чўл чегараларидан эмас, воҳаларда жойлашган Қўқон хонлиги орқали бостириб киришни режалаштирди. Шу мақсадларда дипломатик фаолликни, маълумотлар тўплаш ҳаракатини кучайтирди.

1847 йилда Сирдарёнинг устки қисмини босиб олиш учун Раим (Орол) истеҳкомини қурди. Шундан кейин Сирдарё бўйлаб юқорига кўтарила бораркан, 1853 йилда Қўқон хонлигининг йирик чегара қўрғони бўлган Оқмачит (Ҳозирги Қизил Ўрда)ни босиб олиб, 1854 йилда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. II том, Т., “Фан”, 1971, 20-бет.

Ғарбий Сибирь генерал-губернаторлиги қармоғидаги Олмаота қишлоғи яқинида Верний истеҳкомини қуриш билан ўзбек хонликларини босиб олиш учун таянч нуқталарини вужудга келтириб бўлди. 1864 йил баҳорида Сибирь ва Сирдарё линиялари бирлаштирилди.<sup>1</sup> Шундан кейин, 1864-1866 йилларда босиб олинган Чимкент, Тошкент, 1866 йилда Хўжанд ва Жиззах ерлари бирлаштирилиб, 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ва ҳарбий округи тузилди. 1868 йилда Туркистон халқлари истеҳзо билан “ярим подшо” деб атаган К.П.Фон Кауфман (1867-1881) генерал-губернатор қилиб тайинланди. Бухоро амирлигига қарши урушни давом эттириб, шу йили у Самарқанд ва Қаттақўрғонни эгаллади, амир қўшинларини Зирабулоқ даштларида мағлубиятга учратди. 1868 йилнинг 23 июнида Бухоро ва Россия ўртасида сулҳ шартномаси тузилиб, Россия қўшинлари томонидан босиб олинган ерлар Туркистон генерал-губернаторлигининг Зарафшон округига киритилди. Бухоро амири 500 минг сўм товон (контрибуция) тўлаш мажбуриятини олди.

1873 йил 18 сентябрда эса бу шартномага қўшимча моддалар киритилиб, Бухоро устидан Россия протекторати ўрнатилди ва Россия давлатининг доимий сиёсий агентлиги таъсис этилди.

1873 йилнинг бошида Чор ҳукуматининг Хива хонлигига қарши бошлаган урушида 13 минг қўшин қатнашди. Бунинг натижасида Хива шаҳри эгалланиб ва таланиб, хонликнинг меросий буюмлари Россияга олиб кетилди. Шу йили Хива хони Россия томонидан таклиф қилинган шартлар асосида Россия-Хива сулҳ шартномасини имзолади. Ўзини “Россия подшосининг итоатли хизматкори” деб атаган хон мустақил дипломатик алоқалар қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, Рус давлати проректоратига – ҳомийлиги остига тушиб қолди. Хон Россияга икки миллион икки юз минг сўм товон тўлашга мажбур қилинди.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ”, 2000, 464-бет.

Қўқон хонлигининг босиб олинishi унинг ҳукмдори Худоёрхонга қарши халқ қўзғолони юксалган бир шароитда таҳликага тушган хоннинг ўзини ва хонликини Россия паноҳига топшириши билан боғлиқдир. 1873-1876 йилларда бўлиб ўтган бу қўзғолонга Абдурахмон офтобачи ва Пўлатхон раҳбарлик қилишди. Аслида, Чор Россияси пайти келиб бу давлатни ҳам барибир босиб олар эди. Қўзғолон ва Худоёрхоннинг ёрдам сўраши бу ишни тезлаштирди, холос. Подшо армиясининг тўплари билан яксон қилинган халқ ҳаракати қонга ботириб бостирилди. Биргина Андижоннинг тўпга тутилиши натижасида 20 мингга яқин киши ҳалок бўлди.

Шу билан собиқ Қўқон хонлиги ҳам тугатилиб, унинг ўрнида Фарғона вилояти тузилди ва Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олинди. Қўқон хонлигининг аҳолиси уч миллион сўм товон тўлашга мажбур этилди. Худоёрхон эса 1857 йилнинг 22 июлида Қўқонни ташлаб чиқиб, Тошкентга келди ва ўзини Россия паноҳига олиб, жон сақлаб қолди. Бу мустамлакачилик урушлари сабабли жануби-шарқда Эрон, Афғонистон ва Хитой билан, ғарбда Каспий денгизи, шимолда Россиянинг дашт вилоятлари, генерал-губернаторликлари – Семипалатинск, Урал ва Тўрғай билан чегарадош бўлган, майдони эса Ғарбий Европанинг Англия, Франция, Италия, Дания, Финляндия, Швейцария ва Бельгия каби давлатларининг умумий ҳудудидан катта бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги вужудга келди. Агар Ҳиндистон “Англия мустамлакачилиги бошидаги тожнинг гавҳари” бўлса, қадимий бой ва жафокаш Туркистон ўлкаси “Россия империяси мустамлакачилик тизими тожидаги гавҳар” бўлиб қолди. Бу уруш том маънода XIX асрдаги мустамлакачилик, босқинчилик урушининг ўзи эди. Чимкент, Тошкент, Самарқанднинг босиб олинishi, Зирабулоқ, Оқтепа жанглари, Кўктепа қалъасида бутун аҳолининг қиличдан ўтказилиши ва бошқа ҳарбий ҳаракатлар подшо Россиянинг босқинчилик сиёсатини тасдиқловчи тамғалардир. Бундай бостириб келиш Шарққа қаратилган тутқунлик сиёсатининг туб қисми ўлароқ ўзбек хонликларида мустамлакачилик сиёсий режими, ҳарбий миршаблик тартиби ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши билан яқун топди.

**Ижтимоий тузум.** Россия империяси бепоён ўлкани босиб олгач, уни мустамлака тузумига ўтказишга киришаркан, рус фуқароларига Бухоро ва Хивада ҳам қўзғалмас ер-мулклар сотиб олиш, имтиёзли савдо билан шуғулланиш, завод-фабрикалар қуриш, эркин кўчиш ҳуқуқи берилди. Марказий Россиянинг кўплаб худудларидан деҳқонлар кўчириб келтирилиб, Туркистоннинг серҳосил ерларига жойлаштирила бошланди. Қадимий Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар ёнида рус аҳолиси турадиган янги шаҳарлар қад кўтарди. Туркистон ўлкасини Россия империяси саноати учун хом ашё базасига айлантириш пойдевори шу тарзда вужудга келтирилиб, пахта, ипак, қоракўл тери қуруқ мевалар рус буржуазияси манфаатларига хизмат қила бошлади. Рус давлати шу манфаатлардан келиб чиқиб, Туркистонда илгари бўлмаган темир йўл, почта, телеграф, замонавий тиббиёт муассасалари, пахта ва териға дастлабки ишлов бериш фабрика ва заводларини қура бошлади.

Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом аҳолини икки гуруҳга: ўтроқ маҳаллий халқ ва кўчманчи маҳаллий халққа бўлди. Шу Низомнинг 265-моддасида ерли халқнинг эгаллаб келган ерларига абадий эгалиги мустаҳкамланди (амлок ерлари). Маҳаллий аҳоли ундан келадиган даромаднинг 10 фоизи миқдорида ер солиғи, боғлардан ер майдонига қараб (танобона), савдо маблағидан 2 фоиз миқдорида, чорвадор аҳоли эса ҳар ўтовдан 4 сўм солиқ тўлашга мажбур қилинди. Ёввойи ўрмонлар, шунингдек, маҳаллий аҳолининг қарамоғида бўлган бўш ерлар давлат мулки деб эълон этилди.

Подшо Россияси Туркистон ерларини босиб олгандан кейин вақф мулкчилигига эҳтиёткорлик билан ёндашиб, уни чеклаш ва назоратга олиш сиёсатини олиб борди. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомнинг (1864 й.) 265, 266, 267-моддаларига биноан ҳукумат томонидан тан олинган вақфлар аввалги ҳолатида қолдирилди. Янги вақфни таъсис қилишга эса генерал-губернаторнинг розилиғи билан “алоҳида диққатга сазовор” ҳолларда руҳсат этиладиган бўлди. Вилоят бошқармалари (управа) эса вақфни таъсис этиш ва унинг бошқаруви устидан назорат ўрнатиш, тафтиш қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Вақфлар кўпинча аввалги тарзида қолдирилган бўлса-да, айрим ҳолларда вақф ерларини давлат ихтиёрига олиш ҳам мумкинлиги белгиланди. Қулчилик тақиқланиши янги прогрессив тadbирлардан бўлди. Ўзбеклар ва бошқа ерли халқлар орасидан капиталистик хўжаликларда ёлланиб ишловчи ишчилар ҳамда савдо-саноат буржуазияси шакллана бошлади. Чор Россияси тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжи учун пахта етиштиришни ҳар томонлама рағбатлантириш – **пахта якка ҳокимлиги сиёсати**га асос солинди. 1915 йилда пахта ерлари 54,9 минг десятинага етказилди. 1903 йилда 702 та саноат ишхонаси, шу жумладан, 197 та пахта тозалаш, 28 та пилла қуритиш заводи, 48 та тегирмон, 28 та вино заводи, 21 та пиво заводи, 12 та совун, 19 та пахта ёғи олиш заводи қурилди.

Чор Россияси таркибидаги Туркистоннинг ижтимоий тузумини тасаввур қилиш учун қуйидаги далилларни келтириш мумкин: подшо амалдорлари томонидан 1897 йилда Фарғона водийсида ўтказилган аҳоли рўйхатига қараганда, бу ерда яшаётган 1 миллион 600 минг аҳоли орасида руслардан туб наслий дворянлар 618, шахсий дворянлар 896 киши,<sup>1</sup> фахрий фуқаролар 174 киши, савдогарлар 637 киши бўлиб, улар 1.500.000 дан иборат маҳаллий аҳолини бошқарган.<sup>2</sup>

Мустамлакачилик идоралари ходимлари маҳаллий халқни менсимай, уни камситиш, таҳқирлаш, ҳуқуқларини тан олмаслик сиёсатини ўтказиб келдилар. Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўзбекларни ҳақоратлайдиган буйруқларини кўрсатиш мумкинки, бу ҳақиқий мустамлакачилик ҳуқуқига мисол бўла олади.

“Йўловчиларга қулайлик бўлиши учун, – дейилади унинг 1903 йил 31 июндаги буйруғида, – мусулмонлар учун 3-класс вагонларда махсус бўлим ажратишни буюраман” 1905 йилда чиқарилиб, маҳаллий халқларни камситишга қаратилган бошқа буйруқда эса муносабат яна

---

<sup>1</sup> Мустамлака идораларида ишлайдиган Россия империяси фуқаролари. Наслий дворянлар авлод-авлоди дворян (хизмат эвазига поместье олган давлат хизматчилари) бўлиб келганлар; даражалар тўғрисидаги жадвалга кўра, шахсий дворян давлат хизматида маълум поғонага эришиб, дворянлик унвонини олган киши.

<sup>2</sup> Қаранг: “Правда Востока”, 1939 йил 17 январь.

ҳам аниқлаштирилиб: “Маҳаллий йўловчилар бошқа йўловчилардан алоҳида жойлаштирилсин,” дейилган. Чор амалдорлари бу халқларнинг ўтроқ ҳаёт кечирадиган қисмини ҳатто ўз номи билан атамай, камситиб “сартлар” деб юритганлар.

Мустамлакачи маъмурларга қарши ҳар қандай ҳаракат аёвсиз жазоланган. Бунга генерал Кауфманнинг 1869 йилда Бухоро амири Музаффарга ёзган хати мисол бўла олади. Унда Самарқанд шаҳрига ишлаб пул топиш учун келган Бухоро фуқароси ишчи Абдураимов хизматда турган рус офицерининг юзига тарсаки тушириб, уни ҳақорат қилганлиги жуда оғир жиноят саналиб, уни дарҳол қатл қилиш лозимлиги айтилган. Хатда, гарчи у судга берилди деб ёзилган бўлса-да, аслида ишчи Абдураимов судсиз осиб юборилган. Кауфман амирдан унинг давлати доирасида генералдан “очиқ хат” – рухсатнома олмай, “ишончсиз кишиларни” рус “чегара ҳокимияти” вакилларига тутиб беришни сўраб, бунинг эвазига Маккага ҳажга кетаётган Бухоро фуқароларига фақат мамлакат ичкарисидоғина эмас, балки Туркия ва Эронда ҳам ҳомийлик қилишга ваъда берган.

**Мустамлакачилик шароитида Туркистон ўлкасини бошқариш.** Туркистон генерал-губернаторлигининг ижтимоий-сиёсий тузумига келсак, у Россиянинг чекка ўлкаларидан бири бўлиб қолди. Уни бошқариш 1865 йилдаги “Туркистон ўлкасини идора қилиш ҳақидаги вақтинча Низом”, 1867 йилдаги “Сирдарё ва Еттисув вилоятларини идора қилиш ҳақидаги Низом”, 1867 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” лойиҳалари асосида белгиланиб, деярли йигирма йил мобайнида ана шу муваққат низом ва лойиҳалар амалда бўлди. 1873 йилда янги низом лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. 1886 йилда сенатор Гирс раҳбарлигидаги комиссия Сенат тафтишини ўтказганда, Туркистон ўлкасини бошқаришда юридик асос берадиган ягона ҳужжат йўқлиги аниқланади. Шундан кейин унинг таклифи билан тузилган комиссия янги лойиҳани ишлаб чиқади. “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” 1917 йилгача деярли унинг гонституцияси бўлиб келди. Шу ҳужжатларга биноан, Марказий “Ҳарбий бошқарув ва жойларда ярим фуқаро” бошқарув

шакли ўрнатилди. Туркистон ўлкаси тарихини тадқиқ қилишга муносиб ҳисса қўшган таниқли рус шарқшунос олими Н.И.Веселовский мазкур бошқарув тизимини **“ҳақиқий ҳарбий бошқарув”**<sup>1</sup> деб баҳолаган эди.

Туркистондаги мустамлака идораси 1898 йилгача **“Ҳарбий-халқ бошқаруви”**, ундан кейин эса, **“маъмурий-полиция бошқаруви”** деб аталган бўлса ҳам, унинг мазмун-моҳияти ўзгармай қолаверди. Барча ваколатлар рус маъмурияти қўлида жамланиб, мустамлака истибдоди йил сайин кучая борди.<sup>2</sup> Туркистондаги идора тизими туб аҳоли ўртасида ҳар қандай норозиликни таг-туғи билан бостириш, салгина душманлик майли сезилиб қолгудек бўлса, дарҳол унинг кучайишига йўл қўймай, бўғиб ташлаш руҳи билан суғорилган эди. Бутун ўлкада ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятнинг бир киши – генерал-губернатор қўлида тўпланиши, қўйи ҳокимият органларининг сайлаб қўйиш асосларида ташкил қилиниши бу муассасаларда Россия учун зарарли бўлган баъзи тартибларни тугатиш маъмуриятдан судни ажратиш, маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, қўйи маъмурий органларни ташкил қилиш ва ривожлантириш негизига қурилганди.

Туркистон ўлкасининг маъмурияти чоризм салтанатининг бошқа ўлкалардаги бошқарувдан кескин ҳарбийлашган табиати билан алоҳида ажралиб турган. Россия ҳукуматининг Туркистон учун 1865-1916 йиллар давомида ишлаб чиққан ва амалга татбиқ этган ўнта низоми ва қонун лойиҳалари (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йиллар)га ва уларнинг тегишли моддаларига адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгаришларда жаҳон афкор оммасини чалғитишга қаратилган найранглар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, шу ҳужжатларда мустамлака маъмуриятига Туркистон халқларининг “ҳоҳиш-иродаси, розилигига қараб қолмаслик” ҳамда ўз фаолиятида “тўла эркин бўлиш зарурлиги” алоҳида уқтирилган эди.

---

<sup>1</sup> Б. В. Лунин. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Т., “Фан”, 1979, 145-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т. “Шарқ”, 2000, 190-211-бетлар.

Ғарбий Европадаги ўнлаб давлатлар ерига тенг келадиган Туркистон ўлкасини бошқарув тепасида подшо томонидан тайинландиган генерал-губернатор туриб, маҳаллий аҳоли уни “ярим подшо” деб атаган эди. Ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган генерал-губернатор, бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида подшо ноиб, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари атамани, бош миришаб, бош прокурор мансабларини ҳам ўтаган. Унинг маъмурий идораси ёрдамчи девонхона, таржимонлар, махсус топшириқлар бўйича амалдор ва кенгашдан иборат бўлиб, кенгаш таркибига Сирдарё вилоятининг генерал-губернаторлиги, суд палатасининг прокурори, хазина ва назорат палатасининг бошқарувчиси кирган. Марказий бошқарувда генерал-губернатор маҳкамасининг аҳамияти беқиёс эди. Тўрт бўлимдан иборат маҳкаманинг биринчи бўлими маъмурий ва назорат ишларини, иккинчи бўлими солиқ ва маблағлар масалаларини бошқарган. Тўртинчи махсус бўлимнинг фаолияти эса серқирра бўлган.

Ўлка маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бешта: Еттисув, Сирдарё, Каспийорти (Закаспий), Самарқанд ва Фарғона вилоятларига, 27 туман (уезд)га, бундан ташқари, приставлик волостларига ҳамда қишлоқ ва овулларга бўлинган. Вилоятлар бошида ўлка генерал-губернатори ва ички ишлар вазирлигининг тавсиялари билан рус империясининг генералларидан шахсан подшонинг ўзи тайинладиган генерал-губернаторлар турган. Улар ҳам ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини ўз қўлида жамлаб, ҳарбий соҳада вилоятлардаги қўшинлар (дивизия ёки корпус) қўмондонни, фуқаро ишларида эса губернатор ҳуқуқига эга бўлишган. Ҳарбий губернаторлар қошидаги вилоят бошқармалари губерния бошқармаси ҳуқуқларига эга эди. Ҳар бир туман (уезд) ўз таркибидаги шаҳар ва қишлоқлари билан туман ҳокими (уезд бошлиғи) – туман бошлиғига бўйсунган. Туманбоши Россиядаги исправник, земство бошлиғи, полицмейстр, шаҳар бошқармаси бошлиғи ҳуқуқларига тенг келарди. Туманбоши вилоят ҳарбий губернатори тавсияси билан бевосита губернатор томонидан тайинланган. Улар рус армиясининг катта зобит (офицер)ларидан, асосан, майор, ротмистрдан то полковник унвони

гача бўлганлардан қуйиларди. Халқ уларни “**ҳоким тўра**” деб атаган. Туманлар бир неча жабҳа (участка)ларга бўлиниб, уларни кичик унвондаги зобитлар (поручик, штабс-капитан) бошқарарди. Низомга биноан, Туркистон ўлкаси генерал-губернаторига сиёсий ишончсиз бўлган ерли аҳолини 5 йил муддатга ўлкадан судсиз бадарға қилиш ҳуқуқи берилган эди. Кўзғолон, исёнда қатнашган кишиларни эса ҳарбий давр қонуни билан дала судларига бериш ҳуқуқидан фойдаланиларди.

Ҳарбий губернаторлар уезд бошлиқларининг маълумоти билан ёки ўз ҳоҳишларича маҳаллий халқларнинг вакилларини судсиз бир ойгача қамоқда олиб туришлари мумкин эди. Уезд бошлиқларига ҳам уларнинг фармоишларини бажармаганлик, бўйсунмаганлик учун 7 кунгача қамоқда олиб туриш ёки 15 сўмгача жарима солиш ҳуқуқи берилган. Ҳатто уезд бошлиғининг ёрдамчиси ёки участка пристави ҳам маъмурий тартибда жазо беришга, уч кунгача қамоқда олиб туриш ва 5 сўмгача жарима солишга ҳақли эди.

Қишлоқ жамоаларида асосан, маҳаллий феодаллар бўлиб, уч йилга сайлов асосларида ташкил топган волост бошқарувчиси поғонали сайлов йўли билан, яъни 50 хонадондан сайланган бир киши миқдорида тузилган волост кенгашида сайланиб, ҳарбий губернатор томонидан, қишлоқ оқсоқоллари эса бир хонадондан биттадан сайланган вакиллар томонидан сайланиб, уезд бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий-бюрокрatik мустамлакачилик сиёсий режими гўёки халқ томонидан сайланиб қўйилувчи маҳаллий бошқарув органлари билан ўраб қўйилган эди. 1886 йил 12 июндаги Низомга кўра, суд, молия, ўқув юртлари, телеграф хизмати муассасаларидан ташқари барча соҳаларда ўлкани бошқариш Россия Ички ишлар вазирлигининг маҳаллий бошқаруви, Ҳарбий вазирлик томонидан амалга ошириларди.

## 2. Россия империяси ҳукмронлиги остидаги Туркистон ўлкаси ҳуқуқининг асосий манбалари

Империя таркибига кирган Туркистон ўлкасининг ҳуқуқ манбалари тизими ўзига хос кўринишда эди. Ўлкани бошқариш ҳақидаги Низомнинг 256-моддаси, Россия империяси фуқаролик қонунлари тўпламининг 216, 255-моддаларида маҳаллий халқлар учун асрлар мобайнида удум бўлиб келган мусулмон ҳуқуқи тан олинди, аммо, шунга қарамай, туб аҳоли жуда кўп ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқ манбаларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) империя ҳуқуқи; 2) шариат ҳуқуқи. Ўз навбатида, **империя ҳуқуқи** ҳам икки қисмдан – **умумимперия қонунлари** ва **мустамлакачилик ҳуқуқларидан** иборат бўлиб, биринчисига 1835 йилдаги “Фуқаролик қонунлари тўплами”, Векселлар тўғрисидаги Устав, 1866 йилдаги “Жиноий ва тузатувчи жазолар ҳақида”ги Низомнома (Уложение), шунингдек, 1864 йилдаги Суд уставларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**Мустамлакачилик ҳуқуқи** Туркистон шароитида қўлланилган кўплаб қонунлар маҳаллий халқлар ҳуқуқларини чеклашга қаратилган тўлдиришлар, аниқлаш ва истиснолардан иборат моддалар тарзида яратилган. Булардан ташқари, ҳукумат фармойишлари, ички ишлар, ҳарбий ишлар вазирлигининг, Туркистон генерал-губернаторининг буйруқ ва кўрсатмалари мустамлакачиликни бошқариш усулини ўрнатганки, буларни ўз номи билан мустамлакачилик ҳуқуқи дейиш мумкин. Маҳаллий халқлар учун шариат ҳуқуқининг тўртта манбаи – Қуръон, суннат, ижмо ва қиёс амалда бўлди.

Россия империясининг ҳукумати Туркистоннинг маҳаллий халқлари учун шариат ҳуқуқининг қайишқоқлик, миллий ҳуқуқларни ўзида ўзгартирмай сақлай олиш хусусиятларини англаб, у билан муроса қилишга ҳаракат қилди ва шариатнинг биринчи манбаи – Қуръонни ҳуқуқ манбаи сифатида тан олишга мажбур бўлди ҳамда уни қонуний жиҳатдан мустақкамлади (Империя қонунлари тўплами, X том, I қисм, 1338-модда).

Подшо амалдорлари ўлкада юқори ҳукумат органлари томонидан назоратсизлик, эътиборсизлик натижасида фақат маҳаллий халқ ҳуқуқларини, урф-одатларини менсимайгина қолмай, чор Россияси қонунларини ҳам қўпол бузиб, унга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиб, қўп ҳолларда риоя қилмай келдилар. 1882-1884 йилларда Туркистон ўлкасидаги бошқарувни атрофлича тафтиш қилган марказ вакили – императорнинг махфий маслаҳатчиси Ф. Гирс Туркистонда мустабид ҳоким эканлигини, империя қонунчилигига мутлақо риоя қилмай, ўзича қонунлар чиқарганини ва ўз майлича ҳукм юритганини эътироф этган эди.<sup>1</sup> Ҳикоя қилинишича, Сирдарё вилояти генерал-губернатори Головачевнинг яқин кишиларидан бири: “Озроқ бўлса-да, ҳар замонда қонун бўйича ҳаракат қилиш керак”, деганида, у заҳархандалик билан: “Қани ўша қонун?” деб сўрабди, шунда унинг қўлига Россия империясининг қонунлари тўпламини тутқазишибди. Головачев қонунни олиб, ўзи ўтирадиган курсининг тагига қўйиб, пинагини бузмай: “Қани энди сизнинг қонунингиз?” – деб айтган экан. Рус маъмуриятининг ўзи ҳам руслар бу ерни босиб олиши билан жиноятчилик ўсиб кетганлигини тан олиб ёзган эди. “Талон-торож қилиш, турли йиғинлар, фирибгарлик, рус маъмурияти томонидан маҳаллий халқ ўртасида ғаразли мақсадлар билан фитна кўзғатиш ҳаддан зиёд ошиб кетди.”<sup>2</sup> Бу мустамлакачилик сиёсатининг натижаси эди.

Туркистоннинг ўтроқ халқлари орасида ҳам баъзи масалаларда одат ҳуқуқлари ҳуқуқ манбаи бўлиб келган. Одат, албатта, ўтроқ ва кўчманчи чорвадор халқларда бир хил бўлмаган. Ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган халқларда шу борадаги одат ҳуқуқларига руҳсат этилган. Жумладан, 1886 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомда мустамлакачи ҳукумат мусулмон ҳуқуқи билан мураса қилибгина қолмай, балки уни келажакда ўрганишга йўл очди. Бу борадаги дастлабки иш шу ҳу-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна батафсил қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида. 83-бет.

<sup>2</sup> Я. Волков. Выборы в Туркестане. “Правда Востока”, 1938 йил 21 июнь.

қуққа биринчилар қатори қизиққан европалик олимларнинг асарларини рус тилига таржима қилишдан иборат бўлди. Жумладан, Бурҳониддин Марғиновичнинг мусулмон давлатларининг ҳуқуқшунослари томонидан назарий ва амалий ҳуқуқшуносликда тан олинган ҳамда Англия мустамлакачилари Ҳиндистонда инглиз тилига ўгириб, ерли мусулмон халқларнинг суд ишларини ҳал этишда қўлланган “Ҳидоя” асарини таржима қилиб, нашр эттирилган.<sup>1</sup>

Қозоқ ва қирғизлар ўртасида одат ҳуқуқлари анча таъсирчан ва ривожланган бўлиб, унинг манбаи асосан, учга бўлинган: 1) одат ҳуқуқлари; 2) бий судларининг амалий тажрибалари; 3) бий судлари сездларининг қабул қилган қоидалари – “эреже”лардан иборат эди.

Туркистонда бу даврга келиб, ўрта асрга хос оғир тан жазолари тақиқланди.

Жиноятлар хусусида айтиш лозимки, ҳокимият ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, таъмағирлик, хизмат сохтакорлиги, зўравонлик каби жиноятлар амалдорлар орасида кенг тарқалди. Бу ҳолни сенат комиссиялари ҳам қайд этган.

Маҳаллий халқлар орасида бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар, подшо маъмурларига қарши исёнлар ҳам тез-тез юз бериб турган. Аммо улар шафқатсиз бостирилган. Бу жиноятларга нисбатан тутилган қоида ўч олиш, қўрқитиш, шафқатсизликдан иборат эди. Дукчи Эшон кўзғолони бунга яққол мисол бўла олади. Фарғона губернаторлиги Андижон уезди маъмурларининг ўзбек ва қирғизлар рус мужикларига ерларини тақсимлаб беришлари ва бошқа ўзбошимчаликлари уларнинг Дукчи Эшон бошчилигидаги кўзғолонига сабаб бўлиб, 1898 йил 11 майда Андижон казармасига ҳужум қилиниши, 23 рус аскарининг ўлими билан якунланган.<sup>2</sup>

Бунга жавобан Туркистон генерал-губернатори Духовский ва Фарғона губернатори Чайковский кўзғолончиларидангина эмас, бутун Фарғона халқи, аҳолисидан ўч ол-

---

<sup>1</sup> “Ҳидоя”. Комен.мусульманского права. В 4-х томах. Перев. с англ., под ред. Н. И. Гродекова. Т., Типография им. С. И. Латкина, 1903.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қarang: **Фозилбек Отабек ўғли**. Дукчи Эшон воқеаси. Т., “Чўлпон”, 1991, 48-бет.

ган. “Уларнинг бундан муддаолари, – деб ёзди бу ҳақда Фозилбек Отабек ўғли ўз китобида, – фуқарога сиёсат кўрсатиб, юракларида кўрқинч туғдириш ва истибдод салтанати тахтида узун замонлар беташвиш ҳукм суришдан иборат эди” (Ўша манба, 35-бет). Подшо маъмурлари тинч аҳолидан юзларча кишини отиб ўлдирган, икки минг кишини қамоққа олган. Дукчи Эшон яқинларидан 15 киши осиб ўлдирилган, ҳатто унинг қишлоғи, юрган йўллари тўпга тутилиб, йўқ қилиб ташланган. Жуда кўп одамлар қалтақлаш остида ҳалок бўлган. Дукчи Эшон ва унинг яқин кишилари, сафдошларининг иши Фарғона генерал-губернатори – раис ва 5 аъзодан иборат таркибдаги ҳарбий судда 1898 йил 13 майда кўрилиб, улар осиб ўлдиришга, жазони янги шаҳар тупроқ кўрғони олдидаги майдонда халқни мажбурий тарзда тўплаб, ҳамманинг кўз ўнгида ижро этишга ҳукм қилинди.<sup>1</sup>

Жазони ижро этишда болаларнинг иштирок қилишига алоҳида эътибор берилди. “Ёш болалар катта одамлардан кейин қоладурғон одамлар бўлгани учун, узун умр кўриб, кўп йиллар Россия подшосининг сиёсатини айтиб юрадилар”,<sup>2</sup> шунинг учун тамом мактаб болалари ва домларлар чиқсинлар, деб махсус буйруқ тайёрлаганлар. “Жазони ижро этишда уларнинг кўрққани яхшироқ. Эсидан чиқармайдур, дорга яқин қўйилсин”, дея алоҳида таъкидлашган. Бунинг натижасида ўлим жазосидан даҳшатга тушган ўнлаб болалар касалланиб, вафот этган. Яксон этилиб, текисланган Мингтепа Саратов ва Самара томонлардан кўчириб келтирилган 400 уйлик руслар ҳисобига рус қишлоғига айлантирилган. Бундай шафқатсизлик, таҳқир ва жазога, ҳатто инглиз мустамлакачилари жазм қилмаган эди. Бу тарздаги сиёсатдан мустамлака Туркистон халқларининг қул каби бўйсундишларини таъминлаш мақсади кўзланарди.

Биринчи жаҳон уруши подшо Россияси ва мустамлака Туркистоннинг халқ хўжалигини издан чиқаришга, хўжалик фаолиятини уруш манфаатларига бўйсундиришга

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Ҳ. Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., “Шарқ”, 1998.

<sup>2</sup> Ўша асар, 35-бет.

мажбур этди. Келгинди маъмурлар маҳаллий халқларни ҳарбий ишга ўргатишни, уларга қурол бериб, ҳарбий қўшинлар сафига қўшишни истамас эдилар. Улар бир вақтлар Маҳмуд Ғазнавий, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур, Абулхайрхон, Шайбонийхон, Абдуллахон каби ўнлаб машҳур аскарбошилар чиққан халқнинг миллий ғурури, ўтмиш ва келажак авлодлар олдида жавобгарлик руҳи уйғонишидан чўчиган ва айни бир пайтда, унга паст назар билан қараган ҳолда иш тутдилар. Шунинг учун ҳам подшонинг Туркистондаги туб ерли халқдан аскар олиш ўрнига, ундан турли солиқлар ва йиғимлар ундиришни кучайтиришга ҳамда фронт орти ишларига жалб қилишга доир фармони чиқди. Мазкур ҳужжатга киритилган тўлдиришларга биноан эса, волост, қишлоқ, овул бошқармалари, мансабдор шахслар, руҳонийлар, фахрий фуқаролар бундай мажбуриятлардан озод қилиндилар ҳамда хоҳлаган киши ўз ўрнига бошқа шахсни ёллаб юбориши мумкинлиги кўрсатилди. Бу эса Туркистон халқларини ниҳоятда ғазаблантириб, 1916 йилда бутун ўлкани подшо амалдорлари ва унинг зулмкор сиёсатига қарши қўзғолон чўлғаб олди.

Қўзғолон вақтида 2325 нафар подшо амалдори ўлдирилди. 1384 киши бедарак йўқолди. Уларга тегишли 9 мингдан ортиқ хўжалик вайрон қилинди. Подшо ҳукумати бунда Дукчи Эшон қўзғолонини бостиришда қўлланилган усуллари ва қоидаларилан кенг фойдаланди. Уни шафқатсиз, даҳшат билан бостириш учун доимий армия кучларини ташлади. Бу амалиётда 14 батальон, 33 казаклар юзлиги (сотня) қатнашиб, 42 тўп ва 69 пулемёт қўлланилди. Уни бостиришда минглаб кишилар отиб ташланган бўлса-да, шундан кейин 3000 киши подшо судларига берилди. 1917 йил январида подшо судларининг Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган ҳукмига биноан 347 киши ўлим жазосига, 168 киши сургунга, 228 киши тузатиш қамоқ бўлимларига, 129 киши қамоқ жазосига ҳукм қилинди.<sup>1</sup> Бу жазо сиёсати жаҳон

---

<sup>1</sup> Х. С. Сулайманова. Собрание сочинений. Т. I. Т., “Ўқитувчи”, 1987, 81-бет.

мустамлакачилик тизимига хос бўлган ўч олиш, қўрқи-тиш, хўрлаш, мамлакат бойликларини талаш, юз минг-ларча одамларни қурбон қилиб бўлса ҳам итоатда тутиш сиёсати эди.

Эркесвар халқимизнинг қаршилиги кучайган бир вақтда чоризм 1892 йил 18 июнда **“Ҳарбий ҳолатда”** деб эълон қилинган жойлар ҳақидаги қоидаларни Туркистон ўлкасига татбиқ этди. Бу эса рус мустамлакачилари учун турли ваколатлар дарвозаларини кенг очди. **“Кучли муҳофаза”** деб эълон қилинган жойда Туркистон генерал-губернатори мажлис, йиғинларни тарқатиб юбориш, савдо-сотиқ, саноат корхоналарини ёпиш, матбуот органларини тақиқлаш, истаган одамни сургун қилиш, жаримага тортиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлди. **“Фавкуллда муҳофаза”** деб эълон қилинган жойда бутун ҳокимият генерал-губернатор ёки тайинланган бош ноиб қўлига ўтадиган бўлди. Бу қоидалар фуқаролар ишини ҳарбийлар қўлига топширди.<sup>1</sup>

Подшо Туркистонда суд тизими ўлкани бошқариш ҳақидаги низомларга асосан, шунингдек, 1894 йилда Туркистон генерал-губернатори бўлган Вревский томонидан тасдиқланган қози ва бий судлари ҳақидаги йўриқнома (инструкция)лар билан белгиладиган бўлди. Подшо ҳукумати босиб олинган ерлардаги суд органларини ва асосан, жиноят ишлари бўйича суд вазифаларини амалга оширувчи мансабларни йўқ қилди. Жумладан, амир томонидан тайинладиган вилоятлардаги беклар ёки ҳокимлар, улар сайлаб қўядиган амалдорларнинг лавозимлари тугатилди. Аммо қози ва бийлар суди сақлаб қолинди. Илгариги қози раис мансаби бекор қилиниди, қозилар фақат рус қонунларида назарда тутилган жазоларнигина қўллайдиган бўлдилар.

1867 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом лойиҳасига кўра, уезд судлари маъмурий ваколат билан бирга суд функцияларини ҳам амалга оширган. Суд тизимида вилоят судлари, мураса судлари (мировой судлар) кенгаши, суд палатаси, ҳукм сурувчи сенат вако-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакаси даврида Т., “Шарқ”, 2000, 332-бет.

лати билан таъминланган ҳарбий суд комиссиялари мавжуд эди.

1886 йилда подшо томонидан тасдиқланган Низом узил-кесил икки тизимли судларни қонунлаштирди ва бу 1890 йил 2 июлда Туркистон ва Дашт вилоятида суд борасида қайта қуришлар ҳақидаги қонун қабул қилиниб, суд тизими 1864 йилги суд ислоҳоти давомида қабул қилинган уставларга мувофиқлаштирилгандан кейин ҳам – 1917 йилгача мавжуд бўлиб турди. Шу судлар: 1) асосан рус фуқаролари учун судловлиги ёйиладиган умумимперия – муроса судлари, вилоят судлари, ҳукумат сенати, ҳарбий-дала судлари; 2) Чор Россиясининг маҳаллий аҳоли учун тузилган ҳужжатларида халқ судлари деб аталувчи қози ва бий судлари, 1864 йил 20 ноябрда Россияда жорий этилган суд ислоҳоти қонунчиликини ижроия ҳоқимиятидан ажратиш, кўриладиган ишлардаги ошкоралик ва маслаҳатчилар иштироки каби бир қатор илғор тартибларни амалга оширган эди. Бошқа қонунлар каби ушбу ислоҳот ҳам Туркистонда мустамлака қолипига туширилиб, анчагина ўзгартиришлар билан 1898 йилда, яъни 38 йилдан кейин амалга оширила бошланди. Рус амалдорлари муроса судьяларини сайлаш ўрнига ҳукумат томонидан тайинлаб, муроса судлари қурултойининг вазифаси округ судларига, муроса судларига тааллуқли шикоят ишлари эса суд палатасига юкланди.<sup>1</sup>

Россия Туркистонда муроса судлари Адлия вазирлиги билан келишиб тайинланган. Улар жиноят ва фуқаро ишларини ёлғиз судьялар таркибида кўриб, уларнинг қарор ва ҳукмлари устидан шикоят округ судларига берилган. Муроса судлари 1,5 йилгача қамоқ жазоси беришга лойиқ жиноят ишларини ва 2 минг сўмгача даъво қийматига эга фуқаролик ишларини кўришган. Туркистон ўлкасининг бешта вилоятида округ суди мавжуд бўлиб, улар муроса судлари қарор ва ҳукмлари устидан кассация шикоятларини кўрган. Улар устидан кассация шикояти эса Тошкент суд палатасига берилган. Бу Россиядаги жами 14 та суд палатасининг бири ҳисобланарди. Ўлкада Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг кучайиши билан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ” 2000, 209-бет.

1906 йилда ҳарбий дала судлари тузилди. Таркибида фақат подшо армиясининг зобитлари қатнашган бу судларда иш 24 соат ичида кўриб чиқилиб, ҳал этилган. У, асосан, қатл этиш жазоси тайинлаш бўйича ҳукмлар чиқарган. Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомларга мувофиқ Россия фуқароларининг барча суд ишлари, шунингдек, туб жой аҳолисига мансуб бўлмаган халқ вакилларига тааллуқли суд ишлари фақат империя судларида кўрилиб, ҳал этилган. Маҳаллий халқ вакиллари томонидан давлатга қарши жиноятлар, христиан динига қарши содир этилган жиноятлар, мансабдорлик, бошқариш тартибига қарши қаратилган, давлат ва маҳаллий мажбуриятларни бузиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар, ҳазина даромадлари ва мулкига қарши йўналтирилган, карантин (тақиқ) ҳақидаги Уставни бузиш билан боғлиқ, жамоат тартиби ва тинчлигини бузиш (жиноий гуруҳлар ташкил қилиш, қиморхоналар сақлаш, ёлғон хабар ёки кўрсатма бериш), юқумли ва умумий касалликлар тарқатадиган ҳолатларни тақиқлайдиган қарорларни бузиш билан боғлиқ жиноятлар, шахснинг озодлиги, соғлиги, ҳаёти ва қадр-қимматига қарши қаратилган – ўғрилик, талончилик, босқинчилик ҳамда давлат мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар фақат империя қонунларига асосан империя судларида кўриб ҳал этилган. Албатта, қози ва бий судларини мустамлакачи маъмурлар ёқтиришмаган, ammo уни сақлашга мажбур эдилар. Ўзбек хонлиқларини босиб олган Россия империяси уни бошқаришда инглизларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги тажрибасидан фойдаланган. Ўлкани бошқариш ҳақидаги Низом лойиҳасини тайёрлаётган комиссия ана шундан келиб чиқиб, бу судларни қолдириш лозимлигини кўрсатиб ўтган. Жумладан, “Инглизларнинг Ҳиндистонда ўз қонунларини амалга оширишда муваффақиятсизликка учрашлари бунга яққол мисол бўла олади, – деб ёзган комиссия ўз хулосасида. – Халқнинг қаҳрини ўзига қарши қўзғатган Англия анча муддат давом этган курашлардан кейин ерли халқ талабларига ён беришга ва бир неча чеклашлар билан маҳаллий халқ судини тузишга мажбур бўлди”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> С. Ф. Бакиров. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. Т., “Фан”, 1967, 16-17-бетлар.

Шунинг учун ҳам қози ва бийлар судлари сақлаб қолиниб, 1886 йилдаги Низомнинг 38-моддасида бу “Туркистон генерал-губернаторлигида империя қонунларига асосан иш кўрувчи судлардан ташқари бошқа халқлар учун ҳам у халқларнинг урф-одатларига асосланган бий, қози судлари ташкил этилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Қозилар суди сақланган бўлсада, бош қози – қозикалонлик мансаби тугатилди.

Қози ва бий судлари асосан, оила ва никоҳ, ворислик каби фуқаролик ишларини кўриб, улар фаолияти, аслида, шу билан чеклаб қўйилади. Улар фақат икки турдаги жазо: 1) олти ойдан бир йилу олти ойгача қамоқ жазосига ҳукм қилиш; 2) 300 сўмгача пул жаримаси ундириш ҳуқуқига эга эдилар. Маҳаллий халқнинг 300 сўмдан ошадиган қийматга эга ер майдонлари билан боғлиқ даъво ва низолари **империя судларида** кўрилган. Қози ва бий судларининг қурултойлари бу судлар учун шикоят кассация инстанцияси (иккинчи инстанция) ҳисобланиб, улар лозим бўлган тақдирда генерал-губернатор томонидан ҳам чақирилиши мумкин эди. Берилган шикоят уезд ёки волост бошлиғи орқали қурултойга йўналтирилди. Ҳукм чиқарган судья иш кўрилиши вақтида қурултойда бўлишга ҳақли эмасди.

**Қози ва бий судлари** сайлаб қўйиш асосида ташкил топган. Сайлов жуда катта курашлар, ҳоким тўралар ва Чор Россиясининг бошқа амалдорларини сотиб олиш йўллари билан амалга оширилган.

### **3. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ҳомийлиги (протекторати) остида бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонликларининг ижтимоий-сиёсий тузумидаги ўзгаришлар**

#### **Бухоро амирлиги**

Подшо Россияси билан 1868 йилда тузилган сулҳ шартномаси амалда Бухоро устидан Россиянинг ҳомийлиги (протекторати)ни ўрнатиб, уни мустахлак давлатга айлантирди. Бухоро амирлигига Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларининг ерлари, тоғли Кўлоб вилояти, Дарвоз, Қоратегин ва Балжувон вилоятлари, Амударёнинг ўнг соҳили бўйларидаги ерлар, Термиз ва Карки каби шаҳарлар кирган эди. Шунга қарамасдан, Бухоро амир-

лигини қаттиқ марказлашган давлат деб бўлмасди, чунки жойларда ярим мустақил бекликлар мавжуд эди. Фақат Россиянинг ҳомийлиги ўрнатилгандан кейингина Шаҳ-рисабз, Китоб, Кўлоб, Ҳисор, Қоратегин, Дарвоз каби бекликлар узил-кесил Бухоро амирлигига қўшиб олинди. Бу даврда Бухорода ер эгалигининг учта асосий шакли: хусусий эгаликдаги ерлар - мулк; диний муассасалар, жа-моаларга тегишли ерлар – вақф ҳамда давлат ерлари – амлок мавжуд эди. Хусусий эгаликдаги ерлар икки турга: азалдан ер эгалари бўлган аҳолига тааллуқли бўлиб, ша-риятга кўра хирож солиғи тўланадиган ерлар; Бухоро дав-латида юқори давлат мансабларини эгаллаб, барча солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган мулки ҳур – холис ерлари. Бухоро амирининг ўзи ҳам жуда катта ер эгаси ҳисобланиб, Зарафшон воҳасида кўплаб ерлар унга те-гишли бўлган.

Вақф ер мулклари асосан, ерсиз ва кам ерли деҳқон-лар томонидан **ҳиссабай ижара** асосида ишлаб фойдала-нилган. Бухоро хонлигида ер эгалигининг асосий шакли амлок ерлари бўлиб, у давлат мулки ҳисобланган. Деҳ-қонлар шу ерларга меросий эгалик қилиб, давлатга хирож солиғини тўлаганлар.

Мамлакат аҳолиси бу даврда ижтимоий таркибига кў-ра, ўтроқ ер эгалари – деҳқонлардан, кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлардан, шаҳарлик қосиб ва ҳунармандлардан, булардан ташқари, зобитлар ва сипоҳийлар, уламолар ҳамда тижоратчилар (савдогарлар)дан иборат бўлиб қолди. Шунингдек, ҳали бу даврда қарз бадалига қулчилик ҳам мавжуд бўлган.

Россиянинг ҳомийлиги ўрнатилган Бухорода аста-се-кинлик билан саноат корхоналари, асосан, пахта хом ашёсига дастлабки ишлов берувчи корхоналар ривожлана бошлайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам амирлик давлат тузуми Россия ҳомийлиги остидаги якка ҳоким-ликка асосланган давлат тарзида қолаверди. Россия империясининг Бухородаги вакили Россиянинг сиёсий агентлиги (1885-1917) ҳисобланиб, у амир ҳукуматининг фаолияти устидан назоратни амалга оширарди, унинг топшириқлари сўзсиз бажарилар эди.

Россиянинг Бухоро амирлиги, шунингдек, Хива хонлигига нисбатан тутган сиёсати унинг Англия билан тузган битимининг талабларига асосланган эди. Бунга кўра, Англия Афғонистон устидан ҳомийлик – протекторат ўрнатиши, Россия эса Бухоро ва Хива давлатларини сақлаб қолган ҳолда, улар устидан ҳомийлик ўрнатиб, **оралиқ (буфер) давлатини** вужудга келтириши керак эди. Шунинг учун ҳам, гарчи бу давлатлар ҳарбий жиҳатдан тўла енгилган бўлсалар-да, Россия уларнинг анъанавий давлат ва ҳуқуқ тизимини сақлаб қолиб, **вассал давлатларга** айлантирди. Бунинг ҳуқуқий асослари: а) 1868 йилдаги Бухоро билан Россия ўртасидаги сулҳ шартномаси; 1873 йилнинг 28 сентябрида тузилган дўстлик ҳақидаги шартнома ҳамда б) 1888 йилнинг 23 июнида тузилган қўшимча қоидалар ҳақидаги баённомаларда ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, Туркистон генерал-губернатори билан Бухоро амири биргаликда тасдиқлаган қоида ва шартномаларга асосан рус фуқароларининг Бухородаги барча ҳуқуқлари ҳимояга олинди. Булар: а) “Чоржўй темир йўл шоҳ бекати яқинидаги турар-жойлар, хўжаликларни бошқариш ва ободонлаштириш ҳақида”ги қоидалар; б) 1889 йилнинг 25 июнидаги Бухоро амирлигида ўткир спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидалари; в) Бухоро амирлигидаги виночилик қоидалари ҳақидаги 1893 йил 15 декабрдаги қоидалар; г) 1896 йил 24 февралда тасдиқланган Бухоро амирлигида олтин ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорлар ана шулар жумласидандир.<sup>1</sup>

Умуман олганда, протекторат остидаги иккала давлат ҳам бу даврда қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан характерланар эди: Бухоро амирлиги доирасида Чор Россиясининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, пахта сотиб олиб, даромад ёки воситачилик қилувчи ўнлаб фирмалари, уларнинг шўба корхоналари очилди. Рус фабрика ва заводларининг сифатли ва арзон товарлари кириб кела бошлади. Хива хонлигида Каспийорти ва Бухоро амирлигида Термиз темир йўллари қурилиши билан темир йўл атрофларида бирин-кетин рус қишлоқлари

---

<sup>1</sup> Д. И. Логофеть. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. С.П.Б. 1909, 300-340-бетлар.

пайдо бўлиб, уларни бошқариш қуйидагиларга асосланган эди: 1) Бухоро маъмурларининг бу қишлоқлар ишларига аралашмаслиги; 2) Рус аҳолисининг экстерриториаллиги ва юрисдикциясининг мустақиллиги маҳаллий ҳуқуқ ва судловликка боғлиқ эмаслиги; 3) “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”ни, шунингдек, Россия империяси қишлоқлари доирасида амалда бўлган барча қонунларни ҳамма жойда қўллаш; 4) маъмурий бошқарув бўйича барча мансабдор шахсларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан тайинланиши.

1895 йилга келиб бу давлатларда Россиянинг божхона қоидалари жорий қилинди. Бу даврда иккала давлатда ҳам доимий кўшин (асокири низомия) ташкил топди. Бухорода сарбозлар сони XIX аср бошларида тинчлик вақтида 10.000 кишини ташкил қилиб, улар хазинадан маош олмай, фақат “танҳо” мулки олиб, шундан келган даромад ҳисобига яшашарди. Рус саноатига пахта тайёрлаб бериб, фойда олувчи савдогарлар баҳор вақтидаёқ бўлғуси ҳосилга эгалик қилиш учун деҳқонларга кузги ҳосилни фақат ўзларига сотишлари учун **бўнак** – аванс бера бошладилар ва бу тажриба кенг ёйилди.

Давлат тузилишига, мансаблар мавқеи ва аталишига келсак, улар бу даврда ҳам деярли ўзгаришсиз қолди. Давлат бошлиғи бўлган амир ҳали ҳам ўз фуқароларига нисбатан ҳуқуқи чекланмаган ҳукмдор эди. Аммо амирга рус армиясининг генерал-майор унвони берилиши хизмат бўйича у Рус давлати олдида Туркистон генерал-губернаторидан паст даражада туришига ишора эди. Бухоро ҳомийлик остида бўлса-да, у ерда ҳам қушбеги, қозикалон, раис-эшон ва миршаддан иборат тўрт ҳокимиятчилик кучли эди. Аста-секинлик билан қозилар кенгашининг ташкил топиши бу ердаги суд тизими янгиликларидан бири бўлди. Ҳар йили Наврўз ойларида қозилар кенгаши чақирилиб, уч кун ичида қозикалонга тушган шикоятлар амир, 12 муфтий, аълам, қозикалон иштирокида кўриб, ҳал этила бошлаган. Уларнинг қарори қонун кучига эга эди. Бухоро амирлигида суд икки кўринишда бўлган деб ҳисоблаш мумкин, чунки жиноят ишлари, амлоқдорлар, қушбегилар ва беклар суд ишларини амирнинг шахсан ўзи кўриб ҳал этган. Қозилар суди фуқаролик,

оила, ерга ворислик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўрган ва қисман нотариуслик ваколатини ҳам бажарган. Амалдорлар ҳам аҳамиятли жиноят ишларини кўриб, асосан, жарима солиш, қамаш жазоларини қўллашган. Бек йирик жиноят ишларини кўриб, жарима солиш ва уч йилгача қамоқ жазоларини қўллаши мумкин эди. Бекларнинг қарор-ҳукмлари устидан қушбегига шикоят қилинган. Одам ўлдириш, талончилик, исён, ҳокимиятга қарши қаратилган жиноятларга кўпинча ўлим жазоси берилиб, қушбеги томонидан тасдиқланган ва дарҳол амирга етказилган.

Ҳар бир бекликда қозилар ва бош қозилар иш кўрган. Тергов-суриштирув вақтида тан жазоси – таёқ билан уриш қўлланилган.

Маъмурий-доиравий тузилиши бўйича бу даврда Бухоро амирлиги 29 вилоят (беклик)дан иборат бўлиб, қушбегининг тавсиясига кўра, уларни амир томонидан тайинланадиган ҳокимлар (беклар) бошқарарди. Амирликнинг пойтахти бўлган Бухоро шаҳри эса бу жиҳатдан алоҳида маъмурий бирликка ажратилган бўлиб, қушбеги томонидан бошқариларди. Бундан ташқари, шаҳар тўққиз амлокдорлик (туманлар)га бўлинган бўлиб, амлокдорлар ҳам қушбеги тавсиясига кўра, амир томонидан тайинланарди.

Мазкур даврдаги ҳуқуқ манбалари юқоридаги мавзуда кўриб чиқилган эди. Бунга қўшимча яна шуни кўрсатиш мумкинки, шариат ҳуқуқининг таъсири бу даврда ҳам кучли бўлиб қолаверди.

Бухоро амирлигида бу даврда қуйидаги асосий жазолар қўлланилган: а) пул жарималари; б) таёқ билан уриб тан жазоси бериш; в) қамоқ ёки амлокдорхонага қамаш; г) беклик марказидаги қамоқхона – турмага қамаш; д) умрбод ҳарбий хизматга ёзиш; е) қарзлари учун қарамликка бериш; ж) қатл этиш. У ёки бу жазолар биргаликда берилиши ва қўлланилиши ҳам мумкин бўлган. Қамоқхоналарда сақлаш жазони ўтовчи ёки унинг қариндошлари ёки жамоат ҳисобига бўлган. Бухоро қамоқхоналари жуда даҳшатли бўлиб, унинг канахона, чаёнхона деб аталувчи хоналари бўлган, улар тор, ёруғлик кам тушадиган, бўғиқ

ҳаволи бўлганлиги устига маҳбус бўйнидан занжирлар билан деворга боғлаб қўйиларди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Бухоро амири ўз халқига нисбатан олганда, мутлақ ҳоким (абсолют монарх) ҳуқуқидаги ҳукмдор, давлат бошқаруви жиҳатидан эса динга таянган Шарқ яккаҳокимлиги шаклидаги давлат бўлиб қолаверди. Россия империясига нисбатан олганда, унинг чекка бир губернияси сифатидаги бу давлатнинг бошлиғи Россия императори томонидан тасдиқланиб, расман унинг адъютанти – шахсий хизматкори ҳисобланган. Халқаро ҳуқуқ қоидаларига кўра эса, у енгилган, аммо ҳомийлик остидаги вассал тарзида сақлаб қолинган давлат эди. Умалан олганда, Бухоро амирлигига бу даврда қўйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар хос бўлди: товар-пул муносабатлари ривожланиб, алмашув кенгая бошлади; саноат – асосан ишлаб берувчи, хом ашё тайёрлаб, уни жўнатиб, етказиб берувчи тармоқларнинг вужудга келиши кучайди; маҳаллий аҳоли ўртасидаги рус саноатига пахта ва бошқа хом ашёларни етказиб берадиган савдогар капиталистлар етишиб чиқди; подшо амалдорлари маҳаллий аҳолидан турли йўллар билан серҳосил, сувли ерларини тортиб олиши натижасида деҳқонлар орасида ижарачилик, батракчилик, ҳиссабойчилик кенгая борди; Туркистон ўлкаси бундан кейин Рус ҳукуматига бўйсунмаган, унга қаршилиқ кўрсатган кишилар ҳамда инқилобчилар учун сургун ёки бадарға жазоларини ўташ жойларидан бирига айланди.<sup>1</sup>

### **Хива хонлиги**

Россия билан 1873 йилда тузилган тинчлик шартномасига кўра, Хива хонлиги XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россия давлати ҳомийлиги (протекторати) остидаги давлатга айланди. Унинг таркибига ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятлари кирди. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ер-

---

<sup>1</sup> Бу даврда Бухоро ва Хива давлатларида ҳуқуқнинг тармоқлари бўйича ривожланиши, унинг асосий белгилари ҳақида батафсил қаранг: Материалы к истории государства и права Узбекистана Т., “Фан”, 1958.

ларда эса, маркази ҳозирги Тўрткўл (Петро-Александровск) бўлган Амударё бўлими тузилиб (1873-1918), Туркистон генерал-губернатори Хива хонини шу бўлим бошлиғи орқали назорат қилиб турарди.

Рус сармояси саноат, савдо ва қишлоқ хўжалигига кириб келиши натижасида асосан, хом ашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар, пахта тозалаш, ёғ, терикўнчилик заводлари, темир йўллар қурила бошлади. Иқтисоди, айниқса, пахта етиштириш рус саноати ва бозори эҳтиёжларига мослашиш йўлидан борган Хива хонлиги бутун Ўрта Осиё сингари подшо Россиясининг асосий хом ашё базасига айлана борди.

Ушбу даврда ҳам Хива хонлигида ер мулки эгаллигининг асосан уч тури: мулк – хусусий ер эгаллиги; подшолик ёки амлок – давлат ерлари; вақф ерлари, яъни руҳонийлар ва диний муассасаларга тегишли ерлар. Хон ўзининг сиёсий таянчлари доирасини кенгайтириш мақсадида кўплаб давлат ерларини махсус ёрлиқ билан хизмат эвазига ҳадя қилиб бера бошлади. Бундай ерлар солиқлардан озод бўлиб, **ёрлиқлик мулки** деб аталади.

Барча солиқ тўловчи аҳоли ерларининг миқдорига қараб, уч даражага бўлинган: 1) аъло – олий даража – 10 таноб ва ундан ортиқ ерга эгалик қилувчилар, булар 3 тилла солиқ тўлаганлар; 2) ўрта (авсет) – 5 танобдан 10 танобгача ери бўлиб, 2 тилла солиқ тўловчилар; 3) қуйи – 1 танобдан 5 танобгача ери бўлиб, 1 тилла солиқ тўловчилар. Умуман олганда, хонликда доимий ва муваққат кўринишдаги 25 дан ортиқ солиқлар ва йиғимлар амалда бўлган. Ўзларининг ер мулкларига эга деҳқонлар давлатга ер солиғи тўлаганлар. Ерли ва ерсиз деҳқонлар асосий кўпчилиқни ташкил қилиб, ерсизлари ижарачилар ҳисобланган. Ижарачи деҳқонлар фойдаланиб туришга олган ерлар кимга тегишлилигига қараб, уч турга бўлинган: а) **беватан** – давлат ерларининг ижарачилари; б) **коранда** – хусусий ерларнинг ижарачилари; в) **вақфдор** – вақф ерларининг ижарачилари.

Давлат тузуми хусусида айтиш мумкинки, гарчи Хива хонлиги устидан Россия империясининг ҳомийлиги ўрнатилган бўлса-да, бу ердаги олий ҳокимият хонга тааллуқ-

ли бўлиб қолаверди. Аммо Хива хонининг ташқи сиёсати тўлалигича ва ички сиёсати қисман чегаралаб қўйилди. Россия протекторати остидаги Хива хонлигининг ҳуқуқий ҳолати унинг атрофини рус қўшинлари эгаллаган пайтда, яъни 1873 йил 12 августда Хива хони билан Россия ҳукумати орасида тузилган шартнома билан белгиланди. Хон ўзини Бутун Россия императорининг “Итоаткор хизматкори” деб тан олди. Унинг қўшни мамлакатлар билан дипломатик алоқалари тугатилди. Шартнома хоннинг ташқи алоқалар ҳуқуқини йўқ қилиб, давлатнинг халқаро-ҳуқуқий ҳолатини ўзгартирди ва уни Россия олдида вассал давлатга айлантирди. Шу билан хон мамлакатнинг ички бошқарувида ҳам мустақилликдан маҳрум бўлди: мамлакатнинг барча маъмурий ва ҳарбий мансабдор шахсларини тайинлашда Туркистон генерал-губернаторининг розилигини олиши лозим эди. 1873 йилдаги шартномага мувофиқ, хон ҳукумати фаолиятини назорат қилиш ва у билан Туркистон генерал-губернаторининг алоқаларини йўлга қўйиш учун етти аъзодан иборат таркибда кенгаш (девон) тузилиб, улардан тўрт киши подшо маъмуриятининг вакиллари эди. Кенгаш раиси хон бўлса-да, унинг қарорлари Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори томонидан тасдиқланарди. Амударё бўлими тузилгач эса, шу бўлимнинг бошлиғи амалда Россия ҳукуматининг Хива хонлигидаги дипломатик вакилига айланиб,<sup>1</sup> кенгаш тугатилди. Губернатор ваколатига эга бўлган Амударё бўлими бошлиғи хон ва унинг ҳукумати фаолияти устидан назорат қилиб турарди. Ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910), Бухоро амиридан фарқли ўлароқ, мустақилликка интилган. Зукко давлат арбоби ва маърифатпарвар инсон бўлган, халқ ўртасида Феруз шоир сифатида шуҳрат қозонган хон Афғонистон амири, Туркия ва Англия вакилларини яширин қабул қилгани ҳамда қандайдир музокаралар олиб боргани ҳақида Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг махсус бўлими, округ штаби

---

<sup>1</sup> А. И. Ишанов, Х. С. Саматова, Ш. З. Уразаев. История государства и права Узбекистана. Часть I, Т., “Ўқитувчи”, 1969 й. 130-бет.”

контрразведкаси ахборотлари мавжуд.<sup>1</sup> Хивада ўтказилган бож ислоҳоти (1885) хонликни рус моллари бозорига айлантиргани, пул ислоҳоти эса (1900-1907) иқтисодий ва маъмурий мушкул аҳволга солгани хонни ана шундай ҳаракатларга ундаган эди. Шунга қарамай, Хоразм хонлиги бу даврда ҳам мутлақ яккахоқимликка – монархияга асосланган давлат кўринишини сақлаб қолди. Ҳуқуқий жиҳатдан давлат бошлиғи тахтни меросий эгаллайдиган хон бўлиб, қонунчилик, маъмурий ҳамда олий суд ҳокимияти ҳам унга тааллуқли эди. У барча ер, сувларнинг эгаси ҳисобланиб, давлатни ер эгалари бўлган зодагонлар, рухонийлар ва олий унвонли ҳарбийларга таяниб бошқарган.

**Қушбеги** хонликнинг олий мансабдорларидан бўлиб, биринчи вазир даражасида мамлакатнинг жанубий қисмини бошқарган ва хазинага солиқ ҳамда йиғимлар тушишини кузатиб борган. Иккинчи ўриндаги меҳтар лавозимининг эгаси асосан, молиявий масалаларни ҳал қилиш билан бирга хонликнинг шимолий қисми аҳолисини бошқарган. Лекин мансабларнинг ваколатлари аниқ чегаралаб қўйилмаган. Биринчи вазирлик ваколати кўпинча алмашиб, гоҳ қушбеги, гоҳ меҳтар ёки девонбеги қўлига ўтиб турган.

Муҳаммад Раҳимхон II даврида мамлакатни бошқариш Муҳаммад Мурод **девонбеги** қўлида тўпланган. Хива хонлигида суд тизимига келсак, у деярли аввалги даврлардагига ўхшаш бўлган. Хон исёнчилик, талончилик ва шундай гуруҳлар бошлиқларининг жиноий ишлари юзасидан энг олий суд (ва судловни) амалга оширган. Ундан кейинги ўринларда қози ул-куззот ёки қозикалон (олий судья), фуқароларнинг фуқаролик ва жиноий ишларини шариат мезонлари асосида кўриб ҳал этувчи қуйи судлар **қозилар**, ҳарбийларнинг ишларини кўрувчи **қози аскар** (ёки сипоҳийлар қозиси), **нақиб** – уруш ҳаракатлари давридаги катта қози, шунингдек, кейинчалик вужудга келган апелляция (шикоят) поғонаси қозиларининг кенгашлари – **“Ҳайъат ул-фуқаҳо”** (“Фақиҳлар хайъати”), диний ишлар, уламоларнинг ишлари юзасидан **“Маҳкамаи**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор муе тамлакачилиги даврида. 213-бет.

**шаръия**” (“Диний ишлар маҳкамаси”) каби судлар турган. Диний масалаларда вужудга келадиган ишлар юзасидан олий ҳакам **шайхулислом** ҳисобланган.

Булардан ташқари, шу даврда хонликда тартиб-интизомга масъул бўлган мансабдор – **эшон раис**, **қўшин бошлиғи**, **ясовулбоши**, миршаб – полиция бошлиғи бўлган. Хива хонлигига тобе бўлган кўчманчи аҳоли: туркманлар, қорақалпоқ ва қозоқларда кўпгина ҳолларда фуқаролик ва жиноят ишлари одат ҳуқуқлари асосида уларнинг бошлиқлари – **бийлар (суди)** кенгашларида кўриб, ҳал этилган.

1873 йилдаги шартномага кўра, Хива хонлиги доирасидаги рус фуқароларининг жиноий ишлари ёки уларнинг ўзаро низолари, хиваликларнинг уларга бўлган даъволари рус судларига тааллуқлилиги мустаҳкамланган. Хива хонлиги бу даврда ҳам маъмурий-доиравий тузилиши жиҳатидан 20 беклик, 2 ноибликка бўлинган бўлиб, бекликлар бошида ҳокимлар, ноиблар, ноибликлар бошида ноиблар турган, улар ҳам хон томонидан тайинланиши ёки озод қилиниши мумкин эди. Бу ерда пойтахт – Хива шаҳри алоҳида округ (вилоят ҳуқуқида) ҳисобланиб, у хон томонидан бошқарилган.<sup>1</sup> Суд жараёни, гарчи жиноят ва фуқаролик ишларини алоҳида-алоҳида тартибда кўришнинг қоидалари (бир-биридан ажратилган) бўлмаса-да, у расмий (ёзма) характерга эга эди. Бизгача кўплаб суд-нотариал ҳужжатлар етиб келганлиги бунга мисол бўла олади. Жумладан, яқинда япон олимлари билан ҳамкорликда нашр этилган “Хива суд ҳужжатлари каталоги” бунга ёрқин далилдир. Суд тортишувли мазмунда, мажлислари очиқ, оғзаки тартибда олиб борилиб, қарор дарҳол қабул қилинган.

Ҳуқуқ тизими тўғрисида айтиш лозимки, фақат Туркистон генерал-губернаторлиги доирасидагина эмас, балки Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида ҳам маҳаллий халқ учун ҳуқуқнинг асосий манбаи шариат ҳуқуқи, шунингдек, одат ҳуқуқлари бўлиб қолаверди. Аммо шуни

---

<sup>1</sup> Х. С. Саматова. Основные черты общественного и государственного строя Хивинского ханства (Материалы к истории государства и права Узбекистана) Т., “Фан”, 1958, 134-бет.

алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқи масалаларида хоннинг фармонлари ҳам ҳуқуқ манбаига айланган. Ҳатто ана шу ҳужжатлар асосида шариатда кўрсатилмаган жазолар ҳам тайинланган. Бир томони Россия фуқароси бўлган фуқаролар ва жиноят ишларига нисбатан эса мустамлакачилик ҳуқуқи қўлланилган. Шунини таъкидлаш лозимки, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши билан бу ҳомийлик остидаги давлатларга ҳам Европа ҳуқуқининг институтлари бўлган банк ҳуқуқи, акционерлик ҳуқуқи, вексал, темир йўл транспортида юк ташиш ҳуқуқлари аста-секин кириб кела бошлади.

Марказий Осиёнинг туб халқларидан бири – шу жойда элат, халқ, миллат сифатида шаклланган ўзбек халқи инсоният тараққиёти, маданияти, илм-фанни соҳаларига, жумладан, давлат ва ҳуқуқ маданияти ривожланишига катта ҳисса қўшди. Тарихий тараққиётнинг ҳар қайси муайян бўлагиде эга бўлган маълум шаклдаги давлатчилик ва ҳуқуқ тизими ҳам ўзбек халқи бой тарихий меросининг бир қисмини ташкил этади.

Тарихий манбалар, археологик тадқиқотлар ва улар асосида чиқарилган хулосалар милоддан аввалги VII асрдаёқ ватанимизда давлат ва ҳуқуқнинг ташкил топиши учун шарт бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий асослар етилганлигини ва 2700 йил муқаддам Хоразмда илк давлат уюшмалари ташкил топганлигини тасдиқлайди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган қадимги давлатлар кўплаб халқ, элатларни ўзида бирлаштириб, уларнинг кўпчилиги Шарқ мамлакатларига хос суғориш ҳавзаларида, баъзилари чўл-даштларда “халқ шартнома-си”га асосланган дашт давлати сифатида ҳам ташкил топган. Бу давлатлар бошқарилиши жиҳатдан яккаҳоқимлик, тузилишига кўра салтанат (империя)дан иборат эди.

Араблар даврида араб давлатчилигига хос манбалар, давлатни бошқариш удумлари ва мусулмон ҳуқуқи кириб келди. Бу ҳуқуқ барча ҳуқуқ тизимларини алоҳида тизим сифатида сиқиб чиқариб, ҳукмрон ўринни эгаллади. Марказий Осиё халқлари ислом дини ва унинг ҳуқуқшунослигини қабул қилдигина эмас, балки унинг муаммоларини ишлаб, йирик ва теран илмий асарлар яратиб, Мовароуннаҳр фикҳ мактабини вужудга келтирди. Бу мактабнинг вакиллари шариат ҳуқуқининг назарий ва амалий асосларини ривожлантиришга, унинг манбаларини такомиллаштиришга ҳам катта ҳиссаларини қўшиб, деярли барча мусулмон марказларидаги мадрасаларда фикҳдан сабоқ бердилар. Самарқандда яшаб ижод қилган муҳаддислар, фикҳшунослар мероси билан қисман бўлсада танишиш бу ерда фикҳ мактаби вужудга келиб, баракали фаолият кўрсатганлиги ва мўғуллар ҳукмронлиги

давригача Марказий Осиёда машхур бўлганлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Ҳатто мўғуллар даврида ҳам шариат маҳаллий мусулмон аҳолиси учун асосий ҳуқуқий манба бўлиб қолаверди. Мўғул ҳукмдорлари ва улар билан бу ерга келган мўғул-турк қабилалари орасида Чингизхоннинг Ясоси, ёзилмаган одат ҳуқуқлари кейинчалик, Темурийлар ва Шайбонийлар даврида ҳуқуқнинг ривожланишига маълум даражада таъсир қилиб, унинг баъзи қоидалари, жумладан, қўшинлар қурилиши, жиноят ва жазо масалалари шулар асосида ҳал этилди.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихининг марказий бўғинини Амир Темур давлати ташкил этади. Бу давлат марказлашган мутлақ яккаҳокимлик (монархия) шаклидаги империя давлати бўлиб, унда шариат ҳуқуқига асосланган дунёвий қонунчилик ривожланди. Ўзига хос ҳуқуқий ва ҳарбий маъмурий кодекс ишлаб чиқилиб, кейинги давлат бошлиқлари ҳам давлатни бошқаришда шунга амал қилдилар. Тархонлар ҳокимиятининг кучайиши натижасида Темурийлар давлати бошқа бир ўзбек сулоласи – Шайбонийлар томонидан емириб ташланди. Бу икки давлат, икки сиёсий кучни ўзбек халқининг ташкил топиши масаласида бир-бирига қарама-қарши қўйиш ғайри илмий усулдир. Ушбу ўринда фақат сулолалар алмашинуви юз берган, холос. Бу алмашинувни ўзбек халқи ташкил топишидаги икки қатлам – туркийларнинг ўтроқ қисми билан кўчманчи чорвадор ҳамда деҳқон тоифаларининг туб бирлигига мустаҳкам боғланган яхлит бир тарихий-миллий жараён сифатида тушунмоқ керак. Чунки бу сулолаларни ташкил қилган халқлар жойлашиб турган жўғрофий муҳитига қарамай, уларнинг келиб чиқиши, уруғлари, айрим ҳолларда турмуш тарзи, диний эътиқоди ва тили бир хил эди. Илгаридан бир-бирларига таъсир этиб, ривожланиб келган бу сулолалар ўртасида ҳатто қон-қариндошлик мавжуд бўлганлигини ҳам ҳеч ким инкор қилолмайди.

Давлатшунослик нуқтаи назаридан XVI асрни Шайбонийлар даврининг ижобий босқичи деб ҳисоблаш мумкин. Шу даврда эронийларнинг Марказий Осиёга юриши тўхтатилди, марказлашган давлат ва нисбий тинчлик вужудга келтирилди. Абдуллахон II олиб борган давлатни

марказлаштириш сиёсати айнан шу даврга тўғри келади. Бу даврдан жуда катта ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари (ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари) ҳамда хонларнинг топшириғи билан тузилган қўлланмалар етиб келган. Бу эса улар ҳукмронлик қилган йилларида ҳуқуқни ривожлантиришга, яхлит кодекс сифатидаги тўпламлар тузишга астойдил интилганликларини кўрсатади.

Шундан кейин – XVII-XIX асрларда эса Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида сиёсий тарқоқлик даври ҳукм суриб, таҳлил қилинаётган соҳалар ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Шунга қарамай, ўша даврдан ҳуқуқни ўрганишда кўмаклашувчи кўплаб манбалар етиб келган. Уларни ўрганиш бизга шу вақтларгача баъзи адабиётларда ҳукмрон бўлиб келган қозилар судида иш оғзаки, пала-партиш юритилган, деган фикрларни инкор қилишга имкон берувчи ва анчагина ривожланган иш юритиш бўлганлигини исботловчи маълумотлар мавжудлигини кўрсатади (“Васиқалар тўплами”, “Кўкча суд ҳужжатлари”, “Хива суд ҳужжатлари” ва бошқалар).

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирги Ўзбекистон доирасидаги мавжуд сиёсий тарқоқликдан фойдаланган Чор Россияси ўзининг мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиқиб, бутун Туркистонни босиб олди. Бу ерда Англия мустамлакачилик услубидан фарқ қилмаган, баъзан эса ундан ҳам ошиб тушган ярим ҳарбий, халқларни асоратда тутиш тизими ўрнатилди. Туркистоннинг азалдан шаклланиб, қарор топиб келган ҳуқуқий тизимига катта ўзгартишлар киритилиб, зулмкор мустамлакачилик жорий этилди. Бунда, қисман, Англия истилочи империясининг тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий халқ учун шариат ҳуқуқига руҳеат этилди. Мустамлакачилик ҳарбий режими (бошқариш услуби) ва жазо сиёсати юргизилди. Шу даврда империя ҳуқуқи, маҳаллий халқларнинг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган мустамлакачилик ҳуқуқи, маҳаллий халқлар учун шариат ҳуқуқи, қисман одат ҳуқуқлари амалда бўлди. Империя қонунчилиги билан бирга Туркистон ўлкасига Европа ҳуқуқининг институтлари: банк-коммерция, вексел, кредит, тоғ-кончилик ҳуқуқи, хусусий соҳибкорлик ҳуқуқлари ёйилди.

Ўтмишда бўлган ана шу давлатлардан бизга улкан ҳуқуқий мерос қолган бўлиб, у бутун дунёда ўрганилиб, қадрлаб келинмоқда. Давлат фаолияти, юридик амалиёт туфайли ҳам турли шакл ва мазмунга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бой бисотимиз бор. Булар ҳуқуқ-шуносларнинг Ўзбекистонда ҳуқуқнинг тарихий шакллари ни ўрганиш манбалари бўлиб хизмат қилувчи асарлар, уларга ёзилган шарҳлар, фатволар тўпламлари, вақфнома-лар, васиқалар, ёрлиқлар ва ниҳоят, тузук ҳамда қўлланмалардир.

Ушбу дарслик доирасида ўрганилган Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихининг муаммолари халқимизнинг ўрناق бўладиган даражада устун сиёсий-ҳуқуқий меросга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Юқорида таҳлил этилган давлатларнинг ҳуқуқ манбалари – тузуклар, Мовароуннаҳр фикҳ мактаби вакиллари-нинг асарлари, ривожланган одат ҳуқуқлари, низом-рисолалар бунга яхши далилдир.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи фани учун бу манбаларнинг аҳамияти шундаки, биз уларни ўрганиш асосида халқимиз бир неча минг йиллик тарихи давомида ниҳоятда бой ҳуқуқий мерос яратганлигини, бу эса ҳуқуқий давлат ҳамда ҳуқуқий жамият ҳақидаги ғоялар бизга четдан кириб келмаганлигини, ижтимоий ҳаёт ва давлат бошқарувини ҳуқуқий асосларда ташкил қилиш бизга ота-боболаримиздан қолган мерос эканлигини амалда кўрсатиш имкониятига эга бўламиз. Мазкур дарслик бу соҳадаги илк камтарона уринишлардандир.

Истиқлол ғоясигина эмас, ҳатто амалий тажрибаси ҳам халқимизга азалий мерос бўлиб, аجدодларимиз орқали минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келган. Қарийб 130 йиллик мустамлакачилик, ўтмишдаги ақлий ва руҳий боқимандалик, маънавий ва жисмоний тобелик, ахлоқий-руҳий қарамликдан сўнг бизга қайта насиб қилган мустақиллик беқиёс неъматларни – қадимий анъаналаримиз ва кадриятларимизни қайта тиклаш имкониятини берди.

Республикамиз ўз ихтиёрли, эркин деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ тарихимиз янги саҳифалар билан бойиди. Чунки давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилиб, 1991 йил 18 ноябрда Ўзбе-

кистон Республикаси байроғи, 1991 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Давлатимиз ўз хоҳиш-иродасига кўра, 1992 йил 2 мартда жаҳондаги энг нуфузли ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди, 1993 йил 29 октябрда БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғуланувчи халқаро ЮНЕСКО ташкилоти аъзоллигига қабул қилинди. Тошкентда бу ташкилотларнинг ваколатхоналари очилди, Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. МДХ мамлакатлари билан иш бирлигимиз давом этмоқда.

Буюк келажак сари дадил олға бораётган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашни таъминлаш борасидаги долзарб масалаларнинг кенг ҳамжиҳатликда ҳал қилиниши йўлга қўйилган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олган дунё мамлакатларининг аксарияти билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган, Тошкентда улардан кўпларининг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Ўзбек олимларининг куч-ғайрати билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят эътиборли саҳифалари, энг аввало, Темурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янгидан таҳлил этилиб, ўзбек давлатчилигига оид тадқиқотлар илк бор эълон қилинди. Ҳуқуқшуносларимиз томонидан илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларга эга бўлмоқдамиз.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи ҳуқуқий  
фан сифатида. 5

### БИРИНЧИ БОБ

Ўзбекистонда давлатчиликка ўтилиши (милод-  
дан аввалги II минг йилликнинг ўрталари ва ик-  
кинчи ярми). 18

### ИККИНЧИ БОБ

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши. Илк дав-  
лат уюшмалари ва ҳуқуқи (милоддан аввалги I минг  
йилликнинг биринчи ярми) 24

1. Қадимги Хоразм давлати 26
2. Бақтрия давлати. 29
3. Парфия давлати. 31
4. Ҳуқуқнинг асосий белгилари. .35

## УЧИНЧИ БОБ

Қадимги даврда давлат ва ҳуқуқ (милоддан аввалги IV аср охири милодий IV аср)	40
1. Фарғона (Даван) давлати.	.40
2. Кушонлар давлати	.42
3. Қанха давлати.	.45
4. Қадимги туркийларнинг ҳуқуқий одатлари.	47

## ТҮРТИНЧИ БОБ

<b>Илк ўрта аср давлати ва ҳуқуқи (V-VIII аср ўрталаригача).</b>	<b>50</b>
--	-----------

1. Эфталийлар (Оқ хуннлар) давлати ва ҳуқуқи (487-567 йиллар).	50
2. Турк ҳоқонлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми ва ҳуқуқи (551-744 йиллар).	.51
3. Араблар фатҳи, мусулмон дини ва ҳуқуқининг ёйилиши	62

## БЕШИНЧИ БОБ

<b>I. Ривожланган ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи (IX асрдан Мўғуллар истилосигача бўлган давр)</b>	<b>.68</b>
---	------------

1. Сомонийлар давлати (874-999)	.68
2. Ғазнавийлар давлати (962-1186)	.74
3. Салжуқийлар давлати (1040-1160)	.77
4. Қорахонийлар давлати (990-1212)	.85
5. Хоразмшоҳлар давлати ва ҳуқуқи (1097-1231).	.89

<b>II. Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари ва уларнинг ривожланиши.</b>	<b>.96</b>
--	------------

1. Ҳуқуқ манбалари	.96
2. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби	101
3. Бурҳониддин ал-Марғиноний	.107
4. Муслмон ҳуқуқининг асосий белгилари	111
5. Суд ва суд жараёни	124

### **III. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида давлат ва ҳуқуқ (1219-1370). . . . .130**

1. Чигатой улусининг ташкил топиши	130
2. Давлатни бошқариш	.133
3. Ўзбекистон ҳуқуқининг мўғуллар ҳукмронлиги даврига оид манбалари	136

## **ОЛТИНЧИ БОБ**

### **Амир Темур ва Темурийлар давлати ва ҳуқуқи (XIV асрнинг иккинчи ярми - XVI аср бошлари). . . . .144**

1. Амир Темур давлатининг ташкил топиши.	.144
2. Ижтимоий тузум	147
3. Тархонликнинг ҳуқуқий ҳолати	150
4. Амир Темур салтанатида давлат бошлиғи	153
5. Давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари	.156
6. Ҳарбий қурилиш	159
7. Солиқ тизими	160
8. Ҳуқуқ манбалари	163
9. Темур тузуқлари.	166

## **ЕТТИНЧИ БОБ**

### **XVI аср - XIX асрнинг биринчи ярмида давлат ва ҳуқуқ. . . . . 173**

#### **I. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи (1428-1601). . . . . 173**

1. Абулхайрхон давлати	173
2. Муҳаммад Шайбоний (Шоҳбахт) давлати	175
3. Ҳуқуқнинг манбалари ва асосий белгилари.	182
4. Ҳуқуқий одатлар	185
5. Ҳунармандларнинг рисолалари	193
6. Ҳужжатлар ҳуқуқни ўрганиш манбалари сифатида	194

## **II. Бухоро амирлиги. Хива ва Қўқон хонликлари давлати ва ҳуқуқи . . . . . 205**

1. Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий тузуми .	205
2. Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми .	210
3. Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми (1710-1876).	219

## **III. Ҳуқуқнинг асосий манбалари ва белгилари. . . . . 225**

1. “Мажмаъ ал-арқам” ҳуқуқни ўрганиш манбаи сифатида.	225
2. Ўзбек хонликларида жиноят ҳуқуқининг асосий белгилари.	232

## **САККИЗИНЧИ БОБ**

### **XIX асрнинг иккинчи ярми давлати ва ҳуқуқи. . . . . 239**

1. Чор Россиясининг истилоси ва мустамлакачилик тизимининг ўрнатилиши	239
2. Россия империяси ҳукмронлиги остидаги Туркистон ўлкаси ҳуқуқининг асосий манбалари.	250
3. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг ҳомийлиги (протекторати) остидаги Бухоро амирлиги	

лиги ва Хива хонликларининг ижтимоий-сиёсий  
тузумидаги ўзгаришлар .258

ХУЛОСА . .269

**Зиёдулла МУҚИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ  
ТАРИХИ**

*Ўзбек тилида*

<i>Муҳаррирлар:</i>	<b>Ҳ. Жалолов, Ш. Холмуродов</b>
<i>Расом:</i>	<b>З. Абдурасулов</b>
<i>Техн. муҳаррир:</i>	<b>А. Раҳимов</b>
<i>Мусахҳиҳ:</i>	<b>О. Юсуфжанов</b>
<i>Компьютерда саҳифаловчи:</i>	<b>Д. Исамуҳамедова</b>

Босишга 30.05.2003 йилда рухсат этилди. Қоғоз  
бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Босма табағи 8,5. Нашриёт ҳисоб  
табағи 13,5. Буюртма №-174, адади 2000.  
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
ихтисослашган “Адолат” нашриёти.  
Манзил: 700170, Тошкент, Муҳиддинов кўчаси, 26-уй.

Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази  
Манзил: 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

Тошкент Тезкор Босмахонасида чоп этилди  
Манзил: 700200, Тошкент, Радиал тор кучаси 10-уй.